

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ХАЛКАРО ТУРИЗМ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ» КАФЕДРАСИ

«ВАЛЕОЛОГИЯ АСОСЛАРИ»

Тошкент - 2007 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ХАЛКАРО ТУРИЗМ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ» КАФЕДРАСИ

«ВАЛЕОЛОГИЯ АСОСЛАРИ»

Укув кулланма

(бакалавриатнинг хамма йуналашлари учун)

Ибадуллаева Х.Т., Абдурахманова Д.Т.

«Валеология асослари» (укув кулланма) Т., ТДИУ, 2007

МУНДАРИЖА

1	Боб. КИРИШ.....	6	
1.1.	Валеология – одамнинг индивидуал саломатлиги тўғрисидаги фан.....	6	
1.2.	Валеология – интегратив фан сифатида, тиббий фанлар, анатомия, генетика, жисмоний тарбия назарияси, экология, психология фанларининг далиллари асосида вужудга келган.....	8	
2	Боб. ВАЛЕОЛОГИЯ	ФАНИНИНГ	
	ТАРИХИ.....	13	
2.1.	Валеология фанининг тарихи. Валеология фанининг асосчилари - Брехман И.И., Казначеев В. ва бошқалар.....	13	
2.2.	Валеология фанининг мақсадлари, муаммолари ва вазифалари. Валеология услублари.....	15	
2.3.	Абу Али Ибн Сино жисмоний машқларнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ҳақида.....	20	
2.4.	Одам саломатлиги ҳақидаги ҳозирги замон тушунчалари.....	22	
2.5.	«Саломатлик» тушунчасининг таърифи. Саломатлик концепциясининг асосий ҳолатлари.....	25	
2.7.	Организмнинг «нормаси» ҳакида тушунча. Саломатлик ва «норма» орасидаги богланишлар.....	31	
3	Боб. ОНТОГЕНЕЗ	НАЗАРИЯСИ	ВА
	САЛОМАТЛИК	34	

3.1. Онтогенез тушунчасининг таърифи. Онтогенезнинг пренатал (эмбрионал) ва постнатал (туғилганидан кейинги) даврларга булиниши.....	34
3.2. Ургланиш валеологияси. Эмбрионнинг ривожланиши ҳақида тушунча.....	36
3.3. Ҳомиладорлик туғрук.....	38
3.4. Ҳомилага карши воситалар ва уларни қўллаш усуллари.....	41
3.5. Инсон организми ривожланишининг турли давларига хос бўлган саломатлик омиллари кўрсаткичлари.....	51
3.6. «Хавфли» еки заиф даврлар назарияси.....	59
3.7. Одам саломатлигига «хавфли» даврлар таъсири.....	60
3.8. «Хавфли» даврларни тиббиёт соҳасида, спорт амалиётида ва педагогикада ҳисобга олиш зарурияти.....	69
4 Боб. ТИББИЙ НАЗОРАТ УСУЛЛАРИ.....	71
4.1. Болалик даврининг валеологияси. Рационал овқатланиш асослари ва аҳамияти.....	71
4.2. Жисмоний фаоллик тўғрисидаги тушунча. Организмнинг умумий гигиенаси, чиниктириш.....	74

4.3. Мактабгача, мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш усуулари.....	80
4.4. Антропометрия, соматометрия, соматоскопия.....	92
4.5. Турли ёшдаги болаларда жисмоний тайёргарлик даражасини ва жисмоний иш чидамлилигини аниқловчи функционал усуулар.....	94
4.6. Функционал синамаларнинг тавсифи.....	97
5 Боб. ВАЛЕОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ: ИРСИЯТ ВА САЛОМАТЛИК. ҚАРИНДОШЛАР ОРАСИДАГИ НИКОХЛАР.....	100
5.1. Генотип ва фенотип ҳақида тушунча. Генотип негизини ташкил этувчи тузилмалар ва ирсий информацияни наслдан наслга ўтиш қонуниятлари.....	100
5.2. Ирсиятга муҳит омилларининг таъсири. Ирсий ёки тугма касалликлар.....	104
5.3. Ҳозирги даврда ирсий касалликларнинг олдини олишнинг асосий йўналишлари.....	106
5.4. Даун касаллиги, фенилкетонурия: тавсифи, белгилари.....	115
5.5. Ирсий касалликларни генеалогик ва дерматоглифик усуулари билан аниқлаш. Ирсий касалликларни рўйхатга олиш ва назорат қилиш.....	119
5.6. Яқин қариндошлар орасидаги никоҳларнинг саломатлик учун зарари.....	119

6	Боб.	ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР	-	САЛОМАТЛИКНИНГ
		БУЗГУНЧИЛАРИДИР..	123	
6.1.	Заарли одатларнинг таърифи, уларнинг саломатлик учун хавфи.....	123		
6.2.	Чекишнинг одам иш фаолиятига таъсири, асоратлари, чекиш ва спорт. Спиртли ичимликлар ва уларнинг саломатликка таъсири.....	123		
6.3.	Гиёхвандлик хақида тушунча, унинг келиб чикиш тарихи.....	128		
6.4.	Гиёхвандликнинг турлари, унинг клиник аломатлари ва асоратлари.....	133		
6.5.	Гиёхвандликни даволаш ва олдини олиш.....	139		
6.6.				
	Токсикомания.....	1		
43				
7				Боб.
	ОИТС.....	146		
7.1.	ОИТС хақида тушунча, келиб чикиш тарихи.....	146		
7.2.	ОИТСнинг ривожланиш жараени ва инфекциянинг юкиш йўллари.....	149		
7.3.	ОИТСнинг клиник куриниши.....	154		
7.4.	ОИТС инфекциясининг олдини олиш.....	160		
8	Боб. ЙОД ТАНҚИСЛИГИ. ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ....	166		

8.1. Йод танқислиги - ижтимоий муаммо, йод танқислигининг худудлари, сабаблари. Йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар ва унинг	жисмоний	ривожланишга
таъсири.....		166
8.2. Эндемик зоб: клиник кўриниши, ташхиси, даволаш йўллари, профилактикаси.....		
.....	169	
8.3. Йод танқислигининг олдини олиш чоратадбирлари.....		
		174
8.4. Ҳукумат қарорлари ва буйруқлари, мутасадди ташкилотлар, Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот Вазирликлари, нодавлат ташкилотлари, халқаро		ташкилотлари
ҳамкорлиги.....		176
Адабиётлар.....		
.....	179	

1 боб. КИРИШ

1.1. Валеология – одамнинг индивидуал саломатлиги тўғрисидаги фан

Валеология – инсоннинг атроф мухит билан ўзаро таъсиридаги унинг жисмоний, руҳий ва маънавий саломатлиги ҳақидаги; туғилиш пайтидан бошлаб то ёши ўтиб қаригунча саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақида, касалликнинг олдини олиш, касалликдан кейин саломатлик ҳолатига қайтиш, соғлом ҳаётни узайтириш ҳақидаги билимларнинг амалий қўлланишидаги мажмуудир (Тель Л.З., 2001).

Валеология фанининг предмети – инсоннинг индивидуал саломатлиги ва саломатлигининг захиралари, шунингдек соғлом турмуш тарзидир. Валеологиянинг профилактик тиббий фанлардан энг мухим фарқланиши ҳам шунда, чунки уларнинг тавсиялари касалликларнинг олдини олишга қаратилган. Валеологиянинг обьекти – амалда соғлом бўлган, шунингдек касаллик олди ҳолатида бўлган инсондир, ўзининг яшашининг психофизиологик, ижтимоий-маданий ва бошқа жиҳатларининг бутун чексиз турли-туманлигини қамраб турган ҳолида. Айнан шундай инсон то касалланган кишилар тоифасига ўтмагунча соғлиқни сақлаш соҳасининг эътиборидан ташқарида қолади. Валеология эса соғлом ёки хавф гурухида қолган инсонга эътибор қаратиб, асосан соғлом турмуш тарзига ўтиш орқали саломатликни сақлаш учун инсон организмининг функционал захираларидан фойдаланади.

Валеологиянинг усули инсон саломатлигининг захираларини ошириш йўлларини тадқиқ этишдир, у саломатликка интилишни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига ўтиш ва ҳоказоларнинг воситаларини, усулларини ва технологияларини излашни ўз ичига олади.

Валеология инсон саломатлигининг ҳолатини ўрганувчи бошқа фанлардан тубдан фарқ қиласи. Ушбу фарқ шундан иборатки, valeология эътиборининг марказида саломатлик ва соғлом инсон туради, гигиенанинг эътибори марказида эса инсоннинг яшаш мухити ва ҳаётий фаолиятининг шароитлари туради.

Бугунги қунда Республикаиз фуқаросининг саломатлигини ва ҳар томонлама ривожланишини шакллантиришни жисмоний тарбия ва спортсиз

тасаввур этиб бўлмайди. Болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишларини тўғри ташкил этиш - уларнинг саломатлиги ҳамда ноқулай ташқи шароитларга мослашувининг кўрсаткичларига ҳал қилувчи даражадаги таъсири тугрисидаги илмий асосланган маълумотлар мавжуд. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланиш болаларда ва ўсмирларда эзгуликка ишонч ва тетикликни ривожлантиради, Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялади.

Тиббиёт нақадар мукаммал бўлмасин, у ҳар бир кишини барча касалликлардан халос этаолмайди. Инсоннинг ўзи ўз саломатлигининг яратувчисидир, шунинг учун илк ёшидан фаол ва соғлом турмуш тарзини юритиб, чиникиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланиш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва шундай қилиб оқилона йўллар билан ҳақиқий ҳар томонлама ривожланишига эришиш яхши бўлади. Замонавий жамият шароитида, шунга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ривожланишининг хусусиятларини ва қадрият устуворлигининг анчагина ўзгарганлигини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш муаммоси – биринчи даражадаги аҳамиятга эга бўлган муаммодир.

Валеологияни индивиднинг, жамиятнинг ва умуман табиатнинг саломатлиги ҳақидаги фан сифатида ижтимоий фанга ва индивидуал фанга бўлиш мумкин. Индивидуал valeология алоҳида муайян бир одамнинг саломатлигини саклаш, ривожлантириш ва тиклашга қаратилган. Ижтимоий валеология – бу жамиятнинг саломатлигини, жисмоний, руҳий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий саломатлигини саклаш ва тутиб туришдир (Тель Л.З., 2001).

Инсоннинг жисмоний аҳволи юзасидан ғамхўрлик қилиш бизнинг экологик нуқтаи назардан оғир бўлган давримизда алоҳида аҳамият касб этади. Борган сари қўпроқ инсонлар ўз саломатлигини саклашга, уни

яхшилашга эътибор бера бошлайди. Бундай вазифага эришиш воситаси соғлом турмуш тарзи бўлади.

Соғлом турмуш тарзи ўзи нима деган саволга жавоб бериш учун унинг барча таркибий қисмларини кўриб чиқиш лозим. Биз таҳлил қилган ишларнинг муаллифлари уларнинг турлича сонини қайд этади. Лекин бир нечта асосий қисмларни ажратиш мумкин, соғлом турмуш тарзини юритиш айнан шуларнинг пойдеворига қурилади. Уларга қуидагилар киради:

1. Оқилона овқатланиш
2. Жисмоний фаоллик
3. Организмнинг умумий гигиенаси
4. Чиниқишиш
5. Заарли одатлардан воз кечиши

Барча муаллифлар истисносиз биринчи иккита қисмини ниҳоятда муҳимлигини айтиб ўтган. Оқилона овқатланиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш – бу саломатлик формуласидаги ажралмас қисмлар бўлиб, у сиз одам соғлом бўлиши, соғлом қолиши мумкин эмас. Бу энг зарурый шартлар бўлиб, уларсиз саломатликни сақлаб бўлмайди. Учинчи қисм ҳам барча муаллифлар томонидан кўзда тутилган, лекин у ўзи-ўзидан маълум нарсадек алоҳида таъкидланмас эди. МДҲ мамлакатлари тадқиқотчиларининг асарларидағи ўзига хос хусусият – албатта тўртинчи қисмини, яъни танани чиниқтиришни киритиш эди. Хорижий тадқиқотчиларнинг алоҳидаги хусусияти эса заарли одатлардан воз кечишига эътибор бериш бўлган.

1.2. Валеология – интегратив фан сифатида, тиббий фанлар, анатомия, генетика, жисмоний тарбия назарияси, экология, психология фанларининг далиллари асосида вужудга келган

Валеологияни индивиднинг, жамиятнинг ва умуман табиатнинг саломатлиги ҳақидаги фан сифатида индивидуал валеология ва ижтимоий валеологияга бўлиш мумкин.

Ижтимоий валеология, И.Е. Шкондинанинг фикрича (2007), бу - жамиятнинг ҳам жисмоний, ҳам рухий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий саломатлигини сақлаш ва тутиб туришдир. Уни қўйидагиларга бўлиш мумкин:

А) тиббий-биологик валеология, у умумий гигиенани, ижтимоий психогигиенани (оила, жамоа, умуман жамиятнинг психогигиенасини), спорт, экологик жиҳатларини ўз ичига олади;

Б) иқтисодий валеология жамиятнинг ва унинг айрим вакилларининг турмуш даражасини, аҳолининг бандлик даражасини, саноат ишлаб чиқариш даражасини ва ҳоказоларни кўриб чиқади;

В) ижтимоий валеология жамиятнинг ижтимоий тузилишини, таълимнинг даражасини, илмий салоҳиятини, ижтимоий ташкилотлар, маданият ва санъатнинг даражасини кўриб чиқишига қаратилган.

Хўжаликнинг исталган соҳаси, инсон фаолиятининг исталган тури, исталган касби ўз моҳиятига кўра валеологияга боғлиқ эканлигини сезиш қийин эмас.

Уларнинг ичида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Тиббий-биологик жиҳатлар билан боғлиқ бўлган ҳам индивидларнинг, ҳам умуман жамиятнинг жисмоний ва рухий саломатлигини таъминлайдиган касблар (шифокор, гигиенист, биолог)
2. Маънавий ҳаёт ва психика билан боғлиқ бўлган касблар (психолог, ўқитувчи, педагог-тарбиячи, диний арбоб, социолог, санъат намоёндалари)
3. Фаолият маркази – ҳам умуман жамиятни, ҳам айрим индивидларни моддий таъминлаш бўлган касблар. Булар ишлаб чиқариш меҳнати билан шуғулланувчиларнинг кўпчилигидир, масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, машинасозлик, турар жой ёки ижтимоий қурилиш, транспорт ва бошка соҳалар
4. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши билан боғлиқ бўлган касблар.

Бу жамиятнинг доирасида тартибни саклашга, давлатнинг

хавфсизлигига, давлат ва жамият ривожланишининг умумий стратегиясига қаратилган олий савиядаги қасблардир

Бунда фаолият турининг, қасбнинг (глобал маънода) валеологик йўналтирилганлиги очик-ойдин қўриниб турибди. Уларнинг ҳаммасининг вазифаси, бир томондан, ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал ҳаётни имкони борича тўлароқ барқарорлаштириш; иккинчи томондан, жамиятнинг янада ривожланиши учун қулай шароитларни таъминлаш, бу эса фақат кенг тарғибот, маърифий ишлари олиб борилган ҳолдагина мумкин бўлади.

Ўз саломатлигини сақлаб қолиш учун ҳар бир инсон энг аввало қасалликни ўз организмига киритмасликка имкон берувчи минимал билимлар мажмуига эга бўлиши лозим. Ўзининг билимсизлиги ёки ота-она билимсизлиги эканлигидан қатъий назар, ушбу билимсизлик барча қасалликларнинг ягона сабаби эканлиги туфайли бу жуда долзарб вазифадир.

Валеологиянинг асосий вазифаси ва мақсади: табиатнинг саломатлиги, бундан эса жамиятнинг саломатлиги ва ҳар бир алоҳидаги инсоннинг саломатлиги келиб чиқади. Ҳозирча қўпчилик валеологияни фақат соғлом турмуш тарзи учун йўриқнома деб билади, лекин у анча кенгрокдир. Аслида бу тиббий, биологик фанларнинг, жисмоний тарбиянинг бошқа барча фанлар ва инсон фаолиятинринг бошқа йўналишлари билан узвий бирикишининг мевасидир, бу ҳаёт фалсафасидир.

Хар бир қасалликнинг юзага келиши ва ривожланишида ҳам патогенетик (қасаллик туғдирувчи) омиллар, ҳам валеологик (саломатликни юзага келтирувчи) омиллар teng равишда иштирок этади, қасаллик – бу патогенетик ва валеологик механизларининг ўзаро таъсири натижасидир. Буларни мақсадли рағбатлантириш инсон билан шуғулланувчи мутахассиснинг асосий вазифасидир.

Валеологиянинг эътибор марказида турган обьект – бу, биринчидан – соғлом инсон; иккинчидан – унинг бутун атрофи ва таъсир этувчи омиллар; учинчидан – патологик жараённинг ривожланиш сабаблари, организмни

саломатлик ҳолатига қайтариш механизмлари, ҳимоя-мослашув механизмлари, бошқача айтганда – даволаниш, ва нормага қайтиш жараёнлари; тўртинчидан – профилактик ва соғломлаштириш чора-тадбирлари; ва ниҳоят бешинчидан – қаришнинг механизмлари ва аломатлари, ҳамда қарилек патологиясининг, ҳам умуман қаришнинг олдини олишнинг эҳтимолий йўллари.

Хозирги замонавий тиббий саломатлик аҳволини саклаб колишга эмас, асосан юзага келган касалликни даволашга қаратилган. И.И. Бреҳманнинг фикрича (1987), «Биргина мақсадга - саломатликка эришини таъкидлаган ҳолда тиббиёт аслида асосан касалликларни даволаш билан шуғулланади. Лекин касалликларни даволаш ҳар доим ҳам саломатликка олиб келмайди. Бундан ташқари, инсон организмида кўпинча нафақат бошидан кечирган касаллигининг излари, балки даволашнинг излари ҳам қолади». Билимлар идрок этилиши учун қулай заминга келиб тушиши ҳам накадар муҳим: исталган одам шифокорнинг тавсияларини тушуниш учун ҳеч бўлмаса бошланғич даражада ўз организмининг тузилиши ва вазифалари билан таниш бўлиши керак. Бу ердаги аҳвол ҳам унчалик яхши эмас.

Маълумот етишмаслиги турли миш-мишларга олиб келади – тиббиёт соҳасида ҳам худди шундай. Тиббий ва гигиеник билимлар етишмаслиги нотўғри фикрларни, турли секталар, табиблар, экстрасенсларни юзага келтиради... Анъанавий соғломлаштириш чоралари билан бирга хозирги пайтда янги, ноанъанавий усувлар пайдо бўлган, улар муайян инсонга қаратилган бўлиб, оқилона жиҳатлари мавжуд. Даволашнинг муайян усувлари турлича бўлиши мумкин. Эсланг-чи, баъзилар қўлинин қўйиб даволайди, бошқалари – уқалашнинг алоҳида тури билан, учинчилари – совуққа ўрганиш, тўртинчилари – иссиқ билан, бешинчилари – маълум парҳез тутиш ва хоказолар билан даволайди. Бундан уларнинг ҳар бири ўз усулини таъкидлаб, уни ёлғиз самарали усул деб эътироф этади. Кўриниб турибдики, ушбу даволаш усувлари ёрдам берадиган bemorлар доираси ҳам айни бир хил. Бундан шу даволаш усувларининг ўзига хос эмаслиги ҳақидаги хulosса келиб

чиқади. Бошқача айтганда, ушбу даволаш усуларининг барчаси организмнинг умумий ҳимоя кучини оширишга қаратилган, бу профилактик жиҳатдан мақбул бўлиб, валеология нуқтаи назаридан маълум аҳамиятга эга. Шунинг учун валеоогиянинг таркиб топиши ва ривожланиши фақатгина янги «модали» фанни яратиш эмас, долзарб вазифадир.

Инсоннинг яхлит организмини мажмуйи ўрганиш ўрнига тиббий-биологик фан маълум босқичда ўта чуқурлашиб, тўқима жараёнларини ҳужайра-молекуляр даражада тадқиқ эта бошлади, шифокорлик фаолиятини эса аъзолар ва тизимларга бўлиб, ихтисослаштира бошладилар. Нафақат «тор» шифокорлик касблари, балки ихтисослашган институтлар ва марказлар пайдо бўлди: кардиология, онкология, жарроҳлик, пульмонология, гастроэнтерология, урология ва ҳоказолар. Бундай ихтисослашув, албатта, клиник тиббиётнинг айрим йўналишларини чуқурроқ ўрганишга ва уларнинг кучлироқ ривожланишига, тиббиётнинг тараққиётига олиб келди. Лекин бунда бу ҳолнинг иккинчи тарафи аниқ намоён бўлди, туб асосий тамойил бузилди – касалликни ва ҳатто беморни эмас, инсонни даволаш лозим. Инсон, унинг ички муҳити – бу макрокосмос бўлган атроф муҳитда яшовчи микрокосмик мавжудотдир. Инсоннинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсиридаги ҳаётий жараёнларининг мураккаб намоён бўлишини ўрганиш учун кенг дунёни идрок эта олиш ва дунёни ҳис этишнинг кенг кўлами лозим бўлади.

Инсоннинг саломатлиги учта асосий қисмдан таркиб топади: унинг тузилиш-функционал саломатлиги, физикавий-кимёвий ҳамда руҳий-эмоционал-маънавий саломатлиги. Ташҳис қўйиш, даволаш ва соғломлаштиришга ёндашувда инсоннинг характерологик, конституционал ва ёш хусусиятларини; организмнинг қариши даражасини белгилайдиган омилларни; турмуш тарзи ва сифатини, овқатланиш турини; муайян шароитларда ишлаш ва муҳитнинг омилларини; мавжуд зарарли омиллар ва соғломлаштирувчи таъсиrlарни ҳисобга олиш лозим. Бошқача айтганда, замонавий мутахассис чуқур ҳар томонлама билимларга эга бўлиши лозим.

Бунда у ҳиссиз эмас, туйгуларга бой бўлиши, энг аввало инсонни кўра олиши, унда оптимистик кайфиятни, соғайишга бўлган чексиз ишончни ҳосил қилиши лозим.

Халқ табобати ва соғломлаштириш тизимларининг ижодкорлари саломатликни сақлаш ва тиклашнинг аъло усулларини ишлаб чиққанлар. Ушбу бой тажрибани ҳам фойдаланиш учун қабул қилиш лозим. Барча усуллар ҳам тенг аҳамиятли бўлмайди. Айрим кишиларга ҳаммаси ҳам тўғри келавермайди, улар ижодий ўрганиш ва қайта ишлашга муҳтождир.

Валеология барча тиббий усулларни маълум тизимга бирлаштириши лозим. Бундай вазифа валеологиянинг ихтисослашган тиббий фанлар билан, умумий патология, биокимё, генетика, махсус биологик фанлар, экология, антропология, ижтимоий фанлар билан, лекин энг аввало соғлом ва касал организмнинг физиологияси билан кенг қамровли алоқаларини кўзда тутади.

Валеология – бу инсонни индивидуал соғломлаштириш тўғрисидаги фан бўлиб, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини, тўқималарнинг ва хужайраларнинг касалликларини, соғломлаштириш, шу жумладан жисмоний тарбия ёрдамида соғломлаштириш мажмуаларини ўрганади.

2 боб. ВАЛЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРИХИ

2.1. Валеология фанининг тарихи. Валеология фанининг асосчилари - Бреҳман И.И., Казначеев В. ва бошқалар.

XX асрнинг иккинчи ярмида тиббиёт назарияси аҳолининг саломатлигига эришиш учун амалда соғлом кишининг соғлигини муҳофаза қилишга эътиборини қаратиш лозимлиги ҳолатига дуч келди.

XX асрнинг 60-йиллари охирида С.М. Павленко (Ростов шаҳри) ва С.Ф. Олейник (Львов шаҳри) «санология» деб ном олган илмий йўналишга асос солдилар. Санология «организмнинг касалликка қарши туриши тўғрисидаги умумий таълимот» деб таърифланган. Ушбу қарши туришнинг негизида «саногенез», яъни фавқулодда қўзғатувчининг таъсирида юзага келадиган

мослашув механизмларининг динамик мажмуи ётади. Саногенезнинг концепцияси тиббий жамоатчилик томонидан тегишлича баҳоланмаган ва деярли 20 йилга унутилган эди.

Фавқулодда, экстремал шароитларда ишлайдиган шахсларнинг (ғаввослар, космонавтлар) тиббий таъминоти билан шуғулланувчи ҳарбий тиббиёт вакиллари саногенезнинг муаммоси ривожланишига муҳим ҳисса киритганлар. Илк бора бевосита қўрсаткичлари бўйича микдорий баҳоланишига эга бўлган муайян категория сифатида соғлиқни Н.М. Амосов қўрсатган эди. Ўзининг «Саломатлик ҳақидаги фикрлар» (1978 йил) асарида у организмнинг захира имкониятлари билан белгиланиши мумкин бўлган «соғлиқнинг микдори» деган атамани таклиф қилди. Методологик ёндашуви қанчалик тўғрилигига қарамай, унинг муайян услубиётда (барча аъзолар ва тизимларнинг функционал захираларини баҳолашда) амалга оширилиши ҳақиқатдан узок.

Замонавий тушунчасида инсоннинг саломатлиги тўғрисидаги фаннинг яратувчиси деб ҳақли равишда Владивосток шаҳрида ишлаган И.И. Брехман ҳисобланади, у илк бора (1982 йил) амалда соғлом бўлган кишиларнинг саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлашнинг методологик асосларини шакллантирган. Брехман индивид соғлигининг сифатини ва микдорини диагностика қилиш, этиологиясини ўрганиш йўли билан бутун соғлиқни саклаш стратегиясини ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги фикрга келди. Ўзи асослаб берган янги илмий йўналишни «валеология» деб номлаб (лотинчадан «valeo» - соғлом бўлиш), у 1987 йилда ушбу муаммо юзасидан биринчи монографик асарни нашр этди. Ушбу асар «Валеология - соғлиқ ҳақидаги фанга кириш» бўлиб, унда муаллиф соғлиқ тўғрисидаги фан ягона тиббиёт билан чекланмасдан, балки бир неча фанларни жамлаб, шунингдек экология, биология, психология ва бошқа фанларнинг асосида шаклланishi лозим, деб таъкидлаган.

Валеологиянинг асосчиси шунингдек В.П. Казначеев (1977 йил) бўлиб, унинг фикрича, тиббиёт касалликнинг сабаблари, касалликларнинг моҳияти,

уларнинг профилактикаси ва даволаниши ҳақидаги масалани қўядиган бўлса, у ёки бу дардларга олиб келиши мумкин бўлган сабабларнинг олдини олишга қаратилган бўлса, валеология эса соғлик моҳиятининг вазифаларини (валаеология), саломатлик сабаблари, омиллари ва механизмларининг вазифаларини қўяди, деб хисоблаган эди.

Проф. В.П. Куликовнинг кўпчилик нашрлари шахсий саломатликнинг турли жиҳатларига бағишлиланган. Унинг томонидан илк бора шахсий саломатликнинг уч ўлчовли модели таклиф этилган.

XX асрнинг охирида валеология, яъни ўз илмий қизиқишларининг марказига шахсий саломатликни қўйган илмий йўналиш 20 йилга тўлди.

Тиббиётда пайдо бўлган йўналишдан бошланган валеология тез орада тиббий фанларнинг доирасидан чиқиб кетиб, жамланма фанга айланди ва ўзининг маҳсус тадқиқот фанлари бўлган бир нечта илмий йўналишларни шакллантириди. Тиббиётда бу шахсий саломатликнинг механизмлари, ушбу механизмларни бошқариш имкониятлари бўлса, педагогикада - шахснинг ўз саломатлигини қўриш жараёнига жалб этилишининг қонуниятларидир. Айнан ушбу ҳолат, яъни ўз тадқиқот предметининг мавжудлиги тиббий ва педагогик валеологиянинг мустақил илмий фанлар сифатида ажralиб чиқишига сабаб бўлди.

Охирги нашрлардан биз валеология «норма» тўғрисидаги таълимот шакллантирилганда, юзага келганлигини билиб олдик. Бунда маълум бўлишича, И.И. Брехманга фақат «валеология» атамасининг ўзигина тегишли экан.

Валеология - бу шахсий саломатликнинг моҳиятини, механизмлари ва намоён бўлишини, унинг диагностикаси ва башоратланишининг услубларини, шунингдек соғликнинг даражасини ошириш, индивиднинг ҳаёти ва ижтимоий мослашувининг сифатини яхшилаш мақсадида соғлик механизмларини оптималлаштириш йўли билан соғликни тузатиш услубларини ўрганадиган фандир.

В.Н. Вайнернинг фикрича (2001 йил), валеология фани инсоннинг шахсий саломатлиги ҳамда соғлигининг захиралари, шунингдек соғлом турмуш тарзидир. Тавсиялари асосан, касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тиббий фанлардан валеологиянинг энг муҳим фарқларидан бири ҳам шунда.

Ёш пайтиданоқ саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган давлатимизнинг сиёсати фақат соғлом кишигина тўлақонли меҳнат қилиб, оиласига ва жамиятга энг катта фойда беришга лаёқатли эканлиги туфайли алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг мамлакатимизда ҳозирча валеология муаммолари билан фақат Ўзбекистон Давлат Жисмоний Тарбия институтининг илмий-услубий лабораторияси негизида фаолият юритадиган, ушбу институтнинг проректори, профессор Ф.Керимов раҳбарлик қилаётган Спорт ютуқларининг илмий Маркази шуғулланади.

2.2. Валеология фанининг мақсадлари, муаммолари ва вазифалари.

Валеология фанининг услублари.

Айтишларича, баҳт-саодатимизнинг ўндан тўккиз қисми саломатлигимизга боғлиқдир. Фақат соғлом кишигина тўлақонли меҳнат қилиб, оиласига ва жамиятга энг катта фойда беришга лаёқатли бўлади. Шу маънода аҳолининг ёш пайтиданоқ саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган давлатимизнинг сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Хўш, саломатликни узок йиллар мобайнида қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин?

Кўпчилигимиз бу жиҳатдан анъанавий тавсияларга ўрганиб қолганмиз. Нисбатан еш бўлган «валеология» илмий йўналишини эса кам кишилар билади. «Valeo» - «соғлом бўлиш, саломат юриш» деганидир. Бу инсоннинг имкониятлари тўғрисидаги фандир.

Олдинги асрнинг 80-йилларида тиббиет фанлари доктори, профессор И.И. Брехман «валеология» атамасини киритган. Тиббиёт, биология, гигиена, жисмоний тарбия ва психология, экология, парҳезлаш ҳамда инсон, унинг

организми, ички дунёси ва ҳаётйи мухити тўғрисидаги бошқа фанларнинг бириккан негизида юзага келган жамланма фан сифатида пайдо бўлган валеология 1987 йилдан бошлаб тиббиётга яқин фан бўлиб келмоқда.

90-йиллар валеологиянинг соғлом кишининг саломатлиги тўғрисидаги билимлар тизими сифатида қарор топиши ва янада ривожланишининг даври бўлиб қолди.

Валеология - бу саломатлик, соғлом турмуш тарзи тўғрисида, организмнинг тез ўзгарадиган ҳаёт ҳолатлари ва ҳодисаларига мувофиқ жавоби тўғрисида, шунингдек инсоннинг шахсий саломатлиги тўғрисидаги фандир. Унинг марказий муаммоси кишининг ўз соғлиғига муносабати ҳамда индивидуал ривожланиш жараёнида саломатлик маданиятининг тарбияланишидир.

Валеология - инсонга ташқи ва ички мухитнинг ўзгарувчан омиллари таъсир этиши шароитларида унинг жисмоний, биологик, психологик, жамоат-маданий жиҳатдан ривожланишининг барқарорлигини ва соғлиғининг сакланишини таъминлайдиган организмнинг генетик ва физиологик имкониятлари тўғрисидаги фандир.

Валеологиянинг вазифаси инсон саломатлиги бўлиб, у физиологик механизmlар, мухитнинг шароитларига мослаша олиш, ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини саклаш қобилияти билан белгилаб берилган ҳаёт сифатининг категориясидир. Валеологиянинг обьекти нисбатан соғлом инсон ёки касаллик олди ҳолатида бўлган инсон бўлади.

Профилактик тиббиёт билан биргаликда валеология замонавий даврнинг глобал муаммоларидан бири - инсон саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлаш муаммосининг ҳал этилишига ўз ҳиссасини киритади.

Валеология негизида, профилактик тиббиёт, гигиена ва санологиядан фарқли равишда инсон организмининг умуман ҳамда алоҳида тизимларининг динамик имкониятлари тўғрисидаги тасаввур ётади.

Саломатлик эҳтиёжи умумий тусга эга, у ҳам алоҳида индивидга, ҳам умуман жамиятга хос бўлади. Соғлиқнинг холати инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этади. У инсоннинг жисмоний, психик ва ақлий лаёқатининг юқори салоҳиятини таъминлайди ва унинг тўлақонли яшашининг гарови бўлади. Аҳолининг саломатлиги жамият иқтисодий ривожланишининг динамикасига ниҳоятда улкан таъсир кўрсатади, унинг ижтимоий етуклигининг, давлатнинг ўз фуқароларининг соғлиғи учун қайгуриши даражасининг ўлчови бўлиб хизмат қиласи. Буларнинг ҳаммаси шахсга ўзининг саломатлиги, авлодларининг саломатлиги ҳамда у ёрдам бериши мумкин ва лозим бўлган кишиларнинг (кексалар, ногиронлар ва ҳоказолар) саломатлигига нисбатан маълум масъулиятни юклайди.

Ўз саломатлигига эътибор бериш, унинг бузилишларининг индивидуал профилактикасини таъминлай олиш, соғлом турмуш тарзи инсоннинг умумий маданиятининг кўрсаткичлари бўлади.

Валеологиянинг ривожланиши инсон онги ва мавжудлигининг янги соҳаларидан бири - валеологик маданиятни аниқлашга имкон берди, у ўз ичиға қўйидагиларни олади:

- индивиднинг ўз организмидаги тизимларнинг генетик, жисмоний ва психологик имкониятларини билиши;
- ўз психофизиологик статусини сақлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш услубларини назорат қилиш, воситаларини билиш ва қўллай олиш;
- валеологик билимларни ўз атрофидагиларининг ижтимоий мухитига тарқата олиш.

Валеологик маданиятнинг шаклланиши - мураккаб, кўп босқичли ва кўп қиррали жараён бўлиб, мамлакатдаги давлат таълими тизимини, оилани, ихтисослаштирилган ва ҳордиқ муассасалари ва ташкилотларини қамраб олади.

Умуман олганда шуни таъкидлаш мумкинки, валеология - бу мураккаб ва доимий ўзгариб турувчи оламда яшаётган ва унинг ичида атроф биоижтимоий

муҳитининг ниҳоятда кўп сонли омилларининг таъсирига учрайдиган инсоннинг саломатлиги тугрисидаги фандир, бу фан инсонга билимлар, кўникума ва малакаларнинг маълум миқдори тизими ёрдамида ўз вақтида саломатлигининг индивидуал профилактикасини ўтказишга, унинг умумий салоҳиятини сақлаш ва мустаҳкамлашга имкон беради.

Охирги нашрлардан маълум бўлишича, valeологиянинг тадқиқот вазифаси - бу шахсий саломатлик, унинг механизмлари, уларни бошқариш имкониятларидир.

Валеологиянинг обьекти - саломатликнинг бутун оралиғидаги даражаларида бўлган индивидлардир.

Валеологиянинг назарий асослари:

1. Валеология шахсий саломатликка мустақил ижтимоий тиббий категория сифатида қарайди, унинг холати миқдорий ва сифат жиҳатидан бевосита кўрсаткичлар билан тавсифланиши мумкин.

2. Саломатлик ҳолати ва касаллик ҳолати ўртасида оралиқ, ўтиш ҳолатлари ажратилади, уларнинг тавсифи саломатлик ва касаллик механизмларининг нисбати билан белгиланади.

3. Саломатлик касалликка қараганда кенгроқ категория сифатида қаралади. Касаллик олди ҳолати ва касаллик - инсон саломатлигининг даражаси пасайган ёки нуксонларга эга бўлган хусусий бир ҳолатидир.

4. Валеологияда тадқиқ этиладиган таркибий тузилиш ташкил бўлишининг даражаси асосан организмлар даражасида, уларга ёндашув - холистик (яъни яхлит бир бутунликка асосланган).

Валеологиянинг асосий вазифалари:

1. Шахсий саломатликнинг моҳияти тўғрисидаги тасаввурларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, уни ўрганишнинг моделларини, уни баҳолашнинг ва башорат қилишнинг услубларини излаш.

2. Индивид саломатлигининг миқдорий баҳоланиши асосида аҳолининг саломатлигининг ахволи устидан скрининг ва мониторинг назорати тизимларини ишлаб чиқиши.

3. «Саломатлик психологиясини» шакллантириши.

4. Шахсий саломатликни шакллантириш, сақлаш ва мустаҳкамлаш методологияси ва услубларини ишлаб чиқиши.

5. Саломатлик даражасини ошириш йўли билан касалликларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасини таъминлаш.

6. Популяциялар саломатлигининг даражасини шахсий саломатлик орқали ошириш дастурларини ишлаб чиқиши.

Валеологиянинг услублари: саломатлик даражасининг диагностикаси, индивид саломатлигини башорат қилиш ва уни бошқариш.

Шундай қилиб, шахсий саломатликнинг моҳиятини аниқлаш, муайянлаштириш - валеологиянинг асосий методологик муаммосидир.

Валеологияни ўрганиш жараёнида замонавий таълим тизимининг валеологик таҳлили билан, турли ўқув юртлари учун таълим жараёнигининг валеологик асосларини ишлаб чиқиш билан, болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталарнинг мос ҳолда мактабгача тарбия таълим муассасалари, мактаблар, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари ҳамда дипломдан кейинги таълим институтлари шароитида валеологик таълим олишининг назарияси ва методологиясини яратиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Замонавий таълим тизимининг валеологик таҳлилиниң натижалари анъанавий (авторитар-репродуктив) таълим усулининг патоген хусусиятлари хақида тасаввур беради. Таълим ва тарбиянинг валеологик асосларини ўзлаштириш уларни нафақат болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг таълим олишининг юқори даражасини таъминлайдиган, балки уларнинг саломатлигини шакллантиришнинг муҳим воситаси бўлиб чиқадиган турли фанларни ўқитиш методологияси билан қуроллантиради.

Валеологияни ўрганиш соғлом турмуш тарзининг моҳиятини (унинг асосий таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғланишини) очиб беради, индивид саломатлигининг унинг турмуш тарзига боғлиқлигини кўрсатади, ушбу боғланишни инсон ҳаётининг ёш даврлари жиҳатидан намоён бўлишини ойдинлаштиради. Фанни урганиш жараенида саломатликнинг маънавий ва педагогик жиҳатларига тубдан муҳим аҳамият берилади. Шу муносабатда инсоннинг маданий яшаш муҳитининг, тарбиясидаги хусусиятларининг турмуш тарзи хусусиятлари ҳамда саломатлигининг аҳволи билан боғланиши кўриб чиқилади. Соғлом турмуш тарзининг индивидуал (шахсий) усулини шакллантириш, (валеологик нұқтаи назаридан) уйғун эр-хотинлик ҳаётини яратиш, оиласа соғлом кишини тарбиялашнинг вазифалари ва услублари асослаб берилади. Фанни узлаштиришда инсон саломатлигини баҳолашда ҳам яхлит ҳолати, ҳам унинг айрим (соматик, психик, маънавий, ижтимоий) жиҳатларини баҳолаш масалаларига, саломатликни сақлаш, юксалтириш ва шакллантиришнинг амалий услубларига катта аҳамият берилади.

2.3. Абу Али Ибн Сино жисмоний машқларнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида.

Касалликларнинг олдини олиш ва ўз саломатлигини мустаҳкамлаш муаммосига аллома Абу Али Ибн Сино катта аҳамият берган. У «Соғломларнинг саломатлигини» ёшига, соғлигининг аҳволига, касалликларга мойиллигига қараб, йил мавсумларининг хусусиятлари ва бошқаларга кўра қараб чиқган. Ибн Сино илк бора жисмоний машқларнинг инсон организмини мустаҳкамлашга таъсир кўрсатишини илмий асослаб берган. У шу машқлари соғлиқни сақлашнинг энг муҳим шарти деб хисоблаган. Унинг фикрича: «Жисмоний машқ узлуксиз чуқур нафас олишга олиб келувчи ихтиёрий машқдир. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланувчи ва кун тартибига риоя қилувчи киши дорига муҳтоҷ бўлмайди. Жисмоний машқлар бошқа режимларга риоя қилинганда ортиқча тўлиб кетиш илк омилларининг

йиғилишини олдини олувчи энг кучли омиллардир, шу билан бирга улар туғма илиқликни оширади ва баданга енгиллик беради, чунки улар енгил илиқликни күзғатади ва хар куни йиғилиб борадиган ортиқчаликларни бартараф этади.»

Иbn Сино жисмоний машқларни «кичик ва катта, жуда кучли ёки кучсиз, тез ёки секин машқлар» га бўлган, «сокин машқлар ҳам бўлади», деб айтган. Жисмоний машқларга у арқонни тортиш, қўл жанги, ёйдан ўқ отиш, тез юриш, найза отиш, қиличбозлик, отда юриш, иккала қўлни силкитиш, аргимчоқда учиш, қайиқларда эшкак эшиш, тош кўтариш ва бошқаларни киритган.

Иbn Синонинг фикрича, жисмоний машқларга кириша туриб, иккита шартга амал қилиш лозим: биринчидан, бадан тоза бўлиши керак, иккинчидан, истеъмол қилинган овқат ҳазм қилиниши лозим. Жисмоний машқларни бажаришни, айниқса кучли жисмоний машқларни оч қорин пайтида бошлаш тавсия этилмайди, чунки улар «кучни йўқотади». Жисмоний ва гигиеник тавсиялар болалар учун, йигитлар ва «ёши ўтиб қолган» кишилар учун жуда оқилона ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Боланинг туғилишидан тортиб то йигитлик пайтигача ва вояга етиши давригача жисмоний ривожланишини ёрита туриб, Иbn Сино чақалоқни парвариш қилиш, уни овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш қоидаларини, инсон организмига қуёш, ҳаво, сувнинг таъсир этишини батафсил таърифлайди, сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, туйиш) ривожланиши учун жисмоний машқларнинг фойдали эканлигига ишонтиради.

Болалик ва йигитлик даврлари ўртасида ўсмир катта куч харажатлари, кўп энергияни талаб этмайдиган жисмоний машқлар билан шуғулланиши лозим. Ушбу машқлар боланинг ўсишига ва унинг мушакларининг мустаҳкамланишига ёрдам бериши керак.

Иbn Сино организмни чиниқтиришга ва табиатнинг табиий кучлари - ҳаво, сув ва қуёшдан жисмоний машқлар билан биргаликда фойдаланишга катта аҳамият берган. Иbn Синонинг фикрича, инсон организмини чиниқтириш тоза ҳавода кўп бўлган ҳолда, ҳаво ванналарини эркин

ҳаракатлар, сайд қилиш, ўйинлар, жисмоний машқлар билан қўшиб борганда амалга оширилади. У ёш йигитлар ва кекса кишиларнинг организмини чиниктириш бадани сув билан артиш, ҳаммомда чўмилиш сифатида ўтказилиши мумкин, деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, Ибн Сино тиббиётнинг ўз тушунчасини қатъий асослаб берган ҳолда биринчи дикқат марказига соғлиқни сақлашни олға суради, унинг фикрлари ва қарашлари кўп жиҳатдан замонавий тиббий фан ва амалиётнинг вазифаларига ҳамоҳангдир.

2.4. Одам саломатлиги ҳақидаги ҳозирги замон тушунчалари.

Мустақилликнинг эълон қилинган биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов, Республикамизнинг ҳукумати ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғига доимий ғамхўрлик қилинган. Соғлиқни шакллантириш ва уйғун ривожланиш, болаларнинг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири жисмоний тарбия ва спортдир. Оммавий болалар спортининг ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги 3154-сонли Фармони «Болалар спортини ривожлантириш фондининг тузилиши тўғрисида» ва 2002 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 374-сонли Қарори «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш фонди фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисида» қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда Соғлиқни сақлаш Вазирлиги олдида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланишини таъминлашга имкон берувчи болалар спорти турларининг асосий йўналишларини ривожлантиришнинг тиббий-илмий асосларини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган.

Соғлом болаларни ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқотлар боланинг организмига жисмоний тарбиянинг ҳал қилувчи таъсиридан далолат беради. Инсон организми ҳаракатга бўлган биологик эҳтиёжни сезади, ушбу

ҳаракатлар жисмоний ва интеллектуал ривожланиши таомиллаштиришнинг фаол биологик рағбатлантиришнинг омиллари бўлади. Ҳаракатларнинг роли организмнинг кескин ва кучли ўсиши ва ривожланиши даврларида - болалик ва ўсмирлик ёшида айниқса каттадир.

Бола организмининг ўсиш жараёнини пассив кузатиш шунга олиб келадики, ўсмирлик ёшига келиб таянч-ҳаракат тизими ва ички аъзолари тарафидан касалликлар шаклланади. Болада психологик ички ноқулайлик кузатилади. Бугунги кунда Республикаиз фуқаросининг соғлиғини шакллантириш ва уйғун ривожлантириш жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этилиши мумкин эмас. Болаларнинг жисмоний тарбияси ва спорт билан шуғулланишини тўғри ташкил этишн уларнинг соғлиғи ҳамда ноқулай ташки шароитларга мослашувининг кўрсаткичларига ҳал қилувчи тъсири ҳақидаги илмий асосланган тадқиқотлар мавжуд. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш болаларда ва ўсмирларда ҳаётга ишонч, шодлик ва тетикликни ҳосил қиласди, ватанпарварлик туйғуси ва Ватанга муҳаббатни тарбиялайди.

Инсон табиатдан олган энг бебаҳо неъмати - саломатликдир. Халқда «Саломат, зўр кишига ҳаммаси зўр!» деб бежиз айтишмайди. Бу содда ва доно ҳақиқатни организмда бузилишлар пайдо бўлиб, биз шифокорларга мурожаат қилишга мажбур бўлган пайтимизда эмас, ҳар доим эслаб туриш лозим. Тибиёт нақадар таомиллашган бўлмасин, у ҳар бир кишини унинг касалликларидан халос эта олмайди. Инсон ўз саломатлигининг яратувчисидир, шунинг учун ҳам илк ёшидан бошлаб фаол ва соғлом турмуш тарзини юритиб, чиниқиб бориш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига амал қилиш ва шу йўл билан оқилона йўллар орқали ҳақиқий уйғунликка эришиш яхши бўлар эди. Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш муаммоси замонавий жамият шароитида унга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ривожланиш

хусусиятлари ҳамда қадрият фикрларининг жиддий ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши - биринчи даражали аҳамиятига эга бўлган муаммодир.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг эксперталари таърифига кўра, соғлиқ - бу бор-йўғи касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги эмас, балки тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир. Замонавий олимларнинг кўпчилиги соғлиқ тушунчасини кишининг оптималь физиологик, психологик ва ижтимоий фаолият юритишга лаёқати деб таърифлайдилар. Инсоннинг саломатлиги амалда унинг ҳаётий фаолиятининг барча соҳалари билан боғлиқ. Уларнинг исталган биридаги ўзгаришлар бевосита ёки воситали ҳолда соғлиқнинг психосоматик даражасига чиқади. Соғлиқ - бу инсоннинг биологик ва ижтимоий хусусиятларининг уйғун яхлит бирикмаси бўлиб, унга макро- ва микросферанинг шароитларга мослашиш, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан маҳсулдор ҳаёт билан яшашга имкон беради.

Инсоннинг соғлиғи ҳаёт сифатининг категорияси бўлиб, физиологик механизmlар, ташки муҳитнинг шароитларига мослаша олиш, ўз-ўзини ташкил этиш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини сақлашга лаёқати билан белгилаб берилади.

Соғлиқقا бўлган эҳтиёж умумий тусга эга, у ҳам алоҳида бир индивидга, ҳам умуман жамиятга хос бўлади. Соғлиқнинг аҳволи инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига таъсирини ўтказади. У инсоннинг жисмоний, психик ва ақлий қобилиятининг юқори салоҳиятини белгилаб беради ва унинг тўлақонли яшашининг гарови бўлиб хизмат қиласи. Аҳолининг саломатлиги жамиятнинг иқтисодий ривожланишининг динамикасига улкан таъсир кўрсатади, ҳамда унинг ижтимоий-этик етуклигининг ўлчови бўлади. Буларнинг ҳаммаси шахсга ўзининг саломатлиги, унинг авлодларининг саломатлиги ҳамда у ёрдам бериши мумкин ва лозим бўлган кишиларнинг саломатлигига нисбатан маълум масъулиятни юклайди. Ўз саломатлигига эътибор бериш, унинг бузилишларининг индивидуал профилактикасини таъминлай олиш, соғлом

турмуш тарзи кишининг жамиятдаги ўз тутган ўрни ҳамда ўзи ва яқинларининг олдидаги масъулиятини англашининг кўрсаткичлари бўлади.

2.5. «Саломатлик» тушунчасининг таърифи. Саломатлик концепциясининг асосий ҳолатлари.

Мустақилликнинг эълон қилинган биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов, Республикамизнинг хукумати ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғига доимий ғамхўрлик қилинган. Соғлиқни шакллантириш ва уйғун ривожланиш, болаларнинг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири жисмоний тарбия ва спортдир. Оммавий болалар спортининг ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги 3154-сонли Фармони «Болалар спортини ривожлантириш фондининг тузилиши тўғрисида» ва 2002 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 374-сонли Қарори «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш фонди фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисида» қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда Соғлиқни сақлаш Вазирлиги олдида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланишини таъминлашга имкон берувчи болалар спорти турларининг асосий йўналишларини ривожлантиришнинг тиббий-илмий асосларини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган.

Соғлом болаларни ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқотлар боланинг организмига жисмоний тарбиянинг ҳал қилувчи таъсиридан далолат беради. Инсон организми ҳаракатга бўлган биологик эҳтиёжни сезади, ушбу ҳаракатлар жисмоний ва интеллектуал ривожланишни такомиллаштиришнинг фаол биологик рағбатлантиришнинг омиллари бўлади. Ҳаракатларнинг роли

организмнинг кескин ва кучли ўсиши ва ривожланиши даврларида - болалик ва ўсмирлик ёшида айниқса каттадир.

Бола организмининг ўсиш жараёнини пассив кузатиш шунга олиб келадики, ўсмирлик ёшига келиб таянч-ҳаракат тизими ва ички аъзолари тарафидан касалликлар шаклланади. Болада психологик ички ноқулайлик кузатилади. Бугунги кунда Республикализ фуқаросининг соғлигини шакллантириш ва уйғун ривожлантириш жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этилиши мумкин эмас. Болаларнинг жисмоний тарбияси ва спорт билан шуғулланишини түғри ташкил этишн уларнинг соғлиғи ҳамда ноқулай ташқи шароитларга мослашувининг кўрсаткичларига ҳал қилувчи таъсири ҳақидаги илмий асосланган тадқиқотлар мавжуд. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш болаларда ва ўсмирларда ҳаётга ишонч, шодлик ва тетикликни ҳосил қиласи, ватанпарварлик туйғуси ва Ватанга муҳаббатни тарбиялади.

Инсон табиатдан олган энг бебаҳо неъмати - саломатлиқдир. Халқда «Саломат, зўр кишига ҳаммаси зўр!» деб бежиз айтишмайди. Бу содда ва доно ҳақиқатни организмда бузилишлар пайдо бўлиб, биз шифокорларга мурожаат қилишга мажбур бўлган пайтимизда эмас, ҳар доим эслаб туриш лозим. Тиббиёт нақадар такомиллашган бўлмасин, у ҳар бир кишини унинг касалликларидан халос эта олмайди. Инсон ўз саломатлигининг яратувчисидир, шунинг учун ҳам илк ёшидан бошлаб фаол ва соғлом турмуш тарзини юритиб, чиниқиб бориш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига амал қилиш ва шу йўл билан оқилона йўллар орқали ҳақиқий уйғунликка эришиш яхши бўлар эди. Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш муаммоси замонавий жамият шароитида унга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ривожланиш хусусиятлари ҳамда қадрият фикрларининг жиддий ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши - биринчи даражали аҳамиятига эга бўлган муаммодир.

Бутунжахон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг эксперлари таърифига кўра, соғлиқ - бу бор-йўғи касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги эмас, балки тўлиқ жисмоний, рухий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир. Замонавий олимларнинг кўпчилиги соғлиқ тушунчасини кишининг оптималь физиологик, психологик ва ижтимоий фаолият юритишга лаёқати деб таърифлайдилар. Инсоннинг саломатлиги амалда унинг ҳаётий фаолиятининг барча соҳалари билан боғлиқ. Уларнинг исталган биридаги ўзгаришлар бевосита ёки воситали ҳолда соғлиқнинг психосоматик даражасига чиқади. Соғлиқ - бу инсоннинг биологик ва ижтимоий хусусиятларининг уйғун яхлит бирикмаси бўлиб, унга макро- ва микросферанинг шароитларга мослашиш, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан маҳсулдор ҳаёт билан яшашга имкон беради.

Инсоннинг соғлиғи ҳаёт сифатининг категорияси бўлиб, физиологик механизmlар, ташки муҳитнинг шароитларига мослаша олиш, ўз-ўзини ташкил этиш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини сақлашга лаёқати билан белгилаб берилади.

Соғликка бўлган эҳтиёж умумий тусга эга, у ҳам алоҳида бир индивидга, ҳам умуман жамиятга хос бўлади. Соғлиқнинг аҳволи инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига таъсирини ўтказади. У инсоннинг жисмоний, психик ва ақлий қобилиятининг юқори салоҳиятини белгилаб беради ва унинг тўлақонли яшашининг гарови бўлиб хизмат қиласи. Аҳолининг саломатлиги жамиятнинг иқтисодий ривожланишининг динамикасига улкан таъсир кўрсатади, ҳамда унинг ижтимоий-этик етуклигининг ўлчови бўлади. Буларнинг ҳаммаси шахсга ўзининг саломатлиги, унинг авлодларининг саломатлиги ҳамда у ёрдам бериши мумкин ва лозим бўлган кишиларнинг саломатлигига нисбатан маълум масъулиятни юклайди. Ўз саломатлигига эътибор бериш, унинг бузилишларининг индивидуал профилактикасини таъминлай олиш, соғлом турмуш тарзи кишининг жамиятдаги ўз тутган ўрни ҳамда ўзи ва яқинларининг олдидаги масъулиятини англашининг кўрсаткичлари бўлади.

Шундай қилиб, соғлиқ - бу абсолют ва боқий қадрият бўлиб, бутун инсоният қадриятларининг иерархик зинапоясида энг юқори поғоналардан бирини эгаллайди. Соғлиқ шундай бир захираки, инсоннинг деярли барча эҳтиёжларини қондириш даражаси унга эга бўлиш даражасига боғлиқ бўлади. У фаол, ижодий ва тўлақонли ҳаётнинг асоси сифатида юзага чиқиб, қизиқишилар ва идеаллар, уйғунлик ва гўзалликнинг шаклланишида иштирок этади, инсон мавжудлиги ва яшашининг маъноси ва баҳт-саодатини белгилаб беради.

Соғлиқнинг объектив ва субъектив кўрсаткичлари фарқланади. Субъектив кўрсаткичларга ўзини сезиш, ишлаш қобилияти, уйқу, иштаҳа кўрсаткичлари киради. Объектив кўрсаткичлар антропометрик ўлчовлар билан (тана вазни, бўйи, кўкрак қафасининг айланаси, бўйин, елка, сон, тизза, қорин ва ҳоказолар), нафас олишнинг тезлиги, ўпканинг ҳаётий сифими, томир уриш, артериал қон босими ва ҳоказолар билан боғлиқ.

Инсон соғлигининг аҳволини баҳолаш норма тушунчаси билан боғлиқ. Ёш ва индивидуал-шахсий нормалар фарқланади. Ёш нормалари турли ёш гурухларида ўтказилган ўлчовлар ҳамда ҳар бир тадқиқ этилган гуруҳ учун ўртача қиймат ҳисобланишига асосланади. Ҳар бир ёш гуруҳи учун олинган ўртача қиймат норманинг стандарти деб олинади. Шахсий-индивидуал норма жинсий, конституционал белгилари, касби, турар жойи, турмуш тарзи ва бошқаларни ҳисобга олинишини кўрсатиб беради.

Замонавий тиббиёт ўз имкониятлари йиғиндисида соғлиқ аҳволига ташхис қўйишнинг янги услубларининг етарли сонига эга бўлиб, уларнинг ичida ноанъанавий услублар ва усувлар катта ўрин тутади.

Соғлиқнинг асосий мезонлари қуйидагилардир:

- генетик - инсон генотипининг тузилиши ва фаолиятининг хусусиятлари;
- физиологик - инсон анатомо-физиологик тизимларининг тузилиши ва фаолият юритишининг хусусиятлари;

- психик - инсон асаб тизимининг тузилиши ва фаолият юритишнинг хусусиятлари, психикаси ва шахс статусининг хусусиятлари;
- ижтимоий - инсоннинг ижтимоий фаоллиги.

Инсоннинг саломатлиги бир неча омиллардан таркиб топади ва организмнинг наслий хусусиятларининг атроф воқелик шароитлари билан ўзаро таъсирга киришувининг натижаси бўлади. Ушбу шароитларга қараб соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш омилларининг бир нечта гурухи ажратилади, уларнинг инсон онги ва фаол фаолият юритиши билан боғланиши бир даражада ёки тенг бўлмайди.

Инсон онги ва фаол фаолият юритишига боғлиқ бўлмаган омиллар: генотип; наслий сабаблар билан белгилаб берилган организм ва психикасининг хусусиятлари.

Инсон онги ва фаол фаолият юритишига воситали боғлиқ бўлган (ижтимоий-иқтисодий) омиллар: ижтимоий-иқтисодий турмуш шароитлари; яшаш жойларининг экологияси; соғлиқни сақлаш ривожланганлигининг даражаси.

Инсон онги ва фаол фаолият юритиши билан бевосита тўғри боғланган омиллар (турмуш тарзи): жисмоний фаоллиги; овқатланиши; меҳнат ва дам олиш тартиби; заарли одатларининг йўқлиги; профилактик ва санитария-гигиена нормаларига риоя қилиши; жинсий соғлиғи; оиласда, ўқиш, иш ёки хизмат жойида психологик иқлим; ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари билан қониқканлиги.

Валеологиянинг бошқа бир марказий тушунчаси «соғлом турмуш тарзи»дир. Турмуш тарзи амалда инсоннинг деярли барча ҳаётий фаолиятининг турлари билан боғлиқ бўлиб, унинг соғлиғининг ҳолатини бевосита белгилаб беради. Бу кишиларнинг бутун ҳаёти мобайнида мақсадли шакллантириладиган фаол фаолиятидир.

Инсоннинг соғлом турмуш тарзининг тушунчаси таърифларининг ичida энг мақбули - академик Ю.П.Лисицын ифодалаган таъриф: «Соғлом турмуш

тарзи - инсоннинг соғлигини сақлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳаётий фаолиятининг усулидир».

Соғлом турмуш тарзи - бу нафақат тиббий-биологик фаолият, балки жисмоний ва маънавий эҳтиёжларнинг оқилона қондирилиши, инсоннинг шахсий маданияти ва таълимининг шаклланишидир. Бу юксак тиббий фаоллик, ўз касбий ва ижтимоий вазифаларини мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятдан қатъи назар бажариш имкониятидир.

Соғлом турмуш тарзининг шаклланиши инсон ҳаётий фаолиятининг шароитларини унинг валеологик саводхонлиги, гигиеник малакаларга ўргатилиши, унинг саломатлигини ёмонлаштирадиган асосий омилларни билиши асосида такомиллаштиришни мақсад қилиб қўяди. Соғлиқни сақлаш кўп жиҳатдан инсоннинг яшаш муҳитига боғлиқ. Инсоннинг саломатлигига таъсир этувчи омилларнинг учта гуруҳи ажратилади:

- жисмоний (ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиши, шовқин, электромагнит майдони, радиация ва бошқалар);
- психология (мехнат, оиласвий, шахслараро, маданий муносабатлар, психоэмоционал таъсир ўтказилиши ва бошқалар);
- ижтимоий (ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, ишсизлик, вақт етишмаслиги, энергия-ғайрат етишмаслиги ва ҳоказо).

Инсоннинг яшаш муҳитининг шакллантирилиши унинг валеологик маданияти, жисмоний, психологик ва ижтимоий босимнинг таъсирига қарши тара олишига бевосита боғлиқдир. Соғлом турмуш тарзининг асосий шарти: соғлиқнинг уйғун ривожланиши ва мустаҳкамланишини, кишилар ишлаш қобилиятини оширишни, уларнинг узоқ ижодий умрини узайтиришни таъминлайдиган соғломлаштирувчи тадбирларнинг мажмуасидир.

Ҳаракатларга эҳтиёж организм ўсишининг қонуниятлари билан белгилаб берилган бўлиб, улар нормал ривожланиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, тўғри қоматни шакллантириш ва асосий ҳаракатланиш кўникмаларини эгаллашнинг зарурый шартидир. Қадимги юонон файласуфи Плутарх ҳаракатни «ҳаётнинг

омбори» деб номлаган. Француз олими Б.Паскаль таъкидлаганидек: «Одам учун энг чидаш қийин бўлган нарса - на эҳтирослар, на иш, на кўнгил очишлар, на машғулотлар билан бузилмайдиган сокинликдир. Бунда у ўзининг ҳеч ким эмаслигини, ташландиқлигини, нокомиллигини, тобелигини, кучсизлигини, бўшашибанлигини сезади». Инсон доимо куч, эпчиллик, тезлик, чидамлилик каби жисмоний хусусиятларини ривожлантиришга интилиши лозим.

Соғлом турмуш тарзининг муҳим элементи - шахсий гигиенадир. У оқилона суткалик кун тартибини, танани парвариш қилиш, кийим ва пойафзалнинг гигиенасини ўз ичига олади. Кун тартибига алоҳида эътибор берилади. Унга тўғри ва қатъий риоя этилганда организм фаолиятининг аниқ ритми юзага келтирилади, бу эса ишлаш ва тикланиш учун энг яхши шароитлар яратиб, шу билан соғлиқни мустаҳкамлаш ва ишлаш қобилиятининг тикланишига ёрдам беради. Тўлақонли уйқу - асосий ва ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган дам олиш турига алоҳида эътибор бериш лозим. Доимий уйқуга тўймаслик шуниси билан хавфлики, асаб тизимининг зўриқиб чарчаши, организм ҳимоя кучларининг сусайиши, иш қобилиятининг пасайиши, ўзини ёмон сезишга олиб келиши мумкин.

Соғлиқнинг ажралмас таркибий қисми - оқилона овқатланишдир. У инсонни энергия билан хамда организм қуриладиган ва алмашинув жараёнларини ростлаб турувчи моддалар билан таъминлайди. Ортиқча овқатланиш ҳам, овқат етишмаслиги ҳам организмга салбий таъсир кўрсатади, шу туфайли оқилона, мувозанатланган ва тўлақонли овқатланиш қоидаларига амал қилиш муҳим.

Соғлом турмуш тарзининг ажралмас шарти заарли одатлардан воз кечиши бўлиб, улар соғлиқни ўта даражада бузиб, умрнинг узунлигини кескин қисқартирадиган кўпгина хавфли касалликларнинг сабаби улардан келиб чиқади.

Чиниқишиң кучли соғломлаштириш воситаси бўлиб, унинг ёрдамида қўпгина касалликларга дуч келмаслик, умрни узайтириш ҳамда узоқ йиллар давомида ишлаш қобилиятини, шунингдек ҳаётдан хурсанд бўла олиш туйғусини сақлаб қолиш мумкин. Шамоллаш касалликларининг профилактикасида чиниқишининг тутган ўрни айниқса каттадир. Чиниқиши организмга умумий мустаҳкамловчи таъсир кўрсатади, марказий асаб тизимининг тонусини оширади, қон айланишини яхшилайди, моддалар алмашинувини нормага солади. Соғлиқнинг ушбу асосий таркибий қисмларидан фойдаланиш ва қўллаш замонавий динамик ривожланиш шароитида ўта зарур бўлган шахснинг юксак ақлий ва жисмоний ишлаш қобилияти, ижтимоий фаоллик, ижодий умр узоқлиги каби қимматли фазилатларини анча даражада намоён қилишга имкон беради.

2.6 Организмнинг «норма» хақида тушунча. Саломатлик ва «норма» орасидаги тушунча.

Норма - бу инсон организмининг аҳволи, унинг тузилиши, таркиби, вазифалари кўрсаткичларининг мутлақо аниқ тизими бўлиб, инсон ўзини сезишини яхши деб таърифлайди. Аҳволимизнинг объектив акс эттирилиши - ички муҳитнинг сифат ёки миқдорий ифодаланган кўрсаткичларидир. Масалан, инсоннинг танаси ҳарорати нормасида 36,6 С ни ташкил этади, агар тана ҳарорати 38 ёки 39 С даражасигача ошса, бу шифокорга инсондаги бирор-бир касаллик тўғрисида гапириши учун асос бўлади. Ёки, масалан, инсоннинг юрак қисқаришларининг тезлиги 1 минутига 70-72 зарбани ташкил этади. Агар шифокор 1 минутига 100 зарба тезлигини аниқласа, у, албатта, юрак фаолияти томонидан номақбул ҳолат хақида тўлиқ асосли хуносага келиши мумкин.

Организмнинг ички муҳитининг жисмоний ва кимёвий ҳолати, тананинг ва унинг алоҳидаги қисмларининг ўлчамлари, ҳар қандай функционал ҳолатлар ва ҳодисалар ўта аниқ миқдорий (ёки сифат) ифодасига эга бўлади. Бу ўзига

хос эталон бўлиб, шифокор беморни кўриқдан ўтказиш давомида ўзининг кузатишлари, лаборатория ёки асбоблар билан тадқиқотларининг натижаларини таққослайди. Ушбу эталон бутун жаҳон шифокорларининг кўп асрлик кузатишларини умумлаштириш ва статистик маълумотлари асосида олинган (В.В. Марков, 2001 йил).

Ташқи муҳитнинг инсон организмига ҳар қандай таъсири унинг жавоб реакциясини вужудга келтиради. Ташқи муҳитнинг ўзига хос хусусияти – унинг доимий ўзгарувчанлиги ва айни пайтда ўзаро миқдори ва сифати жиҳатидан фарқланиб турувчи ниҳоятда кўп омилларнинг таъсир кўрсатишидир.

Инсоннинг соғлиғи амалда унинг ҳаётий фаолиятининг барча соҳалари билан боғлиқ. Уларнинг исталган биридаги ўзгаришлар бевосита ёки воситали ҳолда соғлиқнинг психосоматик даражасига чиқади. Соғлиқ - бу инсоннинг биологик ва ижтимоий хусусиятларининг уйғун яхлит бирикмаси бўлиб, унга макро- ва микросферанинг шароитларга мослашиш, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан маҳсулдор ҳаёт билан яшашга имкон беради. Инсоннинг соғлиғига функционал ёндашув муносабати билан унинг аҳволини баҳолаш масаласи келиб чиқади. Соғлиқнинг мавжуд сифат ва миқдорий тавсифлари анча кенг оралиқда ётади. Улар организмнинг ҳаётий барқарорлиги даражасини, унинг мослашув имкониятларининг кенглигини, аъзолар ва тизимларнинг биологик фаоллиги, уларнинг қайта тикланиш қобилиятини ва ҳоказоларни акс эттиради. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти эксперталарининг маълумотларига қараганда, инсоннинг саломатлиги 50 % га яшаш шароитлари ва тарзи билан, 20-25 % га экологик омиллар билан, 15-20 % га организмнинг генетик хусусиятлари билан, 5-10 % га соғлиқни сақлашнинг аҳволи ва ривожланишининг даражаси билан белгилаб берилган.

Соғлиқни аниқлашга мажмуйи ёндашувга қарамасдан, амалда соғлиқ тўғрисида касалликларининг мавжудлиги ёки йўқлигига қараб фикр юритишади. Аслида соғломлик ва касаллик ўртасида кўпгина касаллик олди

деб номланадиган ўтиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, касалликнинг ўзи ҳали мавжуд бўлмайди-ю, лекин организмнинг компенсациялаш имкониятлари пасайган хамда объектив ифодаланмаган функционал ва биокимёвий ўзгаришлар пайдо бўлади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти экспертларининг маълумотларига қараганда, Ер шари ахолисининг 80 % га яқин қисми шундай ҳолатдадир.

Саломатлик ва касаллик ўртасидаги оралиқ, ўтиш ҳолати «учинчи ҳолат» деб номланади. Учинчи ҳолат - бу шундай ҳолатки, организм тизимларининг нормал фаолият юритиши имкониятлари заифланиш томонга силжиган бўлиб, инсон ўз организмининг психофизиологик имкониятларига тўлиқ эга бўлмайди. Учинчи ҳолат – бу касалликларни етказиб берувчи ҳолатдир. Бошқа томондан, бу захира имкониятларни тиклаш механизmlарини ишга солиш мумкин бўлган вақтдир. Бизнинг организмимиз захиралари пасайишини аъзолар ичи механизmlари ҳисобига, тизимлар ичи ва тизимлараро мавжуд муносабатларни фаоллаштириш ва янги муносабатларнинг шаклланиши ҳисобига қоплай олади. Учинчи ҳолат нафақат ўзига хос психофизиологик ҳолатда – туғищдан аввалги ёки туғищдан кейинги давр, клиакс, қарилик ёшида бўлган одамларга хос бўлади. Бунга спиртли ичимликларни, гиёхвандлик ва токсик моддаларни мунтазам истеъмол қиласидиган, носоғлом турмуш тарзи билан яшайдиган шахслар ҳам киради. Ортиқча тана вазни бўлган кишиларнинг нотўғри овқатланиши ва кам ҳаракатчан фаоллиги шу ҳолатга олиб келади. Чегаравий психик бузилишларнинг тарқалиши алоҳида эътиборга моликдир.

Амалда соғлом бўла туриб қўргина кишилар ушбу учинчи ҳолатда йиллаб, ҳатто бутун умри давомида бўлишлари мумкин. Учинчи ҳолатни билиб олиш, унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш - фан сифатида валеологиянинг энг муҳим вазифасидир.

З боб. ОНТОГЕНЕЗ НАЗАРИЯСИ ВА САЛОМАТЛИК

3.1. Онтогенез тушунчасининг таърифи. Онтогенезнинг перинатал (эмбрионал) ва постнатал (туғилганидан кейинги) давларга булиниши.

ОНТОГЕНЕЗ - (юононча ontos - мавжуд, genesis - туғилиш, келиб чиқиш) - организмнинг вужудга келиши пайтидан бошлаб то ўлими пайтигача индивидуал ривожланишининг жараёни.

Ижтимоий ривожланиш жараёни онтогенезда кўп босқичли хусусиятга эга бўлиб, бутун умри давомида турли йўналишларда амалга ошади.

Онтогенезнинг қўйидаги давларини ажратиш қабул қилинган:

- 1) янги туғилган даври
- 2) чақалоқлик даври
- 3) ёш болалик даври
- 4) мактабгача даври
- 5) мактаб даври
- 6) катта ёш даври
- 7) қарилик.

«Онтогенез» атамаси машҳур немис олимни Э.Геккель томонидан асосий биогенетик қонуннинг ифодаланиши муносабати билан киритилган, унга кўра онтогенез филогенезнинг, яъни органик дунёнинг тарихий ривожланиши жараёнининг қисқача ва тез қайтарилишидир.

Онтогенезнинг асосида организмнинг индивидуал ривожланишининг ҳар бир даври учун ўзига хос бўлган қатъий белгиланган биокимёвий, физиологик ва морфологик ўзгаришларнинг занжири ётади.

Ушбу ўзгаришларга мувофиқ ҳолда онтогенезни эмбрионал (пренатал) ва постэмбрионал (постнатал) давларга бўлиш қабул қилинган. Улардан биринчиси хужайра вужудга келишидан то туғилишгача, иккинчиси эса туғилишдан то ўлим пайтигача даврни ўз ичига олади.

Тиббий амалиётда инсон онтогенезининг эмбрионал даври икки даврга бўлинади: биринчиси - 8 ҳафта, бу даврда ривожланаётган организм ҳали катта инсон индивидуумга ўхшамайди, ва иккинчи даври - ривожланишининг 9-

ҳафтасидан тортиб то туғилишигача давр бўлиб, унда барча аъзолар таркиб топади ва ривожланаётган организм инсонга хос бўлган шаклларга ва хусусиятларга эга бўлади (шу пайтдан бошлаб уни ҳомила деб аташ қабул қилинган).

Онтогенез давомида ҳар бир организм қонуний равища ривожланишининг кетма-кет даврлари ёки босқичларидан ўтади, жинсий йўл билан ривожланаётган организмларда уларнинг асосийлари қўйидагилар бўлади:

- ҳомила даври (эмбрионал, ёки пренатал);
- ҳомиладан кейинги (постэмбрионал, ёки постнатал);
- вояга етган организмнинг ривожланиши даври.

Онтогенезнинг асосида организм ривожланишининг турли даврларида унинг ҳар бир ҳужайрасида белгилаб қўйилган ирсий маълумотларнинг амалга оширилишидан иборат бўлган мураккаб жараён ётади. Ирсият билан белгилаб берилган онтогенез дастури қўлгина омиллар таъсирида амалга ошади (ташқи муҳит шароитлари, ҳужайралараро ва тўқималараро таъсиrlар, гуморал-гормонал ҳамда асад регуляцияси ва ҳоказолар), ва ҳужайралар ривожланиши, ўсиши ва фарқланиб боришининг ўзаро боғлиқ жараёнларида намоён бўлади. Онтогенезнинг қонуниятлари, ҳужайралар, тўқималар ҳамда аъзоларнинг фарқланиб боришидаги сабаб механизmlари ва омиллари мажмуий фан бўлган ривожланиш биологияси томонидан ўрганилади, у тажрибавий эмбриология ва морфологиянинг анъанавий ёндашувларидан ташқари молекуляр биология, цитология ва генетиканинг услубларидан фойдаланади.

Онтогенез ва организмларнинг тарихий ривожланиши - филогенез тирик табиат ривожланишининг яхлит, ягона жараёнининг ажralmas, узвий боғлиқ ва бир-бирини белгилаб берувчи икки томонидир. И.Ф. Меккель ilk бор онтогенезни тарихий асослаб беришга уринган. Онтогенез ва филогенезнинг ўзаро муносабати муаммоси Ч.Дарвин томонидан қўйилган бўлиб, Ф.Мюллер, Э.Геккель ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Ирсиятнинг ўзгариши

билин бөглиқ бўлган, эволюция жиҳатидан янги бўлган барча белгилар онтогенезда юзага келади, лекин улардан фақат организмнинг яшаш шароитларига яхшироқ мослашувига ёрдам кўрсатганларигина табиий саралаш жараёнида сақланиб қолади ва кейинги авлодларга ўтади, яъни эволюцияда мустаҳкамланади.

3.2. Уруғланиш валеологияси, эмбрионинг ривожланиши ҳақида тушиунча.

Организмнинг ҳаёти жинсий ҳужайралар қўшилиши: тухум ҳужайранинг уруғланиш пайтидан бошланади, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Морфология, физиологиянинг нуқтаи назаридан бу тўғри. Лекин бўлғуси инсоннинг валеологик саломатлиги уруғланиш пайтидан анча аввал белгилаб берилади. Бу ерда ҳам ота-онанинг бевосита жисмоний саломатлиги, ҳам уларга таъсир этувчи заарли одатлар ёки мақбул омиллар, жинсий хулқининг психологияси, руҳий-ҳиссий кайфият ва ҳатто эҳтимолий ҳомиладорликнинг исталган бўлиши ёки ундан қўрқиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Инсоннинг ҳаёти она организмида иккита жинсий ҳужайра - тухум ҳужайраси ва уруғ ҳужайрасининг қўшилиши пайтидан бошланади, бунда битта янги ҳужайра, яъни янги организм ҳосил бўлади. Ҳар бир аёл ва эркак жинсий ҳужайрасида 23 жуфтланувчи хромосомалар мавжуд бўлиб, улардан 22 таси ҳомилага ота ва онанинг ирсий белгиларини беради. Бу иккала жинсий ҳужайрада 100 мингга яқин генлар мавжуд бўлиб, улар янги таркиб топган организмнинг тузилиш ва функционал хусусиятларини белгилаб беради. Бўлғуси фарзанднинг жинсий тегишлилиги эркак ва аёл жинсий ҳужайраларининг 23-жуфтига боғлиқ бўлади. Аёл жинсий ҳужайрасининг 23-жуфти икс-икс (XX), эркак жинсий ҳужайрасининг 23-жуфти эса икс-игрек (XY) деб белгиланади. Агар аёл ҳужайраси билан эркак ҳужайрасининг X-хромосомаси қўшилса, у ҳолда қиз туғилади, агар аёл ҳужайраси билан эркак ҳужайрасининг Y-хромосомаси қўшилган ҳолда эса ўғил туғилади. Шундай

қилиб, бўлғуси фарзанднинг жинси отасининг жинсий ҳужайрасига боғлиқ бўлади.

Аёл ва эркак жинсий ҳужайралари бачадоннинг найида бирлашиб, битта ҳужайрани, яъни янги организмни ҳосил қиласди, унда 46 та хромосомалар мавжуд бўлади. Янги ҳужайра ҳосил бўлиши биланоқ у бир ҳафта давомида бўлиниш йўли билан кўпая бошлайди, айни пайтда у аста-секин бачадон тарафга ҳаракатланиб келади. Бачадон бўшлиғига тушганидан кейин у бачадон деворига мустаҳкамланади ва ўзининг эмбрион ёки ҳомила ривожланишида давом этади. Эмбрионнинг ташқи қисмидан бачадон бўшлиғида қон томирларига бой бўлган ва маҳсус ҳужайралардан иборат бўлган алоҳида тўқима - йўлдош ҳосил бўлади, унинг ёрдамида ҳомила бачадоннинг деворига мустаҳкамланади. Унинг қон томирларидан киндик шаклланиб, унинг артериялари ва вена томирлари орқали ҳомила онанинг организмидаги қон томирлар билан бирикади. Йўлдош ҳомиланинг озиқланишини таъминлайди, бундан ташқари, уни онанинг организмига тушган заарли кимёвий моддалар, микроблардан ҳимоя қиласди.

Ҳомила юпқа қобик (амнион) билан ўралган, унинг ички бўшлиғи амниотик (ҳомила ёни) суюқлигига тўлган бўлиб, ушбу суюқлик ҳомила организмидаги моддалар алмашинуви жараёнларида, уни салбий ташқи муҳит таъсирлардан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади, унинг эркин ҳаракатланишини осонлаштиради. Шундай қилиб, ҳаётининг биринчи ҳафтасида ҳомила тухум найида ривожланади ва иккинчи ҳафтасидан бошлаб бачадон бўшлиғига ўтади ва 9 ой давом этади.

Ҳомила ҳаётининг учинчи ҳафтасида унинг ҳужайралари учта қатламни ташкил этади: ташқи қатlam - эктодерма, ўртанча қатlam - мезодерма ва ички қатlam - эндодерма. Уларнинг ҳар бири ҳомиланинг турли тўқималари ва аъзолари учун асос бўлади. Ташқи қатламдан терининг ташқи эпителиал қатлами, сезги аъзолари, асад тизими вужудга келади. Ўртанча қатлами мушаклар, суяклар, қон томирлари ва лимфа томирлари ҳосил бўлади. Ички

қатлам эса ҳазм қилиш аъзолари, нафас олиш аъзолари ва умуртқанинг ички сиртини қоплаб турувчи эпителиал тўқимани ҳосил қиласди. Ҳомила ривожланишининг 23-кунидан бошлаб унинг юраги, яъни катта қон айланиш доираси ишлай бошлайди. Лекин унинг ўпкаси ва кичик қон айланиш доираси эмбрионал ривожланиш даври давомида ишламайди ва ҳомила онанинг организми ҳисобидан киндик қон томирлари орқали кислород билан таъминланади.

Бола туғилиши билан унинг киндиги кесилади ва у онанинг организмидан ажратиб олинади. Шу пайтдан бошлаб унинг ўпкаси ва кичик қон айланиш доираси ишлай бошлайди.

3.3. Ҳомиладорлик ва тугрук.

Ҳомиладорлик – физиологик жараён бўлиб, унинг давомида аёл организмидаги уруғланган тухум ҳужайрасидан бачадондан ташқарида яшай оловчи ҳомила ривожланади. Нормал ўтувчи ҳомиладорлик охирги ҳайз келишининг биринчи кунидан бошлаб туғиш кунигача 266 кундан то 294 кунгача давом этиши мумкин (ўртacha олганда 280 кун, яъни 40 ҳафта).

Ҳомиладор аёлнинг организмидаги ҳомиланинг тўғри ривожланишига, аёлнинг туғишга ва болани эмизишга тайёрланишига ёрдам берувчи бир қатор ўзгаришлар юзага келади. Ҳомиладорлик билан боғлиқ турли-туман физиологик жараёнларнинг юзага келиши ва ўтиши асаб ва эндокрин тизимлари орқали тартибга солинади.

Моддалар алмашинуви ҳомиладорлик пайтида ҳомиланинг эҳтиёжларига қараб ўзгаради. Асосий алмашинув ҳамда кислородни истеъмол қилиш кучаяди. Аёл организмидаги оқсил моддаларининг йиғилиши юз беради. Тери ости қатламида ёғнинг анча кўпроқ йиғилиши кузатилади, айниқса думба ва кўкрак безлари соҳасида. Ҳомиланинг нормал ривожланиши учун зарур бўлган кальций, фосфор, натрий, темир тузларининг йиғилиши содир бўлади. Агар овқатланиш рациони минерал моддаларга бўлган эҳтиёжни қоплай

олмаса, ҳомиланинг ривожланишини учун ҳомиладор аёлнинг организмидаги тузлар сарфланади. Бу унда тишларнинг кариеси, гипохромли темир етишмовчилиги анемияси ривожланишига олиб келиши, шунингдек ҳомиланинг бачадон ичидан нобуд бўлиши ва ўз-ўзидан бола тушишига олиб келиши мумкин. Ҳомиладор аёл организмининг С, А, D, Е витаминлари ва В гурухи витаминларига бўлган эҳтиёжи кўпаяди.

Ҳомиладор аёлда айланувчи қон ҳажми, гемоглобин миқдори, эритроцитлар, лейкоцитлар сони кўпаяди.

Юрак-қон томир тизими ҳомиладорлик пайтида алоҳида зўриқиши билан ишлайди. Томир уриш тезлиги бир мунча ортади. Артериал қон босими одатда нормал бўлиб, фақат ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида озгина ошиши мумкин. Баъзан вена қон томирларининг варикоз кенгайиши юзага келади.

Ўпкаларнинг ишлаши кучаяди, ҳомиладорликнинг охирги ойларида нафас олиш бир мунча тезлашади ва чукурлашади.

Ҳомиладорликнинг биринчи 2-3 ойларида кўпинча юзага келадиган кўнгил айниши, қайт қилиш, таъм ва иштаҳанинг ўзгаришлари асосан вегетативасаб тизимининг бузилишлари билан боғлиқ бўлади.

Ҳомиладорлик пайтида буйраклар анча зўриқиши билан ишлайди. Сийдик миқдори озгина кўпаяди. Сийдик айриши тезлашади, айниқса ҳомиладорликнинг охирида.

Тос суюкларининг силжий олиши кучаяди, олд суюкларининг очилиб бориши ҳисобига унинг ҳажми ошади (меъёрида кўпи билан 1 см). Терида кўпинча қориннинг оқ чизиги соҳасида, кўкрак учлари соҳасида, пешона, бурун тепаси, устки лаб соҳасида қорайиш ёки доғлар қайд этилади.

Қорин девори терисининг энг кўп чўзилган жойларида пушти рангли ҳомиладорлик йўллари юзага келиши мумкин, туғищдан кейин улароқ чандиқларга айланиб қолади.

Кўкрак безлари катталашади, уларнинг қон билан таъминланиши кучаяди. Кўкрак учлари каттароқ чиқиб, босганда сут безларида ҳомиладорликнинг бошидаёқ суюқ томчилар ажралиб чиқиши мумкин. Ҳомиладор аёлнинг тана вазни бутун ҳомиладорлик даврида 12-14 % га ортади.

Бу ҳомиланинг ўсиши, ҳомила ёни сувларининг йиғилиши, ёғ йиғилишининг кучайиши, ҳомиладор аёл бачадони ҳамда қони массасининг ортиши туфайли юз беради.

Ҳомиладорликни аниқлаш:

Илк муддатида – ҳомиладорликнинг тахминий (гумонли) ва эҳтимолий аломатлари асосида ўтказилади. Ҳомиладорликнинг тахминий аломатларига қўйидагилар киради: кўнгил айниши, иштаҳанинг, таъми, ҳид сезишининг ўзгариши, уйқулилик, жаҳлдорлик, шунингдек терининг доғ билан қопланиши. Эҳтимолий аломатларига ҳайз кўришнинг тўхташи, сут безларининг шишиши, уларгабосганда суюқ томчилар ажралиши, бачадоннинг катталашуви ва бошқалар киради.

Катта муддатида – булар ҳаққоний клиник аломатлар билан тасдиқланади: ҳомиланинг харакатланиши, ҳомиланинг юрак тонларини эшлиши (18-20 хафтасидан бошлаб).

Ҳомиладор аёл турар жойига кўра аёллар маслаҳатхонасининг доимий кузатуви остида бўлиши лозим.

Ҳомиладор аёл гигиенасига риоя қилиши лозим: етарлича ухлаши, оқилона овқатланиши, ҳар куни душда чўмилиши, қулай ва кенг кийим, паст пошнали пойафзал кийиши, гигиеник гимнастика ва ҳоказолар қилиши лозим.

Туғрук – ҳомиладорликнинг якуни бўлган физиологик жараён бўлиб, унда ҳомила бачадондан туғиш йўллари орқали чиқарилади.

Туғрук яқинлашагнидан бир қатор аломатлар дарак беради, улар туғишининг хабарчилари дейилади. Уларга қўйидагилар киради: ҳомиладор аёл қорнининг пасайиши, тана вазнининг 1-2 кг га пасайиши (туғишдан 2-3 кун аввал), ҳомила харакатланиши фаоллигининг пасайиши. Бунинг энг муҳим

хабар берувчи аломатлари бачадонинг мунтазам бўлмаган қисқаришлари ҳамда қини ичидаги суюқлик ажралишидир. Тўлғоқ дейиладиган бачадоннинг мунтазам қисқаришлари пайдо бўлиши туғишнинг бошланиши деб ҳисобланади. Шу пайтда бошлаб аёл туғаётган аёл, туғишдан кейин эса тукқан аёл деб айтилади.

Туғрук жараёнида учта давр ажратилади:

1 давр – бачадон бўйнчасининг очилиши (илк туғаётганларда 10-11 соат, такрор туғаётганларда 6-7 соат давом этади);

2 давр – ҳомиланинг чиқарилиши (илк туғаётганларда 1-2 соат, такрор туғаётганларда 30 дақиқа-1 соат давом этади);

3 давр – йўлдош даври (ўртacha 20-30 дақиқа давом этади).

Илк туғаётганларда туғиш давомийлиги кўпроқ 11-12 соат, такрор туғаётганларда 7-8 соатни ташкил этади.

3.4. Ҳомилага карши воситалар ва уларни қўллаш усуллари.

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосини аёлларнинг наслий саломатлигини ҳимоя қилиш – соғлиқни саклаш соҳасидаги устувор йўналишлардан бири белгилаб беради, чунки у умуман ахолини соғломлаштириш ҳамда жумладан соғлом авлодни вояга келтиришни белгилаб беради. Қўйилган вазифаларни амалга оширишда оналар касалланиши ва ўлими кўрсаткичини камайтириш мақсадида туғилишни тартибга солиш, юқори хавфли ҳомиладорликнинг олдини олиш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Шу муносабатда оилани ривожлантириш масалалаида ихтисослашган ёрдам беришни, аёлнинг ҳомиладорликдан сақланишининг мавжуд усуллари юзасидан хабардорлигини ошириш, у ёки бу ҳомиладорликдан сақловчи воситани танлашда унинг истагини ҳисобга олишни ишлаб чиқиш ва ташкил этиш энг муҳим вазифаларга киритилиши лозим.

Аёллар наслий саломатлигини ҳимоя қилиш муаммосини ҳал этишга аёлларнинг юқори самарали ва мақбул ҳомиладорликдан сақловчи восиалар хақида хабарсизлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

БССТ маълумотларига кўра, аҳолининг саломатлиги фақат 10-20 % қисмига соғлиқни сақлаш идораларининг фаолияти билан белгилаб берилади. Аҳолининг асосий қисми (50 % дан ортиқ) таркиб топган турмуш тарзи туфайли соғлиғини йўқотади, бунда меҳнат шароитлари, майший, овқатланиш шароитлари, оила ичи муносабатлари, шахсий гигиена саломатлиги ёки касаланишни ва мос ҳолда умрнинг давомийлигини белгилаб беради. Жуда кўп омилларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашни оила орқали амалга ошириш мумкин, чунки уни шакллантиришнинг замонавий хусусиятлари умуман олганда демографик ривожланишга ҳам боғлиқ бўлади.

Ўзбек оиласининг анъанавий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олиб, оила ҳаётидаги катта юк аёл елкасига тушади. Бунинг жиҳатларидан бири шуки, туғиши ёшидаги аёлларнинг ҳомиладорлик оқибатида ногирон бўлишининг кўрсаткичи катта бўлиб қолмоқда (ҳомиладорликнинг асоратли оғир ўтиши, гестозларнинг оғир шакллари, ҳомиладорлик пайтида ва туғиши пайтида қон кетиши, акушерлик операцияларининг асоратлари ва ҳоказолар). Бу аёлнинг бутун ҳаёти давомида унинг наслий саломатлигини ҳимоя қилиш заруратини келтириб чиқаради. Қачон фарзанд кўриш ва умуман фарзанд кўриш-кўрмаслик қарорини қабул қилиш инсоннинг ҳукуқидир.

Наслий саломатлик нафақат соғломоилани шакллантиришни кўзда тутади. Ҳомиладорликдан сақловчи воситалардан оқилона фойдаланиш наслий саломатликнинг биринчи босқичи эканлиги шубҳасизdir, чунки унинг оқибатида abortлар сони камаяди, орзиқиб кутилган болалар туғилади, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар сони камаяди, наслий тизим аъзоларининг саратони ва саратон олди касалликлари камаяди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг маълумотларига қараганда туғиши ёшидаги 55 % аёллар турли ҳомиладорликдан сақланиш усулларидан мунтазам фойдаланади.

Сўров ўтказилган эркаклар ичидан ярмисидан ортиқ қисми ёшидан қатъи назар кераксиз ҳомиладорликнинг олдини олиш усулларини билмайди. Лекин улардан тахминан 85 % қисми абортларга салбий муносабат билдирилар.

Бачадон ичи воситалари (БИВ) Ўзбекистон Республикасида энг қўп тарқалган ҳомиладорликнинг олдини олиш воситаларидан биридир. Ҳомиладорликдан сақланувчи туғиши ёшидаги аёлларнинг деярли 60 % қисми шу усулни афзал кўради. Жаҳода 85 млн. аёллар бачадон ичи воситаларидан (БИВ) фойдаланади. БИВ тайёрланадиган материаллар хилма-хил.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида БИВ нинг 3 та асосий туридан фойдаланишди:

1. Инерт тури.
2. Мис таркибли.
3. Гормон таркибли (таркибида прогестин бўлган воситалар).

Мамлакатимизда мис таркибли БИВ лар энг қўп ишлатилади. Мис таркибли бачадон ичи воситаларнинг қуйидаги турлари учрайди:

- Copper T-380 A – энг қўп тарқалган БИВ тури. Стерил ўрамда чиқарилади, миснинг юза майдони 380 кв.мм.ни ташкил этади.

Бошқа турларига қараганда ушбу тури ҳомиладорлик юзага келишининг энг кам кўрсаткичига эга. Киритилганидан кейинги ҳомиладорликдан сақлаш таъсири 10 йил давом этади.

- Copper T-200 A – 4 йил давомида таъсир кўрсатади.
- Мультилоуд – 345 ва 200 – стерил ўрамда чиқарилади, мос ҳолда 375 ва 200 кв.мм мис юзасига эга, улар 5 йил давомида самарали таъсир кўрсатади.

Мис таркибли БИВ лар ҳомиладорликдан сақланишнинг самарали воситаларидир (1 йил давомида БИВ дан фойдаланувчи 100 аёлга 0,5-1,0 та ҳомиладорлик юзага келиши тўғри келади).

БИВ нинг бу тури бачадон шиллиқ пардасининг асептик яллиғланишига олиб келади, шу билан эндометрийнинг биокимёвий ва фермент балансини ўзгартиради. Бундай реакция бачадон бўшлиғига тушадиган спермани ҳаракатсизлантиради ва уни фаллопий найчаларида яна ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум этади.

Уруғланиш рўй берса ҳам, бачадон бўшлиғида бўлган БИВ лар бегона буюм каби таъсир қилиб, бачадон найларининг перистальтикасини кучайтиради, бунинг натижасида етилмаган тухум хужайраси бачадон бўшлиғига тушади ва парчаланди. Бачадон шиллиқ пардасининг ўзгаришлари ўз навбатида уруғланган тухум хужайрасининг ўзлашишига тўсқинлик қиласи. Ҳомиладан сақлаш таъсири киритилиши пайтидан бошланади ва БИВ турига қараб бир неча йил мобайнида давом этади. Ушбу усул фойдаланишда қулай бўлиб, эмизикли аёллар фойдаланиши мумкин, чунки бу усул кўкрак сутининг миқдорига таъсир этмайди.

Бу усул иқтисодий қулай, БИВ киритилганидан кейин шифокорга битта ташрифдан кейин узоқ кузатувлар ва ҳаражатларни талаб этмайди. Доимий турмуш ўртоғи бўлган, соғлом, тукқан аёллар учун сақланишнинг энг мақбул усулидир. Тартибсиз жинсий ҳаёт кечиравчи, жинсий аъзоларининг яллиғланиш жараёни бўлган, тұғмаган аёлларга БИВ тавсия этиш мумкин эмас.

Тўсиқли воситалар ҳомиладорликдан сақланишнинг ишончли ва самарали воситасидир. Аёллар ва эркаклар презервативлари мавжуд, улар ривожланаётган давлатларга қараганда ривожланган давлатларда кўпроқ тарқалган. Бутун жаҳонда ОИТС кенг тарқалган пайтда унинг истеъмолчиларининг сони тобора кўпайиб бормоқда. Унинг асосий механизми сперманинг аёл организмига кириш учун тўсиқ яратишдан иборат. Презервативлар арzon, осон қўйланади, организмга зарарли таъсир этмайди,

бир марта қўлланади. Вагинал тўсиқли воситаларга диафрагма, вагинал презерватив ва ҳомиладорликка қарши қалпоқча киради. Улар сперманинг бачадон бўйинчаси ичиға киришига тўсиқ бўлишини таъминлайди ва сперматозоидларни парчалайдиган воситалар билан биргаликда қўлланади. Сперматозоидларни парчалайдиган вагинал тўсиқли воситалар – спермицид воситалар кўпик ҳосил қилувчи восита, крем желе, суппозиторий ёки таблеткалар шаклида ишлаб чиқарилади. Улар алоҳида, вагинал тўсиқли воситалар билан бирга ёки бошқа ҳомиладорликдан сақловчи воситалар билан ҳомиладорликдан ёки жинсий касалликлардан самаралироқ сақланиш учун қўлланиши мумкин. Ушбу воситалар катта туғиш ёшидаги аёллар ёки мунтазам бўлмаган жинсий ҳаёт кечиравчи аёллар учун энг мақбул ва қулай бўлади.

Диафрагма – эгилувчан асосли, гумбазсимон резина қалпоқча бўлиб, жинсий алоқадан аввал қин ичиға киритилади. Диафрагманинг гумбазчаси бачадоннинг бўйинчасини қоплаб, қалпоқчанинг ички юзаси ҳамда бачадон бўйинчасининг усти орасида манфий босимни келтириб чиқаради (унга ёпишиб туради).

Гормонли ҳомиладорликдан сақловчи воситалар энг самарали воситалардан биридир. Гормонли ҳомиладорликдан сақлашнинг яратилиши кераксиз ҳомиладорликнинг олдини олишда ҳақиқий революция бўлган. Ҳар бир ҳомиладорликка қарши таблеткада аёллар жинсий гормонларига ўхшаш моддалар мавжуд (эстроген ва прогестерон).

Гормонал ҳомиладорликка қарши воситалар таркибига ҳамда қўллаш усулига қараб қуидаги турларга бўлинади:

1. Биргаликдаги орал (офиз орқали ичиладиган) контрацептив воситалар (БОК).
2. Таркибida фақат гестаген бўлган контрацептивлар.
3. Узок муддатли контрацептив препаратлар.
4. Алоқадан кейинги препаратлар.
5. Парентерал препаратлар.

Биргаликдаги орал контрацептив препаратларнинг қуидаги турлари ажратилади:

1. Монофазали (бир фазали): 21 дона фаол таблеткасида эстроген/прогестинли моддаларнинг бир хил микдори мавжуд.
2. Икки фазали: 21 дона фаол таблеткасида эстроген/прогестинли моддаларнинг икки хил нисбатли микдори мавжуд.
3. Уч фазали: 21 дона фаол таблеткасида эстроген/прогестинли моддаларнинг уч хил нисбатли микдори мавжуд.

Дорихоналарда мавжуд бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни саклаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган БОК турлари:

1. Монофазали: марвелон, микрогенон, ригевидон, овидон, ло-феминаль, регулон, новинет.
2. Икки фазали: тризистон, триквилар, три-регол.

Инъекцияли контрацептив воситалар (ИК) таркибига узоқ муддатли контрацептив воситалар киради, улар Ўзбекистон Республикасида анча оммавийлашган. Республикада Депо-Провера ва Норэстрат препаратлари рўйхатга олинган, улар юқори самарали бўлиб, ҳомиладорликдан саклана олмаслик 100 аёлга бир йилда 1 та ҳомиладорликдан камроқ кўрсаткични ташкил этади. Узоқ муддатли таъсирнинг асосий механизми мушак тўқимасидаги депонирланган дой орқали қон томирига прогестиннинг кичик дозалари доимий сўрилиб туришидир, бунинг оқибатида тухум ҳужайраси етилишининг тўлиқ ёки қисман бузилиши содир бўлиб, прогестин сўрилиб борган сари бачадоннинг шиллиқ пардасида уруғланган ҳужайра ўзлашишига тўскинлик қилувчи ўзгаришлар таъминланади. Цервикал шиллиқ қуюқлашади. Ушбу усулда ҳомиладор бўла олиш қобилияти тикалниши мумкин, лекин бир муддат кеч қолиб тикланади. Улар эмизикли оналар томонидан муваффақиятли қўлланиши мумкин.

Имплантатлар – бу гугурт катталигидаги юмшоқ капилляр найчалар бўлиб, шифокор уларни аёл елкасининг ички тарафидан тери остига киритади.

Уларда ҳомиладорликдан сақлайдиган гормонлар мавжуд. Бу узоқ муддатли ҳомиладорликдан сақланишнинг жуда самарали воситаси бўлиб, 5 йил давомида ҳомиладорликдан сақланиши таъминлайди. Улар жуда қулай, чунки жинсий алоқадан аввал, унинг вақтидан ёки ундан кейин ҳеч қандай қўшимча чораларни талаб этмайди. Улар бевосита бола туғилганидан ёки бола олдирилганидан кейин, шунингдек кўкрак сутини эмизиш даврида қўллаш учун хавфсиздир.

Уларнинг камчилиги шуки, уларни кирииш ва олиб ташлаш учун терини озгина кесиш лозим.

Соф прогестинли таблеткаларда (СПТ) факат прогестиннинг микродозалари мавжуд, ҳомиладан сақланишнинг бу тури юқори самарали усулларга киради. Усулнинг максимал самарали бўлиши учун узлуксиз қабул қилиш катта аҳамиятга эга, шундан сўнг тухум ҳужайра етилишининг тўлиқ тўхташи юзага келади. Препарат ичилганда максимал сақловчи таъсири ичилганидан кейин 3-4 соат ичида юзага келиб, 24 соатдан кейин тўхтайди. Бу жихати СПТ нинг ҳар кунги ва бир марталик қабул қилинишида катта аҳамиятга эга. Ушбу препаратларга микролют, микронор, оврет, экслютон киради.

Аёллар стерилизацияси (сальпингоэктомия, бачадон найларини боғлаш) ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда оилани режалаштиришнинг энг кўп тарқалган усулидир. Бу усул қайтариб бўлмайдиган, самарали, тежамкордир. Бу усулда бачадон найларидан сперматозоидлар ўтолмайдиган бўлади. Қориннинг олд деворидаги кичик кесиш орқали найлар кесилади ва боғланади. Мутлақо фарзанд кўришни хоҳламайдиган ёки кераксиз ҳомиладорлик юзага келганда саломалиги хавф остида қоладиган аёллар учун мос келади.

Эркаклар стерилизацияси (вазэктомия) аёллар стерилизациясига қараганда камроқ оммавийлашган, Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Канада, Нидерландлар, Буюк Британияда кенг тарқалган. Бу кичик ва осон

операциядир: сперматозоидлар уруғ суюқлигига тушмаслиги учун уруғ чиқарувчи найлар кесилади. Мояк соҳасидаги кичик кесиш орқали бу найлар кесилиб, боғланади. Бу юкори самарали усул бўлиб, бажарилиши осон, жинсий алоқага таъсир этмайди. Фарзанд кўришни хоҳламайдиган эркаклар ва ҳомиладорлик тақиқланган аёлларнинг турмуш ўртоқлари учун мос келади.

Юқоридаги ҳомиладорликка қарши воситалар юзасидан тавсиялар ёшларга контрацептив воситаларни самарали танлашга имкон беради, лекин бунда албатта олдиндан шифокор маслаҳатидан ўтиш лозим, чунки анамнезда у ёки бу соматик ёки гинекологик касалликларнинг мавжудлиги, аёлларнинг жинсий ва наслий хулқининг хусусиятлари, кўкрак сутини эмизиш, ёши, турмуш ўртоқларининг истаклари ва ҳоказолар ҳар бир муайян аёл учун ҳомиладорликдан сақланиш усулини танлашга индивидуал ёндашувни талаб этади.

Бачадон ичи воситалари (БИВ) доимий турмуш ўртоғи бўлган, соғлом, тукқан аёллар учун сақланишнинг энг мақбул усулидир. Тартибсиз жинсий ҳаёт кечиравчи, жинсий аъзоларининг яллиғланиш жараёни бўлган, туғмаган аёлларга БИВ тавсия этиш мумкин эмас. Улар қуидаги шароитда ишлатилади:

1. Аёл ҳомиладор эмаслиги маълум бўлган исталган пайтда;
2. Ҳайз кўриш циклининг 1 кунидан 7 кунигача;
3. Туғишдан кейин: 48 соатдан кейин ёки 6 хафтадан кейин: лактациявий аменорея усули ишлатилган бўлса, 6 ойдан кейин.
4. Бола олдиришдан кейин – дарҳол, агар бола олдириш асоратларсиз кечса, ёки тос юкумли касаллигининг аломатлари бўлмаганда 7 кундан кейин.

Агар аёл бачадон ичи воситасини танланган бўлса, у ҳар ойда ҳайз кўриш циклидан кейин БИВ ипчаларини жойида эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун текширишга ўрганиши лозим.

Тўсикли воситаларга презервативлар, диафрагма, цервикал қалпоқча, спермицид воситалар киради.

Презерватив жинсий алоқадан аввал эркакнинг жинсий аъзосига кийдириладиган узунчоқ қалин латекс қопчадир. Ундан фойдаланиш қоидалари:

1. Ҳар бир жинсий алоқа пайтида янги презервативдан фойдаланиш;
2. Таркибида ўсимлик ва синтетик мойлар бўлган мойлаш воситаларини ишлатмаслик;
3. Уларни қуруқ, салқин жойда сақлаш;
4. Сперманинг қинга оқиб кетишининг олдини олиш учун презерватив четини ушлаб туриш;
5. Презерватив спермицид воситалар – сперматозоидларни парчалайдиган воситалар билан биргалиқда энг самарали бўлади.

Диафрагма ва цервикал қалпоқча катта туғиши ёшидаги аёллар ёки мунтазам бўлмаган жинсий ҳаёт кечиравчи аёллар учун энг мақбул ва қулай бўлади. Презервативдан фарқли равишда улар жинсий алоқадан анча аввалроқ киритилиши мумкин. Диафрагма жинсий алоқадан кейин қин ичидаги 6–8 соат, қалпоқча эса 24 соат мобайнида қолиши мумкин. Диафрагма ва қалпоқча малакали ходимлар томонидан ўлчамига қараб танланиши лозим. Аёллар олдиндан улардан тўғри фойдаланиш (қинида тўғри жойлаштириш) ҳамда жинсий алоқа пайтида силжишини ўз вақтида сезишга ўргатилиши лозим.

Спермицид воситалар кўп мамлакатларда кенг қўлланади. Улар крем, желе, губкалар, қўпик ҳосил қилувчи таблеткалар, тампонлар ва ҳоказо шаклида ишлаб чиқарилади. Улар жинсий алоқадан 10-15 минут аввал қиннинг ичига чуқур киритилган ҳолда қин муҳитини ишқорлидан кислотали муҳитга вақтинча ўзгартириб, сперматозоидларни ҳаракатсизлантиради. Замонавий спермицид суртилган, уни фаоллаштириш учун сув билан намланган губка қинга киритилади ва бачадоннинг бўйинчасини ёпиб, резервуарга айланади. Губка қин ичидаги 24 соатгача туриши мумкин ва қўшимча спермицидлар киритилишини талаб этмайди, улар тозаловчи хусусиятига ҳам эга. Спермицид воситалардан туғруқдан кейинги илк 6 ҳафта давомида, ўз-ўзидан бола тушиб

қолишидан ёки сунъий бола олдиришдан кейин ҳамда ҳайз кўриш пайтида фойдаланиш мумкин эмас.

Гормонал контрацептив воситалар тухумдонларда эстрогенларнинг паст дарпажасига олиб келади, бу эса илк фолликулин фазасига мос келгани туфайли тухум ҳужайра етилмайди. Цервикал шилликнинг зичлашуви ва қуюқлашуви юз бериб, бу ҳол сперматозоидларнинг бачадонга ўтишини қийинлаштиради. Эндометрийнинг функционал ва морфологик хусусиятлари ўзгаради, бу ҳам ҳужайранинг ўзлашиши жараёнига салбий таъсир этади. Гормонал таъсир оқибатида сперматозоидлар ва тухум ҳужайрасининг силжиш ҳаракати бузилади. Биргаликдаги орал контрацептив воситаларини ҳайз кўриш циклининг биринчи кунидан бошлаб 21 кун давомида 1 таблеткадан ичиш лозим. Биринчи уч ой давомида мунтазам равишда, кейин эса зарур бўлган ҳолларда мутахассиснинг кузатувида бўлиш лозим.

Инъекциявий контрацептив воситалар жаҳонда кенг ишлатилади. 8 млн. гача истеъмолчилари мавжуд. Чуқур мушак ичига инъекция қилиш препаратнинг «омборини» – депосини ҳосил қиласи, шу билан ҳомиладорликдан сақланиш таъминланади. Инъекция ҳайз кўриш циклининг биринчи етти куни ичида ёки аёл ҳомиладор эмаслигини билган бошқа исталган пайтда қилиниши мумкин. Инъекция ҳар икки ёки уч ойда елка ёки думба мушагига қилинади. Инъекция қилиниши учун доимо янги стерил шприц ишлатилиши лозим.

Контрацептив имплантантлар тухум ҳужайранинг етилишини сусайтиради, цервикал шилликни қуюқлаштиради ва сперматозоидларнинг ҳаракатини бузади. Улар ҳайз кўриш пайтида, туғищдан ва бола олдиришдан кейин киритилади. Ушбу усул 70 кг ва ундан кам тана вазни бўлган аёлар учун 5 йил давомида самарали бўлади.

Норплант таркибида прогестин препарати – левоноргестрел бўлган 6 та ёки 2 та силикон капсуладан иборат. У маҳаллий анестезия ёрдамида елка соҳасида, унинг ички юзасидан тери остига киритилади.

Соф прогестин таблеткалари (СПТ) – микролют, микронор, оврет, экслютон юқори самарадорликка эга. Усулнинг максимал самарали бўлиши учун узлуксиз қабул қилиш катта аҳамиятга эга, шундан сўнг тухум ҳужайра етилишининг тўлиқ тўхташи юзага келади. Препарат ичилганда максимал сақловчи таъсири ичилганидан кейин 3-4 соат ичида юзага келиб, 24 соатдан кейин тўхтайди. Бу жихати СПТ нинг ҳар кунги ва бир марталик қабул қилинишида катта аҳамиятга эга:

1. Ҳайз кўриш циклининг биринчи куни;
2. Аёл ҳомиладор эмаслиги маълум бўлган исталган пайтда;
3. Туғишдан кейинги даврда.
4. Бола олдиришдан кейин – дарҳол.

5. СПТ ўрамида бир хил рангли 28 дона фаол таблеткалар бор: уларни ҳар куни, ҳайз кўришдан қатъи назар ишлатиш лозим.

Эркакларни ва аёлларни стерилизация қилиш – ИЖС (ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси) ҳомиладорликдан сақланишининг хавфсиз жарроҳлик усулидир.

Аёллар ИЖС нинг амалга оширилиши аёлнинг насл қолдириш вазифасининг доимий тўхташини англатади. Аёллар жарроҳлик стерилизациясининг таъсир этиш механизми бачадон найчаларини ёпишдан иборат (боғлаш, темир пайчалар солиш ва куйдириш). Бунда сперманинг тухумдонларга ўтиши учун йўл ёпилади ва тухум ҳужайраси уруғланишининг олди олинади. Ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси исталган ҳомиладорлик сони бўлган, исталган туғиши ёшидаги аёлларда (одатда 35 ёшдан катта бўлган аёлларда) қўлланади. Ушбу усулни ҳомиладорлик аёлнинг саломатлиги учун жиддий хавф соладиган ҳолларда қўйлаш мумкин. ИЖС ни амалга ошириш учун мини-лапаротомия усули ишлатилади, у маҳаллий анестезия остида бажарилиб, катта моддий харажат талаб этмайди. Мини-лапаротомияда 2-3 смлик кесик бажарилади. Найчаларни боғлаш иккала томонидан, яъни иккала

найчада бажарилади. Ҳомиладорликдан сақланиш таъсири дарҳол юзага келади. Аёл бу жараён қайтариб бўлмаслигини билиши лозим.

Эркакларнинг ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси сперма ўтишининг олдини олиш учун уруғ чиқарувчи найларни ёпишдан иборат. Вазэктомия кенг тарқалган, энг оддий, осон бажариладиган эркаклар стерилизациясининг усулидир. У фарзанд кўришни хоҳламайдиган ва юқори самарали доимий ҳомиладорликдан сақланиш усулидан фойдаланмоқчи бўлган исталган насл қолдира оладиган ёшдаги эркакларда қўйланиши мумкин. Вазэктомия операцияси амбулатория шароитида бажарилиши мумкин, чуни кўп миқдорда ускуналар ва умумий анестезия талаб этилмайди. Мояк соҳасидаги иккала томонидаги уруғ чиқарувчи найлар заарсиз қисқичлар билан мустаҳкамланиб, операция жойи лидокаин эритмаси билан оғриқсизлантирилади. Тери ва мушак қатлами уруғ чиқарувчи най устида кесилади, у ҳам ажратилиб, боғланади ва кесилади. Тери кесигига асептик боғлам қўйилади. Бемор операциядан сўнг 15-20 дақиқадан кейин шифохонадан чиқарилиши мумкин. Эркак ушбу операция қайтариб бўлмаслигини билиши лозим. Вазэктомияни амалг аошириш жинсий ҳаётига таъсир этмайди. Самарадорликнинг озгина кейинроқ юзага келиши мумкинлигини унутмаслик лозим, чунки операциядан кейинги илк 20 та эякулятда сперматозоидлар учраши мумкин, ва маълум вақт давомида ҳомиладорликдан сақланишнинг тўсиқли усууларидан фойдаланиш керак бўлади.

3.5. Инсон организми ривожланишининг турли даврларига хос бўлган саломатлик омиллари ва қўрсаткичлари.

Инсоннинг яшаш муҳитини шакллантирилиши унинг валиологик маданияти, жисмоний, рухий ва ижтимоий босимнинг таъсирига қарши турса олишига бевосита боғлиқдир.

Болалар доимо ўсиб, ривожланиб бориши туфайли уларга ҳар бир даврида шахсий хусусиятлардан ташқари алоҳида морфологик, физиологик ва психологик фазилатлар ёки хусусиятлар хос бўлади. Инсон онтогенезининг жараёнида бир қатор ривожланиш даврлари ёки босқичларини ажратишга маълум эҳтиёж туғилди. Онтогенезнинг учта даври ажратилади: тайёрлов; ҳомила даври (ҳомила ривожланиши); туғигандан кейинги (постнатал ривожланиш) ёки болалик.

Инсон ривожланишида болалик даврларининг жуда кўп таснифлари ичида педиатрия фанида Н.П. Гундобиннинг таснифи энг яхши деб хисобланади, у болалар касалликлари пропедевтикасидан (А.В. Мазурин, И.М. Воронцов - 1999 йил) бир мунча ўзгартирилган шаклида келтирилган.

А. Тайёрлов босқичи: 1) Ирсиятнинг шаклланиш даври; 2) Биологик ота-онанинг соматик ва репродуктив саломатлигининг шаклланиб бориши; 3) Концепциядан аввалги давр.

Б. Ҳомила даври: 1) Эмбрионал ривожланиш фазаси (ҳаётининг 75-кунигача); 2) Плацентар ривожланиш фазаси (ҳаётининг 75-кундан бошлаб то туғилишигача).

В. Туғилишдан кейинги босқич: 1) Янги туғилганлик даври (туғилишдан умрининг 28-кунигача); 2) чақалоқлик даври (29-кунидан умрининг 1-йили охиригача); 3) Илк болалик даври (1 ёшдан 3 ёшгача); 4) мактабгача даври (3 ёшдан 6 ёшгача); 5) кичик мактаб даври (7 ёшдан 11 ёшгача); 6) катта мактаб даври (12 ёшдан 17-18 ёшгача).

А. Тайёрлов босқичи

1) Ирсиятнинг шаклланиш даври - генеалогик - ота-онанинг аждодларида ирсий белгилар мажмуасининг шаклланиши даври. Айнан шу даврда ирсий патологиянинг келиб чиқиши сабаблари яшириниши мумкин ва уларни фарзанд кўришни режалаштириш жараёнида замонавий молекуляр-генетик усуллар билан излаш лозим бўлади.

2) Тайёрлов босқичига шунингдек ота-онанинг ривожланиши ва саломатлигининг фенотипини акс эттирувчи ота-оналар гаметаларининг шаклланиши киритилади (у гаметаларнинг ирсий шикастланишлари (сперматозоидларнинг аномалиялари ёки «жинсий ҳужайраларнинг ортиқча етилиши») билан боғлиқ бўлиши мумкин). Гаметопатиялар жинсий стериллик (бепуштлик), ўз-ўзидан бола тушиши, туғма нуқсонлар ва ирсий касалликларнинг сабаби бўлиши мумкин. 12 % гача эр-хотинлар бепушт бўлади. Туғма ва ирсий касалликлар 3 % болаларда туғилишдан кейин дархол, яна 2 % да эса кейинги ҳаёт йиллари мобайнида аниқланади. 15 % гача ҳомиладорликлар бола тушиши билан якунланади (бола тушишининг учдан бир қисми ҳомиланинг хромосомали аберрациялари (силжиб ўзгаришлари) билан боғлиқ бўлади).

3) Концепциядан аввалги давр - ҳомиладорлик юзага келишидан аввалги энг яқин давр. Бўлғуси ота-онанинг саломатлигига боғлиқ ҳолда ҳомиладорликдан аввал 2-4 ойни ташкил этиши мумкин. Тиббий тайёргарликнинг асосий вазифаси - сурункали юқумли касалликларни, энг аввало сийдик айриш ва жинсий аъзоларининг касалликларини даволаш, бўлғуси ота-онанинг овқатланишини нормага солиш, ҳомиладорликда тиббий-гигиеник ва психологик қўллаб-қувватлаш юзасидан билимлар даражасини оширишdir. Бу санаб ўтилган ва мавжуд бўлган хавфли омилларни эҳтимолий тузатиш вақтидир.

Б. Ҳомила даври - ҳомиладорлик юзага келиши пайтидан то бола туғилишигача ўртacha 270 кун давом этади, лекин амалда аёлнинг охирги ҳайз кўриш циклининг биринчи кунидан бошлаб 280 кун давомида ҳисоб юритилади. Ўз вақтида туғилиш деб ҳомиладорликнинг 38-41 ҳафтасида содир бўладиган туғруқ ҳисобланади, 38-ҳафтадан аввалгиси - муддатидан олдин ҳамда 42-ҳафтасидан ва ундан кейин содир бўладиган туғруқ- кечиккан туғилиш деб ҳисобланади.

Ҳомила ривожланишининг бир неча даврлари ажратилади.

1) Герминал, ёки соф хужайравий даври. У тухум хужайранинг уруғланиши пайтидан бошланиб, ҳосил бўлган бластоцитнинг бачадон шиллиқ пардасига ўзлашуви билан тугалланади. Унинг давомийлиги - 1 ҳафта.

2) Имплантация даври - 40 соат, яъни 2 суткага яқин давом этади. Ушбу иккита давр баъзан бирлаштирилади, чунки уларнинг тиббий-биологик аҳамияти катта. Бу пайтда 50-70 % уруғлантирилган тухум хужайралар ривожланмайди, тератоген омиллар эса ҳомиланинг яшаб қолиши мумкин бўлмаган патологияни келтириб чиқаради (аплазия ва гипоплазия) ёки хромосома аберрациялари ёки мутант генлар оқибатида ривожланишнинг оғир нуқсонларини шакллантиради (улар бластопатиялар деб номланади).

3) Эмбрионал даври бачадон ичи ривожланишининг 75-кунигача давом этади. Ҳомиланинг озиқланиши ҳомила қопчасида содир бўлади (амниотроф озиқланиш тури). Унинг асосий ўзига хослиги - бўлғуси боланинг деярли барча ички аъзоларининг пайдо бўлиши ва аъзолари ривожланиши билан кечади (органогенез). Тератоген (эндоген ва экзоген) омилларнинг таъсири эмбриопатияларни келтириб чиқаради, булар ривожланишнинг қўпол анатомик ва диспластик нуқсонларидан иборат. Ҳомиладорликнинг 3 ҳафтадан 7 ҳафтагача муддати - эмбрион ривожланишининг критик давридир.

4) Неофетал, ёки эмбриофетал даври. 2 ҳафта, яъни плацента - йўлдош ривожланиши икки ҳафта давом этади. Бу марказий асаб тизими ва эндокрин тизимидан ташқари қўпчилик ички аъзоларнинг шаклланиши тугашига мос келади. Ҳомила ўсишининг кейинги йўналиши йўлдошга, яъни плацентар қон айланишининг тўғри шаклланишига боғлиқ бўлади.

5) Фетал даври бачадон ичи ривожланишининг 76-кундан бошлаб то туғилишигача давом этади. Ҳомиланинг ривожланиши гемотроф озиқланиши билан таъминланади. Унда иккита давр ажратилади: бошланғич ва кечки даври.

Бошланғич фетал даври ҳомиладорликнинг 28-ҳафтасининг охиригача давом этади. Ҳомила аъзоларининг кучли ўсиши ва тўқималарининг

фарқланиб бориши содир бўлади, ноқулай омилларнинг таъсири эса аъзоларнинг ўсиш ва фарқланишининг секинлашуви (гипоплазия) ёки тўқималар фарқланишининг бузилиши (дисплазия) орқали намоён бўлиши мумкин. Иммунитет шаклланмаганлиги туфайли юқумли касалликка жавоб бириктирувчи тўқимали пролифератив реакциялари билан ифодаланади, бу эса циррозлар ва фиброзларга олиб келади. Баъзида етарли ривожланмаган боланинг туғилиши ҳам кузатилади. Ушбу даврда юзага келадиган ҳомила ўзгаришларининг мажмуаси «илк фетопатиялар» деган умумий атама билан номланади.

Кечки фетал давр - ҳомиладорликнинг 28 ҳафтасидан кейин то туғрук бошланишигача бўлган даврdir. Ушбу даврда озиқланишининг, қўпгина таркибий моддаларининг келажак учун йиғилиши содир бўлади: кальций, темир, мис тузлари, В₁₂ витамини бир неча ой давомида эмизикли боланинг озиқланиш мувозанатини тутиб туради (чунки она сутида улар туғилишидан кейин тез ўсувчи бола учун етарли бўлмайди). Ҳомиладорликнинг охирги 10-12 ҳафтасида ҳомиланинг ҳаётий муҳим аъзоларининг етарли даражада етилганлик даражаси ҳамда улар фаолиятининг туғрук пайтида кислород билан таъминланишининг эҳтимолий бузилишидан ҳимояланишига эришилади; шунингдек онанинг Ig G омилининг йўлдош орқали берилиши амалга оширилади, бу эса янги туғилган бола учун пассив иммунитетнинг юксак даражасини таъминлайди. Ҳомиладорликнинг охирги ҳафталарида «сурфактант» етилиши содир бўлади, у ҳомиланинг ўпкаси ҳамда нафас олиш ва ҳазм қилиш тизимларининг эпителиал қатламларининг нормал ишлашини таъминлайди. Шунинг учун боланинг ҳатто нисбатан озгина муддатидан илгари туғилиши ҳам унинг мослашув имкониятларига ва турли касалликлар юзага келишининг хавфига катта таъсир кўрсатади. Ҳомила шунингдек ноқулай (тератоген) омилларга нисбатан ҳам сезгир бўлади, улар ҳомиладорликнинг муддатидан илгари тугашига ҳамда кам вазнли ва функционал етилмаган боланинг туғилишига олиб келиши мумкин.

Аёлнинг ҳомиладорлик пайтида мувозанатланмаган овқатланиши (фолий кислотаси, рух, мис ва бошқа эссенциал нутриентларнинг етишмаслиги) ҳомилага тератоген таъсирларни кучайтириши мумкин – ривожланишнинг қўпгина генлари фақат маълум нутриентлар мавжуд бўлганда ишга туша бошлайди. Нокулай омиллар ҳомиланинг бачадон ичи гипотрофиясига ёки умумий ривожланишдан орқада қолишига олиб келиши мумкин (янги туғилган чақалоқнинг кам вазни ва бўйи).

Онадаги турли ҳомиладорлик асоратлари ёки экстрагенитал касалликлари ҳомиланинг юқумли касалликка учрашига олиб келиши мумкин. Ҳомиланинг юқумли касаллиги худди янги туғилган болалаларда кузатиладиган каби яллиғланиш реакциялари ва клиник аломатлари билан кечади, яъни ушбу қўзғатувчи учун хос бўлган шикастланиш хусусиятлари кўрилади. Юқумли касалликларнинг оқибати турлича бўлиши мумкин: кўпинча ҳомила туғилишигача ўлиб қолади; у касал бўлиб туғилиши ёки касалликнинг ўткир даври бачадон ичидан ўтганда касалликнинг қолдиқ репаратив ҳолатлари билан туғилиши мумкин. Ҳомилага касаллик юқиши туғилиш пайтида ҳам, туғруқ каналининг юқумли шиллигини ёхуд юқумли ҳомила ёни сувларини (узоқ муддатли сувсиз давр бўлганда) нафас олиш ва ютиш йўли билан содир бўлиши мумкин.

Кечки фетал давр интранатал даврга (туғруқ даврига) ўтади, у мунтазам туғруқ оғриқлари юзага келиши вақтидан то киндик боғланиши (қисилиши) пайтигача хисобланади (одатда 2-4 соатдан то 15-18 соатгача). Бу даврда қуидагилар содир бўлиши мумкин: туғруқ шикастлари (енгил ва оғир бўлиши мумкин); киндик (ва йўлдош) қон айланиши ёки нафас олишнинг бузилишлари (асфиксия); операция орқали туғиш (болани ёриб олиш).

Умуман олганда бачадон ичи ривожланиши даври юзасидан шуни қайд этиш лозимки, органогенез билан бирга ушбу давр боланинг ўта тез ўсиши (таксминан 5000 баравар) ва тана вазнининг бир неча минг баравар ортиши билан ажralиб туради.

Киндик боғланишидан кейин туғилишдан кейинги босқич ёки болаликнинг ўзи бошланади. Болаликнинг ўзи неонатал даврдан, ёки янги туғилганлик давридан бошланади, у бошланғич ва кечки давларга ажратиласди.

Бошланғич неонатал даври - киндик боғланиши пайтидан ҳаётининг 7-суткаси тугашигача бўлган даврdir (жами 168 соат). Бу боланинг бачадондан ташқари яшашга мослашувининг энг масъул давридир: ўпка билан нафас олишнинг бошланиши; кичик қон айланиши доирасининг ишлай бошлиши ҳамда бачадон ичи гемодинамикаси йўлларининг (артериал томир ва овал тешикнинг) кесилиши, ўпка ва бош мия қон томирларида қон миқдорининг ошиши; энергетик алмашинув ва терморегуляциянинг ўзгариши.

Боланинг янги шароитларга мослашувини акс эттирадиган ҳолатларга қуйидагилар киради: терининг физиологик катари, тана вазнининг физиологик камайиши, физиологик шўралаш, конъюгацион сарғайиш (ҳаммада эмас), янги туғилган чақалоқларнинг сийдик-нордон инфаркти, жинсий кризи (аникроқ айтганда гормонал кризи), у она ва боланинг эндокрин аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бузилиши, шунингдек тугруқ стресси билан боғлиқ бўлади. Шу пайтдан бошлаб боланинг энтерал озиқланиши бошланади. Шунинг учун малакали тиббий кузатиш ҳамда боланинг мослашувига ва тирик қолишига ёрдам берувчи шароитларнинг яратилиши муҳим бўлади. Бу даврда турли ривожланиш аномалиялари, фетопатиялар, ирсий касалликлар, янги туғилган чақалоқнинг гемолитик касаллиги, бачадон ичи юқумли касаллиги ва тугруқ пайтида юқишининг, аспирация, кечган гипоксия, тугруқ давридаги шикастланишлар намоён бўлиши аниқланади. Ўпка тўқималарининг етарли ривожланмаганлиги сабабли нафас олишнинг бузилиш синдроми намоён бўлиши мумкин. Юқумли касалликлардан максимал ҳимоя қилиш лозим (йиринг-септик касалликлар), чунки янги туғилган чақалоқларда секретор Ig A деярли йўқ бўлади, аксилтанаачалар миқдори паст бўлади (Ig M, айниқса грам-манфий флора, баъзи вируслар: герпес, цитомегаловирус, В коккларга

нисбатан), лимфоцитларнинг функционал фаолиги пасайган, фагоцитознинг якуний босқичи такомиллашмаган бўлади. Атроф мухитнинг оптималь харорати таъминланиши лозим (боланинг терморегуляцияси барқарор бўлмаслиги туфайли), янги туғилган чақалоқнинг она билан тез орада яқин алокаси, тез-тез кўкрак эмизиш, уларнинг ўзаро мулоқоти ва бир-бирига ўрганиши лозим бўлади.

Ҳомила ва янги туғилган боланинг нормал ривожланишини таъминлаш ҳамда касалликлар ривожланишининг олдини олиш учун кечки фетал, интранатал ва бошланғич неонатал даврлар кабиларни перинатал давр (бачадон ичи ривожланиш даврининг 28-хафтасидан то умрининг 7-кунигача) деган умумий ном остида бирлаштирилади. Перинатал даврда ўлган болаларнинг сони амалда ҳаётининг биринчи 40 йили давомида ўлганларнинг сонига tengdir. Шунинг учун болаларнинг перинатал даврдаги ҳаёти ва соғлигини максимал саклаш учун кураш умумий ўлим даражасини пасайтиришнинг гаровидир. Кечки неонатал давр 21 кундан иборат (ҳаётининг 8-кунидан 28-кунигача). Бола участка шифокори - педиатр ва болалар поликлиникасининг ҳамшираси кузатуви остида бўлади. Бола ташқи мухитга тўлиқ мослашиш ҳали содир бўлмади, бола организмининг резистентлиги паст, шунинг учун уйда шифокорнинг (3 марта) ва ҳамширанинг (3 марта) келиб кузатиши (патронаж) амалга оширилади. Улар қуйидагиларни назорат қиласи: онада сут эмизишнинг аҳволи, боланинг эмиш фаоллиги, тана вазнининг ортиши, парвариш қилиш ва овқатлантириш усуллари, кун тартиби, чўмилтириш, киндик ярасининг ҳолати, уйқу ҳолати, асаб-психик ривожланиши, шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши, онаси билан эмоционал, кўриш ва тактил алоқаларининг юзага келиши. Уч ҳафталигига кулиши ҳамда она билан мулоқотга жавобан хурсандлик ифодаси пайдо бўлади – бу боланинг айнан руҳий ҳаётининг бошланишидир. Кечки неонатал даврда бачадон ичи, интранатал ва бошланғич неонатал даврларининг патологиялари билан боғлиқ бўлган касалликлар ва ҳолатлар аниқланиши мумкин. Энг аввало

юқумли касалликлар, жумладан секин кечган бачадон ичи ва орттирилган касалликлар. Хўш, боланинг ахволи яхшилигининг энг муҳим мезонларини нималар белгилайди? Бу тана вазнининг ўзгариши, асаб-психик ривожланишини баҳолаш (анализаторлар - қўриш анализаторининг интенсив ривожланиши, ҳаракатлар мувофиқлашувининг ривожлана бошлиши, шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши), уйқунинг ҳолатидир. Қўйидаги синдромлар йўқлигини текшириш лозим: асаб-рефлектор қўзғалувчанлик, мушак дистонияси, вегето-висцерал дисфункциялар синдромлари, яъни перинатал кечган марказий асаб тизимининг гипоксиядан кейинги шикастланишини кўрсатувчи аломатлар.

Янги туғилган чақалоқлик давридан кейин чақалоқлик даври келади (29-кунидан умрининг 1-йили охиригача). Она ўз боласини эмизади – алоқаси энг яқин. Бачадондан ташқари яшашга мослашувнинг асосий жараёнлари ўтиб бўлган, интенсив жисмоний (бўйи бир ёшга келиб 25 см га ошади, тана вазни уч баравар ортади) ва асаб-психик ривожланиши содир бўлади, моддалар алмашинувининг юксак даражаси билан анаболик жараёнлар устувор бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг нисбий энергетик эҳтиёжлари катта ёшдаги кишининг бундай эҳтиёжидан уч баравар юқори. Шунинг учун бола 1 кг тана вазнига анча кўпроқ овқат миқдорига муҳтоҷ бўлади. Лекин овқатни ҳазм қилиш функционал жиҳатдан ривожланган даражада эмас – бунда оқилона овқатлантириш муаммоси келиб чиқади. Ушбу ёшда нооқилона овқатлантириш жисмоний, асаб-психик ва ақлий ривожланишининг секинлашувига сабаб бўлиши мумкин. Суяк тўқималари ва қон тизими овқат билан таъминланишига айниқса сезгир бўлади (бундан рапит, темир танқислиги камқонлиги келиб чиқади). Бундан ташқари, ошқозон-ичак тизимининг шиллиқ пардасининг ўтказувчанлиги қон оқимига овқат аллергенларининг осон ўтишига сабаб бўлади ва аллергиялар (аллергодерматозлар) ривожланади. 2-3 ойлик бола пассив иммунитетдан маҳрум бўлади, оқсил таначалар ҳосил бўлишининг шаклланиши эса секин ўтади, шунинг учун чақалоқ ёшидаги болаларнинг

касалланиши анча юқори бўлади. Нафас олиш аъзоларининг анатомик-физиологик хусусиятлари кўпинча ўткир респиратор вирус юқишининг асоратларига сабаб бўлади (отитлар, бронхиолитлар ва пневмониялар), уларнинг ўтиши анча оғир бўлиши мумкин. Шунинг учун болаларни уйда индивидуал тарбиялаш ҳамда чиниқтиришнинг воситалари ва услубларидан фойдаланиш лозим бўлади: уқалаш, гимнастика, ҳар куни чўмилиш, сузишга ўргатиш, шунингдек ўз вақтида профилактик вакцинация ўтказилиши лозим.

3.6. «Хавфли» еки заиф даврлар назарияси.

Машхур физиолог Н.Е.Введенский ёзишича, ҳар бир ёш организм нормал шароитларда ўз ичида улкан куч ва имкониятларга эга бўлади. Одатда кейинги ҳаётида ушбу куч ва имкониятларнинг факат бир қисми, кўп ҳолларда эса озгина бир қисми амалга оширилади ва ишлатилади. Долзарб масала - бизнинг организмимиизда мавжуд бўлган ушбу бой куч-имкониятлардан қандай қилиб имкон борича тўлароқ фойдаланиш лозимлигидир.

Замонавий фан инсон ривожланишига маълум «хавфли» даврлар хос эканлигини аниқлади, шу даврларда тегишли ҳаракат ёки ақлий функциялари айниқса тез ривожланади. Масалан, 5 ёшгача бола тилни айниқса тез ўрганади. Кейинги даврларда бу қобилият анча камаяди. 6-7 ёшида ҳаракатларнинг тезлиги шакланади, чунки бу даврда мушак кучларининг мувофиқлашувини таъминлайдиган асаб тизимининг бўлимлари ривожланади. 10-14 ёшда юрак ҳажми ва мушак вазнининг ўсиши, ўпканинг вентиляция вазифасининг ошиши муносабати билан одамнинг умумий чидамлилиги кучли ривожланади, мушакларнинг кучи эса 13-16 ёшларда энг тез ўсиб боради. Каттароқ ёшда эса ҳаракатларнинг юқори мувофиқлашуви, куч ва эпчилликни, чидамлилик ва диққат-эътиборнинг бирикмасини талаб этувчи мураккаб спорт ва касбий малакаларнинг ривожланиши учун энг қулай шароит юзага келади.

3.7. Одам саломатлигига «хавфли» даврлар таъсири.

Соф эмпирик тадқиқотлар йўли билан ёш ўзгаришлар кескин, «хавфли» даражада ҳам, аста-секин, литик ҳолда ўтиши мумкинлиги аниқланган. Блонский бола ҳаётининг бир-биридан кризислар билан ажралиб турадиган даврларини даврлар (эпохалар) ва босқичлар (стадиялар) деб атайди, ушбу кризислар эпохаларни ажратганда кескинроқ, босқичларда камроқ бўлади. Бир-биридан литик равишда ажралиб турган бола ҳаётининг пайтларини фазалар деб номлаган.

Ҳақиқатан ҳам, баъзи ёш даврларида ривожланиш секин, эволюцион, ёки литик кечиши билан тавсифланади. Булар бола шахснинг асосан сокин, кўпинча сезилмайдиган ички ўзгаришлари давридир, бу ўзгаришлар кичик «молекуляр» ютуқлар йўли билан амалга ошади. Боланинг шахсидаги у ёки бу даражада сезиларли ўзгаришлар бу ерда факат яширин «молекуляр» жараённинг узоқ муддатли оқиши натижасида содир бўлади. Улар факат яширин (латент) ривожланишнинг узоқ муддатли жараёнларининг якуни сифатидагина юзага чиқади ва бевосита кузатиш учун имкон беради.

Нисбатан барқарор, стабил ёш даврларида ривожланиш асосан бола шахснинг микроскопик ўзгаришлари ҳисобига амалга ошади, улар эса маълум чегарагача йиғилиб бориб, кейин бирор-бир ёшга боғлиқ янги тузилма шаклида аниқланади. Соф хронологик жиҳатдан қарайдиган бўлсақ, бундай сокин, барқарор даврлар билан болаликнинг катта қисми ўтади. Буларда ривожланиш гўёки яширин кетгани туфайли, барқарор давр ёшининг бошида ва охирида болани таққослагач унинг шахсидаги улкан ўзгаришлар айниқса яққол кўринади.

Барқарор, сокин ёш даврлари бошқа ривожланиш тури - кризисларга хос бўлган даврларга қараганда анча тўлароқ ўрганилган. Кризис даврлари факат тажриба йўли билан кашф этилган бўлиб, ҳали бир тизимга келтирилмаган, бола ривожланишининг умумий даврлари тизимиға киритилмаган. Кўп муаллифлар ҳаттоқи уларнинг мавжудлигининг ички заруратини шубҳа остига

олади. Улар шу кризисларни кўпроқ ривожланишнинг «касалликлари», унинг нормал йўлдан оғиши деб қабул қилишга мойил бўлади.

Ушбу даврлар ташки жиҳатдан барқарор, сокин давр ёшига зид бўлган хусусиятларга эга. Бу даврларда нисбатан қисқа вақт ичида (бир неча ой, бир йил ёки кўпи билан икки йил) боланинг шахсидаги кескин ва тубдан силжишлар, ўзагришлар, бурилишлар жамулжам бўлади. Бола ўта қисқа вақт ичида бутунлай, шахсининг асосий туб жиҳатларида ўзгаради. Ривожланиш кескин, ўта тез, баъзан ҳалокатли тус олади. Бу боланинг ривожланишидаги бурилиш нуқталари бўлиб, баъзан ўткир кризис шаклини олади.

Бундай даврларнинг биринчи хусусияти шундан иборатки, бир томондан, кризиснинг боши ва охирини бошқа даврлардан ажратувчи чегаралар ўта ноаниқ бўлади. Кризис сезилмайдиган ҳолда юзага келади - унинг бошланиши ва тугаши пайтини аниқлаш жуда қийин. Бошқа томондан, одатда ушбу ёш даврининг ўртасида содир бўладиган кризиснинг ўта кескин кучайиши хос бўлади. Кризис ўзининг чўққисига етадиган долзарб нуқтасининг мавжудлиги барча «хавфли» ёш даврларига хос бўлиб, уларни бола ривожланишининг барқарор, сокин даврларидан кескин ажратиб туради.

«Хавфли» ёш даврларининг иккинчи хусусияти уларни ўрганишнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилди. Гап шундаки, «хавфли» ривожланиш даврларини бошидан ўтказадиган болаларнинг кўпчилиги қийин тарбияланадиган бўлиб қолади. Болалар яқиндагина уларнинг таълим-тарбиясининг нормал боришини таъминлаб турган педагогик таъсир тизимидан гўёки чиқиб кетади. Мактаб ёшида «хавфли» даврларда болаларнинг ўзлаштириши пасаяди, мактаб машғулотларига қизиқиш камаяди ва умумий иш қобилияти сусаяди. «Хавфли» даврларда боланинг ривожланиши кўпинча атрофдагилари билан у ёки бу даражадаги кескин низолар билан кечади. Боланинг ички ҳёти кўпинча оғрикли ва қийин кечинмалар, ички низолар билан боғлиқ бўлади.

Яхши ҳамки, буларнинг ҳаммаси доимо учрайвермайди. Турли болаларда «хавфли» даврлар турлича ўтиб кетади. Кризиснинг ўтишида ҳатто ривожланишининг тури, ижтимоий вазияти энг яқин бўлган болаларда ҳам барқарор даврларига қараганда анча кўпроқ ўзгаришлар, ҳар хил турланиш кўпроқ учрайди. Кўпгина болаларда бирор-бир аниқ сезилган қийин тарбияланиш ёки мактаб ўзлаштиришининг пасайиши кузатилмайди. Бу ёш даврларининг турли болаларда ўтишидаги ҳар хил турларининг ўзгарувчанлиги, кризис ўтишига ташқи ва ички шароитларнинг таъсир кўрсатишлари шунчалик катта ва кучли бўладики, бу ҳолат кўпгина муаллифларга умуман бола ривожланишининг кризислари факат ташқи ноқулай шароитларнинг маҳсулигина бўлмасмикин, ва шунинг учун ҳам бола ривожланишининг тарихида қоида эмас, аксинча, истисно бўлиб ҳисобланиши керак эмасми, деган савол қўйишлари учун асос бўлди (А. Буземан ва бошқалар).

Ташқи шароитлар, албатта, «хавфли» даврларни аниқлаш ва уларнинг ўтишининг муайян хусусиятларини белгилаб беради. Турли болаларда турлича бўлган ушбу хусусиятлар «хавфли» ёш даврининг ўта ранг-баранг ва кўп турли манзарасини яратади. Лекин боланинг ҳаётидаги «хавфли», тубдан бурилиш даврларининг зарурати бирор-бир ўзига хос ташқи шароитларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги эмас, балки ривожланиш жараёнинг мантиқи билан юзага келтирилган.

Масалан, қийин тарбияланувчанликнинг абсолют баҳоланишидан нисбий, яъни боланинг кризисдан аввалги ёки ундан кейинги барқарор даврдаги тарбияланишининг осонлиги ёки қийинлиги даражасини кризис пайтидаги тарбиялаш қийинлиги билан қиёслашга асосланган баҳолашга ўтсак, ҳар қандай бола бу даврда бошқа даврдаги ўз-ўзига нисбатан қийин тарбияланадиган бўлиб қолишини кўрмай иложи йўқ. Худди шунингдек, мактаб ўзлаштиришининг абсолют баҳоланишидан унинг нисбий баҳоланишига, боланинг турли ёш даврларида ўқитиш давомида ўзлаштириш

суръатини қиёслашга асосланган баҳолашга ўтсак, ҳар қандай болада кризис даврида барқарор даврларга хос бўлган суръатига қараганда ўзлаштириш суръати пасайишини кўра оламиз.

«Хавфли» ёш даврларининг учинчи, назарий жиҳатдан энг муҳим, лекин энг ноаниқ бўлган ва шунинг учун ҳам шу даврлардаги бола ривожланишининг моҳиятини тўғри тушунишни қийинлаштирадиган хусусияти - ривожланишнинг салбий туридир. Ушбу ўзига хос даврлар тўғрисида ёзган барча муаллифлар биринчи навбатда шуларни қайд этганки, бу пайтда ривожланиш барқарор даврларидан фарқли равишда яратувчилик эмас, балки парчалайдиган йўналишда кетади.

Барча барқарор ёшларда шунчалик яққол кўринган бола шахсининг прогрессив ривожланиши, тўхтовсиз янгилик барпо этилиши кризис даврларида гўёки сўниб қолади, вақтинча тўхтайди. Аввалги босқичда юзага келган ва шу ёшдаги болани ажратиб турган ҳолатларнинг йўқолиши ва сўниши, парчаланиши ва камайиши жараёнлари биринчи ўринга чиқадими. Боланинг «хавфли» даврларда ўзига янги нарса қабул қилишидан кўра аввал олингандаридан йўқотишлари кўпроқ бўлади. Бу ёш даврларининг юзага келиши боланинг янги қизиқишлари, янги интилишлари, янги фаолият турлари, ички ҳаётининг янги шакллари пайдо бўлиши билан белгиланмайди. Кризис даврларига кириб келган бола кўпроқ аксинча хусусиятларга эга бўлади: у кечагина унинг бутун фаолиятини йўналтирган, вақти ва эътиборининг катта қисмини ишғол қилган қизиқишларни йўқотади, фаолияти гўёки тўхтайди; ташқи муносабатлари ва ички ҳаётининг аввал таркиб топган шакллари гўёки бўш бўлиб қолади. «Хавфли» ёш даврларининг салбий тури ҳақида гапирилганда айнан шу ҳолатлар назарда тутилади. Бу билан ривожланиш гўёки ўзининг ижобий, яратувчанлик аҳамиятини ўзгартириб, кузатувчини бундай даврларни асосан салбий томондан тавсифлашга мажбур этади, деган фикр ифодаланади. Кўпгина муаллифлар ҳаттоқи «хавфли» даврларда ривожланишнинг бутун мазмuni факат салбий жиҳатидан иборат,

деб ишонади. Бу ишонч «хавфли» ёш даврларининг номида ҳам кўринади (баъзилар шундай ёш даврини салбий фаза, баъзиларини - қайсарлик фазаси ва ҳоказо деб номлаганлар).

Айрим «хавфли» даврлар тўғрисидаги тушунчалар фанга эмпирик йўл билан тасодифий равишда киритилган. Бошқа даврлардан илгарироқ 7 ёш кризиси кашф этилган ва таърифланган (боланинг ҳаётидаги 7-йил- мактабгача ва ўспиринлик даври ўртасидаги ўтиш давридир). 7-8 ёшдаги бола эндиликда мактабгача ёшдаги бола эмас. Етти ёшли бола ҳам мактабгача ёшдаги боладан, ҳам мактаб ёшидаги боладан фарқ қиласи, шунинг учун у тарбиялаш бобида қийинчилик туғдиради. Ушбу ёш даврининг салбий мазмuni биринчи навбатда психик мувозанатнинг бузилиши, иродасининг, кайфиятининг бекарорлиги ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Кейинроқ 3 ёшли даврнинг кризиси кашф этилган ва таърифланган бўлиб, уни кўп муаллифлар қайсарлик фазаси деб номлашган. Қисқа вақти муддати билан чекланган бу даврда боланинг шахси бирданига кескин ўзгаришларга учрайди. Бола қийин тарбияланадиган бўлиб қолади. У қайсарлик, терслик, салбий жиҳатлар, эркалик, ўзбошимчалик кабиларни намоён қиласи. Кўпинча бутун даври ички ва ташқи низолар билан кечади.

Ундан ҳам кейинроқ 13 ёш кризиси ўрганилган бўлиб, у жинсий етилиш ёшининг салбий фазаси деб таърифланган. Номининг ўзи кўрсатишича, шу даврнинг салбий мазмuni биринчи ўринга чиқиб, юзаки кузатишда бу даврдаги ривожланишнинг бутун мазмунини камраб олгандек кўринади. Ўзлаштиришнинг пасайиши, иш қобилиятининг камайиши, шахсининг ички тузилишидаги ноуйғунлик, аввал қарор топган қизиқишилари тизимининг парчаланиб, йўқолиши, хулқининг салбий, протестли бўлиши туфайли ушбу давр ички ва ташқи муносабатлардаги мўлжаллар ва интилишларнинг бузилиши босқичи, инсоннинг «мен»и ва ташқи олам бир-биридан бошқа даврларга қараганда кўпроқ узоклашган даври, деб тавсифланади.

Ҳаётининг бир ёшига тўлиши арафасида содир бўладиган чақалоқлик ёшидан илк болаликка ўтиш амалда яхши ўрганилган бўлса-да, аслида бу ўзига хос ривожланиш шаклининг умумий таърифига мос келган ва асосий хусусиятлари бизга таниш бўлган «хавфли» давр эканлиги нисбатан яқиндагина назарий жихатдан англаб олинди.

«Хавфли» ёш даврларининг тугал занжирига эга бўлиш учун бошланғич бўгин сифатида янги туғилган чақалоқлик деб ном олган бола ривожланишининг энг ўзига хос даврини ҳам киритиш лозим. Бу нисбатан яхши ўрганилган давр бошқа ёш даврларининг тизимида алоҳида ўрин тутади ва бола ривожланишида энг ёрқин ва аниқ кризис даври бўлса керак. Туғилиш пайтидаги ривожланиш шароитларининг сакрашсимон ўзгариши, янги туғилган бола умуман янги муҳитга ўта тез тушиши унинг бутун ҳаётининг тузумини ўзгартиради, бачадондан ташқари ривожланишнинг бошланғич даврига хос бўлади. Янги туғилган бола кризиси эмбрионал ривожланиш даврини чақалоқлик ёши давридан ажратади. Бир ёш даврининг кризиси чақалоқликни илк болалиқдан ажратади. З ёш даврининг кризиси - илк болалиқдан мактабгача ёш даврига ўтишни белгилайди. 7 ёш даврининг кризиси мактабгача ва мактаб ёши ўртасидаги бирикув бўғинидир. Ва 13 ёш даврининг кризиси эса мактаб ёшидан пубертат ёшига ўтишдаги ривожланиш бурилишига мувофиқ келади. Шундай қилиб, олдимизда қонуний ривожланиш манзараси очиб берилади. «Хавфли» даврлар барқарор даврларининг орасида келиб, ривожланишдаги тубдан бурилиш, ўзгариш нуқталари бўлади.

Агар «хавфли» ёш даврлари соф эмпирик, яъни тажриба йўли билан кашф этилмаганда, назарий таҳлил асосида ривожланиш схемасига уларнинг тушунчаларини киритиш лозим бўлар эди.

Ривожланишнинг тубдан бурилиш пайтларида болага нисбатан қўлланаётган педагогик тизимнинг ўзгаришлари унинг шахсининг тез ўзгариши орқасидан улгурмай, мослаша олмагани туфайли бола нисбатан

қийин тарбияланадиган бўлиб қолади. «Хавфли» ёш даврларининг педагогикаси амалий ва назарий жиҳатдан энг кам ишлаб чиқилган.

Ривожланишда янги нарсаларнинг юзага келиши албатта эскининг йўқолишини билдиради. Янги ёш даврига ўтиш доимо аввалги ёшнинг сўниши билан белгиланди. Акс ривожланиш, эскиликнинг йўқолиши жараёнлари айнан «хавфли» ёш даврларида мужассамлашади. Лекин «хавфли» ёш даврларининг аҳамияти шундангина иборат, деб ўйлаш катта хато бўлар эди. Ривожланиш ҳеч қачон ўзининг яратувчанлик ишини тўхтатмайди, ва «хавфли» ёш даврларида ҳам ривожланишнинг конструктив жараёнлари кузатилади. Амалий тадқиқотлар кўрсатишича, тубдан ўзгариш даврларидаги ривожланишнинг салбий мазмуни - ҳар қандай «хавфли» ёш даврининг асосий ва бош мазмунини ташкил этган шахсдаги ижобий ўзгаришларнинг ботиний, аксил томонидир.

З ёш «хавфли» даврининг ижобий аҳамияти шунда ифодаланадики, бу ерда бола шахсининг янги ўзига хос хусусиятлари вужудга келади. Агар кризис бирон-бир сабабларга кўра сокин ва ифодасиз кечадиган бўлса, бу ҳол кейинги ёш давридаги бола шахсининг аффектив ва иродавий жиҳатлари ривожланишининг анча секинлашувига олиб келади.

7 ёш кризис даври юзасидан барча тадқиқотчилар қайд этганки, салбий аломатлари билан биргаликда бу даврда катта ютуқлар ҳам мавжуд бўлади: боланинг мустақиллиги ортади, унинг бошқа болаларга муносабати ўзгаради.

13 ёшдаги кризис даврида ўқувчининг ақлий ишлашининг маҳсулдорлиги камайиши бу пайтда кўргазмалиликдан тушуниб англашга ва дедукцияга интилишга ўтиш содир бўлиши билан изоҳланади. Ақлий фаолиятнинг олий шаклига ўтиш иш қобилиятининг вақтинча пасайиши билан кечади. Бу кризиснинг қолган салбий аломатлари билан ҳам тасдиқланади: ҳар бир салбий аломат ортида одатда янги юксакроқ шаклга ўтишдан иборат бўлган ижобий мазмуни яширинади.

Бундан ташқари, бир ёш даври кризисининг ижобий мазмуни мавжудлиги ҳам шубҳа туғдирмайди. Бу ерда салбий аломатлар боланинг оёққа туриб юришни ўрганиши ҳамда нуткни эгаллай бошлагандага олган ижобий ютуқлари билан очиқ-ойдин, бевосита боғлиқдир.

Янги туғилган чақалоқлик кризиси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бу вактда бола ҳаттоқи жисмоний ривожланиш борасида ҳам орқага кетади: туғилишдан кейинги биринчи кунлари янги туғиган боланинг вазни камаяди. Ҳаётнинг янги шаклига мослашиш боланинг яшаш қобилиятига катта талаблар қўяди, инсон ҳеч қачон туғилиш пайтидагидек ўлимга яқин бўлмайди. Лекин, шунга қарамай, бу даврда барча кейинги кризисларига қараганда ривожланиш янгиликнинг шаклланиши ва юзага келишининг жараёни эканлиги аникроқ намоён бўлади.

«Хавфли» ёш даврларида ривожланишнинг энг муҳим мазмунин янги тузилмаларнинг ҳосил бўлишидан иборат, улар эса, муайян тадқиқотлар кўрсатишича, ўта ўзига хос бўлади. Уларнинг барқарор ёш даврларининг янги тузилмаларидан асосий фарқи шундаки, улар ўтиш тусига эга бўлади. Яъни улар кейинчалик шу «хавфли» даврда юзага келган шаклида сақланиб қолмайди ва бўлгуси шахснинг таркибий тузилишига зарурый қисми сифатида кирмайди. Улар гўёки кейинги, барқарор даврининг янги тузилмалари томонидан сингдирилиб, йўқолади, уларнинг таркибига мустақил мавжуд бўлмаган тобе маҳсулот сифатида киради, уларда шунчалик эриб ўзгариши мумкинки, маҳсус ва чукур таҳлил қилмай туриб, кўпинча ушбу «хавфли» даврнинг ўзгарган ҳосиласи кейинги барқарор даврнинг ютуқлари ичидаги мавжудлигини очиб бўлмайди. Кризисларнинг янги тузилмалари кейинги давр бошланиши билан йўқола боради, лекин унинг ичидаги яширин шаклида, мустақил мавжуд бўлмаган ҳолда давом этади. Улар барқарор даврларда янги тузилмаларнинг сакрашсимон юзага келишига олиб келадиган яширин ривожланишда қисман иштирок этади.

Барқарор ва «хавфли» давларнинг янги тузилмалар тўғрисидаги умумий қонунларнинг муайян мазмuni ҳар бир ёш даврини қўриб чиқишга бағишиланган кейинги бўлимларда очиб берилади.

Схемамизда бола ривожланишининг айрим ёш давларига бўлинишининг асосий мезони янги тузилмалар бўлиши лозим. Ёш давларининг кетма-кетлиги бу схемада барқарор ва «хавфли» давларнинг алмасиб келиши билан белгиланиши керак. Бошланиши ва тугашининг анча аниқ чегараларига эга бўлган барқарор ёш давларининг муддатларини айнан шу чегаралар бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Кризис ёш давларини уларнинг бошқача турда ўтиши туфайли қризиснинг чўққи нуқталарини қайд этиб, унинг боши сифатида ушбу муддатдан аввалги ярим йил, унинг тугаши эса кейинги ёш даврининг биринчи ярим йили деб аниқланиши тўғрироқ бўлар эди.

Барқарор ёш давлари, эмпирик тадқиқотлар билан аниқланишича, аниқ ифодаланган икки қисмли тузилишга эга бўлиб, иккита - биринчи ва иккинчи босқичга ажралади. Кризис ёш давлари эса аниқ ифодаланган уч босқичли тузилишга эга бўлиб, литик тарздаги ўтиш билан ўзаро боғланган учта фазадан иборат: қризисдан аввалги, қризис ва қризисдан кейинги босқичлар.

Биз кўрсатган бола ривожланишининг схемаси бошқа схемалардан муҳим фарқ қилишини қайд этиш лозим. Улар бола ривожланишининг асосий давларини таърифлагандан шу схемага яқин бўлса-да, ушбу схемада ундаги мезон сифатида қўлланган ёш давларининг янги тузилмалари тамойилидан ташқари, қуйидаги жиҳатлар янгичадир: 1) ёш давларининг схемасига «хавфли» давларининг киритилиши; 2) схемадан боланинг эмбрионал ривожланиши даврининг чиқарилиши; 3) одатда ёшлик деб номланадиган, 17-18 ёшдан кейин то якуний етукли бошлангунча ёш даврини қамраб оладиган ривожланиш даврининг чиқарилиши; 4) жинсий етилиш ёш даврининг критик ёш давлари эмас, балки барқарор, стабил ёш давларига киритилиши.

Боланинг эмбрионал ривожланиши боланинг ижтимоий мавжудот сифатидаги бачадондан ташқари ривожланиши билан бир қаторда қаралиши

мумкин бўмагани учун биз уни схемадан чиқариб ташладик. Эмбрионал ривожланиш мутлақо алоҳидаги ривожланиш тури бўлиб, туғилиш пайтидан бошланадиган бола шахсининг ривожланишига қараганда умуман бошка қонуниятларга бўйсунади. Эмбрионал ривожланиш мустақил фан - эмбриология томонидан ўрганилади, у эса психологиянинг таркибий қисмларидан бири деб қаралиши мумин эмас. Психология боланинг эмбрионал ривожланишининг қонуниятларини ҳисобга олиши лозим, чунки бу даврнинг хусусиятлари туғилишдан кейинги ривожланиш даврида ўз таъсирини ўтказади, лекин психология бу туфайли эмбриологияни ўз ичига олмайди. Худди шунингдек, генетика, яъни ирсият тўғрисидаги фаннинг қонулари ва маълумотларини ҳисобга олиш лозимлиги генетикани психологиянинг бўлимларидан бирига айлантирмайди. Психология ирсиятни ва бачадондаги ривожланишни ўзича ўрганмайди, балки боланинг ирсияти ва бачадондаги ривожланишининг ижтимоий ривожланиши жараёнингга таъсирини ўрганади.

Назарий ва эмпирик, яъни тажриба-амалий тадқиқотлар бир хил даражада болалик ривожланишининг ўта чўзилишига ҳамда унга инсон ҳаётининг биринчи 25 ёши киритилишига зид келади, шунинг учун ҳам биз ёшликни болаликнинг ёш даврлари схемасига киритмадик. Умумий маъносига кўра ҳамда асосий қонуниятларга қараганда 18 ёшдан 25 ёшгacha бўлган давр болалик ривожланиши даврларидаги яқуний бўғин эмас, балки етуклик ёш даврларидаги бошланғич бўғин деб тан олиниши керак. Инсоннинг етуклик бошланишидаги (18-25 ёшида) ривожланиши болалик ривожланиши қонуниятларига бўйсунишини тасаввур қилиш қийин.

Пубертрат ёш даврининг барқарор ёш даврларига киритилиши - бизга бу ёш даври тўғрисида маълум бўлган ва уни ўсмир ҳаётидаги улкан юксалиш даври, шахсда амалга ошуви юксак синтезлар даври деб кўрсатувчи ҳолатларда зарурий мантиқий холоса бўлади. Шунингдек психология фанидан жинсий етилиши даврини «нормал патология» ва ўта чуқур ички кризисдан

иборат, деб фикр билдирган назарияларни танқид қилишдан ҳам шу каби мантиқий хулоса келиб чиқади.

Шундай қилиб, биз ёш даврларини күйидаги күренишда тақдим эта оламиз:

- янги туғилган чақалоқ кризиси
- бир ёш кризиси. Чақалоқлик ёш даври (2 ой-1 ёш).
- 3 ёш кризиси. Илк болалик (1 ёш-3 ёш).
- 7 ёш кризиси. Мактабгача тарбия ёш даври (3 ёш-7 ёш).
- 13 ёш кризиси. Мактаб ёш даври (8 ёш-13 ёш).
- 17 ёш кризиси. Пубертат ёши (13 ёш-18 ёш).

3.8. «Хавфли» давларни тиббиёт соҳасида, спорт амалиётида ва педагогикада ҳисобга олиш зарурияти.

Ўсмирлик даври ўзига хос психологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Фикрлаш жараёнлари ривожланади; болалар учун бўлган муайян фикр юритиш борган сари абстракт тафаккур билан алмашинади. У борган сари фаол, мустақил, ижодий бўлиб боради. Агар болаларни асосан нарсалар ва ҳолатларнинг ташқи жиҳатлари жалб этиб, диққатини тортадиган бўлса, ўсмирлар учун фикрлаш жараёнининг ўзи - мустақил ўйлаб олишни талаб этган барча нарсалар кўпроқ қизиқарли бўлади.

Ўсмирлар учун психиканинг бир-бирига зид ва узок хусусиятларининг навбатма-навбат намоён бўлиши хос бўлади: мақсадга йўналганлик ва қатъийлик шошқалоқлик ва апатия билан қўшилиб келади, юксак ўзига ишонч ва фикрларидаги шубҳасизлик ўзига ишонмаслик ҳамда тез шикастланувчанлик билан алмашинади, мулоқотга эҳтиёж яккаланиб қолишга интилиш билан алмashiб келади. Беорлик уятчанлик билан; романтиклиқ, хаёлчанлик, туйғуларининг юксаклиги қуруқ рационализм ва совуққонлик, уятсизлик билан бирга чамбарчас келиши мумкин. Чин кўнгилдан меҳр ва

муруват қаттиққұллик, бегоналашув, душманлик ва ҳатто жаҳолат билан тез алмашиниши мумкин.

Психологлар ва шифокорлар ўсмирлик ёш даврини «хавфли», кризисли деб ҳисоблайдилар. Болалар бу ёшда қулоқсиз, эркатой, жаҳлдор бўлиб қоладилар, ота-онаси ва ўқитувчилари билан кўпинча низога киришадилар. Буни билиб туриб, катталар сабрли бўлиши, жаҳлнинг бир-бирига боғлиқ занжирини қўзғатмаслиги, низоларни юмшатишга, йўқотишга интилиши лозим. Насихат ва уришишлар камроқ бўлиб, ўсмирга у билан ҳисоблашаётганликларини кўрсатувчи сокин жиддий сухбатлар кўпроқ бўлиши керак.

Ўсмирлик ёшининг кризиси ўткир ва узоқ муддатли бўлиб, бу давр мобайнида боланинг атрофдагиларига ва ўзига нисбатан кўпигна аввалги муносабатлари синиб, қайта тузилади, ўсмир янги мустақил ҳаётини бошлайдиган шахсий позицияси шаклланади.

Ўсмирлик даврида эркак ва аёлнинг психикасининг асосий хусусиятлари аниқ намоён бўлади. Қизлар кўпроқ таъсирчан, шикстланувчан бўлади, уларнинг асаб тизими сезгирроқ, улар психик кечинмаларга кучлироқ жавоб беради. Йигитлар кўпчилик ҳолларда юзага келган муаммолардан чиқиб кетишга кўпроқ мойил бўлади, улар учун вазиятнинг ўзгариши билан низонинг ўткирлиги ҳам камаяди. Фаол ривожланиш босқичига кирган ўсмирнинг психикаси жуда шикастланувчан бўлиб қолади. Ота-онаси ўсмирни кўпроқ вақт кузатиб, унинг хулқидаги хавотирли жиҳатларни биринчи бўлиб сезишлари керак. Улар ўсмирларда асаб-психик оғишларига олиб келадиган энг кўп тарқалган сабабларни билишлари, уларни ўз вақтида бартараф этишлари ёки ҳеч бўлмаса уларнинг таъсирини камайтиришлари лозим. Бундай таъсирларнинг манбаларини энг аввало оиласда ва мактабда излаш лозим.

Мактаб ўқувчисида психик бузилишлар юзага келишига мойил қилувчи бир қатор вазиятлар мактабда пайдо бўлиши мумкин. Ўсмирнинг психик

ривожланишидаги оғишларнинг энг муҳим сабаби кўпинча ўқув вазифаларини бажара олиш қобилияти етмаслиги бўлади. Бу вазият ёки ўқув материалининг ўта катта ҳажми ва мураккаблиги учун, ёки ўқувчининг тенгдошлари билан баравар таълим дастурини эгаллашга тўсқинлик қиласидиган интеллект хусусиятлари туфайли юзага келади. Ўсмирга қўйиладиган талаблар унинг имкониятларига мос келмаса, мактаб машғулотлари неврозга олиб келиши мумкин.

Кун тартибига риоя қилганда ва қулай психологоик иқлим вужудга келтирилганда, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт машғулотларидан оқилона фойдаланганда ўсмир организмидаги кўпгина психологоик ва жисмоний шикастларга йўл қўймаслик мумкин бўлади.

4 боб. ТИББИЙ НАЗОРАТ УСУЛЛАРИ

4.1. Болалик даврининг valeologyasi. Рационал овқатланиши асослари ва аҳамияти

Соғлом боланинг ривожланиши соҳасидаги илмий тадқиқотлар жисмоний тарбия ва спортнинг бола организмининг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатишидан далолат беради. Инсон организми ҳаракатларга биологик эҳтиёдж сезади, улар фаол биологик рағбатлантириш, жисмоний ва интеллектуал ривожланишни такомиллаштиришнинг омили бўлади. Ҳаракатнинг аҳамияти организмнинг кучли ўсиши ва ривожланиши даврларида – болалик ва ўсмирлик ёшида айниқса катта бўлади.

Болаларнинг жисмоний тарбиясини ҳамда спорт билан шуғулланишини тўғри ташкил этишнинг уларнинг саломатлиги кўрсаткичларига ҳамда ноқулай ташқи шароитларга мослашуви кўрсаткичларига ҳал қилувчи таъсир этиши ҳақидаги илмий асослаб берилган тадқиқотлар мавжуд.

Болаларнинг туғилишдан бошлаб оқилона овқатланишини ташкил этиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Болаларнинг оқилона овқатланиши – бу болаларнинг энергия ҳамда озуқа моддаларига бўлган физиологик эҳтиёжини қондирадиган ҳамда унинг тўлақонли ўсиши ва жисмоний ривожланишини, юқумли касалликлар, заҳарли моддалар ва ташқи муҳитнинг бошқа ноқулай омилларининг таъсирига чидамлилигини таъминлайдиган овқатланишидир.

Бир ёшидан уч ёшигача бўлган (айнан шу даврда бола ақлий ривожланишининг асослари шаклланади), мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг овқатланишига етарли эътибор бермаслик унинг ўсишининг секинлашувига, жисмоний ривожланишининг бузилишига, касалланиш ва ўлимнинг юқори хавфига, хотираси ва ўзлаштиришининг пасайишига, шунингдек боланинг билиш қобилияти пасайишига олиб келиши мумкин.

Ҳаётининг биринчи ҳафталари ва ойлари мобайнида овқатланиш боланинг ўсиш ва ривожланиш генетик дастурини тузатишнинг энг муҳим омилидир.

Калория сигими бола организмининг энергия сарфига тўлиқ мос келувчи овқатланиш меъёри энг мақбул ҳисобланади.

Сифатли овқатланишни таъминлай туриб, биринчи навбатда энг аввало ўрни босилмайдиган, қатъий меъёрланадиган озуқа моддаларига эътибор бериш лозим: оқсиллар, озуқа ёғларининг эссенциал таркибий қисмлари, витаминалар, минерал тузлар ва сув.

Ўрни босиладиган озуқа моддаларига углеводлар ва тўлақонли бўлмаган ёғлар, яъни таркибида мажбурий таркибий моддалари бўлмаган ёғлар киради.

Болалар суткалик овқатланишининг асоси – бу ўсаётган организмнинг эҳтиёжларини қондирувчи микдорда барча ўрни босилмайдиган таркибий моддалардир. Лекин фақат муҳим озуқа моддаларини – оқсиллар, витаминалар, минерал тузларини киритиш бола организмининг энергетик эҳтиёжларини тўлиқ қондирмайди. Калорияларнинг етмаган микдори ўрни босиладиган озуқа моддалари – оқсиллар билан таъминланади.

Ўсаётган организмнинг овқатланишида ҳар қандай тирик организм учун асосий пластик, яъни қурувчилик материали бўлган оқсиллар алоҳида ўрин тутади.

Улар боланинг барча аъзолари ва тўқималарини қуриш учун сарфланади, қон ишлаб чиқариш жараёнида, организмнинг турли касалликларга чидамлилигини таъминлайдиган ҳимоя омилларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этади, турли гормонлар, ферментларнинг таркибига киради. Ҳатто озгина оқсил етишмовчилигида ҳам бола секин ўсади, унинг иммун тизимининг шаклланиши орқада қолади, кўпчилик аъзоларининг ишлаши бузилади, руҳий ривожланиши секинлашади.

Озуқа ёғлари – бола организми учун жуда муҳим бўлиб, юқори энергетик қийматига эга – организмда 1 г ёғнинг парчаланиши 9,3 ккал, 1 г оқсил ёки 1 г углеводнинг парчаланиши эса 4,1 ккал беради.

Улар моддалар алмашинувида иштирок этади, юрак-қон томир тизимининг ҳамда марказий асаб тизимининг ҳолатига, овқатни ҳазм қилиш жараёнларига таъсир этади, турли юқумли касалликларга иммунитетни ҳосил қилишга ёрдам беради, организмнинг асосий энергия харажатларини тамиnlайди. Улар ўсимлик ёғлари ва ҳайвон ёғларига бўлинади.

Ўсимлик ёғлари политўйинмаган ёғли кислоталарининг, Е витаминининг асосий манбаи, улар эса овқатланишнинг ўрни босилмайдиган омиллариdir. Бола озиқланишида ёғларнинг етишмаслиги унинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади, организмнинг ҳимоя кучларини пасайтиради, тери ва шиллик пардаларининг тузилишидаги бузилишларга олиб келади. Ёғнинг ортиқча бўлиши ҳам заарли – ҳазм қилиш, айниқса оқсилни ўзлаштириш бузилади, бош мия пўстлоғининг қўзғалувчанлиги камаяди.

Углеводлар – бу энергия манбаи бўлиб, улар барча ҳужайралар ва тўқималарнинг таркибига киради, моддалар алмашинувида иштирок этади, оқсиллар ва ёғларнинг яхшироқ ўзлашишига ёрдам беради. Углеводларнинг

асосий манбаи: шакар, нон, ёрмалар, қандолатчилик маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар.

Минерал моддалар – организмнинг барча хужайралари ва тўқималарининг таркибига киради. Улар суюк тизимининг, мушаклар, асад тўқимасининг тўғри ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, қон ишлаб чиқариш, ферментлар ва гормонларни ҳосил қилиш жараёнларида иштирок этади. Улар моддалар алмашинуви жараёнларида фаол иштирок этади, осмотик босимни тутиб туради.

Витаминлар – овқатнинг муҳим ва ўрни босилмайдиган таркибий қисмлари, бу организмнинг ҳаётий фаолиятида, айниқса унинг тез ўсиши ва ривожланиши даврида муҳим роль ўйнайдиган биологик моддалардир.

4.2. Жисмоний фаоллик тўғрисида тушунча. Организмнинг умумий гигиенаси, чиниқтириши

Жисмоний фаоллик соғлом турмуш тарзининг иккинчи туб таркибий қисмидир. Инсон доимо куч, эпчиллик, тезлик, чидамлилик каби жисмоний фазилатларни ривожлантиришга интилиши лозим. Ҳар биримизда жисмоний куч бериш, ишончли чиниқиши талаб этувчи кўплаб ишларимиз бўлади. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш жараёнида нафақат саломатлик мустаҳкамланади, балки ўзини яхши сезиш ҳамда кайфият яхшиланиб, тетиклик, қувноқлик туйғуси пайдо бўлади. Замонавий ишлаб чиқариш ва ҳаёт шароитлари анча даражада инсоннинг ҳаракатланиш фаоллигини камайтирган. Академик А.И. Бергнинг маълумотларига қараганда (2000 йил) ўтган асрда мушак энергиясининг ишлаб чиқаришда сарфланиши 94 % ни, ҳозирги пайтда эса фақат 1 % ни ташкил этади. Ҳаракатларниг камлиги инсоннинг саломатлигига салбий таъсир этади. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, эрталабки бадантарбия, жисмоний машқлар танаффуслари, сайлар, сайёхлик ҳаракатга очлик – гиподинамиянинг ўрнини тўлдиришга қаратилган. Стэнфорд университети мутахаасислариинг

тадқиқотлари буни тасдиқлайди, америкалик олимлар инсонларни жисмоний машқлар билан шуғулланишга ишонтирадиган күплаб фикрларни келтирадилар.

Уларнинг ичида қуидагиларни ўқинг:

- Жисмоний машқлар – бу лаззатдир.
- Ҳар бир инсон учун мос келадиган машқ тури топилади.
- Бир неча ойдан кейин Сиз уларга шунчалик ўрганиб қоласизки, ҳеч қачон ташлай олмайсиз.
- Ярим йилдан кейин эса:
- Сиз фаолрок, тетикроқ бўласиз.
- Кучингиз кўпаяди, ҳаракатлар мувозанати яхшиланади, реакция тезлиги ошади.
- Асаб зўриқиши ва ёмон кайфиятни баратараф этиш осонроқ бўлади.
- Ёғ қатламлари камаяди.
- Суяқ тўқималари мустаҳкамланади.
- Қон айланиши яхшиланади.
- Ишлаш қобилиятингиз ошади.

Бу хуросаларга қўшилмай иложи йўқ, чунки улар ҳақиқатан амалиётда доимо исботланган. Жисмоний машқлар асосли равища соғлом турмуш тарзининг ажralmas қисмидир, чунки жисмоний фаолликсиз инсоннинг нафақат жисмоний, балки руҳий аҳволи анча ёмонлашади, инсоннинг интеллектуал имкониятлари пасаяди (шифокорларнинг таъкидлашича, ақлий ишлаш жисмоний иш билан тўлиқ қопланиши лозим).

Америкалик муаллифлар таклиф этган машқлар тизимида улар мушакларни мақсадли кучайтириб ишлатиш ёки бирор жисмоний фазилатларни (эпчилик, чидамлилик, тезлик ва ҳоказолар) маҳсус ривожлантиришга доир бирор алоҳидаги машқларни бермайжи. Соғлом турмуш тарзини юритиш учун, уларнинг фикрича, аэроб машқлар бажарилиши лозим.

«Аэроб машқлар деб мушакларнинг йирик гурухларини ритмик ишлатувчи машқлар дейилади. Улар жисмоний юклар билан бевосита боғлиқ бўлмайди, лекин тўқималарнинг кислород билан тъминланишига ҳамда унинг қўпроқ истеъмол қилинишига ёрдам бериши лозим». Ўртача кучланишли юклар билан йигирма минутдан кун ора ёки ҳеч бўлмаса ҳафтасига уч марта шуғулланса, аэроб машқларнинг исталган тури юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди.

Аэроб машқларга пиёда юриш ёки сайдрларни, югуриш, жойида туриб югуриш, сузиш, конькида учиш, зинапояда кўтарилиш, эшкак эшиш, скейтбордда, роликли конькида учиш, ракс тушиш, аскетбол, теннис киритилади. Кўриб турганингиздек, бу машқларнинг барчаси ҳеч қандай маҳсус жисмоний малакаларни талаб этмайди. Уларнинг ҳаммаси ўзига хос, шуғулланувчи учун қизиқарли шаклда бажарилади. Табиийки, бу ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун, демакки, тўлақони соғлом турмуш тарзини юритиш учун қўшимча омил бўлади.

Жисмоний машғулотлар жараёнида мушак-бўғим аппарати муваффақиятли мустаҳкамланиши, тана вазнининг камайиши, ёғлар алмашинуви яхшиланши, қон зардобида холестерин камайиши, артериал қон босимининг даражаси меъёрга тушиши, марказий асад тизимининг ишлаши яхшиланиши, кучли чиникиш таъсири юзага келиши, организмнинг турли экстремал таъсирларга чидамлилиги мустаҳкамланиши исботланган, яъни жисмоний машқларнинг таъсири организмнинг амалда барча аъзолари ва тизимларининг ишида намоён бўлади, лекин уларнинг юрак-қон томир тизимиға бўлган таъсири энг муҳимдир. Яхши жисмоний ҳолатда бўлиш қўйидаги таркибий қисмларидан ташкил топади:

1) Чидамлилик – уни соғлом юрак тъминлайди. Юрак учун энг яхши машқлар – организм энг қўп кислород истеъмол қиласиган машқлардир. Пиёда юриш, югуриш, велосипедда юриш, сузиш, аэробика организмнинг чидамлилигини оширади.

2) Эпчиллик – яхши жисмоний ҳолатда бўлган инсон ўз ҳаракатларини мувозанатлаштира олиши ва тез реакцияга эга бўлиши лозим.

3) Мушак кучи –кучли мушаклар қоматни жозибали қиласди. Кучни оширишга қаратилган машқларда организмга қўшимча кислород талаб этилмайди.

4) Мушак чидамлилиги – такрорланувчи ҳаракатлар мушакларни чарчамай, интенсив ишлашга ўргатади.

5) Эгилувчанлик – кучли соғлом ва эластик мушаклар ҳар қандай ёшда, айниқса кекса ёшида ҳаракатчанликни сақлаб қолишга имкон беради. Эгилувчанликни гимнастика, бадминтон, ракслар, чанғида учиш ва ҳоказолар ривожлантиради.

Касалликларнинг олдини олиш ва ўз саломатлигини мустаҳкамлаш муаммосига аллома Абу Али Ибн Сино катта аҳамият берган. У «Соғломларнинг саломатлигини» ёшига, соғлиғининг аҳволига, касалликларга мойиллигига қараб, йил мавсумларининг хусусиятлари ва бошқаларга кўра қараб чиқар эди. Ибн Сино илк бора жисмоний машқларнинг инсон организмини мустаҳкамлашга таъсир кўрсатишини илмий асослаб берган. У шу машқлари соғлиқни сақлашнинг энг муҳим шарти деб ҳисоблаган. Унинг ёзишича: «Жисмоний машқ узлуксиз чуқур нафас олишга олиб келувчи ихтиёрий машқдир. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланувчи ва кун тартибига риоя қилувчи киши дорига муҳтоҷ бўлмайди. Жисмоний машқлар бошқа режимларга риоя қилинганда ортиқча тўлиб кетиш илк омилларининг йиғилишини олдини оловчи энг кучли омиллардир, шу билан бирга улар туғма илиқликни оширади ва баданга енгиллик беради, чунки улар енгил илиқликни қўзғатади ва ҳар куни йиғилиб борадиган ортиқчаликларни бартараф этади.»

Ибн Сино жисмоний машқларни «кичик ва катта, жуда кучли ёки кучсиз, тез ёки секин машқлар» га бўлган, «секин машқлар ҳам бўлади», деб айтган. Жисмоний машқларга у арқонни тортиш, қўл жанги, ёйдан ўқ отиш, тез юриш,

найза отиш, қиличбозлик, отда юриш, иккала қўлни силкитиш, арғимчоқда учиш, қайиқларда эшкак эшиш, тош кўтариш ва бошқаларни киритган.

Ибн Синонинг фикрича, жисмоний машқларга кириша туриб, иккита шартга амал қилиш лозим: биринчидан, бадан тоза бўлиши керак, иккинчидан, истеъмол қилинган овқат ҳазм қилиниши лозим. Жисмоний машқларни бажаришни, айниқса кучли жисмоний машқларни оч қорин пайтида бошлаш тавсия этилмайди, чунки улар «кучни йўқотади». Жисмоний ва гигиеник тавсиялар болалар учун, йигитлар ва «ёши ўтиб қолган» кишилар учун жуда оқилона ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Боланинг туғилишидан тортиб то йигитлик пайтигача ва вояга етиши давригача жисмоний ривожланишини ёрита туриб, Ибн Сино чақалоқни парвариш қилиш, уни овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш қоидаларини, инсон организмига қуёш, ҳаво, сувнинг таъсир этишини батафсил таърифлайди, сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, туйиш) ривожланиши учун жисмоний машқларнинг фойдали эканлигига ишонтиради.

Болалик ва йигитлик даврлари ўртасида ўсмир катта куч харажатлари, кўп энергияни талаб этмайдиган жисмоний машқлар билан шуғулланиши лозим. Ушбу машқлар боланинг ўсишига ва унинг мушакларининг мустаҳкамланишига ёрдам бериши керак.

Шундай қилиб, Ибн Сино тиббиётнинг ўз тушунчасини қатъий асослаб берган ҳолда биринчи диққат марказига соғлиқни сақлашни олға суради, унинг фикрлари ва қарашлари кўп жиҳатдан замонавий тиббий фан ва амалиётнинг вазифаларига ҳамоҳангдир.

Гигиеник тарбия – бу умумий тарбиянинг узвий қисми, гигиеник кўникумалар эса маданий хулқнинг ажralmas таркибий қисмидир. Организмнинг гигиенаси энг аввало тери қоплдамининг тозалигини тутиб туриш билан боғлиқ. Тери қоплами тозалигининг муаммоси инсон учун жуда долзарбдир, чунки «таксиминан 2,5 млн. тер ва ёғ безлари суткасига деярли 0,5 литр тер ва 20 г га яқин ёғ ишлаб чиқаради, терининг устки қопламида

хужайралар тўхтовсиз янгиланиб туради, ифлос терида инсоннинг саломалиги учун заарли микроорганизмлар бўлади. Тери ифлосланганда тер безларининг чикиш йўўлари ифлосланиб, организмнинг хароратини созлаш қобилияти бузилади. Ифлос терида замбуруғ касалликлари осон ривожланади, уларни даволаш эса узоқ муддат талаб этади». Албатта, ушбу фикрларнинг барчаси бизни тананинг тозалигини тутиб туриш лозимлигига ишонтиради.

Чиникиш – бу организмнинг атроф муҳитнинг нокулай омилларига қарши тура олишни ошириш учун табиатнинг табиий омилларидан илмий асосланган ҳолда мунтазам фойдаланишdir. Унга болалик ёшидан киришган яхшироқ. Чиникиш организмнинг чидамлилик қобилиятини ошириш воситаси сифатида қадимги даврлардан бери қўлланган. Чиникиш тажрибаси минг йиллардан ортиқ тарихга эга. Абу Али ибн Сино VIII – IX асрларда «Тиббий илм Конуни» асарини яратди, унда ибн Сино организмни чиниктиришга ва табиатнинг табиий кучлари - ҳаво, сув ва қуёшдан жисмоний машқлар билан биргаликда фойдаланишга катта аҳамият берган. Ибн Синонинг фикрича, инсон организмини чиниктириш тоза ҳавода кўп бўлган ҳолда, ҳаво ванналарини эркин харакатлар, сайр қилиш, ўйинлар, жисмоний машқлар билан қўшиб борганда амалга оширилади. У ёш йигитлар ва кекса кишиларнинг организмини чиниктириш баданни сув билан артиш, ҳаммомда чўмилиш сифатида ўтказилиши мумкин, деб ҳисоблаган.

У тиббиётни назайй ва амалий тиббиётга бўлган, амалий тиббиётни эса саломатликни сақлаш илми ва касал баданни даволаш илмига бўлганю ўз асарининг бобларидан бирида ибн Сино совуқ сувда чўмилиш, жумладан кичик ёшдаги болаларни совуқ сувда чўмилтириш тўғрисида, шунингдек сайёҳларни иссиқ сахро шароитида ва қишки ёғинли об-ҳаво шароитида чиниктиришга ўзига хос тайёргарлик усуллари тўғрисида гапирган.

Чиниктириш учун тиббий қаршиликлар йўқ, ўткир безгакли касалликлар бундан истисно. Юқори ёки паст ҳароратлар таъсирида инсон организмida физиологик ўзгаришлар содир бўлади. Чиниктириш туфайли марказий асаб

тизими фаоллашади, периферик асаб тизимининг қўзғалувчанлиги пасаяди, ички секреция безларининг фаолияти кучаяди, хужайра ферментларининг фаоллиги ошади. Буларнинг ҳаммаси организмнинг ташқи мухит шароитларига чидамлилигини оширади.

Баданинг бир неча бора совуқ ҳарратга тушиши совуққа чидамлиликни оширади ва кейинчалик ҳатто инсон жуда совқотганда ҳам организмнинг иссиқлик мувозанатини сақлашга имкон беради.

Совуққа қарши чиниқтиришининг усуллари ҳаммага яхши маълум. Бу ҳаво, сув ва қуёш ҳамда жисмоний машқлардир. Конвекцияли (ҳаво ва қуёш ванналари) ҳамда кондукцияли совутишдан (сувни устидан қўйиш ва нам сочиқ билан артиниш, оёқ ванналари, чўмилиш, алмашиб туриладиган сувли амаллар) иборат бўлган усуллар йиғиндиси энг яхши натижага беради.

Чиниқтиришнинг таъсири унча узоқ бўлмайди, у фақат организмни чиниқтириш пайтида ва ундан кейин озгина муддат давом этади, шунинг учун чиниқтириш доимий ва изчил бўлиб, у билан ҳар қуни шуғулланиш керак.

Чиниқтирувчи чора-тадбирлар умумий (тўғри кун тартиби, оқилона овқатланиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш) ва маҳсус (ҳаво ванналари, қуёш ванналари, сув амаллари) чораларга бўлинади. Унинг ёрдамида кўпгина касалликлардан халос бўлиб, умрини узайтириш ва узоқ йиллар давомида меҳнат лаёқатини, ҳаётдан мамнунлигини сақлаб қолиш мумкин. Чиниқтиришнинг айниқса шамоллаш касалликларининг олдини олишда аҳамияти жуда катта. Чиниқтирувчи амаллар шамоллаш касалликларининг сонини 2-4 баравар камайтиради, айрим ҳолларда эса умуман улардан халос бўлишга ёрдам беради.

4.3. Мактабгача, мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиши даражасини белгиловчи қўрсаткичлар ва уларни аниқлаш усуллари.

Жисмоний ривожланиш - бу организмнинг морфологик ва ункционал хусусиятларининг мажмуаси бўлиб, у тананинг вазни, зичлиги ва шаклини, болаларда ва ўсмирларда эса - ўсиш жараёнларини белгилайди. Жисмоний ривожланишни баҳолаш чидамлиликни, иш қобилиятини, жисмоний қучини баҳолашга ёрдам беради.

Ёш ўтиши билан тана нисбатлари жуда кўп даражада ўзгаради. Янги туғилган болада бошининг узунлиги бутун танасидан тахминан 1/4 қисмини, катта ёшдаги кишида эса 1/8 қисмини ташкил этади. Оёклар аксинча, янги туғилган чақалокда ўта кичик, катта ёшдаги кишида эса тана узунлигининг ярмисидан сал ошади. Тана нисбатларидаги бундай фарқлар тананинг айrim қисмлари ўсиши ва ривожланишидаги нотекислигини кўрсатади. Юрак, буйрак ва баъзи бошқа аъзоларнинг вазни тана вазнининг ўсишига деярли teng ва мос равишда ошади, фақат озгина кечикиши мумкин. Масалан, юракнинг вазни 15 баравар ошади. Мушаклар жуда кўп ўсади: уларнинг вазни катта ёшдаги кишида янги туғилган чақалоққа нисбатан 35-40 баравар кўпроқ бўлади. Баъзи аъзолар бачадон ичидаги ривожланиш давридаёқ шунчалик тез ўсадики, туғилишдан кейин уларнинг вазни факат 3-4 баравар ошади. Масалан, янги туғилган боланинг бош мияси тахминан 390 грамм келади, катта ёшдаги кишида эса ўртacha 1490 грамм бўлади. Бунда бош мия вазнининг туғилишдан кейинги асосий ортиши ҳаётнинг биринчи йилларига тўғри келади. 10 ёшдан кейин бош миянинг вазни унчалик катталашмайди. Вазни туғилишдан кейин умуман ўзгармайдиган аъзолар ҳам бор. Бундай аъзоларга чакка суюгига жойлашган эшитиш аъзоси ва ярим доира каналлар киради. Жинсий безлар ҳаётининг биринчи йили давомида вазни ортади, кейин 7-9 йил давомида уларнинг вазни деярли ўзгармайди, ва ҳаётининг 10-йилидагина улар яна ўса бошлайди.

Боланинг жисмоний ривожланишини унинг вазни, бўйи, унинг кўкрак қафасининг айланаси ва бошқа кўрсаткичларига қараб баҳолаш мумкин. Ҳатто мутлақо соғлом боланинг ҳам бўйи ва вазни нотекис равища ўсади. Баъзи ёш

давларида у тезроқ, бошқа пайтларда секинроқ ўсади. Туғилишда боланинг бўйи ўртача 50 см га тенг бўлади, 1 ёшга тўлганда эса 75 см, яъни у 50 % га ошади; вазни (ўртача вазни туғилиш пайтида 3200 гр) бир йил ичида уч баравар ошади ва 9,5-10 кг га етади. 2-йил давомида бола 10-15 см га ўсади ҳамда вазни 2,5-3 кг га ошади. Кейинги йилларда то жинсий етилиши давригача боланинг ҳар йили тана вазнининг ошиши тахминан 1,5 - 2 кг, бўйининг ўсиши 4-5 см ни ташкил этади.

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари айниқса ҳаётининг биринчи йилларида жуда ўзгарувчандир. Улар яшашнинг оғир шароитлари, тоза ҳаво етмаганда, яхши овқатланмаганда, кам уйқу бўлганда, кам ҳаракатланганда ва ҳоказо шароитларда кескин пасаяди. Ҳам юқумли, ҳам юқмайдиган касаллик, айниқса оғир ўтган ҳолда, боланинг организмини заифлаштиради, унинг нормал ривожланишини бузади.

Жисмоний ривожланишини доимий кузатиш боланинг ҳолатидаги номақбул силжишларни ўз вақтида аниқлашга имкон беради.

Ҳар бир алоҳидаги боланинг жисмоний ривожланишини баҳолашда шунингдек унинг тери ва шиллиқпарда қопламларининг ҳолати ва рангини, семизлигини (тери ости ёғ қатламининг ривожланганлигини), мушакларнинг ривожланганлиги ва тонусини, қоматини ва ҳоказоларни ҳисобга олиш лозим. Жисмоний ривожланишни таҳлил этишнинг асосий усуллари соматоскопия (ташқи кўриб чиқиши) ва антропометрия (соматометрия) дир. Соматоскопия тана тузилишининг ўзига хос хусусиятларини, қомати ва таянч-ҳаракат аппаратининг ҳолатини аниқлайди. Тана тузилишининг хусусиятлари конституция деб аталади. Конституцияларнинг учта тури: нормостеник, гиперстеник ва астеник тури фарқланади.

- Нормостеникларда тананинг узунлиги ва эни ўлчамларининг орасида маълум нисбатлар мавжуд бўлади (нисбатан пропорционал тана);
- гиперстеникларда ушбу пропорциялар эни ўлчамлари ортишига қараб бузилган бўлади (нисбатан узун тана ва калта оёклар);

- астеникларда пропорциялар узунлик ўлчамлари ортишига қараб ўзгарган бўлади (оёқлари узун, танаси кичикроқ бўлади).

Ташки кўриб чиқиши қоматнинг бузилишлари бор-йўқлигини аниқлаш учун керак бўлади. Кўриб чиқиши учта ҳолатда: олдидан, ёнидан ва орқадан ўтказилади:

- олдидан кўриб чиқишида юзнинг, бўйиннинг эҳтимолий асимметриясига, кўкрак қафасининг, кўл-оёқларнинг шаклига, тос ҳолатига эътибор берилади;
- ёнидан кўриб чиқиши қоматни сагиттал текисликда текширишга имкон беради (яssi, думалоқ, букилган, яssi-ўйик, думалоқ-ўйик бел ва ҳоказолар);
- орқадан кўриб чиқишида умуртқанинг фронтал текислик бўйича эҳтимолий букилишлари аниқланади (сколиоз).

Қомат - бу бемалол турган кишининг одатдаги ўргангандан ҳолатидир. Нормал қоматга умуртқанинг мўътадил ифодаланган физиологик эгилишлари ҳамда барча тана қисмларининг симметрик жойлашуви хос бўлади. Бош тўғри ҳаракатланади, елкалар сал пастга тушган ва орқага қараган, қўллар тўғри турган бадан ёнида, оёқлар тизза ва тос-сон бўғимларида букилмаган, оёқ товоонлари параллел ёки озгина икки тарафга айрилган. Қоматнинг бузилишлари исталган ёшда мушаклар заиф бўлганда юзага келади. Кўпинча букрисимонлик ривожланади. Думалоқ бел одатда ёшлик кифози деб аталади. Думалоқ ва думалоқ-ўйик бел нафас олиш ва қон айланиш вазифаларининг пасайишига таъсир этади. Яssi бел умуртқанинг рессорли вазифасини камайтиради. Умуртқанинг ён тарафга қайрилиши - сколиознинг бор-йўқлигини ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим. Ҳар қандай жойлашувдаги сколиозда қайрилишнинг қабариқ тарафида бадан ва пастга туширилган қўллар ўртасидаги масофа (учбурчак) камроқ ифодаланади. Сколиознинг I даражасидаёқ тананинг 90° гача эгилишида умуртқаларнинг вертикал ўқ атрофидаги торсиясини аниқлаш мумкин.

Кўкрак қафаси шаклиниг бузилиши: қанотсимон кураклар, елка камарининг асимметрик ҳолати. Қорин нормада озгина ичига тортилган бўлади.

Оёқлар шаклини аниқлаш учун текширилаётган кишига турган ҳолатида товонини бирлаштириб, оёқ учини озгина ажратиш таклиф қилинади. Оёқлар шакли турлича бўлади: нормал, X -симон ва O -симон. Тиззалар ва товонлар бир-бирига текканда оёқлар тўғри деб ҳисобланади. X-симон оёқларда фақат тиззалар, O-симон оёқларда фақат товонлар бир-бирига тегади.

Оёқ товонлари нормал, яссиланган ва яssi шаклга эга бўлиши мумкин. Яssi товонда товоннинг кўтарилиган жойи яссиланган бўлади. Ясситовонлик ҳолати товонларнинг ердаги излари бўйича (плантография) ва унинг катталигини ўлчаш (подометрия) бўйича аниқланади. Бемор стулда тиззасида туриб, товонлар пастга осилиб турганда ясситовонликни кўриб ташхис қўйиш осон бўлади.

Қўл шаклини аниқлаш учун текширилаётган киши турган ҳолда қўлини олдинга кафтларини тепага қилиб чўзиб, уларни кафтлар жимжилоқлари бир-бирига тегадиган қилиб бирлаштириши лозим. Агар қўллар тўғри бўлса, улар тирсак соҳасида бир-бирига тегмайди, агар улар X-симон бўлса - тегади.

Мушакларнинг ривожланиши мушаклар тонуси, кучи ва рельефининг ҳолатига кўра яхши, ўртача ва кучсиз деб баҳоланади.

Жисмоний ривожланиш тўғрисида объектив фикр чиқариш учун алоҳида антропометрик кўрсаткичларнинг нисбатларини - индексларини аниқлайдилар. Бўй-вазн кўрсаткичи (Кетле индекси) граммлардаги тана вазнини сантиметрлардаги бўйига бўлиб ҳисобланади.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг ўсиши ва ривожланшининг асосий қонуниятлари:

- мактабгача ёш даври (3 ёшдан 7 ёшгacha). Биринчи физиологик чўзилиши хос бўлиб, оёқ-қўлларининг узунлиги сезиларли катталашади, юз рельефи чукурлашади, тана вазнининг ортиши озгина секинлашади. Аста-секин сут

тишлари тушади ва доимий тишлари чиқа бошлайди. Ушбу ёш даврининг охирига келиб турли ички аъзолар тузилишининг фарқланиши тугалланади, иммун тизими (химояси) эса маълум етуклика эришади. Интеллект (акли) кучли ривожланади, ўйин фаолияти мураккаблаша боради. Муракаб мувофиқлаштирилган ҳаракатлар такомиллашади. Бу ёш даврида асосий ўлим сабаби травматизм бўлади.

- кичик мактаб ёши даври (7-11 ёш) жисмоний ривожланишнинг аниқ жинсий деморфизми бошланади. Майда мушакларнинг ўта мураккаб мувофиқлашув ҳаракатлари тез ривожланади, шу туфайли ёзув ўрганиш мумкин бўлади. Хотира яхшиланади, ақл ривожланиб юксалади. Мактабда ўқиш болаларни интизомга ўргатади, уларнинг мустақиллигини ва иродавий хусусиятларини рағбатлантиради, қизиқишилари доирасини кенгайтиради. Болалар жамоанинг интилишлари билан яшай бошлайдилар. Болаларнинг асосий ўлим сабаби травматизм бўлади.
- катта мактаб ёши даври (12 ёшдан 18 ёшгacha) баъзан ўсмиринлик дейилади. Эндокрин безларининг функцияларининг кескин ўзгаришилари содир бўлади. Қизлар учун - бу кескин жинсий етилиши давридир. Йигитлар учун - жинсий етилишнинг бошланиши. Бу препубертат ўсишдаги сакраш бўлиб, ноуйғун ўтиши мумкин. Бу психологик ривожланишнинг энг қийин давридир, айниқса жисмоний ва жинсий ривожланиши бузилганда, вегетатив созланиш беқарор бўлганда, баъзан оғир ўтувчи томир тонусининг бузилишлари, шунингдек қалқонсимон безнинг касалликлари юзага келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир боланинг биологик ривожланишининг ўзига хос суръати мавжуд бўлиб, унинг биологик ёши маълум даражада унинг туғилиш гувоҳномаси бўйича тенгдошларининг ёшидан фарқ қилиши мумкин. Организмнинг кўпгина функционал имкониятлари, унинг реактивлигининг тизими энг аввало тақвим ёшига эмас, биологик ёшига мувофиқ ривожланади. Бундан турмуш тарзини ташкил этиш, соғлиқни саклаш, унинг таълим-

тарбиясига индивидуал ёндашиш лозимлиги келиб чиқади. Шунинг учун болалик биологиясида болалик ёш даврларини тақвим ҳаёти муддатлари бўйича эмас, биологик етуклик жиҳатлари бўйича таснифлашга уринишлар бўлган.

Соғлом боланинг аниқ ва ёрқин ёш динамикасига ёки функционал ривожланишига эга бўлган барча антропометрик, физиологик, метаболик, иммунологик белгилари тақвим ёшига қараганда биологик ёши тўғрисида фикр чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун ушбу белгиларнинг ёш даврлари бўйича тақсимланишининг жадвалларига эга бўлиш лозим.

Нормада бўлиш ёки биологик ёшнинг тақвим ёшига мослиги барча кўрсатилган тизимларнинг ривожланиши ва ишлашининг яхши эканлигидан далолат беради. Биологик ёшининг, тана ўлчамлари ва пропорцияларининг орқада қолиши патологиянинг мавжудлиги ёки атроф муҳитнинг боланинг оптимал ривожланиши учун мос эмаслигини кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий ривожланишнинг ёшини ҳам кўрсатиш лозим. Жамиятдаги ижтимоий ривожланиш параллел ҳолда ўтиши ҳамда боланинг ва ўсмирнинг жисмоний ва асаб-психик ривожланишига мос келиши ва ундан кечикмаслиги мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Боланинг жисмоний ривожланишини аниқлашда одатда организм ҳолатининг энг барқарор, оддий усуслар билан юқори аниқлиқда белгилаш мумкин бўлган кўрсаткичлари олинади. Масалан, тана узунлиги организмда содир бўладиган пластик жараёнларнинг жамланма кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди. Тана вазни - камроқ барқарор кўрсаткич бўлади, лекин у суяк-мушак аппарати, ички аъзолар, ёғ клетчаткасининг ривожланишиниакс эттиради. Кўкрак қафасининг айланаси кўкрак ва бел мушакларининг ривожланганлигини, кўкрак бўшлигининг функционал ҳолатини тавсифлайди. Жисмоний ривожланиш белгиларини аниқлаш билан биргалиқда баъзи функционал кўрсаткичларни тадқик этиш мақсадга мувофиқ бўлади: юрак

қисқаришларининг тезлиги, артериал қон босими, қўл мушакларининг кучи. Жисмоний ривожланиш анча даражада болаларнинг иш қобилиятини, жумладан ақлий иш қобилиятини белгилаб бериши аниқланган.

Жисмоний ривожланишга энг аввало тўғри ташкил этилган жисмоний тарбия таъсир этишини қайд этиб ўтиш лозим. Пасайган ҳаракат фаоллигига мушак аппарати, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимлари етарли юксиз ишлатишга ҳам ўта зўриқиши билан жавоб беради, бу уларнинг функцияларининг барқарор бузилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, пасайган ҳаракатланиш режими жисмоний ривожланишдаги ортиқча тана вазни томонга силжишларга олиб келиши мумкин.

Ҳаракатланиш режимини баҳолаш учун одатда ухламаган даври давомидаги ҳаракат фаоллигининг умумий давомийлиги аниқланади. Шифокорлар тавсияларига мувофиқ у ухламаган даврининг камида 50 % қисмини ташкил этиши лозим, лекин кузатиладиган гуруҳларда кун тартибини ўрганиш ҳаракат фаоллигига 36 % дан 40 % гача тўғри келишини кўрсатди, бу эса тавсия этиладиган миқдоридан камроқ.

Маълумки, болалар соғлигининг аҳволи ва уларнинг жисмоний ривожланишининг кўрсаткичлари узвий чамбарчас боғлиқдир. Бола соғлигининг аҳволини батафсил кузатиш илк босқичларидаёқ соғлигининг аҳводидаги энг кичик ўзгаришларни аниқлаш, болага ўз вақтида зарур ёрдамни кўрсатиш ва мактабга бориши пайтига келиб уни тўлик соғломлаштириш учун зарур бўлади. Бир қатор белгилар асосида (сурункали касалликнинг бор-йўқлиги, организмнинг асосий тизимларининг функционал ҳолатининг даражаси, касалликларга тез-тез учраши, жисмоний ва асаб-психик ривожланишининг даражаси) соғлигининг гурухини белгилаб беради.

1-гурухга яхши функционал кўрсаткичлари, нормал жисмоний ривожланиши бўлган соғлом болалар киради. Иккинчи гурухни ҳам соғлом болалар ташкил қиласи, лекин уларнинг мушак кучи, ўпка ҳаётий сифимининг

кўрсаткичлари пастроқ, кўриш, нутқ, қомат соҳасида озгина четлашувлари бўлади, тез-тез касал бўлади. 3-4 гурухларга бирор-бир сурункали касалликлари бўлган болалар киритилади.

Жисмоний тарбиянинг 1-11 синфлар мобайнида ўқитиш, ривожланиш ва тарбиялаш давомида таъсирининг якуний натижаси жисмонан комил инсон бўлиши лозим. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш давомида шаклланадиган аъло саломатлиги, мустаҳкам, чиниқсан танаси, кучли иродаси инсоннинг интеллектуал ва ақлий ривожланиши учун яхши асос бўлади. Юқори жисмоний камолотга эришиш, баъзи туғма ва орттирилган жисмоний нуқсонлардан халос бўлиш фақат жисмоний машқлардан тўғри ва мунтазам фойдаланиш йўли билан мумкин бўлади.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари ва тренерларнинг вазифаси - жисмоний тарбиянинг болаларнинг соғлиғи аҳволига ва жисмоний ривожланишига ижобий таъсирини тушунтиришдир.

Амалиёт кўрсатишича, юқори ҳаракатланиш режими бўлган, яъни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланувчи болалар тенгдошларига қараганда умумтаълим мактабларида яхшироқ ўқийди. Бундан ташқари, жисмоний машқлар билан фаол шуғулланадиган мактаб ўқувчиларида шамоллаш касалликларига чидамлилик ошади.

Болаларнинг ҳаракатланиш фаоллигини кўриб чиқсанда биз уни шакли турлича бўлган ҳаракатларда қузатамиз, уларда тезлик, қуч, эпчиллик, чидамлилик ёки шу фазилатларнинг мажмуаси намоён бўлади. Жисмоний фазилатларнинг ривожланиши даражаси болалар ҳаракатланиш фаолиятининг сифат даражасини, уларнинг умумий жисмоний тайёргарлигининг даражасини белгилайди.

Одатда жисмоний сифатларни ривожлантирганда биз организмнинг функцияларини ҳам такомиллаштирамиз, маълум ҳаракатланиш қўникмаларини ўзлаштирамиз. Умуман олганда бу жараён яхлит, ўзаро боғлиқ

бўлиб, одатда жисмоний сифатларнинг юқори ривожланиши ҳаракатланиш кўникмаларининг муваффақиятли ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Масалан, ўсмирда тезлик қанчалик ривожланса, у қисқа масофаларни шунчалик тез югуриб ўтади, футбол ўйнаганда тўпни тезроқ юритади, бошқа ҳар қандай ўйинларда тезроқ ҳаракатланади, яъни тезлик ривожланишининг юқори даражаси муайян жисмоний машқларни бажаришда ижобий таъсир ўтказади.

Куч ва чидамлиликни ривожлантириш ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Демак, ушбу фазилатларни биринчи навбатда умумий жисмоний тайёргарлик жиҳатидан ривожлантириш ва ушбу мақсадда энг самарали тегишли воситаларни қўллаш лозим. Шундай қилиб, жисмоний фазилатларни ривожлантириш аслида умумий жисмоний тайёргарликнинг асосий мазмуни бўлади.

Жисмоний камолот деб энг аввало аъло саломатлик, уйғун жисмоний ривожланиш, яхши ривожланган ҳаракатланиш функциялари, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик тушунилади. Жисмоний тарбия назариясида умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик фарқланади.

Маҳсус жисмоний тайёргарлик касбий ёки спорт фаолияти билан боғлиқ бўлади, масалан, футболчи, ғаввоснинг тайёргарлиги, ўт ўчирувчи, чанғичи, гимнаст, конькида югурувчининг тайёргарлиги ва хоказолар.

Умумий жисмоний тайёргарлик билимлар ва қўникмаларнинг маълум даражасини ўз ичига олади. Ҳаракатланиш кўникмалари ва малакалари шаклланишининг жараёнида жисмоний сифатлар: эпчиллик, тезлик, куч ва бошқалар ривожланади.

Умумий жисмоний тайёргарликнинг юқори дарajasiga хос бўлган асосий хусусият - ўз танасининг ҳаракатларини онгли бошқара олиш, энг кам кучларни сарфлаб, энг қисқа муддатларда энг катта натижаларга эриша олишдир.

Асосий ҳаракатларни ривожлантириш ва шакллантиришнинг соғломлаштирувчи таъсири ҳаммага маълум, чунки бу ҳаракатларда бир вақтнинг ўзида кўп сонли мушак гурухлари иштирок этади, бу эса организмда моддалар алмашинувининг юксалиши, ички аъзоларнинг функционал фаолиятининг кучайишига ёрдам беради, асаб жараёнларининг лабиллиги такомиллашади.

Ҳаракатлар асосларининг ёшига мувофиқ ривожланишини билиш мактаб ўқувчилари билан ишлаш услубиётининг яхшиланишига ёрдам бериши лозим.

«Жисмоний тайёрланганлик» ва «шуғулланиб ўрганганлик» тушунчалари яқиндан боғлиқ бўлиб, маълум даражада соғлиқнинг даражасини тавсифлайди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш давомида организмдаги физиологик ўзгаришлар ҳаракат кўникмаларининг такомиллашуви, жисмоний сифатларнинг ривожланиши, танланган спорт турида техника ва тактикани эгаллаш билан параллел ҳолда ўтади. Муаллифлар шуғулланиб ўрганганликни спортчининг организмида жисмоний машқларнинг кўп марта тақрорланиши натижасида ривожланадиган ва унинг энг самарали мушак фаолиятига тайёрлигини тавсифлайдиган ҳолат деб белгилайдилар.

Умумий жисмоний тайёргарликнинг юқори даражасига хос бўлган асосий хусусият - ўз танасининг ҳаракатларини онгли бошқара олиш, энг кам кучларни сарфлаб, энг қисқа муддатларда энг катта натижаларга эриша олишдир. Асосий ҳаракатларни ривожлантириш ва шакллантиришнинг соғломлаштирувчи таъсири ҳаммага маълум, чунки бу ҳаракатларда бир вақтнинг ўзида кўп сонли мушак гурухлари иштирок этади, бу эса организмда моддалар алмашинувининг юксалиши, ички аъзоларнинг функционал фаолиятининг кучайишига ёрдам беради, асаб жараёнларининг лабиллиги такомиллашади.

Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини, З.И. Кузнецова (1987 йил) қайд этишича, иккита кўрсаткич белгилайди:

- Ҳаракатлар техникасини эгаллаш даражаси;

- Ҳаракатланиш (жисмоний) сифатларининг ривожланиш даражаси.

Мактаб ўқувчилари мактабдаги жисмоний тарбия мобайнида эгаллайдиган ҳаракатланиш кўникмалари ва жисмоний сифатлари жисмоний тарбия ўқитувчиларининг амалий ишида ниҳоятда катта ахамиятга эга.

Мактаб ўқувчиларининг ҳар бир ёш даври учун ўзга хос анатомо-физиологик хусусиятлар хос бўлади. Педагоглар, психологлар, шифокорлар, жисмоний тарбия мутахассислари жисмоний тарбия бўйича мактаб дастурини тузишда ушбу хусусиятлардан келиб чиқади, унинг вазифалари, мазмуни, шакллари, жисмоний тарбия дарсларидағи юк бериш ва ҳоказолар аниқланади. Болаларнинг ушбу хусусиятлари доимий ва ўзгармас бўлмайди. Ташқи муҳитнинг бир қатор омиллари, турмуш шароитларининг бирикмаси, жумладан жисмоний тарбиянинг ташкил этилган жараёни оқибатида мактаб ёши даври учун хос бўлган белгилар ва уларнинг имкониятлари ўзгаради.

Шу муносабатда энг аввало бола организмининг кучли ўсиши ва ривожланишининг жараёнини кўзда тутиш лозим. У барча мактаб ёш даврлари мобайнида нотекис бўлса-да, тўхтовсиз давом этади. Организмдаги моддалар алмашинуви ўқувчилар учун кундалик режимда ҳаракат фаолиятининг катта ҳажми билан фаоллаштирилиши мумкин. Етарли энергетик ресурсларни сақлаб қолиш учун жисмоний юк беришни ростлаб туриш, энергетик ресурсларни тугатувчи, ҳолдан тойдирувчи куч беришларга йўл кўймаслик, шунингдек зарурый дам олиш ва тўлақонли овқатланишни таъминлаш керак бўлади.

Бутун мактаб ёши учун хос бўлган ва ўзига доимий эътибор берилишини талаб этадиган иккинчи хусусият - бола организмининг етук эмаслиги ва турли ташқи таъсирларга нисбатан етарлича чидамлиликка эга эмаслиги, унинг юқори даражада заифлиги ҳам шу билан боғлиқ. Шу муносабатда, биринчидан, организмни ҳали унинг имкониятларига мос келмайдиган ва турли зўриқишларга олиб келувчи, ривожланиш жараёнини секинлаштирувчи шундай таъсирлардан асраш керак, иккинчидан, организмни доимий, лекин қатъий изчил равишда мустаҳкамлаш ва чиниқтириш, унинг ҳаётий

қобилиятини ошириш ва ноқулай ташқи таъсирларга қаршилигини ошириб бориш керак.

Бунга эришиш учун муайян даврдаги барча тизимлар ва аъзоларнинг аниқ аҳволини билиш, машқларни ўйлаб танлаш ва қўллаш, тегишли жисмоний юкларнинг ҳажмини, интенсивлигини ва вақт ичидаги тақсимланишини мувофик ҳисоблаш, машғулотларнинг оптималь гигиеник шароитларини, шунингдек анжомларнинг техник созлигини, шикастланишдан етарлича асрарни ва ҳоказоларни катта масъулият билан таъминлаши лозим.

Масалан, таянч-ҳаракат аппаратининг хусусиятларини ҳисобга олиб, нотўғри тана ҳолатларидан, умуртқага катта юк берилиши, тана мушакларининг бир томонлама зўриқиши, кучли зарбалар ва тананинг силкинишлари узок муддатли мушаклар кучанишида, айниқса статик кучанишларда, бўғим-пай аппаратининг ва мушакларнинг ўта зўриқишига йўл қўймаслик лозим. Айни пайтда мушак тизимнинг фаолиятини доимий фаоллаштириб, айрим мушак гурухларининг ривожланиш даражасини текислаш ва қомат юзасидан бу ишларни назорат қилиш керак.

Қон айланиши ва нафас олиш аъзолари борасида, айниқса ўрта мактаб ёшида юк бериш борасида алоҳида эҳтиёткор бўлиш лозим. Ушбу аъзоларнинг кучли фаолиятини келтириб чиқарувчи машқлардан кенг фойдаланган ҳолда кичик мактаб ёшидаги юрак мушагининг кам қисқариш қобилиятини, юрак фаолиятини ростлаш аппаратининг то ўтиш (ўрта) ёши даврининг охиригача етарли такомиллашмаганлигини, физиологик кўкрак торлиги ва бола организмининг бошқа хусусиятларини унутмай, жисмоний кучанишларни қатъий белгилаб туриш лозим. Югуришда ва унга ўхшаш циклик ҳаракатларда ортиқча, ўта зичланган юк берилиши, зўр бериш катта мушак кучанишлари, шунингдек грипп, ангина ва бошқа касаллик ҳолатларидан кейин кучаниш шаклланиши кабиларнинг юрак учун хавфли эканлигини доимо эслаб туриш зарур.

Болаларнинг ҳали мустаҳкам бўлмаган асаб тизимиға энг катта эътибор бериш керак, чунки барча ўқув фанлари унга доимо юқори талаблар қўяди. Ҳаракатланишга ўрганиш жараёнидаги интеллектуал куч бериш, ўз ҳаракатларини назорат қилиш ва бошқариш, ҳаракатланиш фаолияти шароитидаги ҳар хил қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ юқори иродавий ва ҳиссий зўриқишилар - буларнинг ҳаммаси асаб тизими учун катта юк бўлиб тушади. Бу юкларни тўғри ростлаш, турини ўзгартириш ва аста-секин, изчил ошириб бориш асаб тизимини мустаҳкамлаб, унинг иш қобилиятини оширишга имкон беради. Болаларнинг яна бир хусусиятини - уларнинг осон, кўпинча юқори қўзғалувчанлиги, шунингдек у билан чамбарчас боғлиқ юқори реактивлигини кўзда тутиш лозим.

Назорат машқлари турли ҳаракатланиш сифатларининг ривожланиши даражасини аниқлашга, айрим шуғулланувчилар ҳам, бутун гурухларнинг ҳам тайёргарлигини таққослашга имкон беради. Синовлар жисмоний тарбия билан шуғулланувчи айрим ўқувчиларнинг ахволини ёки қобилиятини аниқлаш учун тестлар бўйича ўтказилади, бунда тестнинг барқарорлиги, яъни маълум вақтдан кейин бир хил шароитларда такрорланганда натижаларининг такрорланувчанлиги ҳисобга олинади. Шунда жисмоний тайёргарликнинг динамикасини кўриш мумкин.

4.4. Антропометрия, соматометрия, соматоскопия

Антропометрия - бу инсон танасининг бир қатор кўрсаткичларини ўлчашдир: бўйи, тана вазни, елканинг кенглиги, кўкрак қафасининг айланаси, ўпканинг ҳаётий сигими ва мушаклар кучи.

Катта ёшдагиларнинг бўйи антропометр билан ўлчанади. Текширилувчи антропометрга кураклари ва бели билан тегиб туради. 2 ёшгача бўлган боланинг бўйи ётган ҳолатда ўлчанади.

Кўкрак қафасининг айланаси учта ҳолатида ўлчанади: максимал нафас олиш, тўлиқ нафас чиқариш ва тинч ҳолатда. Сантиметр тасмаси орқадан

куракларнинг остки бурчаклари остида ва олдидан: болаларда ва эркакларда кўкрак учларигача етказилади, аёлларда кўкрак безлари устидан IV қовурғасининг устки чети сатҳида ўтказилади. Нафас олиш ва нафас чиқариш ўртасидаги фарқ (кўкрак қафасининг экспурсияси) эркакларда 4-5 см, аёлларда 4-6 см, спортсменларда 10-14 см гача етади, касалларда 2-1 см гача камайган ёки 0 га тенг бўлади.

Корин айланаси ёнида ётган ҳолатида унинг энг катта дўмбоқлиги даражасида, бел айланасини эса турган ҳолатида қориннинг энг кам дўмбоқлиги даражасида ўлчайдилар.

Елка айланаси елка даражасига кўтарилиган ва тирсагида букилган қўлнинг елка ва билак мушакларини зўриқтирган ҳолда ўлчанади. Тасма елканинг икки бошли мушагининг (бицепснинг) энг чиқиб турган қисми соҳасига кўйиб ўлчанади. Бўшашган ҳолатида туширилиган қўл билан айни шу сатҳида ўлчовлар ўтказилади.

Сон айланаси думба тагидан, тизза айланаси эса тизза-болдир мушагининг энг бўртиб чиқсан соҳасида ўлчанади.

Ўпканинг ҳаётий сифими спирометр ёрдамида ўлчанади. Текширилувчи аппаратга юзлантирилади. Чукур нафас олиб, кейин мундштук орқали спирометр найига нафас чиқариш таклиф қилинади. 2-3 марта тақрорлаб, энг катта натижаси ёзиб қўйилади.

Мушакларнинг қучи динамометр билан ўлчанади. Билак мушакларининг қучи олдинга узатилган қўлнинг кафти билан қўл динамометрини сикиб ўлчанади. Бел мушакларининг кучини ўлчаш учун тиргакли динамометр ишлатилади. Текширилаётган киши унинг тиргак майдончасига туради, унинг илмоғи оёқ товоnlари ўртасида туриши лозим, текширилаётган киши динамометр билан бирлашибилган дастани тепага тортади. Даста тизза сатҳида ўрнатилади. Ўлчаш пайтида оёқлар тўғри бўлиши лозим.

Ҳар бир алоҳидаги боланинг жисмоний ривожланишини баҳолашда шунингдек унинг тери ва шиллиқпарда қопламларининг ҳолати ва рангини,

семизлигини (тери ости ёғ қатламининг ривожланганлигини), мушакларнинг ривожланганлиги ва тонусини, қоматини ва ҳоказоларни ҳисобга олиш лозим. Жисмоний ривожланишни таҳлил этишнинг асосий усуллари соматоскопия (ташқи кўриб чиқиш) ва антропометрия (соматометрия) дир. Соматоскопия тана тузилишининг ўзига хос хусусиятларини, қомати ва таянч-харакат аппаратининг ҳолатини аниқлади. Тана тузилишининг хусусиятлари конституция деб аталади. Конституцияларнинг учта тури: нормостеник, гиперстеник ва астеник тури фарқланади.

- Нормостеникларда тананинг узунлиги ва эни ўлчамларининг орасида маълум нисбатлар мавжуд бўлади (нисбатан пропорционал тана);
- гиперстеникларда ушбу пропорциялар эни ўлчамлари ортишига қараб бузилган бўлади (нисбатан узун тана ва калта оёқлар);
- астеникларда пропорциялар узунлик ўлчамлари ортишига қараб ўзгарган бўлади (оёқлари узун, танаси кичикроқ бўлади).

Ташқи кўриб чиқиш қоматнинг бузилишлари бор-йўқлигини аниқлаш учун керак бўлади. Кўриб чиқиш учта ҳолатда: олдидан, ёнидан ва орқадан ўтказилади:

- олдидан кўриб чиқишида юзнинг, бўйиннинг эҳтимолий асимметриясига, кўкрак қафасининг, қўл-оёқларнинг шаклига, тос ҳолатига эътибор берилади;
- ёнидан кўриб чиқишида қоматни сагиттал текисликда текширишга имкон беради (яssi, думалоқ, букилган, яssi-ўйик, думалоқ-ўйик бел ва ҳоказолар);
- орқадан кўриб чиқишида умуртқанинг фронтал текислик бўйича эҳтимолий букилишлари аниқланади (сколиоз).

4.5. Турли ёшдаги болаларда жисмоний тайёргарлик дараҷасини ва жисмоний иши чидамлилигини аниқловчи функционал усуллар.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишда организмнинг функционал ҳолатни ўрганиш борасидаги билимлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар учун биринчи даражали аҳамиятга эга, чунки улар организмнинг жисмоний тайёрланганлиги ва соғлигининг аҳволидан келиб чиқиб, касбий йўналтириш ва танлаш, соғломлаштириш ва шуғулланиш машғулотларига қўйиш, харакат юкининг режимини режалаштириш масалаларини ҳал этишга имкон беради. Ушбу билимлар шунингдек жисмоний такомиллашув динамикасида ўз-ўзини назорат қилиш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар учун ҳам муҳим бўлади.

Организмнинг функционал ҳолатини, болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний чидамлилигининг даражасини ўрганишда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг фаолиятини аниқлаш усуллари ишлатилади. Қон айланиши тизими организмнинг жисмоний зўриқишиларга чидамлилигини анча даражада белгилаб беради, шунинг учун унинг функционал ҳолати устидан назорат қилиш жисмоний тарбия амалиётида жуда муҳим бўлади. Шу мақсадда ўрганишнинг содда ва мураккаб усуллар, жумладан асбобли усуллар қўлланади. Тадқиқотдан аввал анамнез йигилади, унда орттирилган ва туғма юрак-қон томир патологиясининг бор-йўқлиги (ангина, ревматизм, юрак нуқсонлари, гипертоник ёки гипотоник касалликлар) аниқланади. Қуйидаги кўрсаткичлар энг осон ўлчанади: юрак қисқаришиларининг тезлиги (ЮҚТ), артериал қон босими (АҚБ), юрак уришидаги ва бир минутдаги қон айланишининг ҳажми. Организмнинг бирор-бир тизими фаолиятининг тўлароқ характеристикаси учун тинч ҳолатдаги, шунингдек жисмоний юк бажарилишидан аввал ва кейинги ўрганиладиган кўрсаткичларни таққослаш лозим. Шунингдек ушбу кўрсаткичларнинг тадқиқотдан аввалги қийматларгача тикланиш давомийлигини ҳам аниқлаш керак.

Бунинг учун қуйидаги аппаратлар керак бўлади: секундомер, инсоннинг қон айланиши тизимининг жойлашуви схемаси. Томир уриши кўпроқ чакка,

уйқу, нурли, сон артерияларида ва юрак зарбалари бўйича аниқланади. Томир уришининг тезлигини аниқлаш учун секундомер керак бўлади. Томир уришини ҳисоблаш бир минут давомида ўтказилади, лекин 10, 15, 20 ёки 30 секунд давомида аниқлаб, кейин уни 1 минут учун ҳисоблаш ҳам мумкин. Топшириқнинг назарий асосланиши. Катта ёшдаги инсоннинг тинч ҳолдаги нормал томир уриши тезлиги минутига 60-80 зарбани ташкил этади. Минутига 60 зарбадан кам томир уриши (брадикардия) ўзини яхши сезган ҳолда тинч ҳолда чидамлилик учун шуғулланувчи спортчиларда, қон айланиши функциясининг тежамкорлиги кўрсаткичи сифатида аниқланиши мумкин.

Тинч ҳолдаги минутига 80 зарбадан ортиқ бўлган томир уриши (тахикардия) спортчиларда чарчац, зўриқиц, ўта шуғулланганлик ҳолатида учрайди. Тинч ҳолатдаги томир уришининг тезлигига жинси, соғлигининг ҳолати, ҳиссий ҳолати, сутка вақти, алкогол, чой, кофе ва бошқа қўзғатувчи ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш ва бошқа омиллар таъсир этади. Юк бериш пайтидаги ЮҚТ бажариладиган ишнинг тури ва интенсивлигига, спорт ихтисосланиши ва даражасига, текширилувчининг малакасига, унинг соғлигига боғлиқ бўлади. Томир уришининг ритмиклиги қўйидагича аниқланади: томир уришининг тезлигини 10-секундлик оралиқлар давомида икки-уч марта ҳисоблаб, бир-бири билан таққослаш лозим. Кўрсаткичлар кўпи билан 1 зарбага фарқ қилиши ёки тўла тенг келиши мумкин. Бундай ҳоллар ритмик томир уриши деб айтилади, бу эса соғлом юракни англатади. 1 зарбадан ортиқ фарқланишида томир уриши норитмик деб ҳисобланади. Томир уришининг ритмиклиги миокарддаги турли патологик ўзгаришларда бузилади. Томир уришининг ритмиклиги электрокардиограмма (ЭКГ) бўйича энг аниқ топилади.

Артериал қон босимини (АҚБ) аниқлаш учун қўйидагилар керак бўлади: фонендоскоп, сфигмоманометр. АҚБ тирсак артериясида ўлчанади. Асбобнинг манжетаси яланғоч елкага қўйилади, ҳаво сиқиб юбориш ёрдамида ҳаво тахминан 150-160 симоб устунигача сиқилади. Ҳавони секин чиқариб

туриб, юрак тонлари эшитилади. Овозларнинг пайдо бўлиши максимал босимга, йўқолиши минимал босимга мос келади. Уларнинг орасидаги фарқ томир уриши босими деб аталади. Маълумки, максимал қон босимининг катталиги анча даражада юрак қисқаришининг кучи билан, минимал босимнинг катталиги эса - томирларнинг тонуси билан белгиланади. АҚБ катталигига организмнинг психоэмоционал ҳолати, бажарилган ҳаракатланиш юкининг ҳажми, организмдаги нейроэндокрин ўзгаришлар, сув-туз алмашинувининг ҳолати, тананинг фазодаги ҳолатининг ўзгариши, сутка вақти, ёши, чекиш, аччиқ чой, кофени истеъмол қилиш таъсир кўрсатади. Катта ёшдаги кишида тинч ҳолатда максимал АҚБ катталиги 100-120 мм сим. уст., минимал АҚБ катталиги 60-80 мм.сим.уст. атрофида ўзгариб туради. 129/70 дан ортиқ бўлган АҚБ гипертония, 100/60 дан паст бўлган АҚБ эса гипотония деб белгиланади. Жисмоний юк бажариш пайтида кўрсаткичлар бир текисда ўзгаради.

Нафас олиш тизимининг функционал ҳолатини ўрганиш организмнинг соғлиғи ҳолатини баҳолаш учун, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг динамикасида ташқи нафас олиш аппаратининг ўзгаришлари ва ишлаши устидан назорат учун муҳим бўлади. Бу соҳада мутахассис бўлмаган киши учун организм устидан осон кўрсаткичларнинг натижалари бўйича ўз-ўзини назорат қилиш ўтказилганда унинг ахамияти шубҳасизdir. Нафас олиш тезлигини (НОТ) кўқрак қафасининг ҳаракати бўйича аниқлаш: ўтирган ҳолатда тинч ҳолда 1 минутига 16-18 ни, турган ҳолда - 18-20 ни ташкил этади.

Ўпка ҳаётий сифимини, яъни ўпкадан максимал нафас олиб чиқариладиган ҳавонинг ҳажмини аниқлаш. Спирометр билан 2-3 марта ўлчанади ва максимал ёки ўртача қиймати танланади. Кўрсаткич мл (ёки л) да ифодаланади. Асбобга секин, бурни ёпилган ҳолда нафас чиқарилади. Ушбу кўрсаткични (амалий ўпканинг ҳаётий сифими - АЎҲС) баҳолаш учун тана вазни, бўйи, жинси ва ёшига мувофиқ керакли ЎҲС ни ҳисоблаб чиқиш лозим. Юрак

қисқаришларининг тезлигини ва Артериал қон босимининг интенсивлиги ва йўналиши турлича бўлган юкларга жавобан ўзгаришини баҳолаш учун қуидагилар керак: секундомер, АҚБ ни ўлчаш асбоби, метроном. ЮҚТ ва АҚБ тинч ҳолатда ўлчанади.

4.6. Функционал синамаларнинг тавсифи

Юрак қисқаришларининг тезлигини ва Артериал қон босимининг интенсивлиги ва йўналиши турлича бўлган юкларга жавобан ўзгаришини баҳолаш учун ҳар хил турдаги жисмоний юклар бажарилади: ёки Мартинэ синамаси (30 секунд ичида 20 марта туриб ўтириш), ёки максимал суръатда сонини баланд кўтариб бир жойда туриб 15 секунд югуриш, ёки минутига 180 қадам суръати билан уч минут давомида жойида туриб югуриш (Котов-Дешин синамаси), ёки 30 секунд ичида 60 марта жойида туриб сакраш (В.В. Гориневский синамаси).

Бажарилган юқдан кейин 3-5 минут давомида ЮҚТ ва АҚБ қайд этилади, бунда ҳар бир минутнинг биринчи 10 секундида ЮҚТ, қолган 50 секунд ичида эса АҚБ ўлчанади. Ишдан кейин дарҳол ўлчангандан кўрсаткичларнинг тинч ҳолдагига нисбатан қиймати ўзгаришининг катталиги, тикланишнинг давомийлиги ва туси таҳлил этилади. Юрак-қон томир тизимининг яхши функционал ҳолатида Мартинэ синамаси учун ЮҚТ ва томир босимининг ўзгариши тинч ҳолатдаги қийматларида 50-80 % дан, 2 ва 3-марта юк берилишидан кейин мос ҳолда 120-150 % ва 100-120 % дан ошмайди. Тикланиш 3-5 минутдан ортиқ давом этмайди. Бунда шуғулланиб ўрганган организм ҳам тинч ҳолатда, ҳам юк остида юрак-қон томир тизимининг фаолиятини тежамкорлиги белгиларини намоён этади. Квергнинг функционал синамаси организмнинг турли-туман юкларга мослашувининг даражасини аниқлайди. 30 секунд ичида 30 марта ўтириб туриш, 30 секунд ичида жойида туриб максимал югуриш, минутига 150 қадам тезликдаги 3 минут давомида жойида югуриш ва арқон билан сакраш - 1 минут давомида бажарилади.

Юкнинг умумий муддати - 5 минут. Ўтирган ҳолда ЮҚТ (Р1) юқдан кейин дарҳол 30 секунд давомида ўлчанади, тақороран 2 минутдан кейин (Р2) ва 4 минутдан кейин (Р3) ўлчанади. Натижаси қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$(Иш вакти-сония \times 100) / [2 \times (P1 + P2 + P3)]$$

Натижани баҳолаш: 105 дан ортиқ кўрсаткичда юкка мослашув жуда яхши деб ҳисобланади, 99-104 да - яхши, 93-98 да - қониқарли, 92 дан кам бўлганда - кам деб ҳисобланади.

Летуновнинг уч пайтли биргалиқдаги синамаси қуидагиларни аниқлади: организмнинг турли йўналишдаги юкка мослашув турини тикланиш даврининг хусусиятларига қўра. Керакли асбоблар: сфигмоманометр, фонендоскоп, секундомер, метроном. Синама маълум тартибда қисқа дам олиш оралиқлари билан бажариладиган учта юқдан иборат:

1. 30 секунд ичида 20 марта туриб ўтириш. Бу юк мушакларни ишга тайёрлашга тенглаштирилади.
2. Тез югуриш каби максимал суръатда 15 секунд жойида югуриш.

3. Минутига 180 қадам суръатдаги 3 минутлик (аёллар учун 2 минутлик) жойида югуриш, чидамлиликка юк берилиши каби. Тадқиқотлар анамнездан бошланади, унда аввалги куни ҳаракатланиш юкининг режими, тадқиқот кунидаги шикоятлар, ўзини сезиши аниқланади. Тадқиқот баённомаси тузилади, унда барча олинган натижалар қайд этилади. Тинч ҳолатдаги ЮҚТ ва АҚБ аниқланади. Кейин текширилувчи биринчи юкни бажаради, шундан кейин белгиланган тартибда уч минутлик тикланиш даври мобайнида яна минут сайнин томир уриши ва АҚБ қайд этилади. Кейин иккинчи юк бажарилади. Тикланиш муддати 4 минут (ЮҚТ ва АҚБ ўлчанади), кейин учинчи юк бажарилиб, 5 минут давомида ЮҚТ ва АҚБ тадқиқ этилади. Синаманинг натижалари жавоб реакциясининг турига қўра (нормотоник, гипотоник, гипертоник, дистоник ва максимал АҚБ нинг поғонали

кўтарилиши билан реакцияси), шунингдек томир уриши ва АҚБ нинг тикланиши тури ва вақти бўйича баҳоланади.

Реакциянинг нормотоник турига максимал АҚБ нинг мувофиқ ошиши ва минимал АҚБ нинг пасайиши ҳисобига ЮҚТ ва томир уриши босимининг параллел ўзгариши хос бўлади. Бундай реакция юрак-қон томир тизимининг юкларга тўғри мослашувчанлигидан далолат беради ва яхши тайёргарлик ҳолатида кузатилади. Баъзан машғулотнинг бошланғич даврларида ЮҚТ ва АҚБ тикланишининг секинлашуви кузатилиши мумкин.

Астеник ёки гипотоник турига АҚБ нинг озгина кўтарилишда ЮҚТ нинг ортиқча ошиб кетиши хос бўлади ва у номақбул деб баҳоланади. Бундай реакция машғулотларда касаллик, шикастланиш муносабати билан узилиш бўлганда кузатилади.

Гипертоник турига юк туфайли ЮҚТ ва АҚБ нинг ўта ортиб кетиши хос бўлади. Минимал АҚБ нинг фақат ўзи 90 мм.сим.уст.дан ортиб кетиши ҳам гипертоник реакция деб баҳоланиши лозим. Тикланиш даври чўзилиб кетади.

Гипертоник реакция ёки гипертоник касаллиги бўлган шахсларда, ёки ўта чарчаш ва зўриқища учрайди. Дистоник реакция тури ёки «тугамайдиган тон» феномени минимал АҚБ ни аниқлаш амалда мумкин эмаслиги билан белгиланади.

Агар «тугамайдиган тон» феномени фақат 15-секундлик максимал югуришдан кейин аниқланса ва минимал АҚБ уч минут давомида тикланса, унинг салбий баҳоланишида эҳтиёткор бўлиш лозим. Максимал АҚБ нинг поғонали кўтарилиши билан реакцияси - у тикланиш даврининг иккинчи ва учинчи минутларида биринчи минутидагидан юқорироқ бўлганда кўп ҳолларда қон айланиш тизимидағи патологик ўзгаришлардан далолат беради.

Штанге синамаси текширилувчиларнинг нафас олиш тизимининг функционал ҳолатини тавсифлайди. Ўтказиш услубиёти: одатдаги нафас олишдан кейин текширилувчи бурнини бармоғи билан қисиб, нафасни тўхтатади.

Нафасни олишни тўхтатишнинг давомийлиги бўйича текширилувчиларнинг нафас олиш тизимларининг функционал аҳволи аниқланади.

Баҳолаш жадвал бўйича ўтказилади.

Штанге синамасини баҳолаш (сония)

Ёши	Ўғил болалар			Қизлар		
	аъло	яхши	қониқ-ли	аъло	яхши	Қониқ-ли
7-9	47 дан ортиқ	36-44	35 дан кам	41 дан ортиқ	30-40	29 дан кам
10-13	62 дан ортиқ	50-61	49 дан кам	51 дан ортиқ	44-50	43 дан кам
14-16	72 дан ортиқ	60-71	59 дан кам	64 дан ортиқ	54-64	53 дан кам

5 боб. ВАЛЕОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ: ИРСИЯТ ВА САЛОМАТЛИК. ҚАРИНДОШЛАР ОРАСИДАГИ НИКОХЛАР

5.1. Генотип ва фенотип ҳақида тушунча. Генотип негизини ташикил этувчи тузилмалар ва информация наслдан наслга ўтиши қонуниятлари

Генетика - (юононча genesis - келиб чикиш) организмларнинг ирсияти ва ўзгарувчанлиги қонулари тўғрисидаги фандир. Генетиканинг энг муҳим вазифаси - инсонга зарур бўлган организмлар шаклларини олиш ёки уларнинг индивидуал ривожланишини бошқариш мақсадида ирсият ҳамда ирсий ўзгарувчанликни бошқариш услубларини ишлаб чикишдир.

Генотип - ушбу организмнинг хромосомаларида жойлашган барча генларнинг мажмуасидир. Бу атама Дания биолог олими В. Йогансен томонидан таклиф этилган (1909 йил).

Генотип - авлоддан авлодга ўтказиладиган ирсий маълумотнинг ташувчисидир. У организмнинг ривожланиши, тузилиши ва ҳаётий фаолиятини, яъни организмнинг барча белгиларининг мажмуасини - унинг

фенотипини назорат қилувчи тизим бўлади. Генотипнинг организм ички ва ташки муҳитидаги барча омилларининг мажмуаси билан ўзаро таъсири унинг белгиларининг фенотипик намоён бўлишини белгилаб беради.

Генетиканинг асосий қонунлари Чехиялик табииётчи Г. Мендель томонидан нўхатнинг ҳар хил турларини чатиштириш пайтида аникланган (1865 йил). Унинг тажрибалари натижасининг туб аҳамияти фақат 1900 йилда англаб етилган ва фан томонидан баҳоланган, бу пайтда голландиялик олим X. де Фриз, немис олими К. Корренс ва австриялик олим Э. Чермак Мендель аниқлаган белгиларнинг наслдан наслга ўтиши қонунларини қайтадан очганлар.

Генетика ирсиятни барча организмларнинг туб, тириклик тушунчасидан ажралмас бўлган хоссаси, яъни, кетма-кет авлодлар қаторида биосинтез ва умуман моддалар алмашинувининг ўхшаш турларини қайтариш хусусияти деб қарайди.

Генетиканинг туб асосий назарияларидан бири - ирсиятнинг хромосомали назариясидир. Бу назариянинг моҳияти шундаки, организмнинг маълум хусусиятлари ва белгилари учун хромосомаларда чизиқли тартибда жойлашган қатъий жойига эга бўлган қисмлар - генлар жавобгар бўлади.

Хромосомалар – хужайранинг таркибий элементидир. У асосан ДНК (дезоксирибонуклеин кислотаси) ва оқсиллардан иборат. Хромосомалар анча узун шаклига эга бўлиб, марказида ёки учларидан бирида бириккан бир жуфт ипчадан иборат. Хромосомаларда генетик материал - генлар мавжуд бўлади. Хромосомаларнинг сони ҳар хил турларда анча ўзгариши мумкин, лекин маълум бир турда доимо бир хил бўлади. ДНК молекулалари иккиланиш хусусиятига эга: у иккита толага ажралади ва ҳар бир тола янги толани ҳосил қиласди. ДНК - хромосомаларнинг асосий таркибий кисми ва генларни шакллантирувчи моддадир. ДНК - бу кичик бирликлар - нуклеотидларнинг кўп сонидан таркиб топган улкан молекуладир. Дж. Ватсон ва Ф. Крик 1953 йилда ДНК иккиланган спиралининг таркибий тузилишини кашф этганлар.

Генетик маълумот ДНК ичида бўлиб, оқсиллар синтезланиши учун ДНК буйруқларни узата оладиган «хабарчи» ни ҳосил қиласи. Хабарчи - бу РНК-П, яъни ДНК дан маълумотларни нусха қилиб кўчирувчи макромолекуладир.

Шундай қилиб, ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) - ҳужайраларнинг ядросида мавжуд бўлган юқори полимер табиий бирикмадир. ДНК молекуласи иккита узун ипчадан иборат, улар бир-бири билан иккиланган спиралга буралиб бирикади. Ҳар бир занжирнинг асосий таркибий бирлиги - нуклеотиддир. ДНКда нуклеотидларнинг тўртта тури ажратилади, улар таркибига киравчи азотли асоснинг тузилиши билан фарқланади. Қисқа ёзилиши учун ҳар бир нуклеотид унинг таркибига киравчи азотли асоснинг номи бошланадиган рус ёки лотин ҳарфи билан белгиланади: А (A) - аденин, Г (G) - гуанин, Ц (C) - цитозин, Т (T) - тимин. Бу бирикмалар жуфт-жуфт бўлиб бирлашиб, ҳар бирига ўзининг жуфти мос келади ва ажратилиб, кейин қайтадан синтез қилинганда ҳам худди шундай нуклеотид ўрнига бирикиши лозим бўлади ва шу тариқа занжир тикланади. ДНК занжирида учта кетма-кет турган нуклеотиднинг бирикмаси генетик кодни ташкил этади. Мос ҳолда у ёки бу нуклеотидни англатадиган учта ҳарфларнинг кетма-кетлиги генетик коднинг график ифодаси бўлиши мумкин. Турли нуклеотидларнинг алмасиб келиши генетик кодлар турларининг ниҳоятда улкан сонини яратишга имкон беради, бу эса шу тариқа ҳар хил белгиларнинг амалда чексиз микдори соҳасидаги маълумотни сақлаш имконини беради. Ҳар бир белги учун ўзининг гени жавоб беради.

Яъни, ген (юонча *genos* сўзи - туғилиш) ирсиятнинг элементар бирлиги, бир оқсилнинг бирламчи тузилиши тўғрисидаги маълумотни сақлаган ДНК молекуласининг кисмидир. Организмнинг ирсий маълумоти сақланган ДНК ҳужайра ядроининг таркибий элементлари бўлган хромосомаларнинг таркибига киради. Хромосомаларда чизиқли тартибда генлар жойлашган. Ген аниқ жойлашган хромосоманинг қисми локус деб аталади. Ҳар бир хромосома ўзига хос шакли ва катталигига эга, булар ҳайвонот оламининг ҳар бир тури

учун қатъий белгиланган ва унга хос бўлади. Организмнинг соматик (яъни, жинсий бўлмаган) ҳужайраларида мавжуд бўлган индивидуал хромосомалар термаси кариотип деб аталади.

Инсоннинг кариотипи 46 та хромосомадан иборат (23 та жуфт), улардан 44 та хромосома (22 жуфт) аутосомалар бўлиб, охирги жуфти - жинсий хромосомалардир (улар инсоннинг жинсини белгилайди). Жинсий хромосомалар X ёки Y бўлиши мумкин. Аёл организмининг жинсий хромосомалари (XX) бир хил бўлади ва аёл жинсини белгилаб беради. Эркак организмининг жинсий хромосомалари (XY) турлича бўлади, лекин уларнинг айнан шундай бирикмаси эркак жинсини белгилаб беради. Мос ҳолда аёл кариотипи 46XX, эркак кариотипи эса 46XY деб белгиланади.

ДНК молекулаларининг вазифалари нафақат генетик маълумотларнинг сакланиши, балки уларнинг ўтказилиши билан bogлиkdir. Bu маълумот ҳужайрада ДНК молекулаларининг синтез жараёнida нусха кўчириб кўпайтирилиши мумкин. ДНК нинг иккиланиш тамойили ярим консерватив деб аталади, чунки молекуланинг спиралга киравчи иккала ипидан ҳар бири янги ипнинг синтези учун асос (матрица) бўлиб хизмат қиласи. Натижада битта икки занжирли молекуланинг негизида иккита бир хил икки занжирли молекулалар пайдо бўлади, улардан ҳар бирида битта занжири эски, иккинчиси қайтадан синтез қилинган бўлади. Нормал ҳолда ДНК ҳужайралар бўлинишида аниқ қайта ҳосил қилинади, бу ҳужайралар ва организмларнинг авлодлари қаторида ирсий белгиларнинг ҳамда моддалар алмашинуви турининг узатилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, ирсият - бу организмларнинг авлодлар қаторида ўхшаш белгилар ва хусусиятларни ирсий омиллар узатилиши йўли билан такрорлаш хусусиятидир. Булар қуидагилардир:

- тузилиш хусусиятлари;
- моддалар алмашинувининг турлари;
- психологик хусусиятлар;

- индивидуал ривожланиш турлари.

Шундай қилиб, генотип - бу организмнинг бутун генетик материалининг мажмуаси, фенотип эса - наслдан ўтувчи белгиларнинг мажмуасидир. Буни қуйидаги мисолда тушунтирамиз. Аёлнинг кўзлари тим қора. Бу унинг фенотипик белгиларидан бири. Унинг боласи мовий қўзли бўлиб туғилади, аёлнинг онаси каби (боланинг она тарафидан бувиси). Бу хол ушбу аёлнинг генотипида қўзларнинг мовий ранги учун жавоб берувчи ген мавжудлиги учун мумкин бўлади. Ушбу ген аёлнинг генотипида намоён бўлмай туриб сақланади, лекин у авлоддан-авлодга наслдан ўтиши мумкин. Бунинг сири шундаки, ҳар бир ген бир ёки бир нечта муқобил шаклда мавжуд бўлади.

5.2. Ирсиятга муҳим омилларининг таъсири. Ирсий ёки тузма касалликлар.

Ирсият билан бирга барча тирик организмлар «ўзгарувчанлик» деб аталадиган хусусиятга ҳам эга бўлади.

Ўзгарувчанлик - организмнинг янги генотип ва фенотип хусусиятларига эга бўла олиш қобилиятидир. Муҳитнинг турли омиллари таъсирида белги ўзгариши мумкин, лекин бунда генетик материалнинг ўзгариши қайд этилмайди. Наслдан-наслга ўтадиган бундай белги генотипик ўзгарувчанлик деб аталади. Наслдан ўтмайдиган бундай жараён фенотипик ўзгарувчанлик деб аталади. Авлоддан авлодга фақат генетик ўзгарувчанлик ўтади. Генларнинг энг муҳим хусусияти уларнинг ўзгарувчанликка чидамлилигидир. Лекин ДНК занжиридаги нуклеотидлар кетма-кетлигининг бузилишлари барibir содир бўлади, улар эса организмдаги наслий ўзгаришларга - мутацияларга олиб келади.

Мутация - генотипнинг ирсий ўзгариши, ирсий ўзгарувчанлик ва табиий саралашнинг асосидир (у бўлмаганда тирик табиатдаги барча жонзотлар бир хил бўлар эди). Ирсий материалнинг бузилишлари одатда ген даражасида

содир бўлади ва у мутант ген деб аталади. Мутациялар ичida кариотипнинг таркибида хромосомалар сонининг ўзгаришига, хромосомаларнинг таркиби ўзгаришига олиб келадиганлари ҳам кўп учрайди. Мутацияга олиб келган омил мутаген деб ҳисобланади.

Моҳиятига караб ташқи мутагенлар физикавий, кимёвий ва биологик омилларга бўлинади: ионлаштирувчи, ультрабинафша, рентген нурланиш, оғир металларнинг тузлари, полимерлар, вируслар ва ҳоказолар. Сезиларли сабабсиз юзага келадиган генлар ўзгариши тасодифий, спонтан деб аталади. Бу – ҳатто соғлом кишиларда ҳам мутант генлари бўлган жинсий хужайралар пайдо бўлиши мумкинлигини англатади. Генетик ўзгаришлар ташқаридан сезилиши ёки яширин бўлиши, кейин эса бошқа авлодга сезиларсиз ўтиб кетиши мумкин. Мутация касалликнинг сабаби бўлиши мумкин, бу касалликлар ирсий деб аталади. Ҳозирги вақтда генетик белгилаб берилган 5000 дан ортиқ касалликлар маълум, статистикага кўра 5 % тага яқин болалар у ёки бу генетик нуқсон билан туғилади.

Ирсий касалликларнинг тоифаларидан бирини ташкил этувчи хромосома касалликлари тана хужайраларида хромосомаларнинг сони бузилиши ёки у ёки бу хромосомадаги тузилишининг ўзгаришлари туфайли юзага келади. Ўртacha олганда инсондаги ўз-ўзидан бола тушишларининг тахминан 40 % қисмида эмбрионлар ёки ҳомиланинг хромосомалар бузилишлари туфайли ўлими содир бўлади. Тахминан 6 % ўлик туғилган болаларда хромосома бузилишлари аникланади. Тирик туғилган болалар ичida нормал ривожланишнинг бузилишига ва кўп сонли нуқсонлар юзага келишига олиб келувчи хромосомали ўзгаришлари бўлган чақалоқлар сони тахминан 7 : 1000 ни ташкил этади. Хромосома касалликларига хромосомалар ўзгаришининг иккита асосий тури олиб келади - бу асосан кўпайиш тарафига хромосомалар сонининг ўзгаришларидир. Хромосомали касалликларнинг асосий қисми учун жуфтлардан бирида қўшимча хромосоманинг пайдо бўлиши - трисомия хос бўлади.

Генетик касалликларнинг қуидаги турлари белгиланган:

Хромосома касалликлари: Клайнфельтер синдроми, Шерешевский-Тернер синдроми, Даун синдроми, 8-тристомия синдроми, 9-тристомия синдроми, «мушук қичқириғи» синдроми ва хромосомаларнинг микдорий ёки таркибий ўзгаришлари билан белгилаб берилган бошқа синдромлар;

Моноген синдромлар: Нунан синдроми, Коффин-Лаури синдроми, Коффин-Сирис синдроми, Коэн синдроми, Дубовиц синдроми, Марден-Уолкер синдроми, Секкел синдроми ва бошқа синдромлар, шунингдек психомотор, нутқ ва жисмоний ривожланишининг секинлашуви билан кечадиган бошқа ирсий ва ноирсий синдромлар: де Ланге синдроми, Сотос синдроми, Ретт синдроми, Гольденхар синдроми, Прадер-Вилли синдроми, Вильямс синдроми ва бошқа синдромлар.

Моддалар алмашинувининг ирсий касалликлари: фенилкетонурия;

Факоматозлар: сил склерози;

Марказий асаб тизимининг моноген ирсий касалликлари: Нильсон-Коновалов касаллиги, Гентингтон хореяси, Галлервордин-Шпатц касаллиги, ирсий спиноцеребелляр дегенерациялар (ирсий атаксиялар): Фридрайх касаллиги, спастик атаксия, оливопонтозеребелляр атрофия, Луи-Бар синдроми ва бошқа синдромлар, ирсий спастик параплегиялар;

Асаб-мушак тизимининг ирсий касалликлари: туғма таркибий-тузилиш миопатиялари ва дистрофиялари, ривожланувчи мушак дистрофиялари (Дюшенн, Беккер, Эмери-Дрейфус, Ландузи-Дежерин касалликлари ва ҳоказо касалликлар), спинал мушак атрофиялари (Вердинг-Гоффман, Кугельберг-Веландер спинал амиотрофияси ва бошқалар), ирсий мотосенсор невропатиялар (Русси-Леви полиневропатияси, Шарко-Мари неврал амиотрофияси ва бошқалар).

Митохондриал касалликлар.

5.3. Ҳозирги даврда ирсий касалликларнинг олдини олишининг асосий йўналишилари.

Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг экспертлари олдинги асрнинг 80-йилларида замонавий инсон саломатлигини таъминлашнинг турли омилларининг тахминий нисбатини аниқлаганлар ва асосий омиллар сифатида уларнинг тўртта гуруҳини ажратганлар:

- генетик омиллар - 15-20 %;
- атроф мухитнинг ҳолати - 20-25 %;
- тиббий таъминот - 10-15 %;
- инсоннинг яшаш шароитлари ва турмуш тарзи - 50-55 %.

Саломатликни мустаҳкамлайдиган генетик омилларга соғлом ирсият, касалликлар юзага келишининг морбофункционал асосларининг йўқлиги киради, саломатликни ёмонлаштирувчи омилларга эса ирсий касалликлар ва бузилишлар, уларга ирсий мойиллик киради.

Агар нисбатан тор географик маконда яшайдиган кишилар ўртасида, кўпинча бир қишлоқнинг вакиллари орасида ва ҳатто яқин қариндош бўлган кишилар ўртасида никоҳлар тузилса, бу генлар турларининг тор термаси мавжудлигига, ўзгарган белгилар устувор туриши ва заиф ёки қаттоки ирсий касаллиги бўлган боланинг туғилишига олиб келиши мумкин. Генеалогик жихатдан бир-биридан узокда турган кишилар ўртасидаги никоҳлар ота-оналардан биттасининг мақбул белгиси устувор бўлишига, соғломроқ, генлар термасига кўра комилроқ инсон туғилишининг имкониятининг кўпроқ эҳтимолини яратади.

Е.Н.Вайнернинг фикрича (2002 йил), жинсий хужайраларнинг хромосомалари ва уларнинг таркибий элементлари - генлар зарарли таъсиrlарга учраши мумкин. Айниқса мухими шуки, улар бўлғуси ота-онанинг бутун ҳаёти давомида бундай таъсиrlарга учрайди. Масалан, қиз тухум хужайраларининг шаклланиб қолган мажмуаси билан дунёга келади, улар етилиб борган сари кетма-кет уруғланишга тайёрланади. Яъни, охир-оқибатда

киз ва аёл умри давомида то уруғланишгача учраган барча ҳолатлар у ёки бу даражада хромосомалар ва генларнинг «сифатига» таъсир этади. Сперматозоиднинг яшаш давомийлиги тухум ҳужайрага караганда анча камроқ, лекин уларнинг 3-6 ойлик яшаш муддати ҳам қўпинча генетик аппаратидаги бузилишлар юзага келиши учун етарли бўлади. Бундан бўлғуси ота-оналар ўзининг ҳомиладорликдан аввалги бутун ҳаёти давомида авлоди олдидаги алоҳида бир масъулияти ҳам тушунарли бўлади.

Афсуски, бу ерда уларга боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам таъсир этиши мумкин, уларга нокулай экологик омиллар, озиқ-овқат саноатида ва майший рўзгорда ишлатиладиган синтетик препаратларнинг ортиши, мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, фармакологик моддаларнинг назорат қилинмайдиган ишлатилиши ва ҳоказолар киради. Натижада ота-онанинг жинсий ҳужайраларидаги ген аппаратидаги бузилишлар келиб чиқиб, ирсий касалликларнинг юзага келишига ёки ирсий белгилаб берилган касалликларга мойилликка олиб келади.

Бўлғуси ота-онанинг уруғланишда бевосита иштирок этадиган жинсий ҳужайраларнинг етилиши давридаги бўлғуси ота-онанинг соғлом турмуш тарзининг бузилиши алоҳида хавф туғдиради. Агар тухум ҳужайраси 56 кун, сперматозоид 72 кун давомида етилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч бўлмаса уруғланишдан аввал шу давр мобайнида ота-она ўз турмуш тарзи билан жинсий ҳужайраларининг нормал етилиши учун шароитларни яратиб бериши лозимлиги тушунарли бўлади.

Ота-онасидан наслдан ўтган ҳамда боланинг ирсий хусусиятларини белгилаб берадиган ген дастури билан у бутун умрини яшashi лозим бўлади, инсоннинг турмуш тарзи унинг генотипик дастурига қанчалик мос келишига унинг саломатлиги ҳам, умрининг давомийлиги ҳам боғлиқ бўлади.

Саломатликнинг наслдан ўтадиган асосларида учта омили айниқса муҳим бўлади: морфофункционал конституцияси ва устувор бўлган асаб ҳамда психик жараёнларининг тури, у ёки бу касалликларга мойиллигининг даражаси

ва яна ҳали кам аниқланган бир ўлчов, уни одатда «яшовчанлик» деб белгилашади, айнан у мавжудотнинг серпуштлигини ва узоқ умрини белгилаб беради (афтидан, айнан бу ҳолат билан «узоқ яшагувчилар парадокси» боғлиқ бўлади: ҳаттоки аъзолари ва тўқималаридағи кўп сонли патоморфологик бузилишлар мавжуд бўлса-да, улар шунга қарамай узоқ яшаши ва юксак иш қобилиятига эга бўлиши мумкин).

Психофизиология, антропометрия, спорт амалиёти ва бошқаларнинг ривожланиши сари инсоннинг генетик наслидан ўтадиган хусусиятлари тобора кўпроқ аниқланади. Масалан, спорт амалиётида спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш учун танлаб олишда нафақат боланинг функционал кўрсаткичларидан фойдаланадилар, балки ота-онасининг антропометрияси турини, олий асад фаолиятининг турини ўрганадилар ва ҳоказо. Айни шу мақсадларда ушбу спорт тури учун ўзига хос бўлган ишни бажаришда асосий юк тушадиган скелет мушаклари гурухларидаги қизил ва оқ толаларининг нисбатини ўрганадилар (масалан, енгил атлетикада спринтерлик иши учун оёқ мушакларида оқ толаларнинг кўпроқ бўлиши, стайерлик иши учун эса қизил толаларнинг кўпроқ бўлиши зарур бўлади).

Шундай қилиб, инсоннинг ҳаётий доминанталари ва йўналишлари кўп жиҳатдан инсоннинг конституцияси билан белгилаб берилган бўлади. Бундай генетик белгилаб бериладиган хусусиятларга инсоннинг асосий доминант эҳтиёжлари, унинг қобилиятлари, қизиқишлари, истаклари, алкоголизмга ва бошқа заарли одатларга мойиллиги ва ҳоказолар киради. Мухит ва тарбиянинг таъсир этиши қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ирсий омилларнинг роли белгилаб берувчи бўлиб чиқади. Бу турли касалликларга мойил бўлишга ҳам тўлиқ ҳолича тааллуклидир.

Буларнинг ҳаммаси инсоннинг ирсий хусусиятларини унинг учун оптималь турмуш тарзини танлашда, касбини танлашда, ижтимоий алоқалардаги шерикларини танлашда, даволашда, энг оқилона мос келувчи юк турини танлашда ва ҳоказоларда ҳисобга олиш заруратини англатади.

Натижада кишининг онтогенезида ирсият ва муҳит ўртасидаги, организмнинг яхлит тизим сифатидаги мослашувини белгилаб берувчи турли тизимлари ўртасидаги ва ҳоказо зиддиятлар доимо юзага келади ва бартараф этилади.

Боланинг ота-онасидан наслга ўтган ген термаси кўп авлодларнинг хаёти давомида шакланади ва анча баркарор ҳолат бўлади.

Лекин аввалги асрнинг 30-йилларида генларнинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги туб даражада муҳим кашфиёт амалга оширилган. Шундан бошлаб генларни ўзгартирувчи омиллар фаол ўрганилмоқда. Физикавий, биологик, кимёвий, ижтимоий ва бошқа турдаги шундай омиллар анча кўп. Улар «авлодлар занжирига» ҳам, бўлғуси ота-онанинг хромосомаларига ҳам, ҳомиланинг бачадон ичидаги ривожланиш даврида хромосомаларига ҳам таъсир этиши мумкин.

Биринчи ҳолда атроф муҳитнинг ҳолати, географик омиллар, миллий, диний, этник ва оиласиий урф-одатлар ва анъаналар алоҳида аҳамиятга эга. Иккинчи ҳолда бўлғуси ота-онанинг турмуш тарзи устувор аҳамиятга эга, чунки айнан у жинсий хужайраларнинг ёки ҳомиланинг хромосомаларига мақбул ёки салбий таъсир этишни белгилаб беради. Ген аппарати айниқса бошланғич эмбрионал ривожланиш даврида, генетик дастур организмнинг асосий функционал тизимларига асос солиш шаклида амалга оширилаётганда осон шикастланади, генларда ўзгаришларга олиб келувчи замонавий ҳётнинг кўп сонли ва кўпайиб борувчи бузувчи омиллари дунёдаги ирсий касалликларнинг рўйхати ва сони узлуксиз ортиб боришига олиб келди.

Ирсий бузилишлар энг кўп ҳолда бўлғуси ота-она ёки ҳомиладор аёлнинг турмуш тарзи билан белгилаб берилади. Ҳомиладор аёлнинг ҳомиласи нормал ривожланишининг бузилишига олиб келувчи омиллардан носоғлом турмуш тарзи, ҳаракатланиш этишмаслиги, ортиқча кўп овқат ейиш, ижтимоий, касбий ва майний турдаги психик зўриқишлиар, заарли одатларни қайд этиш лозим.

Шундай қилиб, ирсий омилларнинг инсон саломатлигини таъминлашда тутган катта ўрни шубҳасиздир. Айни пайтда ушбу омилларни ҳисобга олиб, инсон турмуш тарзини оқилоналаштириш мутлақ кўпчилик ҳолларда унинг ҳаётини соғлом, бахтли ва узоқ қилиши мумкин. Ва аксинча, инсон типологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик уни турмушнинг нокулай шароитлари ва ҳолатларининг таъсир этишидан ҳимояланмаган ҳолга солиб, уларнинг олдида заиф қилиб кўяди.

Оилалар учун тиббий-генетик маслаҳат (ТГМ) - жамиятдаги энг кўп тарқалган туғма ва ирсий патологияларнинг олдини олишга қаратилган ихтисослашган тиббий ёрдам туридир.

ТГМ нинг вазифалари:

- ирсий ва туғма касалликлари бўлган оилаларга тиббий-генетик маслаҳатлар;
- маҳсус генетик услублар талаб этилган ҳолда шифокорларга ирсий патология ёки туғма ривожланиш нуқсонининг ташҳисини қўйишда ёрдам бериш;
- ота-оналарга генетик касалликка учраган бола туғилишининг хавфини тушунтириш;
- аҳоли ва тиббий ходимлар ўртасида тиббий-генетик билимларнинг ташвиқоти.

Генетик шифокорнинг маслаҳати текширилувчининг ташҳисини аниқлашдан бошланади. Бунда қуйидаги ихтисослашган генетик услублар ишлатилади:

- клиник-генеалогик;
- цитогенетик;
- биокимёвий;
- молекуляр-генетик усуllар.

Зарур бўлганда касални текшириш учун бошқа мутахассисликдаги шифокорлар жалб этилади. Умумий клиник-лаборатория тадқиқотларининг

услублари тез-тез қўлланилади: гормонал, радиологик, иммунологик ва бошқа хил услублар.

Ташҳисни аниқлаш учун қариндошларини кўриб чиқиш зарур бўлиши мумкин. Бу наслдан наслга ўтишнинг турини аниқлашга, текширилувчидаги касаллик ташҳисини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, оиланинг турли аъзоларида клиник аломатларнинг таҳлили муайян кишидаги патологик жараённинг ўтиши турини тахмин этиш имкониятини беради. Олинган маълумот асосида генетик шифокор касал бола туғилишининг эҳтимолини ёки соғлом қариндошида касаллик пайдо бўлишининг хавфини аниқлайди. Хавфими ҳисоблаш ёки назарий ҳисоблаш орқали, ёки шунга ўхшаш вазиятларнинг илмий таҳлилида олинган тажрибавий маълумотларни ҳисобга олиб ўтказилади.

Тиббий-генетик маслаҳат мурожаат этган беморларга касалликнинг генетик юзага келиши, ўтишининг турини тушунтириш билан якунланади. Бунда касал бола туғилишининг олдини олиш, клиникадан аввалги ташҳис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари бўйича маслаҳатлар берилади. Генетик-шифокорнинг ишидаги ушбу охирги босқич жуда муҳим, чунки у маслаҳатнинг самарадорлигини белгилайди. Агар беморлар хulosани нотўғри тушунса ёки унга ишонмаса, оилада оғир фожия қайтарилиши мумкин. Кўпинча касалнинг ота-онаси ёки бошқа қариндошлари оилада содир бўлган баҳтсизлик учун ўзини айбор сезади. Бундай ҳолларда bemорларга генетик омилларнинг таъсир этишининг тасодифийлигини ва инсон иродасига боғлик эмаслигини тушунтириш керак.

Генетик шифокорнинг сұхбати оилада касал бола туғилишининг олдини олишга ёрдам бериши лозим. Агар оғир касалликнинг хавфи жуда юқори бўлса ва унинг туғилишдан аввалги ташҳиси учун усуллар мавжуд бўлмаса, фарзанд кўришдан воз кечиши маслаҳат беришади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам кейинги бола туғилиши тўғрисидаги якуний қарор фақат оила томонидан қабул қилинади.

Проспектив ва ретроспектив маслаҳат бериш. Тиббий-генетик маслаҳат учун турли-туман муаммолари бўлган bemорлар мурожаат қиладилар. Асосий сабабига боғлиқ холда проспектив ва ретроспектив маслаҳат фарқланади.

Кўпчилик ҳолларда генетик шифокор хузурида кўриқдан ўтиш учун болада мавжуд бўлган ирсий ёки тахминан ирсий бўлган касаллик сабаб бўлади. Бундай маслаҳат ретроспектив деб ном олган. У касаллик ташхисини, унинг ўтиши юзасидан башоратни аниқлаш, касал боланинг такрорий туғилиши хавфини аниқлаш мақсадида қўлланади.

Агар тиббий-генетик маслаҳат оилада касаллик намоён бўлишигача ўтказилса, у проспектив деб аталади. Бундай ҳолларда мурожаатнинг сабаби одатда тератоген ёки мутаген таъсиrlар, эр-хотиннинг яқин қариндошлиги, қариндошида ирсий касалликнинг мавжудлиги бўлади.

Тиббий генетиканинг энг муҳим вазифаси проспектив маслаҳатларининг сонини оширишdir. Баъзи давлатларда ҳозирги даврдаёқ келин-куёвларга мувозанатланган хромосомали ўзгаришларни аниқлаш учун кариотипларни тадқиқ этиш таклиф этилади. Агар улар аниқланса, ўз вақтида туғилишгача ташхис қўйилиши бу оилада ногирон бола туғилишининг олдини олишга имкон беради. Инсон геномини ўрганиш моноген ва кўп омилли ирсий касалликларнинг олдини олиш учун кенг истиқбол очиб беради, чунки у патологик генлар ва мойиллик генларининг ташувчиларини аниқлашга имкон беради. Биринчи марта бундай тадқиқот АҚШда ашкенази яҳудийлари элатида ўтказилган, уларда Тей-Сакс идиотиясига учраган болаларнинг туғилиши тез-тез учрар эди. Ушбу моддалар алмашинувининг аутосомали-рецессив касаллиги асаб тизимининг оғир шикастланишига ва боланинг ёшлигидаги ўлимига олиб келади. Бу миллатнинг амалда барча вакиллари ушбу патологиянинг гетерозиготали ташувчилиги юзасидан текширилган. Агар эр-хотиннинг иккаласида касалликнинг гени бўлса, ҳомиладорлик пайтида ҳомиланинг тахлили ўтказилган. Натижада АҚШ да Тей-Сакс идиотиясига учраган болалар амалда туғилмайдиган бўлди.

Оилани режалаштириш. Ирсий касаллик ҳолати қайд этилган оилада кейинги бола туғилишини режалаштириш бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Бунда касал бола туғилишининг хавфи даражаси етакчи ўрин тутади. Генетик хавф одатда фоизларда ифодаланади. Уни соддалаштирганда паст, ўртача ва юқори даражага бўлинади.

Паст хавф даражасида патологик ўзгаришлар факат авлоднинг 5 % қисмида кутилиши мумкин. Бу ҳолда одатда кейинги бола туғилиши учун тақиқлашлар бўлмайди. Агар касал бола туғилишининг хавфи 6-20 % даражага етса, ўртача хавфи қайд этилади. Бундай вазиятда бола туғилишини режалаштириш касалликнинг тахминий оғирлиги ва туғилишдан аввалги диагностиканинг имконияти билан белгиланади. Юқори генетик хавфи (20 % дан ортиқ) бўлганда одатда ҳомиладорлик пайтида ҳомилани унда патологик ўзгаришларни аниқлаш учун тадқиқ этиш зарурати бўлади. Агар туғилишдан аввалги ташҳис мумкин бўлмаганда, касаллик эса оғир бўлганда, кейинги бола туғилишидан воз кечиш ёки муқобил йўли сифатида донорлик спермаси билан сунъий уруғлантириш тавсия этилади. Барча ҳолларда эр-хотиннинг ўзи якуний қарорни қабул қиласи.

Генетик хавфнинг паст, ўртача ва юқори даражага бўлиниши анча шартли бўлади, чунки унинг даражасига касаллик ўтишининг хусусиятлари таъсир этади. Масалан, боланинг ногиронлаштирувчи, даволашга бўйсунмайдиган патологик ҳолати (чунончи, Даун синдроми) ривожланишининг 4 % лик эҳтимоли юқори хавф деб баҳоланади ва албатта туғилишдан аввалги ташҳис қўйиш услубларидан фойдаланишни талаб этади. Айни пайтда болада осон тузатиладиган ўзгаришлар (масалан, олти бармоқлилик) вужудга келишининг 50 % лик хавфи одатда оиладаги бола туғилишини чекламайди.

Неонатал скрининг - бу энг кўп тарқалган туғма ва ирсий касалликларнинг бошланғич ташҳислари қўйилишининг самарали усулидир.

Тұғма ва ирсий касаллікларнинг бошланғич даврида аниқланиши ва ўз вақтида даволаниши болан оғир асоратлар, хусусан, ақлий қолоқлик, күрлик, паканалик ривожланишидан асрашга имкон беради.

Хомиладорликни режалаштиришда охирги йилларда периконцепцион профилактика ўтказилади, у тұғма ривожланиш нұқсонлари ва бошқа касалліклари бўлган бола туғилишининг эҳтимолини камайтиради. Бундай ёндашув замирида ҳам ирсий, ҳам ташқи муҳит омилларининг таъсирида юзага келадиган кўпгина патологик ҳолатларнинг кўп омилли моҳияти ётади. Заарли таъсирларни чеклаш, зигота ўрнашуви ва ҳомиланинг шаклланиши учун қулай шароитларнинг яратилиши генларнинг патологик таъсири намоён бўлишига тўсқинлик қиласди.

Периконцепцион профилактика қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Уруғланиш пайтини танлаш. Кўп сонли тадқиқотлар кўрсатишича, уруғланиш ёз охири - қузнинг бошига тўғри келганда тұғма ривожланиш нұқсонлари бўлган боланинг туғилиш хавфи энг кам бўлади. Хомиладорлик баҳорги ойларда бошланганда касал авлод вужудга келишининг эҳтимоли энг юқори бўлади.

2. Эр-хотинни ҳомиладорликдан аввал уларда турли хил юқумли, эндокрин ва бошқа касаллікларни аниқлаш учун текшириш. Гормонал ўзгаришлар, сурункали юқумли касалліклар, айниқса жинсий йўлларнинг касалліклари жинсий хужайраларнинг етилиши жараёнларини бузади, аёл касал бўлганда эса эмбрионнинг ва ҳомиланинг шаклланишини бузади. Бу ҳолларда ушбу ҳолатларни тузатиш, эр-хотиннинг иккаласини соғломлаштириш талаб этилади. Ушбу босқичда шунингдек тиббий-генетик маслаҳат ўтказилади, касал бола туғилишининг хавфи аниқланади, туғищдан аввалги ташхис ёндашувлари аниқланади. Эр-хотинга чекишдан, спиртли ичимликлардан воз кечиш, имкони борича зарарли ишлаб чиқариш омилларини чеклаш тавсия этилади. Оғир ирсий моноген патологиялари бўлган оилалар ДНК-тестлардан ўтиши лозим.

3. Ургуланишдан аввал 2-3 ой мобайнида поливитамин препаратларни истельмол қилиш. Бу дори воситалари таркибида суткасига 0,4-1 мг гача фолий кислотаси, аскорбин кислотаси, а-токоферол, В гурухининг витаминалари бўлиши лозим. Эр-хотинларнинг овқатланиш рациони фолий кислотасига бой маҳсулотлар билан тўлдирилиши лозим: ошкўк, помидорлар, ловия, жигар. Бундай даволаш хужайралардаги алмашинув жараёнларини нормага солади, генетик аппаратнинг тўғри ишлашини таъминлайди, ҳомиланинг бачадон ичидаги ривожланиши учун қулай шароитларни яратади.

4. Аёлнинг ҳомиладорликнинг 10-12 ҳафтасигача поливитаминаларни истельмол қилиш.

5. Ҳомиладорликнинг кузатилиши, у ҳомилада касалликни аниқлашга имкон берувчи туғилишдан аввалги ташҳис ёндашувларини ўз ичига олади.

Бундай профилактик тадбирларнинг кенг тарқалиши, эр-хотинларнинг бола туғилишига жиддий муносабатда бўлиши атроф мухитни мухофаза қилиш ва соғлиқни сақлашни такомиллаштиришнинг умумдавлат дастурлари билан биргаликда ирсий ва туғма патологиялар юкининг камайишига ёрдам беради.

5.4. Даун касаллиги, фенилкетонурия: тавсифи, белгилари

Даун синдроми мисолида энг тарқалган ирсий касалликларидан бирини кўриб чиқамиз.

Хўш, Даун синдроми ўзи нима?

Биринчи навбатда унинг касаллик эмас, синдром эканлигини кайд этиш лозим. Синдром деган атама бир қатор аломатларнинг барқарор мажмуасини англатади. У 1866 йилда ушбу патологияга эга бўлган кишиларнинг ўзига хос хусусиятларини илк бора таърифлаган инглиз шифокорининг номи билан аталган. Джон Даун ўз беморларининг тор, қийик кўзларини, ясси юзини таърифлаб, уларни монголоид ирқига тегишли кишилар билан таққослаган. Бу синдромнинг генетик бузилишлар билан боғланишини эса 1959 йилда француз олимни Жерар Лежен исботлаган.

Даун синдроми - энг қўп тарқалган ирсий аномалиялардан бири бўлиб, хужайраларда қўшимча 21- хромосоманинг мавжудлиги билан боғлиқ. У тахминан 600-800 янги туғилган чақалоқларнинг бирида юзага келади.

Нормал ҳолда организмнинг ҳар бир ҳужайрасида хромосомаларнинг сони 46 тага тенг. Жинсий хужайралар ҳосил бўлганда жуфт хромосомалар ажралиб кетади ва тухум ҳужайрасида ҳам, сперматозоидда ҳам 23 тадан хромосома колади. Уруғланиш пайтида, жинсий хужайралар бирикиши пайтида хромосомаларнинг сони яна жуфт бўлиб колади. Хромосомаларнинг 21-жуфти бирикиши бузилганда болада яна битта, учинчи 21-рақамли хромосома пайдо бўлади. Айнан шу ҳолат Даун синдроми ёки 21-хромосома бўйича трисомия деб аталади.

Ҳозиргача тухум ҳужайрасида ёки сперматозоидда ортиқча хромосома нега пайдо бўлишини ҳеч ким билмайди. Фақатгина Даун синдроми бўлган болаларнинг туғилиши ва онасининг ёши орасидаги боғланиш аниқланган – аёл қанчалик ёши катта бўлса, чақалоқда касаллик хавфи шунчалик юқори бўлади. Лекин шунга қарамай, ёш оналарда ҳам шундай болалар туғилади... Бу синдромнинг тарқалиши ота-онанинг ижтимоий макомига ҳам, уларнинг ақлий ривожланишига ҳам, ирқий тегишлилигига ҳам боғлиқ эмас. Ҳеч ким бундай патологияли бола туғилишидан истисно этилиши мумкин эмас.

Даун синдроми ташҳисини қандай қўйиш мумкин?

Даун синдромининг илк ташҳиси ҳомиладорлик пайтидаёқ ўтказилиши мумкин. Бунинг учун кам шикастлайдиган ноинвазив усууллар ишлатилади.

Буларга 10-12 ҳафта муддатида ўтказиладиган ультратовуш текширув киради. Бундан ташқари, биокимёвий скрининг - ҳомиладор аёлнинг қонида хорионик гонадотропин ва альфафетопротеин миқдорини аниқлаш ўтказилади. Олинган натижаларга кўра Даун синдроми бўлган бола туғилишининг хавфи хисоблаб чиқилади.

Агар ультратовуш текширув пайтида патология аниқланса ёки биокимёвий тахлиллар касалликнинг юқори хавфини кўрсатса,

диагностиканинг инвазив усулларини қўллаш масаласини ҳал этиш учун генетик шифокорнинг маслаҳати керак бўлади. Уларга амниоцентез (диагностика ўтказилиши учун ҳомила ёни сувларидан озгина олиш учун ҳомила амниотик қобиғини тери орқали тешиш) ва хорионик тукчаларни (йўлдошнинг томирли ҳосилаларини) текшириш киради. Агар Даун синдроми ташҳиси тасдиқланадиган бўлса, боланинг ота-онаси шифокор билан биргаликда ҳомиладорликнинг давом этиши мақсадга мувофиқлигининг масаласини ҳал этадилар.

Хўш, янги туғилган чақалоқда Даун синдромининг мавжудлигини қандай гумон қилиш мумкин?

Янги туғилган болада Даун синдромининг мавжудлигини тасдиқловчи белгилар: бундай болаларда кўзларининг монголоид кўриниши, кўзларининг ички бурчаги ёнида тери бурмаси, қулоқ чиғаноқлари шакли ўзгарган, энса қисми яссиланган ҳолда эътиборни ўзига қаратади. Уларда оғиз бўшлиғининг катталиги нормасидан озгина кичикроқ, тили эса катталашган бўлиб, болалар уни чиқариб туриши мумкин. Қўл бармоқчалари қисқарган, жимжилоқлари қийшайган, кафтида факат биргина кўндаланг бурма бўлади. Оёқчаларида биринчи ва иккинчи бармоқлари ўртасидаги масофа катталашган. Териси нам, силлиқ, соchlари юпқа, қуруқ бўлади. Мушак тонуси қўпинча пасайган бўлиб, бу яна бир ўзига хос хусусиятини белгилаб беради - оғзи доимо очик туради. Кўпинча ушбу белгилар шунчалик кам ифодаланадики, уларни факат тажрибали шифокор ёки доя сезиши мумкин. Чакалоқда Даун синдромининг мавжудлигини гумон қилган шифокор албатта ташҳисни тасдиқлаш учун хромосомали тестларни ўтказиши лозим.

Кўшимча 21-хромосомаси бўлган чақалоқларнинг ривожланиш хусусиятлари қандай бўлади?

Даун синдромига учраган болаларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар турлича бўлиши мумкин - аҳамиятсиз ўзгаришларидан то кучли ифодаланганларигача. Бундай болаларда кўпинча юрак нуқсонлари

аниқланади, улар баъзан жарроҳлик аралашувини талаб этади. Мушакларнинг пасайган тонуси ҳисобига улар кечроқ юра бошлайди ва, демакки, атроф оламни кечроқ ўргана бошлайди. Шу сабабли уларда нутқ, ёзув ривожланишида муаммолар юзага келиши мумкин. Бундай болаларда илк болалик даврида эшитиш ва кўриш ривожланишининг бузилиш хавфи юкори, бу эса гипотония билан биргаликда боланинг ривожланишига жиддий таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари, бундай болалар тез-тез шамоллаш касалликларига учрайди.

Ривожланишда бир нечта нуқсонлари бўлган, вазни ва бўйи кам бола туғилганда доимо хромосома патологиясидан гумон қилиш лозим. Кейинчалик бундай болалар психик ривожланиш секинлашуви, жинсий аъзоларининг етарли ривожланмаслиги, жинсий етилишининг секинлашуви билан ажралиб туради. Одатда хромосома касалликлари бўлган болалар психик ва жисмоний нормал, хромосомалар термаси нормал бўлган ота-онадан туғилади. Онанинг ёши хавфли омил бўлади: ёши ўтиб қолган аёлларда Даун касаллиги ва бошқа баъзи касалликлар бўлган болаларнинг туғилиши бир неча баравар ошади.

Тиббий-генетик маслаҳат бериш ирсий касалликларнинг олдини олишга қаратилган. Унинг охирги йиллардаги долзарблиги кўп жиҳатдан тиббий генетиканинг ривожланиши билан боғлиқдир. Ҳозирги пайтда улар нафақат ирсий патологияси мавжуд бўлган оиласда касал бола туғилишининг олдини олишга, балки генлар терапиясини ўтказишга, яъни турли-туман, жумладан ирсий касалликларни беморга тегишли касалликларнинг ривожланишида асосий ўрин тутадиган нормал генларнинг киритилиши ёрдамида даволашга имкон беради.

Инсоннинг кўпгина касалликлари замирида турли фермент тизимларининг ишлаши бузилишлари (ферментопатиялар) ётади. Бундай касалликлардан бири фенилкетонурия бўлиб, унда bemornинг сийдигида жуда кўп аминокислоталар – фенилаланин ва фенилпироузум кислотаси чиқарилади.

Бу фенилаланиннинг тирозинга айланишининг бузилиши билан боғлиқ. Натижада организмда бир қатор аъзолар, биринчи навбатда марказий асаб тизими ишининг оғир бузилишларига олиб келувчи моддалар алмашинув маҳсулотлари йиғилади. Фенилкетонурия кам учрайдиган касаллик. Бу касаллик бола ҳаётининг биринчи кунлаиданоқ ривожланади, ва 6-7 ойга келиб ақлий қолоқлик аломатлари юзага келади.

Ушбу касалликнинг ботиний қўрқинчлилиги шундаки, у авлоддан авлодга яширин ҳолида ўтиши мумкин ю болада у фақат ҳам оат\\таси, ҳам онаси ушбу касалликнинг ташувчилари бўлиб, унга фенилкетонурия генини берган ҳолдагина юзага келади. Ташувчиларнинг ўзлари шу касаллик билан оғримайди. Агар ота-она яқин қариндошлараро никоҳда бўлса, болалари учун фенилкетонурия каби касаллик билан оғриш хавфи кучаяди. Агар оиласда битта касал бола бўлса, кейинги болалар учун ҳам шундай касаллик билан туғилиш хавфи юқори бўлади.

Бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ фенилаланинсиз парҳезда бўлиш даволаш таъсирини ўтказиши мумкин.

5.5. Ирсий касалликларни генеалогик ва дерматоглифик усуллари билан аниқланиши. Ирсий касалликларни рўйхатга олиш ва назорат қилиши.

Тиббий генетика ирсий омилларнинг касалликлар ривожланишидаги ёки баъзи касалликларга ўта мойилликдаги ролини ўрганади.

Генетик тиббиётнинг асосий услубларидан бири генеалогик усулdir. У клиник текширув ёрдамида кузатиладиган патологик белгиларнинг наслдан ўтиши қонуниятларини аниқлаш мақсадида шажараларнинг тузилиши ва таҳлил қилишидан иборат. Шажаралар тузилишининг манбалари одатда бевосита текшириш, касаллик тарихлари, оила аъзоларини сўровдан ўтказиш натижалари бўлади. Генеалогик усулда шартли равишда иккита босқич ажратилади: шажаранинг тузилиши ва унинг генетик таҳлили, ундан кейин эса

беморлар ва уларнинг қариндошларининг клиник ва лаборатория текширувлари ўтказилади. Шажаранинг генеалогик таҳлилида аввал белгининг ирсий тури ва унинг наслдан-наслга ўтишининг хусусиятлари аниқланади.

Инсон терисининг юзасида майда эгатчалардан иборат бўлган тери тузилиши кўрилади, у терини учбурчак ва ромб шаклидаги ўта майда майдонларга бўлади. Катталаштирувчи ойна тагида ўта кичик тешиклар - тер безларининг чиқишилари кўринади. Тери тузилиши қатъий индивидуал бўлади. Дерматографик усул бир қатор касалликларнинг ирсий моҳиятини аниқлаш учун кафтларда ва товонларда тери тузилишининг хусусиятларини ўрганишга асосланган.

5.6. Яқин қариндошлар орасидаги никоҳларнинг саломатлик учун зарари

Яқин қариндошларнинг никоҳларида аутосомали-рецессив касалликлар учраши кўпаяди, чақалоқлар ўлими, ақлий қолоқлик ва туғма ривожланиш нуқсонларининг эҳтимоли юқори бўлади. Бола туғилишини режалаштириш бир патологик геннинг иккала гетерозиготали ташувчиларининг никоҳидан воз кечиши орқали амалга оширилиши мумкин. Бу ҳол бирор-бир моноген касалликнинг тез-тез учраши қайд этилган элатнинг молекуляр-генетик текшируви ўтказилганда мумкин бўлади.

Эр-хотинларнинг ёши ҳам оилани режалаштиришда катта аҳамиятга эга. Айникса 35 ёшдан ошган аёллар ва 40 ёшдан ошган эркакларда хромосомали патологияга учраган болалар туғилишининг кўпайиши кўп сонли тадқиқотлар билан исботланган. Шунинг учун бола туғишни шу ёшгача тугатиш оқилона бўлар эди. Эр-хотиннинг оиладаги болалар сони ҳақидаги якуний қарори шунингдек уларнинг интеллектуал ва ижтимоий даражасига, касал қариндоши билан яқин қардошлиги даражасига, оиладаги ирсий патологияси бўлган индивидлар сонига боғлиқ бўлади.

Қариндош бўлган эр-хотинларнинг болалари қариндош бўлмаган эр-хотинлардан туғилган болаларга қараганда ирсий касалликларга анча кўпроқ учраши олдиндан исботланган. Тарихга мурожаат қиласилик. Подшоларнинг никоҳлари кўпинча сиёсий талаблардан келиб чиқиб тузилган. Келин-куёвларни танлаш одатда аввал бир-бири билан қариндош бўлган подшолик хонадонларининг тор доираси билан чекланган. Бундай никоҳлар занжирининг фожиали оқибати ирсий аномалияларнинг ортиши, ва ҳатто нуқсонли болаларнинг туғилиши бўлган эди. Мутахассисларнинг фикрича, Миср фирмъянларининг династиялари айнан шунинг учун ҳам йўқолиб кетган, чунки авлоддан авлодга туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида никоҳлар тузилар эди. Бу жиҳатдан Габсбурглар оиласининг тарихи жуда қизик: қироллар оиласининг аъзолари кўп марта қариндошлик никоҳларини тузганлар. Масалан, Филипп II биринчи никоҳда ўз аммаваччасига, иккинчи никоҳда - жиянига уйланган. Унинг ўғли, Филипп III - аммавачchasига, Филипп IV эса - жиянига уйланган. Бу қиролларнинг авлодлари бирон-бир фаолиятга қобил бўлмаган, ёрқин ифодаланган ақлий қолоқ олигофрен кишилар эди.

Гап шундаки, организмнинг у ёки бу белгилари ёки хусусиятлари учун масъул бўлган генларнинг патологик ўзгаришлари туфайли белгилаб берилган бир гурух ирсий касалликлар мавжуд.

Шуниси қизиқки, битта ўзгарган ген ўзини намоён этмайди. Унинг ташувчиси ўзи ҳам соғлом колади, боласига ҳам ирсий касаллик хавф солмайди. Лекин тақдир инояти билан шундай ўзгарган генларнинг иккита ташувчиси эр-хотин бўлса, авлоди учун хавфли бўлган вазият туғилади. Ҳомила, албатта, иккита нормал ҳужайрадан ривожлана бошлиши мумкин, ва шунда бола соғлом туғилади, чунки у ота-онасидан ўзгарган генни олмаган бўлади.

Иккинчи тури: бола ўзгарган гени бўлган ҳужайрадан ва нормал ҳужайрадан ривожланади - бунда ҳам бола соғлом ривожланади. Лекин ота-онаси каби ўзгарган геннинг ташувчисига айланади.

Учинчи тури: ҳам эркак, ҳам аёлнинг иккала жинсий ҳужайралари ўзгарган генга эга. Бу ҳолда бола касал туғилади. Ота-онасида яширин нуқсон бўлган ҳолатда болада у очик-оидин сезилади.

Бундай фожиали учрашувнинг эҳтимоли яқин қариндошлар, яъни ўзгарган ген наслдан ўтган бир ёки бир нечта умумий аждодларига эга бўлган кишилар никоҳ тузганда ортиб боради. Шунинг учун давлатларнинг қўпчилигига биринчи даражали қариндошлар - ота-оналар ва уларнинг болалари, туғишган aka-ука ва опа-сингилларнинг никоҳлари тақиқланган.

Ўзбекистон Республикасида «Она ва бола скрининги» Давлат дастури қабул қилинган ва Республика скрининг-маркази ташкил этилган (Тошкент, 700140, Ж.Обидова кўчаси, 5-тор кўча, 3-уй, телефонлар: 60-10-79, 60-12-24).

Скрининг инглизчадан «элак орқали ўтказиш» деганидир. Янги туғилганлар, ҳомиладор аёлларнинг скрининги соғлиғидаги яширин нуқсонларни вақтли аниқлаш, ўз вақтида самарали чоралар кўриш ва оғир касалликларнинг олдини олиш учун ўтказилади. Марказда куйидаги текшириш турлари ўтказилади:

1. Янги туғилган болаларда ирсий моддалар алмашинуви касалликларини аниқлаш учун маҳсус кон таҳлили ўтказилади; туғруқхонада ҳаётининг 4-5 куни товонидан бир неча томчи қон олинади ва скрининг-марказига юбориладиган маҳсус бланкага суртилади. Қондаги шубҳали ўзгаришлар бўлганда такрорий таҳлил ўтказилади. Замонавий компьютер асбоблари ҳали касаллик очик намоён бўлмаганда уни аниқлайди.

2. Ҳомиладор аёлларнинг кон таҳлили ҳомилада ривожланишининг жиддий нуқсонлари мавжудлигини аниқлаши мумкин. Скрининг-марказида қўшимча текширув пайтида ҳомиладор аёлга ҳомиласида ҳомиладорликнинг илк босқичларида Даун касалиги, гидроцефалия ва бошқалар аниқланганда ҳомиладорликни тўхтатиш тавсия этилиши мумкин. Ўзбекистонда фенилкетонурия, туғма гипотиреознинг олдини олиш ва илк босқичида

аниқлаш мақсадида янги туғилган болаларнинг оммавий скрининги бошланган.

Фенилкетонурия - бу шундай касалликки, беморнинг сийдигида жуда күп аминокислоталар – фенилаланин ва фенилпироузум кислотаси пайдо бўлади. Натижада организмда моддалар алмашинувининг маҳсулотлари йиқилиб, улар биринчи навбатда марказий асаб тизимининг оқир шикастларини келтириб чиқаради. Касаллик бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ ривожланади ва 6-7 ойга келиб ақлий қолоқлик белгилари пайдо бўлади. Бу касалликнинг ёмонлиги шундаки, у авлоддан-авлодга яширин ҳолида ўтиши мумкин. Болада бу касаллик факат отаси ҳам, онаси ҳам бу касалликнинг ташувчилари бўлиб, иккаласи унга фенилкетонурия генини берганида ривожланади. Ташувчиларнинг ўзи шу касаллик билан оғримайди. Ота-она яқин қариндошлик никоҳида бўлганда ушбу касалликнинг хавфи кўпаяди.

Туғма гипотиреоз қуйидаги ҳолларда ривожланади:

1. Онадаги қалқонсимон безнинг касаллиги - бу касалликлар ҳомиладорлик пайтида ҳомилада ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин, ва бола туғма гипотиреоз билан туғилади. Агар туғма гипотиреоз биринчи ойлардан даволанмаса, бу ҳол боланинг кейинги ақлий ривожланишига таъсир этади.

2. Яқин қариндошлар никоҳи.

Иккинчи, учинчи даражали ва бошқа яқин қариндошлар никоҳлари тузилганда соғлиғидаги яширин нуқсонларни аниқлаш учун шифокорга мурожаат қилиш лозим.

ГЕНОФОНД - ушбу популяцияни ташкил этувчи индивидларда мавжуд бўлган генларнинг мажмуаси.

КАРИОТИП - хромосомали хужайралар термаси; уларнинг сони, ўлчами, шакли ва тузилиши хусусиятлари билан тавсифланади.

РЕЦИПИЕНТ - донордан бирор аъзосини (масалан, қон қувишда қонни ёки кўчирилган буйракни) олган киши.

6 боб. ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР – САЛОМАТЛИКНИ БУЗУВЧИ ҲОЛАТЛАР

6.1. Зарарли одатларнинг таърифи, уларнинг саломатлик учун хавфи

Жаҳон статистикасига қараганда, ҳар йили чекувчилар ичида икки ярим миллионга яқин кишилар ўлади.

Энг аввало шуни қайд қилиш керакки, идеал ҳолатда соғлом турмуш тарзи зарарли одатлардан воз кечиши эмас, уларнинг аввалдан бўлмаслигини кўзда тутади. Агар улар бирор сабабларга кўра кишида мавжуд бўлса, унда ушбу индивидни унинг ўзи учун шунчалик зиён келтирувчи мойиллигидан қутқариш учун барча чораларни кўриш зарур.

Зарарли одатларга энг аввало спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва тамаки чекиш киради, бунда кўпгина адабий манбаларда тамаки чекиш кўпроқ тарқалган одат, яъни инсон учун каттароқ ёмонлик деб таърифланади.

Алкоголизм – оғир сурункали касаллик, кўп ҳолларда даволаниши қийин. У алкоголнi мунтазам ва узоқ муддатли истеъмол қилиш асосида ривожланади ҳамда организмнинг ўзига хос патологик ҳолати билан ажралиб туради: спиртли ичимликка тўхтатиб бўлмайдиган интилиши, уни кўтара олиш қобилияти даражасининг ўзгариши ва шахсининг деградацияси. Алкоголик реал вазият (оилада маблағ бор-йўқлиги, ишга чиқиш кераклиги ва ҳоказолар) билан ҳисоблашмай, барча энергиясини, восита-маблағлари ва фикру хаёlinи спиртли ичимлик топишга қаратади. Бир марта ичганидан кейин у тўлиқ маст бўлгунча, хушини йўқотгунча ичгиси келади. Одатда алкоголиклар ичиб газак қилмайди, уларда кусиш рефлекси йўқолади ва шунинг учун исталган ичилган суюқлик микдори организмда қолади. Шунинг учун алкоголнi кўпроқ қабул қила олиши, кўтара олиши ҳақида гапиришади. Лекин аслида бу патологик

ҳолат бўлиб, организм алкоголи заҳарланишга қарши қусиш ва бошқа ҳимоя механизмлари ёрдамида кураш қобилиятини йўқотганлигидир.

Алкоголизмнинг сўнгги босқичларида спиртни кўтара олиш бирданига пасаяди, ва ўтакетган алкоголик учун ҳатто озгина вино ҳам худди илгари катта ароқ миқдори каби реакцияга олиб келади. Алкоголизмнинг ушбу босқичига алкоголни ичганидан кейин жуда оғир бошоғриғи, ўзини ёмон сезиш, жаҳлдорлик, ёвузлик хос бўлади. Инсон ҳар куни, бир нечта кун давомида, ҳатто ҳафталаб тўхтовсиз ичганда патологик ҳолатлар шунчалик кучли бўладики, уларни бартараф этиш учун тиббий ёрдам керак бўлади.

Тамаки чекиши ҳақида гапирилганда тадқиқотчи олимларнинг маълумотларига қараганда ҳар бир чекилган сигарет инсон ҳаётини 14 минутга қисқартиради. Энг ашаддий кашандалар одатда чекиши юзага келтирадиган касалликлардан ўладилар. Чекмайдиган кишиларнинг соғлиғи ҳам фақат уларнинг ёнида кимдир чекиб туриши учун хавф остида қолади. Ҳар қандай вақтда ҳам чекиши ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар касаллик ҳали ривожланмаган бўлса, касалликнинг хавфи аста-секин камайиб боради, сиз чекиши ташлаганингиздан бошлаб ўн йилдан кейин эса умуман йўқолади. Ҳар бир сигаретда ўнлаб зарарли моддалар мавжуд. Тамаки тутунида мавжуд бўлган моддалардан энг заҳарлиси қатронлар ва никотинdir. Тамаки тутунидан мавжуд бўлган қатрон нафас олиш йўлларини ачиштиради, оқибатда улар торайиб, шиллиқнинг ажралиши кучаяди, ва киприкчалар ўз вазифасини бажара олмайдиган бўлади, шундай қилиб шиллиқ, гардлар ва бактериялар ўпканинг ичидаги қолади. Бу кашанданинг йўталига олиб келади, аслида у бронхитнинг (нафас олиш йўлларининг яллиғланиши) аломати бўлиб, ўпкани турли юқумли касалликлар учун заифроқ қиласи. Биз нафас оладиган ҳаво ўпканинг пастки қисмига киришидан аввал тозаланиши керак. Бу вазифани шиллиқ, яъни бурунда ва юқори нафас йўлларида мавжуд бўлган ёпишқоқ суюқлик бажаради. Шиллиқ гарджларни ва бактериларни ушлаб қолади, айни пайтда кичик тукчалар – киприкчалар шилиқни ўпкада бурун

бўшлиғига ва томоққа чиқариб туради. Ўпка саратони ҳолатларининг тўқсон фоизи қашандаларда кзатилади, ва бунинг асосий сабабчиси айнан қатрон деб ҳисобланади.

6.2. Чекишнинг одам иш фаолиятига таъсири ва асоратлари, чекиши ва спорт. Спиртл ичимликлар ва уларнинг саломатликка таъсири

Алкоголизм одат эмас, балки қасалликдир. Одатни онг томонидан назорат қилиш, ундан қутулиш мумкин. Алкоголга ўрганиб қолишни енгиш организм заҳарланиши туфайли анча қийинроқ бўлади. Алкоголни истеъмол қилувчи кишиларнинг тахминан 10 % қисми алкоголикларга айланади. Алкоголизм – организмдаги руҳий ва жисмоний ўзгаришлари хос бўлган қасалликдир.

Алкоголизм қўйидаги схема бўйича ривожланади:

1. Бошланғич босқичи: хотира йўқоладиган ҳолда маст бўлиш, «қуёш тутилиши». Одам доимо спиртли ичимлик ҳақида ўйлайди, унга камроқ ичгандек туюлади, у «йиғиб» ичади, унда алкоголга нисбатан хасислик, ғайирлик ривожланади. Лекин унинг ўз айбини сезиши сақланиб қолади, спиртга интилиши ҳақидаги гаплардан қочади.

2. Критик босқичи: ҳато бир қултум алкоголни ичганидан кейин ҳам ўзни назорат қилолмай қолади. Ўз мастигини оқлашга интилиш, унинг ичиш ҳаракатларини, уринишларини ҳар қандай олдини олишга қаршилик қилиш. У атрофдагиларни ўз баҳтсизлигига айблайди. У муккасидан ичишга кетади, тасодифий улфатлари унинг дўстларига айланади. У доимий ишдан кетишга мажбур бўлади, спиртга дахлдор бўлмаган барча нарсаларга қизиқиши қолмайди.

3. Сурункали босқичи: ҳар кунги бошоғриғи, шахсининг парчаланиши, хотирасининг хиралашуви, фикрининг узилиб туриши. Киши алкоголнинг

ўрнини босувчи ичимликларни, техник суюқликларни, одеколонни ичади. Унда асоссиз қўрқувлар, васваса, бошқа алкоголли психозлар ривожланади.

Муккасидан ичиш пайтида ўзига хос асоратлардан бири васvasага тушишдир.

Алкоголнинг заҳарли таъсири энг аввало асаб тизимиға ўтади. Агар қонда спирт миқдорини 1 (бирлик) деб олсак, жигарда у 1,45, бош мияда 1,75 га тенг бўлади. Ҳатто озгина спирт миқдори ҳам асаб тўқимасидаги модда алмашинувига, асаб импульсларининг узатилишига таъсир этади. Айни пайтда бош мия томирларининг ишлаши бузилади: улар кенгайиб, ўтказувчанлиги ошади, мия тўқимасига қон қуийлади. Ўсмирлик ёшида мия тўқималарида фосфор камроқ, сув эса кўпроқ, тузилиши ва вазифалари жиҳатидан такомиллашув жараёнида бўлади, шунинг учун спирт унинг учун айниқса хавфлидир. Спиртли ичимликни ҳатто бир марта ҳам ичиш энг жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Алкоголни бир неча марта ёки тез-тез истеъмол қилиш ўсмирнинг руҳиятига ҳақиқатан парчалаб ташлайдиган таъсир этади. Бунда нафақат юксак тафаккур шаклларининг ривожланиши, этика ва маънавият категориялари ва эстетик тушунчаларнинг ҳосил бўлиши секинлашади, балки ривожланиб бўлган қобилиятлар ҳам йўқолади. Ўсмир ҳам ақлий, ҳам ҳиссий, ҳам маънавий жиҳатдан «ахмоқлашади».

Алкоголнинг нишонга олган иккинчи аъзоси жигардир. Айнан шу ерда ферментларнинг таъсирида унинг парчаланиши содир бўлади. Агар алкоголнинг жигар ҳужайраларига келиб тушиши унинг парчаланиши тезлигидан кўпроқ бўлса, алкоголь йиғилиб, жигар ҳужайраларининг шикастланишига олиб келади. Алкоголь жигар ҳужайраларининг тузилмасини бузиб, унинг тўқималарининг жиддий ўзгаришига олиб келади. Спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилганда жигар ҳужайраларидаги ёғли ўзгаришлар жигар тўқимасининг ўлишига олиб келади – жигар циррози, сурункали алкоголизмнинг деярли доимий асорати бўлган хавфли касаллик

ривожланади. Алкоголнинг ўсмир жигарига таъсири бундан ҳам кучли, чунки ушбу аъзо тузилиши ва вазифалари жиҳатидан шаклланиш жараёнида бўлади. Жигар ҳужайраларининг шикастланиши оқсил ва углево алмашинувининг, витаминалар ва ферментлар синтезининг бузилишига олиб келади. Спиртли ичимликлар қизилўнгач, ошқозоннинг шиллиқ пардасини «еб юборади», ошқозон ширасининг ажралиши ва таркибини бузади, бу ҳам ҳазм қилиш жараёнини қийинлаштириб, охир-оқибатда ўсмининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади.

Шундай қилиб, алкоголь организмни заифлаштириб, унинг аъзолари ва тизимларининг шаклланиши ва етилишини секинлаштиради, айрим ҳолларда, масалан суиистеъмол қилинганда, юқори асад тизимнинг баъзо вазифалари ривожланишини умуман тўхтатиб қўяди. Организм қанчалик ёшрок бўлса, унга спирт шунчалик кучли зарап етказади. Бундан ташқари, ўсмирларнинг алкоголь ичимликларни ичиши катталарга қараганда анча тезроқ уларда алкоголизм шаклланишга олиб келади.

Алкоголь нафақат ичувчининг ўзига, балки ёнидагиларга ҳам зиён етказади. Кўпинча алкоголизмга мойил бўлган эркаклар ёки аёллар ўз эҳтиёжини қондириш учун ўз вазифаларига, дўстларига, оиласи ва болаларига эътибор бермай қўяди. Алкоголга мойиллик – турли жиноятларнинг сабабидир. Маълумки, барча жиноятларнинг 50 % қисми спиртни истеъмол қилиш билан боғлиқ.

Ота-оналарнинг алкоголизми туфайли кўпинча болалар касал бўлади. Асад касаллига дучор бўлган болаларни тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, уларнинг касаллигининг сабаби кўпинча ота-оналарнинг алкоголизми бўлган.

Алкоголизмга қарши кураш – ҳар қандай давлатнинг энг катта ижтимоий ва тиббий муаммосидир. Алкоголнинг етказадиган зарари исботланган. Унинг хатто кичик миқдори ҳам катта ҳалокатлар ёки баҳтсизликларга олиб келиши мумкин: шикастланишлар, автоҳалокатлар, ишлаш қобилиятидан маҳрум

бўлиш, оила парчаланиш, инсон маънавий эҳтиёжлари ва ирода жиҳатларининг йўқолиши.

Алкоголь ҳам, тамакида бўлган никотин ҳам наркотик моддалардир. Чекадиган ва ичадиган кишиларни организми вақт ўтиб шу моддаларга ўрганиб қолади ва уларга наркотик боғланишга тушиб қолиб, уларсиз туролмай қолади. Тамаки чекиш саломатликка улкан зарар етказиб, жиддий касалликларга олиб келиши исботланган. Шифокорларнинг фикрича, барча онкологик касалликларниг учдан бири бевосита чекиш билан боғлиқ. Лекин кўпчилик кишилар шу хавфга эътибор бермай, тамаки ва алкоголни суиистеъмол қилишда давом этади. Бундай одамларга тақлид қилиш керак эмас.

Ичиш ва чекишни ташламоқчи бўлганлар учун умуман олганда соғлом турмуш тарзини юритиш катта аҳамиятга эга. Мунтазам жисмоний машқлар, оқилона овқатланиш кўп жиҳатдан заарли одатларни енгиб ўтишга ёрдам беради.

6.3. Гиёҳвандлик ҳақида тушунча, унинг келиб чикиш тарихи

Жуда қадим замонлардан маълум бўлган гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилиш бугунги кунда бутун жаҳон жамоатчилигини хавотирда қолдирадиган даражада ёйилиб кетган. Ҳатто наркологлар нуқтаи назаридан наркоманиянинг чегараларини юридик мақбул даражагача торайтириш ҳолида ҳам кўп давлатларда наркоманиялар ижтимоий ҳалокат деб эътироф этилган. Наркотик мафиялар давлатларни бошқаради (Лотин Америкаси), ўз армияларига эга бўлади (Жануби-Шарқий Осиё). Гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчи яширин корпорацияларнинг даромадлари қурол билан савдо қилишдан маълум бўлган даромадлардан юқорироқдир. Ёлшлар ичida ушбу суиистеъмоллик айниқса хавфлидир – бирданига жамиятнинг ҳам ҳозирги куни, ҳам келажаги йўолиб, парчаланади. Наркологларнинг нуқтаи назаридан суиистеъмолликлар тарқалганлигининг тўлиқ, токсикоманияларни

ўз ичига олган манзаrasи ундан ҳам фожиалироқ. Гиёхванд моддаларининг рўйхатига киритилмаган моддалар ва препаратлар одатда улардан ҳам зарарлироқ бўлиб, индивидуум учун янада каттароқ зиёнга олиб келади.

Бутун жаҳонда ҳозир яхши маълум бўлган гиёхвандлик моддалари билан биргаликда охирги 20 йил ичида кўп мамлакатларда психотроп наркотик моддаларни истеъмол қилувчи наркоманларнинг сони кўпайиб кетди. Бу жиҳатдан энг хавфли моддалар амфетаминалар ва галлюциноген моддалар, ЛСД ва лизергин кислотасининг бошқа ҳосилалари, улар бошқа психотроп препаратларидан фарқли равишда тиббий дорилар эмас ва инсон учун ниҳоятда хавфлидир.

Бунда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги қунда наркотиклар билан савдо қилиш инсонни инсон томонидан эксплуатация қилишнинг энг даҳшатли шаклларидан бирига, инсониятга қарши энг даҳшатли жиноятлардан бирига айланди.

Наркотикнинг ўзи нима? Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра тиббий мақсадлардан бошқа ҳар қандай мақсадларда суиистеъмол қилинадиган исталган модда наркотик деб ҳисобланиши лозим.

Гиёхвандлик сирини очмоқчи бўлган олимлар ўз истеъмолчиларининг туйгулари ва фикрларининг энг чуқур тубига ўта оладиган наркотикларнинг ниҳоятдаги таъсирчанлигига қойил қолганлар. Кўп олимлар, ҳатто олимларнинг авлодлари томонидан ўтказилган узоқ ва чуқур тадқиқотлар бесамар қолмади. «Жаннат» воситаларининг кўпчилигига яширган заҳар аниқланди.

60-йиллардаёқ мутахассислар исботладики, галлюциноген моддаларни ўта кўп истеъмол қилиш оғир руҳий бузилишларни келтириб чиқаради, ушбу моддалар инсон организмида содир бўлувчи мураккаб кимёвий жараёнга киришиб ва уни бузиб, ўзига қаратиб, шу туфайли жалб қилувчи кучига эга бўлади ва ўз қурбонини тобелик одати тўлиқ қарор топганидан кейин такрор ва такрор ёки тўхтовсиз равишда уларга бўйсунишга мажбур қиласи.

Тинчлантирувчи ва оғриқсизлантирувчи наркотиклар бор (уларни депрессив наркотиклар дейишади), ва бошқалари, рағбатлантирувчи, организмни қўзғатувчи моддалар ҳам бор. Галлюциноген моддалар кучли кайфни ва власасани, даҳшатли кечинмалар ёки ўта хавотирланиш туйғусини келтириб чиқаради. Бунда шу моддаларнинг ҳар бири, ҳаттоқи энг хавфлиси ҳам, уни тўғри қўллашда даволайдиган, мақбул таъсир ҳам кўрсатиши мумкин.

Ҳиндистон нашаси, кока барглари, банги уруғлари энг қадимги табиий наркотик моддалари деб ҳисобланади. Қорадори - опиум ва унинг ҳосила моддалари: морфий, героин оғриқсизлантиувчи таъсир этиб, хавотир ва қўрқувни йўтади, очлик ва чанқаш ҳиссини то тўлиқ йўқолгунча камайтиради, жинсий интилишни сусайтиради, сийдик айиришни камайтириб, инсонни уйқули ҳолатга, ёки героин каби тутқаноқли ҳолатга солиб қўяди.

Гашиш, марихуана ва Cannabis sativa ўсимлигининг Ҳиндистон ёки Америка туридаги бошқа ҳосилалари ҳам худди шундай жиҳатдан ажралиб туради. Кокаин одатда энг кучли восвос реакцияларни келтириб чиқаради, уларга одатда галлюцинациялар ёки ўзига хос эйфория қўшилиб, параноидал импульслар билан қоришиади. Баъзан ушбу наркотикнинг жиноятга олиб келтирувчи хусусияти зўрликка ундан, инсонинг психик фаоллигини рағбатлантиради.

60-йилларда арпа қоракуяси замбуруғидан олинган лизергин кислотасининг диэтиламид тузи – ЛСД пайдо бўлган. ЛСД наркотик моддалар оиласининг охирги авлоди бўлмай туриб, ундан ҳам кучли таъсир этувчи моддаларга йўл очиб берган. Наркотикларнинг бундай портлашдек юзага келиши соладиган хавфни тушуниш учун 1 кг тана вазнига ЛСД 1 граммининг миллиондан бир қисмини истеъмол қилганда ҳам галлюцинациялар ҳосил қилишини эслашнинг ўзи етарли.

Наркотик – бу шундай моддаки, уни бир гал истеъмол қилишда жалб этувчи психик ҳолатни келтириб чиқариши, мунтазам истеъмолда эса жисмоний ва психик тобеликни келтириб чиқариши мумкин бўлган моддадир.

Наркотик сўзининг тиббий маъноси операциялар учун зарур бўлган наркозни келтириб чиқарувчи модда бўлиб, умумэътироф қилинган, яъни лаззат олиш учун модда маъносига тўғри келмайди. Бутунжаҳон Соғлиқни саклаш ташкилоти наркотикларга турли-туман препаратларни «уларнинг жиддий ижтимоий хавфи ҳамда индивидуумнинг саломатлигига етказадиган зарари» туфайли киритган.

Наркомания – бу бирор наркотик ёки наркотик бўлмаган моддани суиистеъмол қилиш оқибатида юзага келган касалликдир. Наркомания – ҳамма жиҳатларни, жисомний саломатлик, ички дунёсининг барча қирраларини, бошқа одамлар билан муносабатларни, юридик қонунлар билан муносабатларни, шахснинг яшаш усусларини қамраб оловчи ҳолатдир. Наркоман йўлидан кетаётган инсон аста-секин ўзининг барча маънавий хислатларини йўқотиб боради: руҳий меъёридан чиқиб кетади; дўстларини, кейин эса оиласини йўқотади; умуман ишсиз ва яшаш учун маблағсиз қолади; жиной мухитга тортилиб кетади; ўзига ва атрофдагиларга бир дунё баҳтсизлик олиб келади. Бу касаликда эн даҳшатлиси шуки, нафақат ўсмирларнинг ўзи, балки уларнинг ота-оналари ҳам улар факатгина наркотикларни «тотиб кўргани, ўйнагани» йўқлигини, энди эса тобеликни келтириб чиқарган модда мунтазам қабул қилмай туролмайдиган бўлганлигини ўта кеч тушунадилар. Ўсмир ёки йигит организмининг индивидуал жисмоний хусусиятларига, наркотик моддасинин тури ва сифатига қараб наркотикка патологик мойиллик бир марта қабул қилишдан кейин ёки «ўйин» бошланганидан кейин 2-33 ойдан сўнг юзага келиши мумкин. У ёки бу наркотик касаликларнинг юзага келишида (алкоголизм, наркомания, токсикомания) турли омиллар сабабчи бўлса-да, улар жараённинг кейинги шаклланиб боришини белгилаб беравермайди, ва наркологик касаликларнинг ҳар бир кўрсатилган тури учун мустақил келиб чиқиш сабаби бўлса ҳам, шунга қарамай, уларнинг барчаси моҳиятан юзага келишнинг ягона механизми билан умумлашади.

Рухий фаол моддаларни истеъмол қилишнинг кенг тарқалиши замирида уларнинг эйфорик таъсири – лаззат бера олиш қобилияти ётади.

Рухий фаол моддаларни кенг истеъмол қилишни белгилаб берувчи яна бир муҳим сабаби – зўриқиши камайтириш, ҳаммаси яхши, деган тасаввурни яратা олиш қобилиятидир.

Алкоголь ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва суиистеъмол қилишга олиб келувчи сабабларга инсон ижтимоий муҳитининг мураккаблашуви, ишлаб чиқаришнинг ва ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаблашуви киради.

Рухий фаол моддаларни истеъмол қилишнинг психологик сабаблари ижтимоий заминга эга бўлиши мумкин. Бунга қуидагилар киради: мослашув қийинчиликлари, атрофдагилар билан низолар, истаклари ва интилишларининг қондирилмаслиги, чарчоқ, ҳадиксираш, ўзининг тўлақонли эмаслигини сезиш ва ҳоказолар.

Демак, ижтимоий заминли наркологик касалликнинг психологик сабаблари деб айрим шахслар ўзининг ноқулай психологик ҳолатини енгиллаштириш учун релаксант сифатида рухий фаол моддаларни ўта кўп истеъмол қиласиган сабабларининг йиғиндиси тушунилади. Барча юқорида кўрсатилган алкоголь, наркотик ва заҳарли моддаларни истеъмол ва суиистеъмол қилишнинг сабаблари асосий саволларга жавоб бермайди:

- нега баъзи одамлар умуман истеъмол қиласиган;
- бошқалар онда-сонда истеъмол қиласиган;
- учинчилари касалга дучор бўлади.

Бу саволларга жавобларни инсон шахсиятининг хусусиятларида топиш мумкин, чунки кишиларнинг шахсий хусусиятлари турли-туман бўлиб, бу жихатдан қуидагилар энг аҳамиятли бўлади:

- асаб-рухий бекарорлик;
- ноқулай ижтимоий-касбий ва иқлимий-жуғрофий омиллар;
- таълимнинг паст даражаси;

- тарбиянинг нуқсонлари;
- мустақил ҳаётни вақтли бошлаш;
- муҳитининг алкоголли одатлари;
- ичадиган катта ёшдагиларнинг салбий таъсири;
- ўзини таъкидлаш тамойилини нотўғри тушуниш;
- қизиқишлигининг тор доираси ва бекарорлиги;
- қизиқишилар ва маънавий талаблариинг йўқлиги;
- бўш вақтини маъносиз ўтказиш;
- оиласи низолар;
- оила тузилмасининг бузилиши.

Юқоридаги барча омилларни шартли равишда қуйидаги гурӯҳларга бирлаштириш мумкин:

1. психологияк сабаблари руҳий фаол моддаларга индивидуал психологик майилликдан иборат.

Улар: ўзини ўзи даволаш, яъни психологик касаллик намоён бўлиши сифатида наркотик моддаларни дори қабилида истеъмол қилиш.

2. Ижтимоий сабаблари руҳий фаол моддаларга майилликка таъсир этувчи атроф муҳитида ҳамда ижтимоий шароитларида ифодаланади. Уларга қуйидагилар киради: тўлиқ банд бўлмаслик, камбағаллик, оилавий ноуйғунлик, майший турмуши ва ишида кечинмали вазиятлар, болаларнинг катталар хулқига тақлид қилиши, ўсмирлар томонидан тенгдошлари таъсирида руҳий фаол моддаларни истеъмол қилиши.

3. биологик сабаблар наркотик тобеликнинг ривожланишига генетик майилликни ўз ичига олади. Оила саломатлик ва бутун умр давом этадиган одатлар шаклланадиган муҳитдир. Инсоннинг характеристи болалигидан шаклланади, ва болага қариндошлари, яқинлари, ўртоқлари, бошқа кишилар қандай таъсир қилишига унинг қай тариқа катта бўлиши боғлиқ бўлади – одамови, қўрқоқ, нозик-ниҳол, истерик хулқини намоён қилувчи эркатой, ахмоқ, жаҳлдор, ёвуз ёки вазмин, ўзини хурмат қилувчи инсон.

Ўсмирлик, ёшлик йиллари айниқса сингдириб олувчи ва заиф бўлади. Организмининг жисмоний қарор топиши билан биргаликда йигит-қизларда оламни тушуниш, атроф борлиқни ҳис этиш ўзгаради. Ўзини таъкидлаш жараёни боради, у эса одатда тақлидчилик, ҳаётида ўз йўлини излаш, демакки, синааб кўриш ва хатолар билан кечади. Ўсмирлар ва ёшлар ўзгаришларга энг мойил жамият қисмидир. Ёшларда катталарга қараганда алкогодан воз кечиши ва наркотик ҳамда токсикомания моддаларини истеъмол қилишга тортилиши осонроқ. Ижобий туйғуларни, китобларга, санъат ва мусиқага, маҳсус билимларга, спортга, соф муҳаббат ва дўстликка интилишни мохирона шакллантириш – ота-оналар, мактаб, устозлар, педагоглар ва бошқаларнинг мураккаб вазифасидир.

Оиладаги ўзаро муносабатлар наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш олиб келадиган муаммолар туғилишига ёрдам бериши, ёки, аксинча, уларни бартараф этиши ёки олдини олиши мумкин. Оилаларга наркоманиянинг олдини олишда, унга дучор бўлган шахсларни аниқлаб, заарли одатини енгиш учун уларга яқинлар даврасида меҳр ва қўллаб-қувватлашни таъминлаб бериш лозим. Қариндошларнинг наркоманияси туфайли оила зиён кўриши ёки умуман бузилиши мумикин, бу эса ўз навбатида бутун жамиятнинг ҳаётида ўз аксини топади.

6.4. Гиёҳвандликнинг турлари, унинг клиник аломатлари ва асоратлари

Организмга таъсири жиҳатидан наркотик моддалар қўйидаги турларига бўлинади:

- седатив (тинчлантирувчи) препаратлар – опиат наркотиклари ва барбитурат гурухининг уйқу дорилари;
- рағбатлантирувчи препаратлар – эфедрин, фенамин;
- психологик препаратлар (яъни онгини ўзгартирувчи препаратлар);
- ЛСД, наша препаратлари ва бошқа галлюциноген моддалар.

Келиб чиқишига кўра: ўсимлик, кимёвий олинган, биологик моддалар.

Ушбу моддаларнинг қўлами доимо кенгайиб бормоқда, янги ўзига хос хусусиятлари бўлган моддалар билан тўлдирилмоқда. Наркомания турлари жуда кўп, улардан асосийлари: опиумли (қорадори) наркомания, у опиат дориларига (морфин, кодеин, тебаин, героин) нисбатан юзага келади; наша препаратларини истеъмол қилувчи наркомания (гашиш, наша); эфедрин (эфедрон) қабул қилиш наркоманияси; кокаин наркоманияси. Улардан ҳар бири мутахассисларига яхши маълум бўлган ўз хусусиятларига эга, лекин барча наркоманияларнинг умумий жиҳатлари бор. Уларнинг барчасида препаратга тез ўрганиш содир бўлиб, унга жисмоний ва руҳий тобелик, шунингдек абстинент синдроми ривожланади. Кўпчилик наркоманияларда наркотик препаратининг қабул қилиниши бошланганидан кейин 2-3 кун ичida тобелик ривожланади, лекин ҳозир пайдо бўлган янги синтетик наркотик моддалар уларга тобе бўлган кишининг руҳий ҳолатини ўзгартиради.

Баъзи наркотиклар кардек ҳолат, кўриш, баъзан эшиши галлюцинацияларини ва васваса ғояларини, зўрликка мойил бўлишни келтириб чиқаради, бу эса наркоман кишини ижтимоий хавфли қиласи. Баъзи наркоманияларда 3-7 кун давом этадиган ўткир психозлар ривожланади. Бир қатор ҳолларда эса аксинча, лоқайдлик, атрофдаги муҳитга бефарқлик юзага келади. Барча наркоманиялар учун умумий ҳолат оғир абстинент синдроми бўлиб, у наркотикни истеъмол қилиш тўхтаганидан кейин баъзан бир неча соатдан сўнг, баъзан 1-2 суткадан кейин ривожланади. Абстинент синдроми хавотирланиш, ҳадиксираш, кескин оғрикли туйғуларни ўз ичига олади.

Опий (қорадори) инсонга камида охирги 6 минг йилдан бери маълум. Опиат наркотиклари (кўлбола ишлаб чиқарилган ва синтетик моддалар) минтақамиизда тарқалганлиги жиҳатидан етакчи ўринда туради. Улар ишлов берилмаган ҳолида учраши мумкин:

- «Банги пичани», «пичан» - ўсимликларнинг майдада янчилган жигар ранг-сарғиш қуруқ қисмлари: барглари, пояси ва уруғдонлари;

- «ханка» - банди уруғдонларининг қотган тўқ жигар ранг шираси, 1-1,5 см катталиқдаги кулчаларга ажратилган
- «бинт» ёки «дока» - хом опий сингдирилган ип-газламали мато, у зич ва қаттиқ бўлади.

Опиат наркотик моддаси – героин ноқонуний лабюораторияда ишлаб чиқарилади. Таъми аччиқ, оч рангли қул ранг-жигар ранг қуқун, кир ювиш қуқунини эслатади.

Кодеин – тиббиётда йўтал ва бош оғриғига қарши дори, импорт қилинади.

Метадон – опиат гурухининг синтетик наркотик моддаси, уни ишлаб чиқариш ва ҳар қандай фойдаланиш қонун билан тақиқланган. Опиатлар энг кўп ичилади ёки томирига юборилади, камроқ ҳолларда тери остига ёки чекиш орқали қабул қилинади. Опиатлар ошқозон-ичак тизимидан, бурун шиллиқ пардаси орқали ва ўпка капиллярлари орқали осон сўрилади. Опиатларниг биринчи босқичида 20-30 сониядан сўнг бел ёки корин соҳасида илиқлик ва ёқимли ачишиш худди енгил «ҳаводек» сийпалаш туйғуси пайдо бўлади. Кишининг юзи қизариб, қорачиқлари тораяди, оғзи қурийди, бурнининг учи, даҳани, пешанаси қичишади. Кўкрагига «шодлик» сифмай кетади, боши енгил бўлиб, гўёки қандайдир англаш туйғуси келади, атроф ёрқин ва ялтироқ бўлади. Тормозланиш, «тинчлик» ҳолати. 5 минутгача давом этадиган бу ҳолатни bemorлар «келиш», «қўтарилиш» деб атайди. Кодеин ичилганда «келиш» камроқ ифодаланади, нафакат юзи қизаради, балки шишади, юзи, қулок орқаси, бўйин, кўкраги ва белининг тепаси қаттиқ қичишади, бу наркотик таъсирининг ярим соатдан икки соатгача давом этувчи иккинчи босқичида ҳам сақланиб қолади. Иккинчи босқичи наркоманларнинг тилида «кайф», «суриш» деб аталади. Биринчи босқичидаги қўзғалиш морфин қабул қилинганда нирвана дейиладиган «сокин тинчлик» билан алмашинади. Маст киши лоқайд, кам ҳаракатчан, қўл-оёғида оғирлик ва илиқлик туйғуси. Хаёлида турли нарсалар пайдо бўлади: «деворда хоҳлаганимни кўра оламан»,

«исталган мусиқани эшита оламан». Орзусимон хаёллар бир-бирини тез алмашади. Кучлиларидан ташқари ташқи таъсирлар идрок этилмайди ёки бузилиб идрок этилади. Кодеин ичилгандан таъсирининг иккинчи босқичи морфин таъсиридан анча фарқ қиласди. Маст киши жонланиб, қўп кулади, баланд гапириб, тез ҳаракат қиласди, жойида ўтира олмайди, тез, ноизчил гаплашади. Опий ва морфийли мастиликнинг иккинчи босқичи 3-4 соатгача давом этади. Опиатлар таъсирининг учинчи босқичи енгил уйку бериб, у ҳатто енгил таъсирлар туфайли ҳам бузилади, 2-3 соат давом этади. Опиатлар таъсирининг тўртинчи босқичи доимо кузатилавермайди. У фақат баъзи кишиларда ажратилади, ўзини ёмон сезиш, бош оғриғи, ўз-ўзидан ҳадиксираш, баъзан хавотирланиш, кўнги сиқилиш пайдо бўлади. Кўнгил айнаши, бош айланиши, кусиш, кўли, тили, кўз қовоқларининг енгил титраши бўлиши мумкин.

Кокаин наркоманияси ўтган асрнинг 80-йиллардан бошланган. Кокаин рағбатлантирувчи препаратларга киради ва уни суиистеъмол қилиш кучли психологик тобеликка олиб келади. Кокаин билан заҳарланган беморлар турли-туман шикоятлар қиласди, лекин баъзи аломатлар фақат кокаинни кучли доимий қўллашда пайдо бўлади. Беморлар бутун танасида оғриқ, уйқусизлик, кўнгил айниши, ич кетиши, юқори артериал қон босими, ошқозон спазмлари, томир тортишишлар, иштаха йўқлиги, озиб кетишдан шикоят қиласди. Абстинент синдромининг бундай кучли аломатлари 8-10 кун сакланиши мумкин, кейин улар сусайиб боради.

Барча наркоманларда ички аъзоларининг турли касалликлари ривожланади. Беморлар ўз ёшига нисбатан қарироқ кўринади, териси қуруқшаган, ажинли бўлиб қолади, баъзан сарғиш ёки кул ранг бўлади, тишлари ва соchlари тўкилади, томирга дори юборишдан кўп сонли чандиқлар қолади. Беморлар одатда холсизланган, шахсининг деградацияси кучаяди, наркоманлар худбин, атрофдагиларга, шу жумладан яқинларига бефарқ бўлади, ақлий қобилияtlари пасаяди.

Наркоманлар жисмонан ва рухан тез тушкунликка тушади, уларнинг туйғулари қўполяшади, маънавий-этик тамойиллари ва одатлари йўқолади, улар кўпинча турли ноижтимоий ҳаракатларни содир этадилар. Наркоманлар одатда ёшлигига, кўпинча наркотик моддасининг ўта кўп киритилишидан, баъзан абстиненция ҳолатида юрак-қон томир етишмаслигидан ўлади. Улар ОИТВ юқумли касаллигининг асосий ташувчилари ва тарқатувчилари бўлиб, ОИТС дан ўлганларнинг кўпчилигини ташкил этади.

Наша препаратларининг таъсири чанқоқлик ва очлик туйғусидан, оғзи қуришидан бошланади («қуруқлик»). Аста-секин бутун баданида илиқлик хисси ёйилади. Вазнсизлик туйғуси, сакраш, рақсга тушиш, турли ғалати ҳолатларда туриш истаги пайдо бўлади («жиннилик»). Атрофдагиларнинг арзимаган ҳаракатлари ғалати тўхтатиб бўлмайдиган кулгини келтириб чиқаради. Бир нарсага дикқатини тўплаш мумкин бўлмай қолади, жуда кўп тутуриқсиз, кўпинча тугалланмаган гаплар гапирилади. Улар билан бир-бирини ўзаро тушуниш бузилади. Импульсга бўйсуниш, иллюзиялар, хаёллар пайдо бўлади («тормозланиш»).

Беморларда мойиллик препаратни биринчи марта истеъмол қилиш пайтидан бошлаб 2-4 йил давомида ривожланган. Кокаин кўпгина ёқимли туйғуларни бузмаган ҳолда кучайтиради. Ҳис-туйғулар ва сексуаллик, ўзини таъкидлаш туйғулари, ўзини назорат қилиш кучаяди, авалига хавотирланиш туйғуси, ижтимоий зўриқиши пасаяди, одамлар билан мулоқот қобилияти ошади, очлик туйғуси пасаяди. Кокаинни қабул қилиш айрим кишиларда қисман киритиш усулига, шунингдек киритиш тезлигига, психологик ва жисмоний ўзгаришларнинг даражаси ва давомийлигига боғлиқ бўлади. Кам миқдорларда кокаин камроқ хавфли. Кам миқдори кока баргларини чайнашда, оғиз орқали ва бурун орқали истеъмол қилишда олиниши мумкин. Томир ичига юбориладиган кокаин кўпроқ таъсирига эга. Кокаинни чекиш мойиллик ривожланишининг энг катта таъсирига эга бўлади.

Узоқ қўлланганидан кейин кокаин абстиненциясида кўпинча депрессия пайдо бўлади. Абстиненциянинг биринчи уч кунида наркоманлар «симиш» туйғусини – сиқилганлик кайфияти, депрессия, жаҳлдорлик, энсаси қотиши туйғуси, уйқусизлик ва кокаинга нихоятда интилишни бошидан кечиради. Кейин 1-2 кун давомида депрессия, лоқайдлик, юқори иштаҳа ва ухлаш орзуси даври давом этади. «Симиш» авридан кейин бекор қилиш синдроми бошланади: бир ёки беш сутка давомида яхши уйқу, ўзини яхши сезиш, кокаинга кам интилиш кузатилади. Ушбу «сокинлик» даври янги депрессия, хавотирланиш, жаҳлдорлик, зерикиш ва кокаинга кучли эҳтиёж хуружи билан алмашинади. Ушбу наркотикни истеъмол қилишдан воз кечиш ҳамда наркотикни қабул қилишни тиклаш даврлари икки ойгача давом этиши мумкин. Психологик эҳтиёж ўта тез ривожланади ва жуда кучли ифодаланган бўлади.

Кокаинли наркоманияда анча оғир асортлар кузатилади: аста-секин тана вазни камайиши, организмнинг умумий ҳолсизланиши, лаб ва терининг қуруқшаси, анемия, иммунитетнинг пасайиши, жинсий дисфункциялар, психопатсимон бузилишлар, параноидли реакциялар каби.

Галлюциноген моддалар (ЛСД – лизергин кислотасининг диэтиламид тузи, мескалин, ипомея уруғлари, мускат ёнғофи, псилобицин, эрготамин ва бошқалар) келтириб чиқарадиган наркомания Ғарбий Европанинг баъзи мамлакатларида ва АҚШ да кенг тарқалган.

Галлюциноген моддалар – бу галлюцинациялар, иллюзиялар ва алаҳлашни келтириб чиқарадиган препаратлардир. Уларнинг алоҳидаги хусусияти идрок этиш қобилиятини, кайфиятни, фикрлаш турини ўзгартира олишидир. Ушбу препаратларни қабул қилувчи кишилар сезги-ҳиссий идрок этишни нг кучайиши, юксак фикрлаш аниқлиги ва атроф мухитдан четлашиш ҳақида гапириб берганлар. Шунинг учун ушбу препаратларнинг бошқача номи: психотомиметик моддалардир.

ЛСД жуда кам миқдорида 5-10 дақиқадан кейин юракнинг тез уриши, АҚБ нинг кўтарилиши, тананинг ички ҳарорати кўтарилишига олиб келади. Кўпинча шу даврда кўнгил айниш, бош айланиши, титроқ, ҳолсизлик, ҳаракатлар мувозанатининг бузилиши ривожланади. ЛСД нинг психик таъсиrlари одатда препарат ичилганидан кейин 15-20 минутдан сўнг пайдо бўлади: кайфият ўзгариши, атроф вазиятни идрок этишнинг бузилиши, фикрлаш жараёнларининг ҳамда хулқининг бузилиш. Препарат кўпинча эйфорияни, муносабат алаҳлашини ҳамда бенихоя куч ва четлашганлик туйгуларини келтириб чиқаради. Зудлик билан психиатрик ёрдам талаб этиладиган реаациялар ривожланиши мумкин: кучли қўзғалиш, агрессивлик, ўзини ўлдириш фикрлари ва бошқалар. Аломатларининг кучли даражаси 8-12 соатдан кейин камаяди, баъзиларда ёрқин психоз ривожланади, у ҳатто организм препаратдан тозаланганидан кейин ҳам давом этаверади.

Ва шу тариқа наркомания турларининг ҳар бири ўз хусусиятларига эга, лекин наркоманияларнинг барчаси умумий хусусиятлари билан умумлашади.

6.5. Гиёҳвандликни даволаши ва олдини олиш

Наркомания ва токсикоманияларни даволашнинг асосий коидаси – бемор хуморлик синдроми холатидами, уткир захарланиш, хроник захарланишдами ёки психоздами бундан катъий назар bemor касалхонага етказилади. Стационарда даволаш наркологик, психиатрик асосида утказилади. Даволашнинг асосий вазифаси боскичли даволашdir ва буларга:

- бу моддалардан халос этиш билан бирга дезинтосикация (захарланишни йық килиш), умумий кувватловчи, стимулловчи даволаш;
- актив антинаркоманик (наркоманияга карши), антитоксикоманик (токсикоманияга карши) даволаш;
- кувватлантирувчи терапия киради.

Наркоманлар ва токсикоманлар уз истиклари билан даволанишни хохласалар ҳам хуморлик холати кузатилади. Кризлари былишидан олдин

хамиша хавфда, куркувда буладилар. Одатда булар иродасиз кишилардир. Улар наркотик моддалардан ажралиб колишдан ва унинг оркасидан келадиган ута огир сезгиларга бардош беришлари кийинлигидан куруадилар. Шунинг учун даволанишни бошлашданок улар сулиб коладилар ва кандай йул билан булмасин наркотик моддаларни истеъмол килишни, кайтадан бошлашга уринадилар.

Шунинг учун булимлар ёки палаталар ташкил килишда, уларда албатта касаллар суиистеъмол киладиган наркотик ёки бошка моддалар киритиш имконияти мутлако булмаслиги кузда тутилади. Касалларнинг кун тартиби имконияти борича актив банд булишга каратилиши керак, айникса кечки соатларда, бирор фаолиятга урганмаган наркоманлар узларининг кунгилсиз кечинмалари огушида танҳо колганларида бу жуда зарур.

Касалларнинг хулклари ва умумий ахволлари алоҳида диккат эътиборда булиши зарур.

Агар тушкунликка тушиб юрган кайфияти паст бемор бирданига хушчакчак, сергап булиб, актив харакат килиб колса, билингки, таъминланган йуллардан утиб, наркотик моддани кулга киритишга эришган. Наркотик моддани келтирган манбаани кидириб топиб, жазолаш лозим.

Даволашнинг 2-3 хафталарининг охирида, мувозанат тургун булмаганда хам, наркотикларни истеъмол килишга булган кайта интилишни енгиб билмайдиган даврда касалларга диккат эътиборни кучайтириш лозим. Бундай холларда улар безовта, бетинч ёки аксинча узларини яхши сезаётганликларини айтиб мактайдилар, гуё улар тула даволангандар ва энди уларни чикариб юбориш мумкин. Баъзилари бош оғригидан, уйкуси ёмонлигидан, тишлар оғришидан (характерли синптом) шикоят киладилар. Бундай холлар одатда 2-4 кунда уз-узидан йуколади.

Касалларнинг даволаш психотерапевтик таъсир курсатиш билан бирга олиб бориш зарур. Психотерапиянинг бош усули деб гипноз ва таъсир утказиш билан наркотик моддаларга жирканиш ва салбик рефлекс хосил

килиш, иродани мустахкамлаш, актив соайиш учун тадбирлар турларига айтилади.

Транквилизатор моддалар: элениум, седуксен, триоксазин тавсия этилади. Бу моддаларнинг хаммаси тинчлантирувчи таъсирга эга, безовта холатларни, саросималикни енгиллаштиради, лекин улар кичикрок микдорда ва киска муддатли даволаш курси билан берилади. Депрессияларни (тушкунлик) азофен, амитриптилин яхши бартараф этади. Уйку бузилишида кечкурун сайр этиш, оёкларга иссик ванналар килиш, психотерапевтик сухбатлар утказиш максадга мувофикдир. Наркоман ва токсикоманлар интеллектуал жихатдан тез деградацияга (акл пасайишига) учрайдилар. Бефарк, бефаросат булиб хаётдан, коллективдан ажралиб коладилар. Стационарга етказилгандан анча илгариёк ишдан маҳрум буладилар, меҳнат малакасини йукотадилар.

Даволанишнинг биринчи боскичи 3-4 хафта давом этади.

Даволанишнинг иккинчи боскичидаги кун тартибига албатта меҳнат билан даволашни киритиш зарур. Бу аввал оз-оз иш соатларида, кейинчалик тула иш кунига кучириш билан руёбга чиқарилади. Даволанишнинг учинчи - кувватлаб турувчи терапия боскичи узок (5 йил) давом этади. Бу давр давомида касаллар наркологик кабинет назоратида буладилар. Кувватлаб турувчи мажбурий даволашлар 3-4 хафта мобайнида утказилади.

Тери остига 0,5 мл. апормофин эритмаси юборилади ва 5-7 минут утгач, кунгил айнаш пайдо булади. Касалга наша тикилган, тутаган папиросни хидлатилади, рефлектор боғланиш механизми буйича 3-4 сеансдан кейин нашага салбий рефлекслар пайдо булади. Беморни меҳнат жараёнларига тортиш – даволашнинг муҳим кисмидир.

Наркотик истеъмол килувчи шахслар факат наркомания касал хоналарида 60 кун давомида даволанишади.

Яна куйидагиларни хисобга олиш керак булади: дориларни куллашда касалларга бир хил турдаги дориларни бермасдан, балки бир-неча хил

дорилардан фойдаланиш максадга мувофик булади. Бундан ташкари даволаниш курсидан кейин инсон яна шугулланмаслиги учун, унга тушунтириш ишларини хам жадал олиб бориш керак.

Наркоманияни олдини олиш. Наркоманияни олдини олиш учун кенг куламдаги ишларни олиб бориш керак. Буларга масалан: наркотик моддалари организмга таъсир килиб уни умрини кискартириши, хар хил оғир касалликларни келтириб чикириши, соч ва тишларини тукилиб кетиши, хотираси сусайиб эси кирди-чикди булиб колиши, холсизлик вужудга келиши, кон айланиш системаси йулдан чикиши ва купгина бошқа салбий окибатларга олиб келиши тугрисида батафсил тушунтириш керак. Шундай холлар келиб чикмаслик учун мактаб, институт ва иш жойларида, махалла ва туманларда, керак булса давлатлараро уни олдини олиш буйича тушунтириш ишларини олиб бориш ва давлат микёсида шартномалар тузиш керак булади. Таргибот-ташвикот, яъни телевидение, радио, газета ва китоблар оркали амалга ошириш керак. Наркоманияни илдизи билан сугуриб ташлаш, келажак авлод аклан етук, жисмонан соглом булишини кафолатлайди. Бунинг учун ота-оналар кам уз угил ва киз фарзандлари тарбияси билан шугулланишлари ва уларни кузатиб туришлари айникса керак булади. Хусусан Узбекистонда бу касалликни олдини олиш ва кайтариш ишлари шахсан Узбекистон Президенти И.Каримов томонидан олиб бориляяпти ва олди олинаяпти. Узбекистон худудида наркоманияни йукотиш учун катор конунлар кабул килинган. Бу конунларда кимда-ким наркотик хисобланадиган моддалар чикиб колса, ёки уни сотаётган махалда ушланса, у кишиларни энг олий жазо – улимга маҳкум килинади. Наркомания мустакилликка эндиғина эришганимизда купайиб кетган эди. Негаки күшни булган Афғонистон ва Тоҷикистон оркали ташиб утиладиган наркотик моддалар бизнинг мамлакат оркали Россияга ва Европага чикади. Бугунги кунда бундай ишларга чек йўйилмоқда ва уз-узидан бу ишларни пайи қўйилмоқда. Жаҳондаги утказиладиган давлатлараро учрашувларда хам ана шу

наркотик хусусидаги масалалар уртага ташланиб, хал килиниши керак булган масалалар олдинга максад килиб куйилмокда ва амалга оширилмокда.

Хозирги вактда олийгохларнинг таълим-тарбиясида, кайта-куришда ёшларни маънавий, маърифий жихатдан комил инсон этиб тарбиялаш мухим вазифа килиб куйилган. Наркотик моддаларни истеъмол килиш натижасида ахлок коидалари бузилади, безорилик, жиноят келиб чикади.

Наркоман булиб колишнинг сабаблари анчагина хисобланади. Усмирин йигит ва кизнинг кайф килишга хавас килиши, тенгхурларининг таъсири, гурухларга кушилиб колиши, оиласдаги айрим нохушликлар, кунгилсизлик ва бошқалар, наркоман булиб колишдаги асосий омиллардир. Ота-оналар, гурух мураббийлари, профессор-укитувчилар куйидаги ёшларга алохида эътибор беришлари зарур: шахсий хусусиятларига кура рухан тургун булмаган, хулки узгарувчан, бирор ишни охирига етказмайдиган, узлаштириши яхши булмаган, давомати паст ва хоказо.

6.6. Токсикомания

Токсикомания - бу айрим препаратларга, дори воситаларига, кимёвий моддаларга ёки маълум гурухга киравчи дори воситаларига урганиб колишликдир.

Политоксикомания - бу икки ёки ундан ортик наркотик моддаларга урганиб колишлик булиб, жуда оғир дард хисобланади. Бунда алкоголизм + чекиш, морфинизм + алкоголизм, токсикомания + алкоголизм, нашавандлик + тамаки чекиш ва бошқалари булиши мумкин.

Токсикоманияларни келтириб чикарадиган моддаларга химиявий, биологик, усимликларга доир ёки дори воситалар киради. Токсикоманиялар келтириб чикарадиган моддалар орасида психотроп моддалар, баъзи бир ухлатувчилар ва стимуляторлар катта урин тутади. Урганиш колши икки хил булиши мумкин. Ушбу моддаларни кабул килувчиларнинг баъзилари эйфория (кайфичоглик), комфорт (осойишиталик) эффектини олишга уринсалар, бошқалари ёмон кайфиятни, дискомфортни таркатишга уринадилар. Иккала

холда хам керак холатга эришиш учун моддаларни кабул килишни тақрорлаб туршига тугри келади.

Токсикоманияларни келтириб чикаридиган бош сабаблари күйидагилардир:

- ишфоколарнинг уринсиз, нотугри даволашларири
- уйкусизликда, турмушнинг турли хил нохушлик вазиятларида дориларни тез- тез кабул келиш ёки хамиша даволанишга интиладиган, хамма вакт шубхалар орасида яшайдиган шахсларга дорилар бериши хам ахамиятга эга. Аксарият, психопатик (рухий узгаришлари бор) шахслар урганиб коладилар.

Токсикоманиянинг клиник манзааси, наркомания сингари кабул килинадиган модданинг характеристига боғлик.

Токсикоманияларга олиб боридиган психотроп ва бошка препаратлар гурухи күйидагилардир;

1. Психолептиклар:

- транквилизаторлар (нозепам, феназепам, элениум, тазепам, седуксен, сибазон)
- ухлатувчи моддалар (барбамил, барбитал, этаминал–натрий, фенобарбитал ва бошкалар)

2. Психоаналептиклар:

- марказий нерв системасини кузгатувчи дорилар (синдокарб, синдофен, ацефен, кафеин алколоидлари (чой, кофе)
- бошка хил кузгатувчи дорилар (анальгетиклар: анальгин, амидопирин)

3. Бошкалар:

- Паркинсон касалига карши моддалар (циклодол, паркопан, апаркан, ромпаркин, норакин)
- гистаминга карши моддалар (димедрол, пипольфен)

Бу моддаларга урганиб колиш бир неча йуллар билан шакланади:

1. уйқусизликни узок вакт даволаш, бунда дори олдинига шифокор назорати остида берилса, кейинчалик касалларнинг узлари кабул киладиган буладилар
2. дори моддаларни врачнинг маслахатисиз ва назоратисиз ичиши
3. мазкур моддаларни наркотиклар сифатида кабул килиш оркали юзага келади. Уз жонига касд килганда, бу дорилардан уткир захарланиш юз беради.

Ухлатувчи дориларни систематик тарзда кабул килинганда препаратни ичишга булган эҳтиёжи секин аста ошиб боради ёки унга кучли эҳтирос пайда булади. Аскарият, токсикоманлар наркотик моддаларни кунига бир неча марта кабул килишга утадилар. Шахснинг узгариши борган сари аник – равshan болади. Дастрраб, жizzакилик, жаҳлдан “сакраб кетиш”, эгоцентризмга бориб етадиган худбинлик, ёвузлик устун келади, хотира издан чикади, фикрлаш суръати сусаяди, тутканоклар кузатилади.

Хуморлик аник – равshan ифодоланган булади, у наркотик моддани ичмай қуйгандан кейин 20 – 24 соат утди деганда юзага чикади ва 3 – 4 сутка давомида энг интенсив кучга киради. Хуморлик пайтида безовталик, уйку бузилиши, холсизлик, бош айланиши, кунгил айниши, кусши, артериал босимнинг кескин тушиб кетиши пайдо булади. Тутканоклар юзага келади. Касаллар таъсиранувчан, газабкор, ёвуз булиб колади.

Кофеин токсикоманиясининг айрим холлари баъзан учраб туради. Кофеиннинг катта дозаси кабул килингандан кейин (чиғир, кофе) бир неча соатга чузилувчи кайфиятнинг кутарилиши, кузгалиши юзага келади. Ушбу моддаларни хроник истеъмол килинганда bemорларда токсикомания пайдо булади. Бош оғриши, бош айлиниши, уйқусизлик, хар хил тушлар куриш кайд килинади. Вахима ва куркувлар, аритмия, эркакларда жинский кувватнинг пасайшии кайд килинади.

Аччик килиб дамланган чой, чиғирнинг уртача микдори кабул килингандан кейин 30 – 40 дакика утгач, кайфият кутарилиши, фикрлаш

жараёнларининг енгиллашиши ва айни бир вактда “мастлик” холатининг яккол ифодаси юзага келади, иш кобилияти кутарилади, чарчаш билинмайди, фикрлар ёқимли мазмун касб этади.

Хроник истеъмол килинганда хар хил кузгалишлар руй беради. Аста – секин шахс узгариши кайд килиб борилади, кайфият узгариб туриши, узини тутаолмаслик, арзимаганга тулкинланиб кетиш, кезикиш доирасининг торайиши билан утади. Хуморлик учрамайди. Тамаки чекиш токсикоманиянинг турларидан биридир. Тамкини Европага машхур денгиз саёхатчиси Колумб олиб келган. Тамаки уруги Франциянинг кироличасига унинг Португалиядаги элчиси Жан Нико томонидан тухфа тарзида юборилган эди. Окибат – натижада унинг фамилияси тамаки таркибидаги моддани – никотин дейилишига сабаб булди.

Никотин организмга нафасга олинаётган хаво ва тамаки тутуни билан киради. Тутун таркибида турли хил захарли моддалар, шу жумладан, канцероген–хавфли усмаларнинг ривожланишини кучайтирувчи (стимулловчи) бензопирин, дибензопирин, карбоната ангидрид (хавода – 0,046 %, тамакида эса – 9,5 %), углерод оксид булади.

Тамаки чекиш дастлаб, томок куриши, кунгил айнаши, кусши каби нохушликларни келтириб чикаради, аммо одам давом эттираверади ва секин – аста нохуш сезгилар утиб одам унга урганиб колади. Кашандаларда аста – секин никотин синдроми шаклланади. Юкори микдорда никотин марказий нерв системасини фалаж келиш мумкин, 25 дона сигоретдаги никотин микдори улимга олиб келади.

Никотин синдроми ривожини уч боскичга булиши мумкин:

- кишини чекиш узига тортади, одам борган сари купрок сигарет чекадиган булади. Чекиш иш кобилиятини кутаргандек, узини яхши сезгандек хис пайдо булади. Бу боскич 1-5 йил давом этади.
- чекиш шилким хоҳши характеристига эга булади. Баъзан, ташкаридагиларга кизик куриниши учун, тенгдошларига куз-куз килиш истагида чекилади. Бу

боскичда бронхитлар, меъда-ичакларда жигилдон кайнаши, нохуш сезгилар, огриклар, юрак сохида тезда утиб кетадиган нохуш сезгилар, томир уришининг узгариши, артериал босим даражасининг узгариб туриши қузатилади. Бошнинг огиралишиб колиши, уйқунинг бузилиши, жizzакилик, жахлдорлик, иш кобилиягининг сусайиши кайд килиноди. Бу боскичининг давом этиши индивидуал булиб, уртacha 5-20 йил булади.

- психик интилиши пасаяди, екимли холат булмайди. Никотиннинг катта дозаси нохушлик келтириб чикаради. Аста-секин психик интилиш пасая боради, комфорт йиллар утиши билан камайиб боради, кейин автоматик тарзда чекиш одати колади. Нахорда чекиш истаги пайдо булади, эрталабки йутал пайдо булади, уйку бузилади, томир уриши тезлашади, артериал босим кутарилади, курук йутал кийнайди.

Упка сили ривожланиш эҳтимоли ортади. Ривожланаётган 200 сил касалидан 95 тасида одам чекувчи булади.

Купчилик кашандалар чекиши фалокат деб тушинмайдилар, унинг заарали окибатларига юзаки карайдилар, хатто безарап деб тушунадилар. Чунончи, чекмайдиган киши куп чекилган хонада 1,5 соат турса, унинг организмида никотин таъсири 8 марта ошади. Шундай килиб, кашанда узи учун хам, атрофдагилар учун хам хавфлидир.

7 боб. ОИТС

7.1. ОИТС хакида тушунча, келиб чикиш тарихи

ОИТС - орттирилган иммунтанкислиги синдроми ёнгинга ухшаб бутун курукликларни камраб олган. Киска вакт ичида у бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) ва Жаҳон Согликни Саклаш ташкилоти учун биринчи даражали муаммога айланди. СПИД касаллиги дуне буйича тезлик билан таркалиб, пандемия тусини олди, жаҳонда бу касаллик кириб бормаган мамлакат колмади, 2006 йилнинг декабригача ЮНЭНДС ва Жаҳон Согликни Саклаш ташкилотнинг маълумотига кура касаллик вирусини юктириб олган ва

касаллик вируси билан яшаётганлар 39,5 млн. кишини ташкил этади: ундан 2,3 млн. 15 ёшгача булган болалар; 37,2 катта ешдагилар, улардан 17,7 млн. аеллар ташкил этди.

2006 йилда ОИВ билан заарланганлар сони, жами - 4,3 млн., 3,8 млн. катта ешдагилар ва 15 ёшгача булган болалар 530 минг. Улганлар сони: жами 2,9 млн., 2,6 млн. катта ешдагилар, 380 мингги эса 15 ёшгача булган болалар.

Куриниб турибдики, бу касаллик жиддий эпидемиологик тус олмокда. Эпидемиологик тахлиллар шуни курсатмокдаки, Узбекистонда хам беморлар барча вилоят ва шахарларда хисобга олинган.

СПИД (ОИТС) кандай бошланган? 1980 йилнинг октябрь ойидан 1981 йилнинг марта гача Американинг Лос-Анджелес шаҳридаги 3-та шифоханада «пневмоцист зотилжам» ташхиси билан 5-та бемор кишилар даволанганлар. Маълумки, ушбу касаллик шартли патоген содда жонивор «пневмоциста Карини» томонидан чакирилади. Бу касаллик жуда кам учрайди, асосан чала тугилган чакалокларда, иммунодепрессантлар кабул килган ёки радионурлар таъсирига учраган одамларда ва рак билан касалланган шахсларда аникланади. Яъни, пневмоцистли зотилжам касаллигини пайдо булиши иммун системанинг жиддий шикастланганлигини курсатади.

Аникланишича, шифохонадаги беморларда иммун системанинг сусайишига олиб келадиган сабаб булмаган. Улар ёш бесоколбозлар (гомосексуалистлар) булган. Беморларнинг иммун системаси текширилиб курилганда Т-лимфоцитларни (хелперларни-ёрдамчиларни) сони кескин камайиб кетганлиги аникланган. Касалликнинг ривожланиши жараёни ва белгилари асосида бу хасталик «Орттирилган иммунитет танкислиги синдроми» - ОИТС деб номланган, русчага «Синдром приобретенного иммунодефицита»-СПИД.

1981 йилнинг май ойида Нью-Йорк шаҳрида 26-та гомосексуалистларда (бесоколбозлар) иммунитет танкислиги мойил касалликлардан «пневмоцистли зотилжам» ва «Капоши саркомаси» аникланган.

Олимлар бу касаллик бесоколбозларда аникланганлигини эътиборга олиб, сабабини хаётига оид алматлар билан боғлашди ва шу йуналишда изланишлар олиб юбориб куйидаги маълумотларга эга булишдилар: биринчидан, бесоколбозлар орка пешов сфинктерини бушатиш учун куллайдиган, таркибида нитратлар бор дорилар ОИТСга олиб келишини уйлаб куришди ва бу фикр кейинчалик исботланди иккинчидан, сперма (уруг суюклиги) таркибида иммунитетни сусайтирувчи модда борлиги ва пассив бесоколбозлар куп марта (микдорда) сперма кабул килиши туфайли ОИТС ривожланиши мумкинлиги аникланди; учинчидан, сперматазиодларда гетерологик антигенлар борлиги ва бу антигенлар лимфоцитларни хам емирилиб ОИТСга олиб келиши исботланди.

Касалликни урганиш жараенида ОИТС бесоколбозлардан ташкари фохишаларда, куп марта кон кабул килувчиларда, бемор хомиладор аёллардан тугилган чакалокларда топилганлиги касаллик сабабини бошка йуналишида хам излашга тугри келди.

1983 йилда Францияда профессор Люк Монтанье ва 1984 йилда Америкада профессор Роберт Галло бир-бири билан боғланмаган холда ОИТС (СПИД) касаллигининг сабабини аниклашди. Уларнинг фикрига кура касалликнинг сабаби-вирус булиб, у ретровируслар оиласига киритилди ва бу вирус узида РНК (рибонуклеин кислота) саклаши аникланади. Ретровирусларнинг купчилиги хайвонда юкумли касаликлар чакирмай, асосан усма касалликларга олиб келар эди (лейкозлар, саркомалар, ракнинг баъзи-бир турлари). Ретровируслар билан заарланган хайвонларда иммунитет танқислиги холатлари ва улар туфайли шартли патоген микроблар чакиравчиси-иккиламчи касалликларга дучор булиши кузатилган. ОИТС чакиравчисини топиш жараенида, умуман ретровирусларни урганишда, бир-икки йил ичидаги вирусология фанига бир нечта янгиликлар киритилди. Олимлар Т-лимфоцитларнинг узок яшашини тайминлайдиган янги усулларни

топишди, уларнинг усишини тезлаштирадиган маҳсус оқсилини аниглашди ва унга интерлейкин-2 деб ном беришди.

Одамларда, асосан, ОИВ-1 (орттирилган иммунтанслиги вируси) ОИТСга олиб келиши кузатилмоқда, у бошқа вирусларга нисбатан патогенлирек ва контагиозлирек.

ОИВнинг келиб чикиши хакида шу кунгача аник жавоб йўк, лекин адабиётда чоп этилган гипотезалар куп, шулар каторида куйидагиларни келтириш мумкин:

1. Бу вирус тарихий нуктаи назардан янги эмас, у табиатда хаёт кечириб юрган, лекин охирги йилларда мамлакатлараро катновлар интенсивлашиши ва барча социал ходисалар (сексуал қузголони, бесоколбозлик, гиёхвандлик, фохишибозлик) бу вируснинг дунё буйича таркалиб кетишига сабабчи булган.

2. Бу вирус янги булиб, эволюцион йул билан охирги ун йилларда, энг аввало, Африка марказида жойлашган худудларда маймунлар Т-лимфоцитларида яшовчи вируслардан келиб чиккан.

3. Бу вирус эндоген усулида хосил булган, бирорта ходиса туфайли хужайра генидаги узгариши шу вирус пайдо булишига олиб келган дейишади.

4. ОИВ одам Т-лимфоцитларида яшовчи вируслардан пайдо булган.

5. Вирус олимлар томонидан бактериологик курол сифатида сунъий яратилган.

Купчилик олимларнинг фикрича, иккинчи гипотеза хакикатга якинрок (УРССВ, №420 сонли бўйруқ, 2003 йил).

7.2. ОИТСнинг ривожланиши жараени ва инфекциянинг юкиши йўллари

Бошқа вируслар каторида ОИВ тирик хужайраларни ичидаги купаядиган паразит хисобланади. Вируснинг хужайра билан муносабати бир неча погонадан иборат:

- вируснинг хужайрага бөлганиши.

- вируснинг “ечиши” за хужайра ичига кириши.
- вируснинг купайиши, вирусуинг таркибидаги моддаларни ва антигенларни хосил килиш ва улардан вирус парчаларини йигиш.
- кисман вируснинг геноми хужайра геномиуи ичига жойлашиши.

Вирус хужайра ичига киришдан олдин у хужайрани кобиги билан бошланиши зарур. Бу биринчи керакли шарт. Олимларни айтишича ОИВ факат сатхиди маҳсус СД-4 рецептори бор хужайралар устига жойлашиши мумкин. Бу рецепторлар билан вируснинг др 120 антигени бир бирига калит ва кулупдай мос келади.

СД - 4 рецепторлар куп хужайралар сатхиди борлиги аникланган ва шу хужайралар ичиди вирус купайиши мумкин. Вирус кайси хужайраларда купаяди? Бу ретикулоэндотелиал системанинг хужайралари. Улар организмда жуда кенг таркалган: лимфатик безлар, каткорин, кора талок ва х.к. Вирус макрофаглар (кондаги моноцитлар), Т-хелперлар, мия, тери, упка, жигар, илик, жинсий аъзолараинг хужайраларида купаяди.

Демак, вирус организмга тушгандан кейин у кон оркали бутун организмга таркалади ва куп хужайралар жарохатланади (масалан, факат лимфатик безлар сони организмда 1,5.мингдан зиёд).

Вирус хужайра сатхига жойлашгандан сунг унинг «ечиши» жараёни бошланади. Маҳсус ферментлар ёрдамида вируснинг кобиги парчаланади ва унинг РНКси хужайра ичига киради. Тескари транскриптаза ферменти ёрдамида вируснинг РНК нусхаси асосида бир занжирлик ДНК хосил булади, кейин унга ухшаган ДНКни иккинчи занжири хосил булиб улар бир бири билан уланади. Натижада икки занжирли ДНК пайдо булади. Бу ДНК маҳсус код оркали хужайраларнинг рибосомасида юзлаб янги вирус парчаларини хосил килади ва вирус куп милорда конда пайдо булади.

Организм купайган вирусларга карши лимфоцитлар ва ишлаб чикарилган специфик антителолар ёрдамида кураш олиб боради. Бу кураш самарали булади, натижада вируснинг микдори киска вактда (10-15 кун) кескин камаяди.

Вируснинг конда борлигини факат ута сезувчан занжирли полимераза усули билан англаш мумкин.

Вирус конда сезиларли даражада булмагани учун, ОИВ билан заарланган одамда киска вактда вируснинг таъсири сезилмайди ва унда куп йил давом этадиган яширин даври, яъни касалликнинг хеч кандай белгилари булмайдиган даври булади.

Демак, инфекциянинг бошлангич пайтида иммун система вирусга карши самарали курашади. Лекин нега иммун система вирусни охиригача кириб ташламайди? Нега анча йиллар давом этган яширин кураш пировардида вируснинг галабасига олиб келадива касаллик беморнинг улими билан тугайди?

Олимлар чукур изланишлар утказиб бу саволга аник жавоб бердилар, вирус жуда кам микдорда булса хам организмда доим сакланади. Одамнинг организмдаги хужайраларда узуксимон 2 занжирли ДНК мавжуд. ОИВ интеграза ферменти ердамида хужайраларни ДНКсини занжирини узиб кичкина жойда вируснинг ДНКсини киритиб олиш хусусиятига эга. Натижада хужайранинг ва вируснинг ДНКларидан иборат булган гибрид ДНК хосил булади. Шу йул билан вирус организм учун “бегонадан” узиникига айланади. Бундай хужайранинг ичиға бекиниб олган вируснинг ДНКси провирус деб номланади. Бундай холатда вирусга лимфоцитлар, антителолар ва доридармонлар таъсир килмайди.

Шу сабабдан хозирги вактгача ОИВ билан заарланган шахсларни даволаш учун ишлатиладиган дорилар касалларни тулик тузатаолмайди, чунки дорилар фаол вирусга таъсир килади, лекин гибрид холда сакланган провирусга дорилар мутлако таъсир килаолмайди.

Хужайраларни ичида бекиниб етган провирус вакт-вактди билан ташкарига чикади ва вируснинг маҳсус дастури буйича хужайраларни рибосомасини янги вируслар ишлаб чиқаришига мажбур килади. Бу жараен куп маротаба кайтарилиши натижасида иммун система аста секин ишдан

чикади, чунки вирус асосан Т-хелпер лимфоцитларни олишига ва камайиб кетишига олиб келади.

Вируснинг актив холга келишига куйидаги омиллар сабаб булади: турли юкумли касалликлар, юкори харорат, бинафша нурлар, гормонлар ва х.к.. Нормал ишлаб турган иммун система куп йиллар давомида вируснинг тижовузлигини босиб туради, лекин вирус аста-секин узини кора ишини килади ва пировардида иммун система мутлако издан чикаради хамда вирусга карши курашиш хусусиятини йукотади. Бундай шароитда вирус организмда тусиксиз купаяди

Инфекция патогенезида 2та омилни ажратиш мумкин:

1. вируснинг организмга бевосита таъсири
2. вируснинг заарланган хужайраларни фаолиятини ишдан чикариш окибати.

Вируснинг организмга бевосита таъсири куйидаги белгиларни пайдо булишига олиб келади: лимфа безларнинг катта булиши, одамнинг озиши, тана хароратини юкори булиши, ич кетиши нерв система фаолиятининг бузилиши. Лекин вирус бевосита одамни улимга олиб бормайди.

СПИД касаллигини ривожланишга олиб келадиган омил - бу вируснинг заарланган хужайраларида таъсири. Юкорида айтилганда вирус организмнинг куп тур хужайрадарида купаяди, лекин куп хужайраларда вирус купайса хам уларни улдирмайди ёки жуда кам кисмини улдиради, улган хужайралар урнига янгилари хосил булади. ОИВ - инфекцияни ОИТС боскичига утишида асосий омил - бу лимфоцитларни Т-хеллер турининг жарохатланиши ва камайиб кетишидир.

Вирус ушбу хужайраларда куп микдора хосил булади ва уларни улимга олиб келади. Т-хелперлар сони аста секин камайиб боради, чунки улган лимфоцитлар урнига янгилари пайдо булади. Куп йиллар мувозанат сакланади. Лекин бориб-бориб улган лимфоцитларни сони купайиб боради ва бу жараён

тезлашади. Лимфоцитлар сони камайиши айрим даражага етгандан сунг ОИТС касаллиги бошланади.

Нормада одамнинг 1мм^3 конида, 500-1000 Т-хелперлар аникланади. Уларнинг сони 200 -гача ёки ундан кам микдоригача камайиб кетса касаллик ОИТС боскичига утади.

Т-хелперлар бутун иммун системани ишини бошкариб туради. Нормал холатда иммун система рак хужайраларга, микробларга, вирусларга, замбуругларга, паразитларга карши курашади ва организмда уларнинг купайишига йул куймайди. Иммун системанинг фаолияти бузилиши натижасида ОИТС касаллигига турди усмалар, оппортунистик инфекциялар пайдо булади ва организм уларга карши курашиш хусусиятини йукотганлиги. сабабли оддий инфекциялар хам организмда тухтовсиз купаяди, касаллик сурункали шаклга утади ва пировардида улим билан тугайди (УР ССВ, №420 сонли буйрук 2003йил).

Касалликнинг юкиш йуллари. ОИТС вирусининг 3 хил йул билан юкиши аникланган.

1. Жинсий алока йули оркали: бу юкиш йулига - гетеросексуал, бисексуал, гомосексуал юкиш йуллари киради.

2. Парентерал йул оркали, яъни вирус билан заарланган кон ва кон махсулотлари куйилганда, ностерил шприцлар ва тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланилганда, тери бутунлиги бузилиши билан кечадиган барча муолажаларда юкиши мумкин.

3. Вертикал йул оркали, яъни ОИТС вирусини ташувчи булган онадан хомилага ёки чакалокка тугрук жараёнида ва тугилгандан сунг она сути оркали юкиши мумкин.

ОИВ касаллигининг жинсий алока йули билан таркалиши куплаб бесоколбозларда, фохишаларда, пала-партиш тартибсиз жинсий хаёт кечиувчи шахсларда купрок учрайди. Касаллик вирусининг таркалишида фохишалар, пала-партиш, тартибсиз жинсий хаёт кечиувчилар ута хавфли

хисобланади. Бу гурухдагилар нотаниш (бегона) кишилар билан тез-тез жинсий алокада буладилар. Аёлнинг организмига вируслар эркакнинг маниси (спермаси) оркали тушади ва аёлнинг жинсий органидаги шиллик каватлар жарохатланган булса, вирус жинсий аъзолардан конга утиши мумкин, аёллар уртасидаги жинсий алокаларда (лесбиянлик) ОИТС вируси билан заарланиш камдан-кам учрайди. Орал-генитал жинсий алокада эса вируснинг юкиши хам исбот талаб килади.

ОИВ касаллиги вирусининг иккинчи юкиш йули - кон оркали утишидир. Вирус билан заарланган шахслар конида уни жуда юкори концентрацияда булиши аникланган. Кон оркали юкишида гиёхвандлар ута хавфли гурухга киради. Бундай шахслар ифлосланган шприц ва игналардан умумий фойдаланиб, наркотик моддани кон томирига юбориш жараёнида кон колдиклари оркали вирус утиши мумкин. Кон оркали юкишида гемофилия касаллигига чалинганлар хам кисман хавфли гурухга кирадилар. Чунки бундай bemорлар кон ва кон маҳсулотларини купрок оладилар. Бу гурух bemорларга ОИТС вирусига текширилмаган кон ва кон маҳсулотлари куйилса улар заарланиб колишлари мумкин. Бундан ташкари даволаш-профилактика муассасаларида тиббий муолажалар килинаётган вактда бир марта ишлатиладиган шприц, игна, система ва бошка асбоб-ускуналардан кайта фойдаланилса, тиббий ва лаборатория асбоб-ускунларини заарсизлатириш, стериллаш тартиб коидаларига катъий риоя килинмаса хам ОИВ касаллигининг вируси юкиб колиши мумкини. Даволаш-профилактика муассасаларида вирус bemор ёки вирус ташувчидан бошка bemорларга, bemордан тиббиет ходимига шприцлар, тиббий ва лаборатория асбоб-анжомлардан стерилланмасдан кайта ишлатилганда юкиши мумкини.

Вертикал юкиш йулида - вирус она конидан хомилага жарохатланган йулдош оркали утади еки тугрук жараёнида жарохатланган тери ва шиллик каватлар оркали bemор онадан болага юкади. Шунингдек bemор она кукрак

суги билан эмизса чакалокка касаллик юкиши мумкии. Боланинг оғзидаги ярачакалари орқали вирус она сутидан болага утиши мумкин.

7.3. ОИТСнинг клиник қуриниши

ОИВ касаллигидаги инфекцион жараён хам барча юкумли касалликларда буладиган инфекцион жараён конуниятлари асосида кечади.

Инфекцион жараён куйидагича ривожланади:

- Касалликнинг юкиши
- Инфекциянинг яширин (инкубация) даври
- ОИВ касаллигининг бирламчи утқир клиник қуриниш даври
- ОИТСга мужассамлашган белгилар даври (ассоциранган симптомокомплекс ёки ОИТС кариндош симптомокомплекси)
- ОИТС- орттирилган иммунитет танкислиги синдроми даври.

1. Вирус купинча бемор билан жинсий аюла килганда бемор кони билан ифлосланган асбоб анжомларни куллаганда, бемор конини, кон зардобини куйганда, бемор онадан болага хомиладорлик ёки туғиши вактида ва кукрак суги билан эмизганда (агар чакалокнинг оғиз бушлигига шиллик каватлар ёки тилида жарохатлар, ярачалар булса) юкиши мумкин. Таркибида маълум миқдорда вирус билан заарланган биологик суюклик (кон, кон зардаби) жарохатланган тери ва шиллик каватларга (куз, оғиз бушлиги) тушганда юкиш эҳтимоли бор.

2. Бу давр ОИВни юктириб олгандан кейин тахлилий узгаришлар даврига булиниб, бир неча ойдан 10-15 йил ва ундан купрок давом этиши мумкин.

Касалликнинг бошлангич курсаткичлари антегенемия ва вирусемия булиб, сал кечикиброк 2-6 хафтадан кейин вирусга карши специфик антителолар пайдо булади ва узлуксиз бир неча ойдан касалликнинг сунгги давригача давом этади. Спид даврига келиб эса специфик антителолар титри конда камаяди. Бундай хол сероконверсия дейилади. Сероконверсия- кондаги антигенемия

билин алмашиниб туриши мумкин, бундай холни эса серонегативация дейилади. Шу даврдан бошлаб организмда иммунодисфункция ва иммунодефицит кучайиб боради.

3. Бу даврда 17-25% ОИВ ни юктириб олганлардан носпецифик уткір клиникаси гриппга ёки юкумли мононуклеозга хос белгилар кузатилади. Бунда тана харорати кутарилиб, бир неча гурух лимфа безлари, жигар ва талок катталашади, бугимларда оғрик булиши мумкин. Терида тошмалар пайдо булади. Бундай холл 10-12 кун давом этиб, беморлар тузалиб кетадилар. Кони ОИВ касаллигига текширилганды мусбат натижа кузатилади, кондаги Т-лимфоцитлар микдори бироз камайған булади.

ОИВни юктириб олган бошка гурух шахсларда эса хеч кандай клиник узгаришлар булмаган холда, узлари тиббий текширувдан утиб, маңсус ВИЧ лабораториясида кон топшириб ОИВга специфик тахлиллар (ИФА) мусбат натижа булғандагина, узларини ОИВ ташувчи эканликларини биладилар.

ОИВни юктириб олганларнинг бир кисмida иммун ва асаб тизимларини шу вирус таъсирида заарланғанлиги сабабли, хеч кандай клиник белгилар булмасдан туриб, кайталанувчи тарқок лимфоаденопатия холати кузатилади. Бунда одам организми периферик лимфа түгунларини икки ва ундан купрок кисмida лимфа түгунлари катталашғанлиги сезилади (чов соҳасидан ташкари) пайпаслаганда эса оғриксиз, кузгалувчан булиб, бундай хол 3 ой ва ундан купрок вактгача давом этади. Бундай холни таркалган лимфоаденопатия дейилади (персистириующая генерализованная лимфоаденопатия- ПГА).

Бу даврда ОИВ Билан касалланған шахсларда- патогенетик белги хисобланған- «тукли лейкоплакия» кузатилади». Бунда тилнинг ён томонларида окиш рангли энантемалар булиб, бошка этиологияли энантемалардан фарклироқ, у тилнинг остки кисмida булмайди ва шпатель билан кучирилганды күчмайди. Аста секин бу давр ОИВ касаллигининг ОИТСга мужассамлашған белгилар даврига утади.

4. ОИТС даврининг бошланишидан олдинги давр - преСПИД булиб, бунда клиник куринишлар носпецифик холда кечади. СПИД даврининг олдинги даврида номаълум сабабларга кура тана харорати 38-40С гача кутарилиб, кечга якин ва тунда кучаяди. Бемор куп терлайди, умум кувватсизлик, тана вазнининг камайиши, сабабсиз ичининг суриши кузатилади. Беморларда купинча бир-бири Билан бояланган ёки бояланмаган ноаник симптомлар кузатилади. Бундай белгилар факт ОИТС га хос белгилар булмай, уларнинг баъзилари узига мустакил синдром хисобланади ва «ОИТСга бояланган уйгунлик»- «СПИД ассоциированный симптомокомплекс» (САС) дейилади. Бундай уйгунлик бир неча йил давом этгандан кейин bemорларнинг ОИТС нинг айнан клиник куринишлари намоён будади.

САС- ОИТС даги бояланган уйгунлик даврининг кейинги боскичларида юкоридаги клиник куринишларга- оғиз бушлиги шиллик каватларда замбуруглик касалликлар, доимий йутал, ураб оловчи темиратки (*herpes simplex*), тери касалликлари, Капоши саркомаси сингари ута хавфли касалликлар кушилади. Бундай касалликларнинг кушилиши bemорларда ОИТС касалининг классик манзарасини намоён булишига олиб келади. Бу ходиса иммун тармокнинг Т- лимфоцитли хужайра танкислиги билан бояникилигидадир.

Санаб утилган клиник белгилардан ташкари ОИВ касаллигининг борлигини куйидаги тахлилий узгаришлар хам тасдиклайди:

- - Т -хелперларни кондаги сонининг камайиши;
 - Кондаги Т-хелперларни Т-супрессорларга нисбатан камайиши;
 - Камконлик ёки лейкопения, тромбоцитопения, лимфопения;
 - Кон зардобида А ва G иммуноглобулинлар микдорининг ошиши;
 - Конда айланиб юрувчи иммун бирималар микдорининг ошиши;
- Митоген (иммуностимулятор) таъсирида лимфоцитларни ядровий узгариш даражасини (хусусиятини) камайиши;

Терини антигенга нисбатан секин, юкори сезувчанлик, аллергик реакцияси. Ушбу боскичда ОИВ касаллигига гумон килиш учун мужассамлашган белгилардан (СПИД ассоциоланган симтомотокомплексдан) 2 ва ундан купрок клиник ва тахлилий курсаткичлар булиши керак.

5. ОИВ касаллигига чалингланларнинг бир кисмидагина (25%) касалликнинг ОИТС даври намоён булади, лекин купчилик ОИВ Билан заарланганлар лимфоаденопатия давридан тугридантугри ОИТС даврига утади.

ОИТС- ортирилган иммунитет танқислиги синдроми даври – ОИВ касаллигининг охирги даври булиб, клиник нуктаи назардан 2 хил принципиал белгилар характерлидир. Иммунитет пасайиши натижасида келиб чикадиган касалликларни пайдо булиши (оппортунистик инфекция, инвазиялар, 60 ёшга етмаган шахсларда Капоши саркомасининг учраши). Хужайра иммунитети етишмаслигини келтириб чикарувчи маълум патологик жараённинг йуклиги (радиация, иммунодепрессив хусусиятга эга дориларни истеъмол килиш ва х.з.). ОИВ таъсирида фагоцитар хужайралар ва В-лиммоцитлар фаолиятининг бузилиши натижасида оппортунистик инфекциялар ва инвазиялар биринчи уринга чикади (T -хелпер – индикатор фаолияти сусайиши туфайли).

Касалликнинг хар-хил клиник белгиларини системага солиш максадида ОИТС касаллигининг кечишини шартли равишда бир неча вариантларга (турларга) ажратилган:

1. Упка тури- купинча bemорларда инфильтратли зотилжам (пневмония) риволаниши билан характерланади, келтириб чикарувчиси асосан пневмоциста Карини, цитомегаловируслар ёки легионелла пневмофилуслардир. Шулар каторида зотилжамни Микобактериум авиум хам чикириши мумкин. Микобактериум авиум ер шарини барча китъасида таркалган булиб, одам организмига ёшлигига ёк тушади. Иммун система фаолияти меъёрида булганда хеч кандай патологик узгаришлар чакирмайди, лекин иммун система

шикастланган булса, хаддан ташкари ривожланиб, фаоллашиб хар хил касалликлар пайдо булишига олиб келади. ОИВ инфекциясига чалингланларни 85%да бу микроб улимга олиб келувчи зотижамни келтириб чикаради. Бу даврда куйидаги клиник белгилар намоён булади:

- Огрик билан кузатиладиган курук йутал;
- Тана хароратининг кутарилиши;
- Нафас олиш юзаки, тез-тез булади;
- Умумий хаво етишмовчилик аломатлари.

2. Ошкозон – ичак тури – огир, чузилган диарея билан кечади, энтерит аломатлари юзага чикади. Шу туфайли тана вазни камаяди ва даволаш кутилган натижа бермайди. Купинча ОИТСнинг бундай клиник кечишига куйидаги чакирувчилар сабабли булиши мумкин: Кампилобактер, шигелла, сальмонелла, энтамёба хистолия ва бошкалар. Киёсий ташхислаш микробиологик текширув утказиш билан куйилади

3. Церебрал тури- марказий нерв системасининг жарохатланиши билан кечashi ва уткир энтефалитдан тортиб сурункали жараёнгача булиши мумкин, 30-90%да деменция кузатилади. Ушбу вариант бир неча шаклда утиши мумкин:

- Абсцесслар, менинго-энцефалитлар, лейкоэнцефалопатиялар ;
- Миянинг бирламчи ва иккиламчи лимфомалари (мия усмаси);
- Кон томирларини жарохатланиши туфайли юзага чикадиган асоратлар (тробоцитопеник, церебрал гемарагиялар ёки бактерияларга боялик булмаган тромботик эндокардит).

Ташхис куйилмаган марказий нерв системасининг жарохатланиши (токсоплазма туфайли ривожланган абсцесслар, криптококкли менингит, купучокли лейкоэнцефалопатия, цитомегаловирусли энцефалит).

4. ОИТСда периферик асаб тизими хам касалланади. Касалланиш периферик неврит, бош мия нервларининг заарланиши, радикулит, полимиозит куринишларида булиб уларнинг этиологияси хозирча аникланмаган.

5. ОИТСдаги дермотологик куринишлар. Ушбу куринишлар юкорида келтирилган барча шаклларда учраши мумкин ва куйидаги белгилар аникланади:

- Тери усмалари (Саркома Капоши, тери раки, лимфомалар);
- Инфекцион жараён – оддий герпес, ураб оловчи темиратки, кандидоз, “тукли” лейкоплакия, кандиломалар ва бошкалар;
- Аллергик реакциялар;
- Сабаби ноаник патологик жараёнлар (токсикодермия, васкулитлар)

Хар хил фолликулитлар тез-тез учраб туради. Бунда теридаги узгаришлар жойлашиши ва куплиги билан фаркланади (култик ости чукурчасида, елкада, сонда, юзда, бошнинг сочли кисмида). Терининг жарохатланган кисми катта эмас, атрофида эритема зонаси булмайди.

6. ОИВ касаллиги билан хасталанган bemорларнинг 50%дан купрогида юрак мушакларининг жарохатланиши - миокардит кузатилади. Миокардитни токсоплазмозлар ва криптококклар чакиради. Юрак мушакларида куп учокли некрозлар пайдо булади.

7. ОИВ билан касалланган 10% bemорларда буйрак иш фаолияти бузилади.

8. ОИВ касаллигига кон хосил килувчи органлар фаолияти хам бузилади. Кузатишлар шуни курсатадики bemорларда латент давридан бошлаб гранулоцитлар, лимфоцитлар, эритроцитлар ва тромбоцитлар сони кон таркибида кун сайин камайиши кузатилади.

9. Усмали жарохатлар куп учрайдиган онкологик белгилар хисобланади. Улардан саркома Капоши лимфатик томирларнинг усмаси булиб хавфли хисобланади.

Шундай килиб одам иммунитет танкислиги вирус чикарган клиник белгилари хар хил булган классик ОИТС даври касалликнинг охирги боскичи хисобланади ва улим билан тугайди.

7.4. ОИТС инфекциясининг олдини олиш

1991 йил Жаҳон Согликни Саклаш Ташкилотининг (ВОЗ) орттирилган иммунитет танкислиги синдромига багишланган ва унга карши кураш стратегияси ишлаб чикилган глобал дастури амалга ошира бошланди, унга 1985-86 йиллар асос солинган эди. Б.С. Тидо (ВОЗ) йигилган кимматли тажрибани бутундуне мутахассисларининг билими ва мамлакатлари умумлаштиришни маъкул курди.

Бу стратегиянинг З асосий максадлари куйидагилардан иборат:

- ОИТСнинг олдини олиш
- ОИТС инфекциясининг алоҳида хар бир одам ва умум жамиятга таъсирини камайтириш
- ОИТСга карши утказиладиган тадбирларни халкаро даражага кутармок
- ОИТС юкишининг олдини олиш – глобал стратегиянинг энг асосий максадидир, чунки инсониятни бу балодан сакловчи бирдан бир усул булиб, ижтимоий ва иқтисодий йукотишларга карши тадбирлар булиб хисобланади
- ОИТС уз табияти буйича венерик касаллик булиб жинсий алока, кон, касал онадан хомилага, еки чакалокка сут оркали юкиши мумкин.

Хозирги кунда бу даҳшатли дард чегара билмайди. У жаҳоннинг деярли хамма мамлакатларида кайд этилмоқда. Афсуски, цивилизация деб аталадиган, иқтисодий вазиятнинг кескин юксалишига олиб келадиган вазият барча мамлакатларди узига хос булган камчиликлари билан кириб бормоқда.

Айрим енгилтабиат ешлар унга осон берилиб кетмоқда. Окибатда узгариш руй бериб, гиехвандлик ва у билан бөглиқ булган ахлоқизлиқ туфайли ОИВ- инфекцияси бизнинг юртимизга хам тарқалиб кетишига шароит яратилмоқда (Ш. Шоваҳабов, 1998 йил).

Юкоридаги маълумотларни назарга олган холда, профилактика еки касалликнинг олдини олиш катта ахамиятга эга. ОИТС профилактикаси куйидаги йуналишларда олиб борилиши лозим:

- ОИТСнинг жинсий йул билан таркалишини тусиши
- Парэнтералли таркалиш йулини тусиши
- ОИТСнинг вертикал йул билан юкишининг олдини олиши
- ОИТСнинг жинсий йул билан таркалиши тусиши
- ОИТС асосан жинсий алокаларда юкади.

Сексуал хулкка таъсир килувчи омиллар учта: ахолини касаллик хакида хабардор килиш ва таништириш, тиббий ва ижтимоий хизматлар курсатиш яхши шароит яратиш.

Барча эркак ва аелларга ОИТС хакида маълумот бериш ва тушинтириш ишларини олиб бориш керак, шу ва жумладан кай шариотда юкиши, узи ва шерикларини кандай хавфсизлантириш йулларини билиши, презервативни ишлатиш зарурлиги, уз хохиши билан чукур текширувдан утиши кераклигини билишлари зарур.

Вагинал жинсий алокада ОИТС купрок эркаклардан аелларга юкади, аксинча эмас. Орал ва анал контакда эса “пассив” партнер купрок узига юктиради. ОИТСнинг энг кенг таркалишига ахлокий бузуклик, палапартириш жинсий алокалар сабаб булади. Фохишалик ва фохишабозлик, бесоколбозлик, гиехвандлик, касалликнинг таркалишида жуда катта роль уйнайди.

1999 йилда америкалик олим Биггар 797 америкалик аеллар уртасида сурор утказиб, 20-25 ешдаги аеллар бир йил ичидаги урта хисобда 5-дан зиед эркак билан жинсий алокада булганлиги аникланди. Ундан ташкари, турмушга чиккан кора танли аелларнинг 100% ва ок танли аелларнинг 80% фоизи уйнаши борлиги айтилган.

Олим Гаттари 1991 йилда Италияда яшовчи 33 болани текшириб, уларнинг 95% вирус билан заарланганлиги аникланди, Тайландда 80%

фохишалар конида вирус топилди. Юкорида келтирилган фактлар курсатилган гурухнинг ОИТС вируси таркалишидаги ахамиятини курсатади.

ОИТС 80% холларда жинсий йул билан юкишини эътиборга олиб, олдини олиш чоралари хам энг аввал шуни тушишга мулжалланиши лозим. Бунинг учун ешлар орасида тарбиявий, санитария – маориф ишини олиб бориш, хавфсизлик тугрисида, жинсий алока пайтида презервативни ишлатиш ташвик килиниши лозим.

Ха, тугри презерватив ОИТС инфекциясини 100% олдини ола-олмайди, аммо сифатли презервативларни тугри ишлатиш ОИВ - инфекцияси юкишининг эхтимолини анчагина камайтиради. Ундан ташкари презервативлар купгина венерик касалликлар юкишини ва герпес, цитомегаловирус инфекцияси, гепатит В каби касалликлар юкишидан асрайди.

Шуни хам унутмаслик лозимки, дунедаги барча ОИТС билан ва бошка венерик касалликлар билан оғриган ахолининг 50% га якини 10 дан 25 ешгача булган ешлар хиссасига тугри келади. Америка тажрибасида куйидаги холлар хам мавжуддир: ота-оналар уз болаларига хали жинсий алокаларини бошлаганларидан олдин презерватив ишлатишга ва хавфсиз жинсий алокалар обориш хакида тушунтирадилар.

Кадимдан сакланиб келинаетган ажойиб анъана-оилани мукаддас деб билиш: эру-хотиннинг умрбод вафодор булиб колиши каби хислатлар ОИВ - инфекцияси таркалишини олдини оловчи энг асосий химоя хисобланади.

ОИТСнинг парентерал йули билан юкишининг олдини олиш.

ОИТС билан касалланган одам конининг сог одам кон окимига тушиши сабабли содир булади. Бундай юкиш куйидаги вазиятларда пайдо булиши мумкин:

- Донор кони реципиентга куйилганда
- Яхши стерилланмаган асбоблар ва шприцлар ишлатилганда
- Органлар трансплантациясида
- Наркоманлар томонидан ностерил шприцларни ишлатишда.

ОИТСни юктириб олмаслик учун иложи борича турли инъекцияларни кабул килавермаслик керак. Айникса уй шароитида куни-кушни ва таниш булмаган тиббий хамшираларнинг хизматидан фойдаланмаслик керак. Агар бунинг иложиси булмаса, шахсий еки бир марта ишлатиладиган шприц ва игналардан фойдаланиш лозим.

ОИТСни таркатувчилари наркоманлар эмас, балки заарланган шприцлардир.

Парентерал йул билан ОИТСнинг юкиши хам купчилик холларда учрайди. Бунинг сабаби бир шприц билан бир неча одам фойдаланса, бирида ОИТС вируси бор булган тақдирда, колганларига юкиш хавфи деярли 100% ташкил этади.

Россияда наркоманияга карши курашиш билан бирга текин шприцларни алмаштириш пунктлари ташкил этилмокда.

Савол тугилиши мумкин: "Ахир бу наркотикларга дават-ку? булиши мумкин наркоманларга шприцларни алмаштириб бериш, бу уларга кулайлик яратиб бериш, аммо заарланган шприцларни ишлатишими олдини олмаслик – ОИТС таркалишига йул очиб бериш деган суз, инсонларнинг кирилишига халакит килмаслик дегани булиб колади.

ОИТСни олдини олиш учун сартарош хоналарда асбоб ускуналарни зарарсизлантириш, яъни дезинфекция килиб, сунгра ишлатишими талаб килиш зарур.

Уй шароитида хар бир одамнинг шахсий гигиена буюмлари булиши керак.

ОИТС билан курашиш борасидаги тиббиет муассасаларида куриладиган чоралар (УР ССВ, № 524 сонли буйруқ, 2000 й).

Кон ва организмнинг бошка суюкликлари билан ишлашга доир эхтиет чоралари:

- тиббий ходимлари кон ва организмнинг бошка суюкликларига потенциал хавфга карагандай караши лозим ва улар билан ишлаганда резина кулкоп кийишлари керак

- барча жарохатлар устидан сув утказмас пластир епиштириш керак
- муолажалар килганда кон ва бошка суюкликлар сачраши эхтимоли булса, химояланиш учун кузойнак ва никоб такиб, халат устидан фартук кийиш керак.

Беморнинг кони ва бошка суюкликлари билан контактда булганда тиббиет ходимлари кулни ювиши керак. Ута хавфли муолажалардан кейин кул яхшилаб тозаловчи хирургик эритмалари билан ювилиши шарт. Эритмалар булмаганда кул яхшилаб совун ва сув билан ювилиб куритилади ва 70% этил спирти билан артилади.

Терини санчиш билан боглик муолажаларда хавфсизлик чоралари:

- одамдан одамга ОИТС утмаслиги учун бир маротаба ишлатиладиган асбобларни, факат бир маротаба ишлатиш лозим
 - куп маротаба ишлатиладиган асбобларни стерилизация килиш шарт
 - шприцлар ва игналарни кимевий дезинфекция килиш керак эмас
 - игна билан кулни бехосдан шикастлантирмаслик учун, ишлатилган игналарга калпокчасини кийдирмаслик, хар хил шприцлардан игна ечмаслик керак, чунки бу холда жарохатланиш хавфи кучаяди.

Ишлатилган игналар ва бошка уткир игналарни контейнерларга жойлаштириб, уларга юкумли материалдай муносабатда булиш керак.

Стерилизация ва дезинфекциянинг эффектив кулланилиши:

- ОИТС вируси оддий стерилизация усулларига жуда сезгир булганлиги сабабли, гепатит вируси учун ишлаб чикилган стерилизация усуллари билан инактивлантирилади. Юкори даражадаги харорат ОИТСга карши энг эффектив усул булганлиги учун, кизишга асосланган юкори интенсивлик стерилизация ва дезинфекция усулларидан фойдаланади

- юкори даражали хавфли муолажаларда ишлатиладиган асбоблар, хар бир bemor билан контактда булгандан кейин стерилизация килиниши керак

- уртacha хавфли муолажалар учун ишлатиладиган асбоблар 2% глютарал ва 6% водород пероксиди эритмалари билан зарасизлантирилади

- шикастланмаган терига теккан асбоблар хлорамин, натрий гипохлорид эритмалари билан заарсизлантирилади еки совунли сув билан ювилади

- ОИТС билан касалланган беморлар еки бемор деб шубхалангандикимсанинг кийим – кечакларини ювишга беришдан олдин 20-25 минут давомида кайнатилади еки 1 соат давомида 3% хлорамин, 4% водород пероксида, 0,1% сульфохлоронтил эритмаларида, 0,5% активлантирилган хлорамин эритмаларида 30 минут давомида сакланади (1 кг кийимга 4 л солинади).

- идиш – товоклар хам шу эритмаларда 1,5% кальций гипохлорид, 3% хромли охак, 5% хлорамин эритмаларида заарсизлантирилади

- боғлам воситаларини кайта ишлатиш еки ташлашдан олдин дезинфекцияловчи моддалар билан заарсизлантирилади еки 20-25 минут давомида кайнатилади

- оек кийимлар дезинфекцияловчи эритмалар билан артилади.

ОИТСнинг вертикал йул билан юкишининг олдини олиш.

Йилдан йилга ОИТСнинг вертикал юкиш ходисалари сони ошиб бормокда. ОИТС болага касалланган онадан хомиладорлик пайтида йулдош оркали, тугрук пайтида ва эмизиш вактида юкиши мумкин.

Текширишлар шуни курсатдики хомила 8-12 хафтадаек заарланиши мумкин, аммо куп холларда ОИТС тугрук пайтида юкади. Олдини олишининг асосий ютугидан бири онадан болага юкиш хавфини камайтиришdir. Шунинг учун ОИТСга карши антитаначалари бор аеллар, худди шундай антитаначали бор эркадан бола орттирмокчи булса, буни узига хам, хомилага хам хавфли эканлигини тушунтириш лозим. Хавфли гурухга киравчи аелларга аеллар маслаҳат хоналарида хомиладорлик даврида маслаҳат килиниши зарур. Текширув натижаси хомилага хавфли булса, унда хомилани олиб ташлаш лозимлиги тушунтирилади. Лекин охирги карорни аелнинг узи кабул килади.

Вирусни даволашдан кура олдини олган яхширок. Лекин заарланган беморларни хам даволаш керак деган масала кун тартибида турибди ва

ОИТСга карши вакцина ишлаб чикариш лозимлигини курсатади. ОИТС касаллиги вирусли касаллик эканлиги аникланган кундан бошлаб бутун дунеда олимлар олдига шу вирусга карши вакцина ишлаб чикиш масаласи куйилди.

Хамма мамлакатларда ОИТСга карши курашишнинг бирдан-бир йули вирус ташувчиларни хамда ОИТС билан касалланганларни уз вактида аниклаш ва имкониятлардан фойдаланиб ахолининг санитария маданиятини кутаришдир.

ОИТС – инсониятга дуч келган даҳшатли ва энг куп улимга сабаб буладиган эпидемия булиб, афтидан бу касалликка чалинганлар улимдан кочиб кутулаолмаса керак. ОИТС диагнози куйилган оилалар канчадан-канча рухий истироблар ва даҳшатларни бошидан кечиради, осойишталик йуколади. АКШ ва Буюк Британияда хозирги вактда ОИТСга йуликкан беморлар сони купайиб, шу туфайли психологик аралашувларга ва специфик профилактика тадбирлари утказишга хам эҳтиеж ортиб борияпти. ОИТС хозир кенг таркалганлиги сабабли гомосексуалистлар билан тарбиявий ишларни кучайтириш масалалари биринчи уринга куйилмоқда. АКШда ОИТС билан касалланган беморлар учун консультация берадиган маҳсус маҳкамалар тузилган. Бу ташкилотлар ОИТС булган беморлар ва уларнинг кариндошларидан ташкил топган узаро кумаклашувчи гурухлар тузадилар.

Турли газета ва журналларнинг маълумотлари буйича, гап эпидемияда эмас, балки пандемия хусусида борияпти, бу якин келажақдаги 20 еки 30 йил ичида ер куррасидаги ахолининг 50% нобуд килиши мумкин.

Бизнинг келажагимиз ешларимизда экан, бугунги еш авлод ОИТС хакида узларида тулик маълумотга эга булишлари, хавф остига куймасликлари керак.

ОИТСни юктирмаслик учун айникса ешлар ахлокини тузатиш, жинсий масалага тугри муносабатда булиш лозим.

Оила соглом булса, эр-хотин бир-бирига содик булса, ана шунинг узи ОИТСнинг олдини олишнинг энг осон йулидир.

Хозирги кунда Республикада 15та ОИТС марказлари, 90дан ортик диагностик лабораториялар, 220дан ортик “Ишонч хоналари” фаолият курсатмокда.

Ихтиерий равищда узида бирор бир хавфни сезган шахс, шахсни сир саклаган холда узларини текширтириб, шифокор маслахатини олишлари мумкин. Уларнинг шахслари сирсакланади.

Республика СПИД марказининг манзили: массив Чиланзар – 16, Фарход кучаси 12 уй, телефонлар: 762311, 763649.

8 боб. ЙОД ТАНҚИСЛИГИ. ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ

8.1. Йод танқислиги - ижтимоий муаммо, ҳудудлари, сабаблари. Унинг келиб чиқадиган касалликлар ва жисмоний ривожланишига таъсири.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти (БССТ) бугунги кунда йод танқислиги муаммоси навбатдаги муаммолар рўйхатида турган 153 та давлатни ҳисоблаган. Олимларнинг айтишича, сайёрамизда камида 1,5 млн.киши касаллик даражасида йод танқислиги - «яширин очлик» дан қийналади.

Кўп давлатларда, айниқса Европа ва Осиёда мутахассислар қалқонсимон безнинг патологияси билан оғриган беморлар ортганлигини қайд этмоқдалар. Қалқонсимон без вазифаларининг бузилиши билан кечадиган касалликлари ҳолатлари кўпайиб бормоқда. 30-40 йил аввалги даврдагига қараганда зоб ва унинг пасайган функцияси анча кўп учрай бошлади. Кучли ифодаланган тиреотоксикоз клиник аломатлари билан кечадиган қалқонсимон безнинг ортиқча функцияси (токсик зоб ёки базед касаллиги) билан оғриган беморларнинг сони хам ортди. Аввалги асрнинг 80-йилларидан бери қалқонсимон безнинг ёмон сифатли ўсмалари кўпроқ аниқлана бошлади, уларнинг ичида саратон кўпроқ учрамоқда (В.Д.Казъмин, 2004 йил).

Инсон ва ҳайвонларнинг организмида йод ҳам анорганик шаклида, йодидлар турида, ҳам органик боғланган шаклида мавжуд бўлади. Элементар йод тери ва шиллик пардалар орқали, буғ ҳолатида эса ўпка орқали осон ва тез сўрилади. Йод унинг организмдан чиқарилишини амалга оширувчи аъзоларда (буйраклар, сўлак безлари ва бошқалар) кўп микдорда йифилади.

Табиатда йод деярли ҳамма жойда тарқалган: барча тирик организмларда, минерал сувларда, тупроқда. Йоднинг атмосферада, сувда, тупроқда тарқалишининг маълум қонунияти мавжуд. Ушбу микроэлементнинг энг кўп микдори денгиз сувида, денгиз бўйи жойларининг ҳавоси ва тупроғида йифилган. Йоднинг энг кўп микдори денгиз овқат маҳсулотларида, энг аввало балиқ, устрицаларда мавжуд, денгиз сувўтлари (денгиз карами) йоднинг микдори юзасидан чемпион деб ҳисобланиши мумкин. Балиқ ёғида жуда кўп йод мавжуд (маҳсулотнинг 100 граммига 770 мкг), оддий ичимлик сувида эса йоднинг микдори 100 мл учун 0,2 мкгдан 2 мкггача ўзгариб туради.

БМТ комиссиясининг маъruzасидан:

«Йод танқислиги бутун жаҳонда 43 млн.кишининг кучли ақлий қолоқлигининг сабаби бўлган. Ҳар йили йод танқислиги тифайли тугма кретинизмга учраган 100 минг бола туғилади. Йод танқислиги касалликларининг тугатилиши БМТ нинг инсон саломатлиги соҳасида чечак ва полиомиелит тугатилиши билан бирга асосий устувор йўналишидир».

В.Д.Казъминнинг маълумотларига қараганда (2004 йил), организмдаги сурункали йод танқислигининг асосий аломатлари қуйидагилардир:

- эмоционал: ёмон кайфият, жаҳлдорлик, уйқулилик, хотира ёмонлашуви, ақл пасайиши, тез-тез бош оғриши;
- кардиологик: атеросклероз ва аритмия, буларда дори сезиларли ва узоқ таъсир бермайди, қутии артериал қон босимининг кўтарилиши;
- иммунитет танқислиги: қалқонсмон безнинг функцияси пасайиши тифайли тез-тез юқумли ва шамоллаш касалликлари.
- гинекологик: ҳайз кўришнинг мунтазам эмаслиги, мастопатия.

Қалқонсимон безнинг кенг тарқалган касалликлариға спорадик ёки оддий зоб, эндемик зоб, диффуз токсик зоб, гипотиреоз ва аутоиммун тиреоидит, яrim ўткир тиреоидит, қалқонсимон безнинг саратони.

Хозирги вақтда ҳаётнинг турли даврларидаги йод танқислиги таъсир кўрсатиши туфайли юзага келувчи бир қатор касалликлар маълум:

Ҳар қандай ёшда	Зоб, гипотиреоз
Ҳомила ва янги туғилган болада	Туғма ривожланиш нуқсонлари, туғма гипотиреоз, кретинизм
Болалар ва ўсмирларда	Ақлий ривожланишни кечиқиши, тез-тез касалланиш, жинсий ривожланишнинг бузилиши
Катта ёшдаги ва кекса кишиларда	Иш қобилиятининг пасайиши, атеросклерознинг ривожланиши
Бола туғиши ёшидаги аёлларда	Бепуштлик, ҳомиладорликни бузилиши ва бола тушиши, анемия

Организмнинг йоддаги эҳтиёжини қондириш учун қуидагилар тавсия этилган:

Чақалоқ ёшидаги болалар учун - 50 мкг

2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун - 90 мкг

7-12 ёшидаги болалар учун - 120 мкг

12 ёшли ва ундан катталар учун 150 мкг

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун 200 мкг

Афсуски, давлатимиз, Марказий Осиёning бошқа давлатлари каби табиий-икклим ва бошқа омиллари туфайли организмда ушбу элементнинг танқислиги туфайли келиб чиққан касалликлар бўйича эндемик зонадир.

Хозирги пайтда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш Вазирлигининг Эндокринология ИТИ мутахассислари таъкидлаганидек, давлатимизнинг яrim аҳолисига йод етишмайди. Деярли икки миллион ўзбекистонликлар эндокрин тизимининг касалликлари билан оғрийди, уларнинг ярмисидан ортиқ қисми болалардир. Охирги пайтда вазият яхшиланётганига қарамай (эндемик зобнинг тарқалиши динамикаси 65 фоизидан 53 фроизигача камайди), барибир шифокорлар давлатимиздаги йод танқислиги муаммосидан хавотирдалар.

8.2. Эндемик зоб: клиник күриниши, ташхиси, даволаши йўллари, профилактикаси.

Жаҳонда йод танқислиги минтақалари жуда кўп тарқалган. Ҳозирги пайтда йод танқислиги минтақаларида яшайдиган ва, демакки, йод танқислиги касалликларининг ривожланиши хавфида қолган кишиларнинг умумий сони 1 млрд.дан ортиқ.

Йод ҳаёт учун муҳим микроэлемент бўлиб, унинг асосий миқдори қалқонсимон безда, қонда йифилади. Қондан йод турли тўқималар ва аъзоларга тушади, шунингдек липидларда қисман йифилади ва асосан буйрак орқали чиқарилади. Йоднинг асосий вазифаси - қалқонсимон безнинг гормонлари ҳосил бўлишида иштирок этиш.

Қалқонсимон безнинг тиреоид гормонларининг роли:

- Ҳомила бош миясининг ривожланишини ва боланинг кейинги ҳаёт йилларидаги ақлий даражасини белгилаб беради;
- нормал энергетик алмашинувни таъминлайди;
- оқсил синтезини рағбатлантиради;
- қондаги холестерин даражасини камайтиради;
- иммун тизимига таъсир кўрсатади;
- мослашув реакцияларининг мажмуасини таъминлайди;
- суяқ скелетининг ўсиши ва етилиши жараёнларини назорат қиласади;
- репродуктив саломатлик сифатини белгилаб беради.

Йод танқислигининг оғирлиги даражалари. Йод танқислиги касалликлари билан кураш бўйича Халқаро кенгаш йод танқислигининг учта оғирлик даражасини ажратишни тавсия этган:

Йод танқислигининг енгил даражасида зоб (қалқонсимон безнинг катталашувининг барча шакллари) популяцияда 10 дан 30 % миқдорида учрайди, йоднинг сийдик билан чиқарилишининг ўртача даражаси эса 50-99 мкг-л ни ташкил этади. Гипотиреоз ва кретинизм учрамайди;

Ўртача оғирлик даражасида - зобнинг учраши 50 % гача, йоднинг сийдик билан ажралишининг ўртача даражаси 20-49 мкг/л гача камаяди. Гипотиреоз ҳолатлари учраши мумкин;

Оғир шаклида зобнинг учраши деярли 100 % гача етиши мумкин, йоднинг сийдик билан ажралишининг ўртача даражаси - 20 мкг/л дан паст. Кретинизм 1 дан 10 % гача микдорда учрайди.

Эндемик зоб - кенг тарқалган касаллик, қалқонсимон безнинг катталашуви хос бўлиб, зоб юзасидан эндемик бўлган маълум жойларда йоднинг тупроқда, сувда, озиқ-овқат маҳсулотларида танқислиги билан боғлиқ бўлади.

Касалликнинг сабаби йоднинг тупроқда, сувда, озиқ-овқат маҳсулотларида танқислигидир. Эндемик зобнинг тарқалган жойларнинг бу жойларда йод танқислигига мос тушиши, йодли профилактиканинг самарали бўлиши ва эндемик зоб билан оғриган беморларда аниқланган метаболизм хусусиятлари зоб ривожланишидаги йод танқислигининг этиологик ролидан далолат беради.

Бошқа зоб туғдирувчи омиллар ҳам аниқланган. Хусусан, тўлақонли бўлмаган, бир турдаги овқатланишнинг, оқсиllар ва витаминаларнинг танқислиги, антисанитария майший шароитлари, юқумли касалликлар, интоксикацияларнинг таъсири аниқланган. Ифлосланган ичимлик сувида токсик-юқумли қўзғатувчилар, мочевина, яъни тиомочевина, тиоурацил, урохром каби зоб туғдирувчи моддалар ҳосил бўлиши учун негиз мавжуд бўлади.

Эндемик зобнинг ривожланиши учун организмга бром, рух, кобальт, миснинг етарли келиб тушмаслиги, шунингдек микроэлементларнинг нотўғри нисбати (кальций, фтор, марганец, хромнинг ортиқча миқдори) катта аҳамиятга эга. Баъзи озуқа маҳсулотларида зобни туғдирувчи моддалар мавжуд бўлади. Шолғом, брюква, ловия, рангли карам, сабзи, редиска, исмалоқ, ерёнғоқ, манго, соя кабиларда зоб туғдирувчи моддалар бор. Йод танқислигининг юзага келишида барча омиллар қўзғатувчи бўлиши мумкин.

Бундан ташқари улар спорадик зобнинг ривожланиши сабаби бўлиб келиши мумкин.

Кретинизм, карсоқовлик ва бошқа туғма иллатларининг юқори микдори эндемик зобнинг этиологиясида ирсий омилларнинг ролидан далолат беради.

Йод танқислиги тиреоид гормонларининг етарли ишлаб чиқарилмаслигига, уларнинг ажралишининг камайишига олиб келади. Акс алоқа тамойилига кўра тироксин даражасининг камайиши гипофизнинг тиреотроп гормонларининг ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради. Тиреотропин қалқонсимон безда гормонлар ҳосил қилинишини оширади ва тиреоид тўқиманинг компенсатор гиперплазиясига, яъни ўсишига олиб келади.

Қалқонсимон безнинг ўлчамларини аниқлаш учун иккита усул мавжуд:

1. Пайпаслаш-кўриш усули - энг осон ва бемалол амалга ошириладиган, лекин у ҳам ўз нуқсонларига эга, чунки у субъектив маълумотларга асосланади ҳамда бўйиннинг анатомик тузилишига, текширилувчининг ёши, қалқонсимон безнинг жойлашувига, тадқиқотчининг тажрибасига боғлиқ бўлади. Мамлакатимизда 1955 йилдан бошлаб О.В.Николаев таклиф этган тасниф амал қилган ва ҳозир ҳам амал қиласи, унга кўра қалқонсимон без катталашувининг бешта даражаси ажратилади. 1994 йилдан бошлаб жаҳонда БМТнинг тавсиясига кўра осонлаштирилган ва барча мутахассислик шифокорлари амал қила оладиган қалқонсимон без ўлчамларининг халқаро таснифи ишлатилади:

0 даражаси - зоб йўқ.

1-даражаси - зоб кўринмайди, лекин пайпасланади, бунда ҳар бир улушкининг ўлчамлари текширилувчининг бармоғидаги дистал қисмидан ортиқроқ.

2-даражаси - зоб пайпасланади ва кўринади. Бу тасниф эпидемиологик текширишларда жуда қулайдир.

2. Ультратовуш тадқиқоти (УТТ), у анча аниқроқ усул деб ҳисобланади. УТТ ёрдамида қалқонсимон безнинг ҳажми аниқланади. Халқаро нормаларга

кўра катта ёшдагиларда (18 ёшдан катталарда) УТТ қўлланганда безнинг ҳажми аёлларда 19 мл, эркакларда 25 мл дан ошса, зоб ташҳиси қўйилади.

Клиник аломатлари. Клиник белгилари қалқонсимон безнинг катталашуви даражасига ва унинг функционал фаоллигига боғлиқ бўлган маҳаллий ва умумий белгиларни ўз ичига олади. Беморларнинг шикоятлари бўшашганлик ҳисси, тез чарчаши, бош оғриғи, юрак соҳасида оғриқлилик, доимий бўлмаган диспептик ҳолатлардан иборат бўлади. Зобнинг катталашуви ҳамда ёнидаги аъзоларнинг сиқилиши сари ётган ҳолатида кучлироқ ифодаланган бўйин соҳасида босим туйғуси, нафас қисиши, милтиллагансимон бош оғриғи, ютишда қийналишга шикоятлар пайдо бўлади.

Безнинг ўсиши шаклига, тугунларнинг бор-йўқлигига кўра тугунли, диффуз ва аралаш зоб ажратилади. Тугунли зоб учун қалқонсимон безнинг тўқимаси ҳар хил, асосан эластик тузилишдаги, кўпроқ думалоқ шаклида ўスマсимон ўсиши хос бўлади. Қалқонсимон безнинг қолган жойлари одатда пайпасланмайди.

Диффуз зоб маҳаллий зич жойлар бўлмаган ҳолда қалқонсимон безнинг бир текисда катталашуви билан ажралиб туради. Диффуз гиперплазияси ва тугунларининг бирикиб келишида зоб диффуз-тугунли ёки аралаш деб таърифланади. Безнинг фаолияти турига кўра гипо- ва эутиреоид зобга бўлиниши қабул қилинган. Эндемик зобнинг 70-80 % қисмига яқин миқдори эутиреоид шакллар ташкил этади.

Ташҳис қўйилиши. Эндемик зоб зоб юзасидан эндемик жойда яшовчи аҳолидаги қалқонсимон безнинг у ёки бу даражадаги катталашуви аниқланганда шикастланиш омавий тусда бўлиши шарти билан аниқланади.

Профилактикаси. Аҳолининг ижтимоий-маиший ва гигиеник шароитларини яхшилашга қаратилган соғломлаштириш тадбирларининг мажмуасини ўз ичига олади.

Зоб бўйича эндемик жойларда аҳолига йодланган туз сотилади. Ош тузини йодлаш мамлакатимизда бир тонна тузга 25 грамм калий йодид хисобидан амалга оширилади.

Йодли профилактика усуллари. Организмнинг йоддаги эҳтиёжининг қониқарли истеъмоли учун йоднинг ҳар кунги истеъмолининг қуидаги нормалари тавсия этилади (БССТ, 1996 йил):

Чақалоқ ёши - 50 мкг

2 ёшдан 6 ёшгacha - 90 мкг

7-12 ёшида - 120 мкг

12 ёшли ва ундан катталар - 150 мкг

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар - 200 мкг

Йод танқислиги минтақаларининг аҳолиси, жумладан Ўзбекистон аҳолисининг амалдаги ўртача йод истеъмоли кунинга 40-80 мкг ни ташкил этади, яъни тавсия этилган даражасидан 2-3 баравар камроқ.

Овқатланишда йод танқислигининг олдини олиш учун индивидуал, гурӯхли ва оммавий йод профилактикаси усуллари ишлатилади.

Оммавий йод профилактикаси йод танқислигини тўлдиришнинг энг самарали ва тежамкор усулидир. У энг тарқалган озиқ-овқат маҳмутларига: ош тузига калий йодид ёки калий йодат тузларининг киритилиши орқали амалга оширилади: енгил йод танқислигига 10-25 мкг/кг, ўртача оғирликда - 25-40 мкг/кг, оғир даражасида 60 мкг/кг гача.

Гурӯхли йод профилактикаси таркибида йод бўлган препаратларнинг энг катта ривожланиш хавфига учраган аҳоли гурӯхлари (болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар) томонидан ташкил этилган истеъмоли орқали ўтказилади. Енгил ёки ўртача йод танқислигига ҳар куни кўшимча йод миқдори белгиланади:

препубертат ёшидаги болалар - 100 мкг, ўсмирлар - 200 мкг; катталар - 150 мкг, ҳомиладор ва эмизикли аёллар - 200 мкг.

Индивидуал йод профилактикаси йоднинг физиологик миқдорининг тушишини таъминлайдиган профилактик дори воситаларидан фойдаланишни кўзда тутади. Суткасига йод келиб тушиши камида 150-200 мкг бўладиган қилиб антиструмин ёки калий йодид тайинланади

Эндемик (йод танқислиги) бўқоғининг даволаниши. Пайпаслаш ва/ёки УТТ натижаларига кўра диффуз зоб мавжуд бўлганда аутоиммун зоб истисно этилганидан кейин суткалик 200 мкг нормасида камида 6 ой давомида йод препаратларининг истеъмоли тайинланади. Агар 6 ойдан кейин қалқонсимон без ўлчамларининг камайиши ёки нормага тушиши қайд этилса, зоб қайталанишининг олдини олиш мақсадида 100-200 мкг профилактик нормасида йод препаратларнинг истеъмоли давом эттирилади. Агар йод препаратларини қабул қилиш мобайнида шу давр ичида қалқонсимон без ўлчамлари нормага келмаган бўлса, 1 кг тана вазнига 1 суткада 2,6-3 мкг миқдорида левотироксин алоҳида ёки суткасига 100-150 мкг нормасида йод билан бирга қабул қилиш тайинланади. Тироксиннинг мувофиқ нормаси ТТГ даражасига мувофиқ танланади.

Зобнинг ривожланган тугунили шакллари бўлганда тиреоид препаратлар - левотироксин суткасига 150-200 мкг миқдорида қўлланади. Оптимал нормаси қон зардобида Тз, Тч ва ТТГ миқдорига кўра ҳамда ортиқча доза белгиларининг бўлмаслигига кўра аниқланади. Агар 5 ойлик даволаш самара бермаса, жарроҳлик аралашуви тавсия этилади.

8.3. Йод танқислигининг олдини олиши чора-тадбирлари.

Ушбу элементнинг захираларини тўлдирувчи кўп манбалар мавжуд. Булар биологик фаол қўшимчалар, витаминалар, мева ва сабзавотлардир. Лекин уларда йоднинг миқдори шунчалик камки, организмдаги йоднинг суткалик дозасини тўлдириш учун хурмо ёки ёнғоқларни қилограммлаб ейиш керак бўлади. Юзага келган вазиятдан чиқишининг ягона йўли - йодланган туздир. У бу элементнинг энг қулай етказиб берувчиси, чунки уни олиш осон ва у деярли

барча кишилар томонидан тенг миқдорда истеъмол қилинади. Бизнинг давлатимизда йодланмаган ош тузини ишлаб чиқариш тақиқланган.

Давлат даражасида Ўзбекистон Республикасидаги йод танқислиги билан қураш кенг кўламда олиб борилмоқда. Аҳолига услугбий қўлланмалар, индикаторлар тарқатилган. Уларнинг ёрдамида йоднинг мавжудлигини аниқлаш мумкин. Масалан, озгина ош тузига бу индикатордаги суюқликни томизса, йоднинг етарли миқдори бўлган туз кўкаради. Агар у кўкармаса ёки озгина кулранг ҳолга кирса, унда йод умуман йўқ ёки жуда кам. Йоднинг суткалик нормаси эса шифокорлар томонидан қуйидаги нисбатда белгиланган: агар бола 1,5 ёшга кирмаган бўлса, унинг суткалик эҳтиёжи 60 мкг, 3 ёшдаш 15 ёшгача болаларга 90 микрограмм талаб этилади, 16 ёшдан катталарга эса 160 мкг керак бўлади. Йодга энг муҳтоҷ бўлганлар сонинга ҳомиладор ва эмизикли оналар киради. Уларнинг суткалик нормаси камида кунинга 150 мкг бўлиши керак. Яна бир ҳолатни айтиб ўтиш лозим. Мамлакатимизнинг аҳолисини ҳисобга олганда организмдаги йод танқислиги билан боғлиқ касалликларнинг ташҳис қўйилиши ва даволаниши учун йилига 192 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ талаб этилади. Ош тузининг универсал йодланиши билан боғлиқ ишларнинг қиймати эса бор-йўғи 1,2 миллион долларга тушади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг Федерацияси ўтказган текширувларда аниқланишича, ош тузининг 60 тадан ортиқ ишлаб чиқарувичларидан фақат иккитаси ГОСТ га мос келувчи маҳсулотни ишлаб чиқаради. Булар «Орзу» ва «Солина» тузларидир. Қолганлари эса ёки умуман йод қўшишни унугради, ёки ўта кам миқдорда қўшади. Бунга мисол қилиб «Кафолат» тузини келтириш мумкин, унинг биринчи ва иккинчи навлари йод билан озгина бойитилган, «Экстра» тузи эса нормага мувофиқ келади. Эслаб қолинг, қадоқланмаган тузни сотиб олиш умуман тавсия этилмайди унда йод микроэлементи бўлса ҳам, қуёш нури текканда улар учиб кетади-қолади. Фақат ўраб қадоқланган тузни сотиб олинг ва мувофиқлик сертификатларини талаб

қилинг. Бевосита ишлаб чиқарувчидан олинган ош тузи албатта сертификатга эга бўлади.

Ош тузининг зарур талабларга мувофиқлигини аниқлашнинг яна бир усули бор - индикатор сотиб олиш, у энг самаралидир. У бор-йўғи 200 сўм туради, лекин соғлик учун битмас-туганмас фойда келтиради. Ош тузида йоднинг мавжудлигини дўконда, пештахтанинг ёнида текширинг. Агар унинг таркиби қўйиладиган талаблардан паст бўлса, бу тузни сотувчига қайтариб беринг. Шу маҳсулотни сотиб олганда тамғаланишига, сертификатлаш маълумотларига, йод миқдори ва қўшилган шаклига эътибор беринг. Агар бу калий йодат бўлса, тузни кўпи билан 12 ой саклаш мумкин. Агар бу калий йодид бўлса, унинг яроқлилик муддати уч ойгина бўлади.

Ўзбекистон Республикасида йод танқислиги касалликларини камайтириш ва олдини олиш бўйича 2005-2009 йиллар учун Давлат дастури қабул қилинган. Бу муаммони ҳал этишга кўпгина ташкилотлар киришган. Улардан бири ЮНИСЕФ бўлиб, бу фонд маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тузни йодлаш учун 20 та қурилмани, 25 тоннадан ортиқ калий йодатни, ош тузида йод миқдорини аниқлаш учун 230 та лабораторияларни ва реактивларни берган. Ушбу халқаро ташкилот билан биргаликда давлатимизнинг Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Эндокринология ИТИ ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг Федерацияси дастурни ишлаб чиқкан, унинг бандларидан бирига кўра давлатнинг барча минтақаларида бир ҳафталик семинар-тренинглар ўтказилади, уларнинг мақсади - кишиларнинг онгига ушбу муаммонинг долзарблигини етказишидир.

8.4. Ҳукумат қарорлари ва буйруқлари, мутасадди ташкилотлар, Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот Вазирликлари, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлари ҳамкорлиги.

Ўзбекистон Либерал-демократик Партияси фракциясининг аъзолари Ўзбекистон Республикасининг «Тузни йодлаш тўғрисида» ги Қонунининг

лойиҳасини ишлаб чиқсан депутатлар Шодмонов А.Х., Насриев И.И ва Алимов Н.Х. ларнинг ушбу қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонун чиқарувчи палатасининг муҳокамасига олиб чиқиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қуватладилар.

Қонуннинг лойиҳаси жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, давлатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастирида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримовнинг сўзлаган нутқида бўлган фикрлар ва хулосалар асосида белгиланган устувор вазифалар ва йўналишларни амалга ошириш юзасидан амалий чораларни амалда бажариш мақсадида ишлаб чиқилган.

Президент И.А. Каримов ўз маъruzасида Саломатлик йилида ўтказилган кенг кўламли ишлар «2005 йилда катта натижаларга олиб келган, бу йил «Фақат соғлом халқ, соғлом миллат буюк ютуқларга қодир бўлади» деган тамойилнинг фалсафасини ва мазмунини ўзида мужассам этган»лигини, 2005 йилда амалга оширилган умуммиллий дастурлар ва тадбирлар соғлиқни сақлаш даражасини оширишга, одамларимизнинг, халқимизнинг ҳаётига қандай ижобий таъсир этганлигини қайд этган. Маъruzада алоҳида таъкидланишича, ўтган даврда анемия билан кураш дастурини амалга ошириш мақсадида темир билан бойитилган маҳсус уннинг чиқарилиши йўлга қўйилган. Шунингдек йод танқислигининг олдини олиш бўйича дастур ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, 130 давлатдаги 1,6 млрд. киши йод етишмайдиган минтақаларда яшайди, 740 млн. киши йод танқислиги ксалликлари билан оғрийди, 110 давлатда бу соғлиқни сақлаш учун муаммоларни туғдирмоқда.

Йод танқислиги ривожланаётган мияга энг кескин парчаловчи таъсир кўрсатади: йод танқислиги ақлий қолоқликнинг олдини олиш мумкин бўлган асосий сабаларидан бири деб айтилган. Ривожланаётган миянинг бузилиши

турли касалликларга қаршиликнинг, ўзлаштириш, самарали ишлаш ва қайта тикланиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Республикамиз йод танқислиги минтақасида жойлашганлигини ва йод танқислиги касалликларининг тарқалиши турлича эканлигини ҳисобга олиб, унинг профилактикаси юзасидан жиддий меъёрий-хуқуқий чоралар кўрилиши талаб этилади.

Республикамизда йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш учун Давлат дастури қабул қилинган, унинг бандларидан бири сифатида ушбу масалаларнинг қонун сифатида тартибга солиниши белгиланган.

АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Наркотик моддалар ва психотроп моддалар тўғрисида» ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг «Одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликнинг (ОИТВ-инфекция) профилактикаси тўғрисида» ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголизм, наркомания ёки токсикомания билан оғриган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида» ги Қонуни
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлигини химоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида» ги Қонуни, 1996
6. Ўзбекистон Республикасининг «ОИТС касаллигининг олдини олиш тўғрисида» ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида» ги Қонуни, 1996
8. Ўзбекистон Республикасининг «Йод танқислиги касалликларининг профилактикаси тўғрисида» ги Қонуни, 05/03/2007

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари

1. «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳот қилиш боришини ўрганиш ва уни янада чуқурлаштириш чораларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гурухини тузиш тўғрисида», 22 январь, 2007 й.
2. «Болалар спортини ривожлантириш Фондининг бюджетини тасдиқлаш ҳамда болалар спорт обьектларининг 2007 йил учун мақсадли қурилиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 26 декабрь, 2006 й.
3. «Саломатлик йили» давлат дастурини шакллантириш бўйича ташкилий чоралари тўғрисида», 15 декабрь, 2006 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спортини ривожлантириш Фондининг тузилиши тўғрисида» ги 3154-сонли Фармони, 24 октябрь, 2006 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Буйруқлари

1. «Никоҳ тузувчи шахсларнинг тиббий қўриги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли Қарори, 25 август, 2003 й.

2. «Оилада тиббий маданиятни юксалтиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиясини амалга ошириш чоралари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 5 июль, 2002 й.

3. «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Фондининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 374-сонли Қарори, 31 октябрь, 2002 й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маъruzalari.

1. И.А. Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т., Ўзбекистон, 1998, 689 бет.

2. И.А. Каримов. «Халқимизнинг йўли – мустақиллик, эркинлик ва чукур ислоҳотлар йўлидир».

3. И.А. Каримов. «Яратиш йўлидан».

4. И.А. Каримов. «Ўзбекистон бугун», 2000 й.

5. И.А. Каримов. «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга тобе бўлмайди». Асарлар тўплами, XIII жилд.

6. Узбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараккиет йули, 1 сентябр, 2001 йил

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирликларининг меъёрий хужжатлари.

1. «Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС (ВИЧ/СПИД) касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари хақида», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, 342-сонли буйруқ, Т., 2003 йил.

2. «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ОИВ/ОИТС (ВИЧ/СПИД) касаллигидан эпидемияга қарши ҳимоя қилиш профилактик тадбирларини оқилоналаштириш ҳақида», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, 254-сонли буйруқ, Т., 9.09.2000 йил.
3. «Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС (ВИЧ/СПИД) эпидемиясининг тарқалишига қарши туришнинг 2003-2006 йиллар учун стратегик дастури», Т.
4. «Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС (ВИЧ/СПИД) касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлариниг самарадорлигини ошириш ҳақида», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, 420-сонли буйруқ, Т., 2003 йил.
5. «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ОИВ/ОИТС (ВИЧ/СПИД) касаллигидан эпидемияга қарши ҳимоя қилишни ва профилактик тадбирларини оқилоналаштириш ҳақида», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, 524-сонли буйруқ, Т., 9.09.2000 йил.
6. ОИВ/ОИТС ва инсон хуқуқлари. Халқаро раҳбарлик тамойиллар. БМТ, Нью-Йорк, Женева, 2003 й.
7. «ОИТС эпидемиясининг ривожланиши: 2005 йил декабрь.» ОИТВ профилактикасига бағишланган маъзуза, ЮНЭЙДС, БССТ.
8. «Ҳомиладорликдан сақланиш усуллари ҳақида нималарни билмоқ керак», INFPA, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Тошкент, 2003 йил.
9. «Болалар ва ўсмирлар саломатлигини шакллантириш ва уйғун ривожланишида жисмоний тарбиянинг тиббий асослари», Medical Express, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, 2003 йил.
10. «Ўзбекистон Республикасида йод танқислиги касалликларини камайтириш ва олдини олишнинг 2005-2009 йиллар учун давлат дастури».
11. «Наркотик моддалар, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиси ва уларни суиистеъмол қилишга қарши туришнинг 2002-2005 йиллар учун дастури».

12. ЮНФПА билан биргалиқдаги «Наслий саломатликни мустаҳкамлаш дастури», 2000 йил.
13. «Она ва бола скрининги», 140-сонли Қарор, 1 апрель 1998 й.
14. «Соғлом авлод», 46-сонли Қарор, 15 февраль 2000 й.
15. «Она ва бола», 68-сонли Қарор, 5 февраль 2001 й.
16. «Аёллар ва ўсаётган авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлашнинг қўшимча чоралари тўғрисида», 32-сонли Қарор, 25 февраль 2002 й.
17. «Оилада тибий маданиятни юксалтиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиясини амалга ошириш чоралари тўғрисида», 242-сонли Қарор, 5 июль 2002 й.

VI. Дарсликлар

VI. I. Ўзбекистонда нашр этилган дарсликлар

1. Кошбахтиев ИА., Керимов Ф.А., Ахматов М.С. Валеология асослари. Жисмоний тарбия институтлари, университетлар ва олийгоҳларнинг жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. 55 б.
2. Умумий шифокорлик амалиёти. Кўлланма. Ф.Г. Назиров, А.Г. Гадаев таҳрири остида. М.. Геотар-Медиа, 2005, 1024 бет.
3. Ахмедов Ш.М., Эшанкулов А.Э., Бекмуҳамедов А.А. “Одам анатомияси ва физиологияси”, Т., Ўзинкомцентр, 2002 йил.
4. Худойбердиев Р.Э., Ахмедов А.К., Захидов Х.З. «Одам анатомияси», Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт-матбии бирлашмаси, 1993 йил.
5. Э.С. Шамсиев, М. Рустамбаев, «Наркология», Т., 2003 йил.
6. Э.С. Шамсиев, С.Собиров, «Шошилинч наркология», Т., 2003 йил..

VI. II. Россияда нашр этилган дарсликлар:

1. Вайнер Э.Н. Умумий валеология. Липецк, 1998 й., 303 бет
2. И.И. Брехман. Валеология - саломатлик ҳақидаги фан. М., «Физкультура и спорт», 1990 йил, 280 б.
3. В.В.Марков. Валеология. Дарслик, Москва, 2001 йил, 248 б.

4. Казначеев В.П. Валеологиянинг назарий асослари. Новосибирск, 1993.
5. В.В. Марков. «Соғлом турмуш тарзининг асослари ва касалликларнинг олдини олиш», М., Академия, 2001 йил, 162-176 б.

VII. Ўқув қўлланмалари

VII. I. Ўзбекистонда нашр этилган қўлланмалар

1. «Валеология асослари». Ибадуллаева Х.Т., Абдурахманова Д.Т., Нуриллаева Н.М.. Ўқув қўлланмаси, Тошкент, 2006 йил, 400 бет.
2. Шкондина И.Е., Валеология. Тошкент, 2007 йил, 70 бет.
3. Валеология асосларидан маъruzалар матни. Тошкент. ТДЖТИ, 2006, 125 бет.

VII. II. Россияда нашр этилган қўлланмалар:

1. В.И. Петрушин., Н.В. Петрушин. Валеология. Ўқув қўлланмаси. М., «Гардарики», 2003 йил, 432 б.

VIII. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар

1. Б.П. Никитин, Л.А. Никитина. Болаларимиз саломатлигининг резервлари. М., «Физкультура и спорт», 1996 й., 221 б.
2. Зайцев Г.К. Мактаб валеологияси: Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг саломатлигини таъминлашнинг педагогик асослари. - СПб.: «Акцидент», 1998. 112 б.
3. Колбанов В.В. Валеология. СПб, 1998 й., 25-65 бетлар.
4. Нетленно В.П. Инсон валеологияси: саломатлик - муҳаббат - гўзаллик. СПБ. 5 жилд, 1996-1998.
5. Горохова Е.И. Валеология. Луғат. - М., «Флинта», 1999 й.
6. «ОИТС ва ОИТВ юқумли касаллиги», ЮНЭЙДС, Женева, Швейцария, 2001.
7. Қалқонсимон безнинг касалликлари. Проф. Нажмитдинова Д.К.тахрири остида, тиббий олийгоҳлар 6-курсининг талабалари учун маъruzалар матни, 2004, 14 б.
8. «Замонавий контрацепция усуллари», услугий тавсиялар, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Тошкент, 1997 йил.

9. «ОИТС. Гиёхвандлик» (маъruzалар матни). Ибадуллаева Х. ва бошқалар. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Т., 2005 йил.
10. «Гиёхвандликнинг заарли оқибатлари» (маъruzаларниг матнлари), Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети, Т., 2001 йил.
11. Ю.С. Арзуметов, К.Ю. Юлдашев. Ибн Синонинг тиббий қараашлари. Тошкент, «Тиббиёт», 1983 й., 211 б.
12. Ёқубов О. «Эҳтиёт бўлинг - ОИТС», Ибн Сино нашриёти, Т., 1996 йил.
Фозилова Ф.А. «Наслий саломатлик», Тошкент, Абу Али ибн Сино, 2000 йил.
13. Дерматовенеролог ахборотномаси. Р.А. Капкаев ва ҳаммуаллифлар, Тошкент, Ибн Сино нашриёти, 1998 йил.
14. Қурбонов Д.Д, Содикова М.Ш., Алиева Д.А. «Юқори туғиш минтақасида аёлларнинг наслий саломатлиги (контрацепция усулларини оқилоналаштириш)», ТОшкент, INFPA, 2003 йил.
15. Алимова И., Асадова З. «Шифокордан олдинги ёрдамнинг асослари» (маъзуза матнлари), ТДПУ, 2003 й.
16. Акрамова Ф., Абдуллаева Р. «Оилавий ҳаётга оид психологик тавсиялар», ТДИУ, 2003 йил.

XI. Газеталар ва журналлар.

1. Апанасенко Г.Л. Валеология асрлар чегарасида//Валеология. № 1, 2000, 4-11 б.
2. Кажешева М.О. «Замонавий гормонал контрацептив воситалар», Гинекология – 2002, № 3, 4-жилд, 112-115 бетлар.
3. Межеветинова Е.А. «Контрацепцияда прогестагенлар», Гинекология, 2002 йил, экстра-нашр, 5-7 бетлар.
4. Острейкова Л.И. «Янги кам дозали контрацептив воситасини қўллаш имкониятлари», «Жанин», Гинекология, 2002, № 4, 166-171 бетлар.
5. «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш», Тошкент, 2003-2006 йиллар.
6. «Яша ва бошқаларга яшашга бергин», Шарқ бизнес-ахборотномаси, № 49, Т., 2003 йил.

7. Агобян Л.Р. «Гормонал контрацепция». Умумий амалиёт шифокорининг ахборотномаси. Самарқанд, 2002, № 1, 136-139 бетлар.

XIII. Интернет-сайтлар:

1. ОИТС, Наркомания. <http://www.gepatit/ru/index/hem>
2. Medinfo <http://www.doctor/ru/medinfo>
3. <http://www.Rusmedserv.com/dermatology/erect/htm>
4. http://www.emsvlad/ru/emslibrary/first aid/environment/snow_bite/htm
5. <http://www.gepatit/ru/index/hem>
6. valeo-shkola@mail.ru.
7. <http://weeklynews/mnet/uz/arxiv/23/>
8. http://www.uvestnir/Bu/ru/uv_10/
9. www.narkom/ru